Таъриф. $y = f(x)$ функциянинг x нуқтадаги *ҳосиласи* деб, шу нуқтадаги функция орттирмасининг уни шу орттирмага эриштирадиган аргумент орттирмасига нисбатининг ихтиёрий Δx нолга интилгандаги лимитига айтилади ва қуйидаги белгилашларнинг бири билан белгиланади:

$$y', \ f'(x), \ \frac{dy}{dx}.$$

Шундай қилиб, таърифга кўра:

$$y' = f'(x) = \frac{dy}{dx} = \lim_{\Delta x \to 0} \frac{\Delta y}{\Delta x} = \lim_{\Delta x \to 0} \frac{f(x+\Delta x) - f(x)}{\Delta x}. \tag{2.2}$$

Агар (2.2) формуладаги лимит мавжуд бўлса, $f(x)$ функция x нуқтада *дифференциалланувчи* дейилади.

Ҳосилани топиш амали функцияни *дифференциаллаш* дейилади.

(2.1) тенглик ва ҳосила таърифидан x нуқтадаги ҳосила $y = f(x)$ функция графигидаги $M(x;y)$ нуқтадан ўтказилган уринманинг Ox ўқи билан ташкил этган α бурчаги тангенсига тенг эканлиги келиб чиқади (2-чизмага қаранг). $y' = f'(x)$ ҳосилани физик нуқтаи назардан қараганимизда y функциянинг x нуқтадаги ўзгариш тезлигини билдиради.

Агар C — ўзгармас сон ва $u = u(x)$, $v = v(x)$ бирор дифференциалланувчи функциялар бўлса, у ҳолда қуйидаги дифференциаллаш қоидалари ўринлидир:

1) $(C)' = 0$;
2) $(x)' = 1$;
3) $(u \pm v)' = u' \pm v'$;
4) $(Cu)' = Cu'$;
5) $(u \cdot v)' = u'v + uv'$;
6) $\left(\frac{u}{v}\right)' = \frac{u'v - uv'}{v^2} \quad (v \neq 0)$;
7) $\left(\frac{C}{v}\right)' = -\frac{Cv'}{v^2} \quad (v \neq 0)$;

8) агар $y = f(u)$ бўлиб, $u = \varphi(x)$ бўлса, яъни $y = f[\varphi(x)]$ мураккаб функция дифференциалланувчи функциялардан тузилган бўлса, у ҳолда

$$y'_x = y'_u \cdot u'_x \quad \text{ёки} \quad \frac{dy}{dx} = \frac{dy}{du} \cdot \frac{du}{dx};$$

9) агар $y = f(x)$ функция учун дифференциалланувчи $x = g(y)$ тескари функция мавжуд ва $\frac{dg}{dy} = g'(y) \neq 0$ бўлса, у ҳолда

$$f'(x) = \frac{1}{g'(y)}.$$

Ҳосила таърифи ва дифференциаллаш қоидаларидан фойдаланиб асосий элементар функцияларнинг ҳосилалари жадвалини тузиш мумкин:

1) $(u^{\alpha})' = \alpha u^{\alpha-1} \cdot u'$, $(\alpha \in R)$;
2) $(a^u)' = a^u \ln a \; u'$;
3) $(e^u)' = e^u u'$;
4) $(\log_a u)' = \frac{1}{u \ln a} u'$;
5) $(\ln u)' = \frac{1}{u} \cdot u'$;
6) $(\sin u)' = \cos u \cdot u'$;
7) $(\cos u)' = -\sin u \cdot u'$;
8) $(\mathrm{tg} u)' = \frac{1}{\cos^2 u} \cdot u'$;

9) $(\mathrm{ctg}u)' = \frac{-1}{\sin^2 u}\cdot u'$; 10) $(\arcsin u)' = \frac{1}{\sqrt{1-u^2}}\cdot u'$;

11) $(\arccos u)' = -\frac{1}{\sqrt{1-u^2}}\cdot u'$; 12) $(\mathrm{arctg}u)' = \frac{1}{1+u^2}\cdot u'$;

13) $(\mathrm{arcctg}u)' = -\frac{1}{1+u^2}\cdot u'$; 14) $(\mathrm{sh}u)' = \mathrm{ch}u\cdot u'$;

15) $(\mathrm{ch}u)' = \mathrm{sh}u\cdot u'$; 16) $(\mathrm{th}u)' = \frac{1}{\mathrm{ch}^2 u}\cdot u'$;

17) $(\mathrm{cth}u)' = \frac{1}{\mathrm{sh}^2 u}\cdot u'$.

$y = f(x)$ эгри чизиқнинг $M_0(x_0; f(x_0))$ нуқтасидан ўтказилган уринма тенгламаси:

$$y - f(x_0) = f'(x_0)(x - x_0).$$

$y = f(x)$ эгри чизиқнинг $M_0(x_0; f(x_0))$ нуқтасидан ўтказилган нормал (перпендикуляр) тенгламаси:

$$y - f(x_0) = -\frac{1}{f'(x_0)}(x - x_0) \quad (f'(x_0) \neq 0).$$

Агар $f'(x_0) = 0$ бўлса, нормал тенгламаси $x = x_0$ кўринишда бўлади.

Эгри чизиқ билан нуқта орасидаги бурчак деганда, шу нуқтадан ўтувчи уринма билан эгри чизиқ орасидаги бурчакни тушуниш керак.

1-мисол. Ҳосила таърифидан фойдаланиб (2.2 формулага қаранг) $y = \frac{2x}{3x+1}$ функциянинг ҳосиласини топинг.

Ечиш. Ихтиёрий Δx орттирма учун функция орттирмасини топамиз:

$$\Delta y = \frac{2(x+\Delta x)}{3(x+\Delta x)+1} - \frac{2x}{3x+1} = \frac{6x^2+6x\Delta x+2x+2\Delta x-6x^2-6x\Delta x-2x}{(3x+3\Delta x+1)(3x+1)} =$$

$$= \frac{2\Delta x}{(3x+3\Delta x+1)(3x+1)}.$$

Иккала қисмини Δx га бўламиз:

$$\frac{\Delta y}{\Delta x}=\frac{2}{(3x+3\Delta x+1)(3x+1)}.$$

Бу нисбатнинг $\Delta x\to 0$ да лимитини ҳисоблаймиз:

$$y'=\lim_{\Delta x\to 0}\frac{\Delta y}{\Delta x}=\lim_{\Delta x\to 0}\frac{2}{(3x+3\Delta x+1)(3x+1)}=\frac{2}{(3x+1)^2}.$$

2-мисол. $y=|x|$ функция ҳосиласининг $x=0$ нуқтадаги қийматини топинг.

Ечиш. Эркли ўзгарувчи x нинг ихтиёрий орттирмасида функциянинг $x=0$ нуқтадаги Δy орттирмаси $|\Delta x|$ га тенг:

$$\Delta y=|\Delta x|=\begin{cases}-\Delta x, & \text{агар } \Delta x<0 \text{ бўлса,}\\ \Delta x, & \text{агар } \Delta x>0 \text{ бўлса.}\end{cases}$$

Ҳосила таърифига кўра:

$$y'=\lim_{\Delta x\to 0}\frac{\Delta y}{\Delta x}=\begin{cases}-1, & \text{агар } \Delta x<0 \text{ бўлса,}\\ 1, & \text{агар } \Delta x>0 \text{ бўлса.}\end{cases}$$

Бу эса $x=0$ нуқтада $y=|x|$ функция ҳосилага эга эмаслигини билдиради.

Аммо, бу функция бу нуқтада узлуксиз, яъни

$$\lim_{\Delta x\to 0}\Delta y=\lim_{\Delta x\to 0}|\Delta x|=0.$$

Демак, x нуқтада узлуксиз бўлган ҳамма функциялар бу нуқтада дифференциалланувчи бўлавермас экан.

Машқлар

49. Ҳосила таърифидан фойдаланиб $y=3x^3-2x^2+3x-1$ функциянинг ҳосиласини топинг.

50. Ҳосила таърифидан фойдаланиб $y=\frac{3x-1}{2x+5}$ функциянинг ҳосиласини топинг.

51. $y=\sqrt[3]{x}$ функция $x=0$ нуқтада узлуксиз ва дифференциалланувчи эканлигини кўрсатинг.

52. Қуйидаги функцияларнинг ҳосиласини топинг:

1. $y = 5x^4 - 3\sqrt[7]{x^3} + \frac{7}{x^3} + 4$.

2. $y = 3x^2 + 5\sqrt[3]{x^5} - \frac{4}{x^3}$.

3. $y = \sqrt[7]{x^5} - \frac{2}{x^4} + 7x^5$.

4. $y = 4\sqrt{x} + \frac{4}{\sqrt{x}} + 3x^2$.

5. $y = (x^5 + 3x - 1)^4$.

6. $y = x^3 \sin x$.

7. $y = (x^9 + 1)\cos 5x$.

8. $y = x^3 \cdot \sin x \cdot \ln x$.

9. $y = x^2 \cdot \mathrm{tg}x \cdot e^{2x}$.

10. $y = \frac{x^4+1}{x^4-1}$.

11. $y = \left(\frac{x^4+1}{x^4-4}\right)^3$.

12. $y = \frac{\sin^2 x}{x^3+1}$.

13. $y = \sqrt{\frac{x^3+1}{x^3-1}}$.

14. $y = \sqrt[3]{\left(\frac{x^3+1}{x^3-1}\right)^2}$.

53. $y = x^3 + 2x - 2$ эгри чизиққа абсциссаси $x_0 = 1$ бўлган нуқтадан ўтказилган уринма ва нормалнинг тенгламасини тузинг.

54. $y = \ln(x^2 - 4x + 4)$ эгри чизиққа абсциссаси $x_0 = 1$ бўлган нуқтадан ўтказилган уринма ва нормалнинг тенгламасини тузинг.

55. $y = x^2$ ва $x^2 + 2y^2 = 3$ тенгламалар билан берилган эгри чизиқларнинг кесишган нуқталаридаги бурчакларни топинг.

56. Моддий нуқтанинг t вақт ичида босиб ўтган масофаси $s = \frac{1}{4}t^4 \cdot \frac{1}{3}t^3 + 2t + 1$ га тенг. Берилган нуқтанинг тезлигини топинг.

57. Дифференциаллаш қоидалари ва формулаларидан фойдаланиб берилган функцияларнинг ҳосиласини топинг:

1) $y = x^3 \sin 3x$;

2) $y = x \sin^3 x$;

3) $y = x^2 \cos^2 3x$;

4) $y = e^x \mathrm{tg}4x$;

5) $y = x\,\mathrm{ctg}^2 7x$;

6) $y = \sqrt{x} \cdot \cos\sqrt{x}$;

7) $y = 2^{-\frac{\cos^4 5x}{x}}$;

8) $y = \left(2^{x^4} - \mathrm{tg}^4 x\right)^3$;

9) $y = 2^{\sqrt{\ln x}}$;

10) $y = 3^{\mathrm{tg}^3 5x}$;

11) $y = \left(2^{\mathrm{tg}3x} + \mathrm{tg}3x\right)^2$;

12) $y = x \cdot \sin^2 x \cdot 2^{x^2}$;

13) $y=\sin\left(\operatorname{tg}\sqrt{x}\right)$;

14) $y=(\sin^3 x+\cos^3 2x)^2$;

15) $y=x\sin 7x\operatorname{tg}^2 x$;

16) $y=x\operatorname{ctg}^2 5x$;

17) $y=e^{\operatorname{arctg}\sqrt{x}}$;

18) $y=e^{-\sqrt{x^2+2x+2}}$

19) $y=x^3e^{\operatorname{tg}3x}$;

20) $y=\ln(x^4-\sin^3 x)$;

21) $y=\ln^5(x-2^{-x})$;

22) $y=\log_3(x^2+\sin 3x)$.

2-§. Мураккаб кўрсаткичли ва ошкормас функцияларнинг ҳосилалари

1. Асоси ҳам, даража кўрсаткичи ҳам x нинг функциясидан иборат бўлган, яъни

$$y=[u(x)]^{v(x)}\equiv u^v$$

кўринишдаги функция *мураккаб кўрсаткичли* функция дейилади.

Масалан, $y=(\cos x)^{x^2}$, $y=x^{\cos x}$, $y=x^x$, $y=(\log_a x)^x$ ва шунга ўхшаш функциялар мураккаб кўрсаткичли функциялардир. Бундай функцияларнинг ҳосиласини топишда берилган функция логарифмининг ҳосиласини топишдан иборат бўлган усулни қўллаш кўпинча ҳисоблашни бирмунча соддалаштиради.

Масалан, $y=u^v$ функцияни логарифмлаб ҳосиласини топишдан қуйидаги формулага эга бўламиз:

$$y'=u^v\ln u\cdot v'+vu^{v-1}\cdot u',$$

бунда $u=u(x)$ ва $v=v(x)$.

1-мисол. $y=(\sin 4x)^{x^3}$ функциянинг ҳосиласини топинг.

Ечиш. Тенгликнинг иккала томонини логарифмлаймиз:

$$\ln y=x^3\ln\sin 4x.$$

Бу тенгликнинг иккала томонини x бўйича дифференциаллаймиз:

$$(\ln y)'=(x^3)'\cdot\ln\sin 4x+x^3(\ln\sin 4x)'.$$

Бундан

$$\frac{y'}{y} = 3x^2 \ln\sin 4x + 4x^3 \cdot \frac{1}{\sin 4x} \cos 4x .$$

Соддалаштирамиз:

$$y' = y\left(3x^2 \ln\sin 4x + 4x^3 \mathrm{ctg} 4x\right).$$

y ўрнига $y = (\sin 4x)^{x^3}$ ифодани қўйиб, ушбу натижани ҳосил қиламиз:

$$y' = (\sin 4x)^{x^3} \left(3x^2 \ln\sin 4x + 4x^3 \mathrm{ctg} 4x\right).$$

2. Иккита x ва y ўзгарувчилар орасидаги боғланиш

$$F(x,y) = 0 \qquad (2.3)$$

тенглама кўринишида берилган бўлсин.

(2.3) ошкормас функцияни ошкор кўринишга келтирмасдан ҳосиласини топиш қоидасини кўрсатамиз.

y ни x нинг функцияси деб (2.3) тенгламанинг иккала қисмини дифференциаллаш, сўнгра ҳосил қилинган тенгламадан y' ни топиш керак. Буни қуйидаги мисолда кўрсатамиз.

2 - м и с о л . $x^4+y^4-3xy = 0$ ошкормас функциянинг y' ҳосиласини топинг.

Е ч и ш . y ни x нинг функцияси деб берилган тенгламанинг иккала қисмини дифференциаллаймиз:

$$4x^3 + 4y^3 \cdot y' - 3y - 3xy' = 0.$$

Бундан эса

$$y' = \frac{4x^3-3y}{3x-4y^3}$$

ни топамиз.

Машқлар

58. Берилган функцияларни логарифмлаб сўнгра ҳосиласини топинг:

1) $y = 3^{x^2} - \mathrm{tg}^4 2x$; 2) $y = x^3 \mathrm{th}^3 x$;

3) $y = \lg^4(x^5 - \sin^5 2x)$; 4) $y = \mathrm{arctg}\sqrt{1 + e^{-x^2}}$;

5) $y = x^3 \ln^2(\sin^2 x - \mathrm{tg}^2 x)$; 6) $y = (\sin 3x)^{\cos 5x}$;

7) $y = (x^3 + 1)^{\mathrm{tg} 2x}$; 8) $y = \left(\mathrm{tg} 3x\right)^{x^2}$;

9) $y = (1 + x^4)^{\mathrm{tg} 7x}$; 10) $y = \left(\mathrm{ctg} 5x\right)^{x^3 - 1}$.

59. Қуйидаги ошкормас кўринишда берилган функцияларнинг ҳосиласини топинг:

1) $\sqrt[3]{x} + \sqrt[3]{y} = a$; 2) $y^2 + x^2 - \sin\left(x^2 - y^2\right) = 5$;

3) $2^x + 2^y = 2^{x+y}$; 4) $e^{xy} - x^4 + y^4 = 5$;

5) $e^{xy} - x^3 - y^3 = 3$; 6) $xy - \mathrm{arctg}\frac{x}{y} = 3$.

3-§. Юқори тартибли ҳосилалар

1. Биринчи тартибли ҳосиладан олинган ҳосила, яъни

$$(y')' = (f'(x))' \text{ ёки } y'' = f''(x)$$

ҳосила $y = f(x)$ функциянинг иккинчи тартибли ҳосиласи дейилади ва y'', $f''(x)$, $\frac{d^2y}{dx^2}$ белгиларнинг бири билан белгиланади.

Иккинчи тартибли ҳосиланинг ҳосиласига учинчи тартибли ҳосила дейилади ва y''', $f'''(x)$, $\frac{d^3y}{dx^3}$ белгиларнинг бири билан белгиланади.

Умуман, $y = f(x)$ функциянинг n-тартибли ҳосиласи деб, унинг $(n-1)$-тартибли ҳосиласининг ҳосиласига айтилади ва $y^{(n)}$, $f^{(n)}(x)$, $\frac{d^ny}{dx^n}$ белгиларнинг бири билан белгиланади.

1-мисол. $y = \ln\left(x + \sqrt{x^2 + a^2}\right)$ функциянинг иккинчи тартибли ҳосиласини топинг.

Ечиш. Дастлаб ҳосилалар жадвалидан фойдаланиб биринчи тартибли ҳосилани топамиз:

$$y' = \frac{1}{x+\sqrt{x^2+a^2}} \cdot \left(x + \sqrt{x^2 + a^2}\right)' = \frac{1}{x+\sqrt{x^2+a^2}} \cdot \left(1 + \frac{x}{\sqrt{x^2+a^2}}\right) =$$

$$= \frac{1}{x+\sqrt{x^2+a^2}} \cdot \frac{x+\sqrt{x^2+a^2}}{\sqrt{x^2+a^2}} = \frac{1}{\sqrt{x^2+a^2}}.$$

Ҳосил бўлган натижадан яна ҳосила оламиз:

$$y'' = (y')' = \left(\frac{1}{\sqrt{x^2+a^2}}\right)' = \left(\left(x^2 + a^2\right)^{-\frac{1}{2}}\right)' =$$

$$= -\frac{1}{2} \cdot \left(x^2 + a^2\right)^{-\frac{3}{2}} \cdot 2x = -\frac{x}{\sqrt{\left(x^2+a^2\right)^3}}.$$

2-мисол. $y = (2x - 1)^4$ функциянинг биринчи ва иккинчи тартибли ҳосилаларининг $x_1 = 1$, $x_2 = -1$ нуқталардаги қийматларини ҳисобланг.

Ечиш. Биринчи тартибли ҳосилани топамиз:

$$y' = 8\ (2x - 1)^3.$$

$$x_1 = 1 \text{ да } y'(1) = 8;\ x_2 = -1 \text{ да } y'(-1) = -216.$$

Энди иккинчи тартибли ҳосилани топамиз:

$$y'' = 48(2x-1)^2;\ \ x_1 = 1 \text{ да } y''(1) = 48,$$

$$x_2 = -1 \text{ да } y''(-1) = 432.$$

3-мисол. $y = \sin x$ функциянинг n-тартибли ҳосиласини топинг.

Ечиш.

Берилган функцияни кетма-кет n марта дифференциаллаб топамиз:

$$y' = \cos x = \sin\left(x + \frac{\pi}{2}\right),$$

$$y'' = \cos x\left(x + \frac{\pi}{2}\right) = \sin\left(x + 2 \cdot \frac{\pi}{2}\right),$$

$$y''' = \cos x\left(x + 2\cdot\frac{\pi}{2}\right) = \sin\left(x + 3\cdot\frac{\pi}{2}\right),$$

... ...

$$y^{(n)} = \cos\left(x + (n-1)\frac{\pi}{2}\right) = \sin\left(x + n\cdot\frac{\pi}{2}\right).$$

3. Параметрик берилган функцияларнинг юқори тартибли ҳосилалари.

Агар x нинг функцияси y ушбу

$$\begin{cases} x = \varphi(t), \\ y = \psi(t) \end{cases} \tag{2.4}$$

параметрик тенгламалар билан берилган бўлса, (2.4) ифодага функциянинг *параметрик* кўринишдаги берилиши дейилади.

Бу ҳолда у нинг x бўйича ҳосиласи y'_x

$$y'_x = y' = \frac{\frac{dy}{dt}}{\frac{dx}{dt}} = \frac{y'_t}{x'_t} \tag{2.5}$$

тенглик билан аниқланади.

Иккинчи ҳосила y'' ёки $\frac{d^2y}{dx^2}$ ни топиш учун x нинг функцияси t эканлигини назарда тутиб, (2.5) тенгликни x бўйича дифференциаллаймиз:

$$\frac{d^2y}{dx^2} = \frac{\frac{dx}{dt}\cdot\frac{d^2y}{dt^2} - \frac{dy}{dt}\cdot\frac{d^2x}{dt^2}}{\left(\frac{dx}{dt}\right)^3}$$

ёки

$$\frac{d^2y}{dx^2} = \frac{\varphi'(t)\cdot\psi''(t) - \psi'(t)\cdot\varphi''(t)}{[\varphi'(t)]^3}. \tag{2.6}$$

Шунга ўхшаш $\frac{d^3y}{dx^3}$, $\frac{d^4y}{dx^4}$ ва ҳоказо ҳосилаларни топиш мумкин.

4-мисол. Ушбу

$$\begin{cases} x = \sin^2 t, \\ y = \sin 2t \end{cases}$$

параметрик тенгламалари билан берилган y функциянинг иккинчи тартибли ҳосиласини топинг.

Ечиш.

I усул. (2.6) формула бўйича ҳосилаларни топиб, сўнгра ўрнига қўямиз:

$$x_t' = 2\sin t\cos t = \sin 2t, \ \ x_t'' = 2\cos 2t,$$

$$y_t' = 2\cos 2t, \ \ y_t'' = -4\sin 2t,$$

$$y'' = \frac{\sin 2t\cdot(-4\sin 2t) - 2\cos 2t\cdot 2\cos 2t}{(\sin 2t)^3} = \frac{-4(\sin^2 2t + \cos^2 2t)}{\sin^3 2t} = -\frac{4}{\sin^3 2t}.$$

II усул. Биринчи тартибли ҳосилани топамиз:

$$y' = \frac{y_t'}{x_t'} = \frac{2\cos 2t}{\sin 2t} = 2\text{ctg}2t.$$

Бу ҳосилани

$$\begin{cases} y' = 2\text{ctg}2t, \\ x = \sin^2 t \end{cases}$$

кўринишда параметрик берилган функция деб қараб, (2.5) формула бўйича иккинчи ҳосилани топамиз:

$$y'' = \frac{d^2y}{dx^2} = \frac{(y')_t'}{x_t'} = \frac{(2\text{ctg}2t)'}{(\sin^2 t)'} = \frac{-2\cdot\dfrac{2}{\sin^2 2t}}{2\sin t\cdot\cos t} = -\frac{\dfrac{4}{\sin^2 2t}}{\sin 2t} = -\frac{4}{\sin^3 2t}.$$

Кўриб турганимиздек, натижалар бир хил.

Машқлар

60. Қуйидаги функцияларнинг иккинчи тартибли ҳосиласини топинг:

1) $y = (1 + 4x^2)\text{arctg}\, 2x$; 2) $y = (x^2 + 1)\ln(1 + x^2)$;

3) $y = e^{-3x}(\cos 2x + \sin 2x)$; 4) $y = \sqrt{1-4x^2}\cdot\arcsin 2x$.

61. Қуйидаги тенгламалар билан берилган функцияларнинг иккинчи тартибли ҳосиласини топинг:

1) $\begin{cases} y = t^3 + t^2 - 1, \\ x = t^2 + t + 1; \end{cases}$ 2) $\begin{cases} y = 2\sin^3 t, \\ x = 2\cos^3 t; \end{cases}$

3) $\begin{cases} y = t^3 + t, \\ x = t^2 - 2t; \end{cases}$ 4) $\begin{cases} y = t^3 + t^2 + 1, \\ x = \frac{1}{t}; \end{cases}$

5) $\begin{cases} y = (2t + 1)\cos t, \\ x = \ln t; \end{cases}$ 6) $\begin{cases} y = 1 - \cos t, \\ x = t - \sin t. \end{cases}$

62. $x^4 - xy + y^4 - 1 = 0$ тенглама билан берилган функция иккинчи тартибли ҳосиласининг $M(0;1)$ нуқтадаги қийматини ҳисобланг

63. $e^y + y - x = 0$ тенглама билан берилган функция иккинчи тартибли ҳосиласининг $N(1;0)$ нуқтадаги қийматини ҳисобланг.

64. $x^3 + y^3 - xy = 1$ ва $x^2 + 2y^2 - xy + x + y = 4$ тенгламалар билан берилган функциялар иккинчи тартибли ҳосилаларининг $Q(1;1)$ нуқтадаги қийматини ҳисобланг.

65. Нуқтанинг $0x$ бўйича ҳаракат тенгламаси $x = 100 - 5t - 0{,}001t^3$ берилган (бунда x — метрда, t — секундда). Бу нуқтанинг вақтнинг $t_0 = 0$, $t_1 = 1$, $t_2 = 10$с пайтлардаги тезлиги ва тезланишларини топинг.

4-§. Функциянинг биринчи ва юқори тартибли дифференциали ва унинг татбиқи

Ҳосила таърифига кўра

$$y' = \lim_{\Delta x \to 0} \frac{\Delta y}{\Delta x},$$

лимитнинг таърифига асосан

$$\frac{\Delta y}{\Delta x} = y' + \varepsilon(x)$$

ёки

$$\Delta y = y'\Delta x + \varepsilon(x)\Delta x \tag{2.7}$$

ифодага эга бўламиз (бунда $\lim\limits_{\Delta x \to 0} \varepsilon(x) = 0$). (2.7) тенгликдан кўриниб турибдики, функция орттирмаси Δy ни икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи қисм эркли ўзгарувчининг орттирмаси Δx га нисбатан чизиқли бўлган, иккинчи қисми Δx га нисбатан юқори тартибли чексиз кичик миқдордан иборат. Биринчи қисм $y'\Delta x$ функция орттирмасининг асосий қисми (бош қисми) ёки *дифференциали* дейилади ва

$$dy = y'\Delta x \tag{2.8}$$

каби белгиланади. Эркли ўзгарувчининг дифференциали унинг орттирмасига тенг, яъни $dx = \Delta x$. У ҳолда (2.8) ифода

$$dy = y'dx \text{ ёки } dy = f'(x)dx \tag{2.9}$$

каби ёзилади.

Юқори тартибли дифференциаллар қуйидагича аниқланади:

$$d^2y = d(dy);\ d^3y = d(d^2y), \ldots,\ d^ny = d(d^{n-1}y).$$

Агар $y = f(x)$ функция берилган бўлса, унинг юқори тартибли дифференциаллари қуйидагича аниқланади:

$$d^2y = f''(x)dx^2,\ d^3y = f'''(x)dx^3, \ldots,\ d^{(n)}y = f^{(n)}(x)dx^n.$$

Агар $y = f(u)$, бунда $u = \varphi(x)$ бўлса, $dy = f'(u)du$, $du = \varphi'(x)dx$, $d^2y = y''(du)^2 + y'd^2u$ ва ҳоказо.

(2.9) формуладан кўриниб турибдики, функциянинг дифференциалини топиш учун унинг ҳосиласини топиб, ҳосилани эркли ўзгарувчининг орттирмасига кўпайтириш керак экан.

1-мисол $y = \sin^4 3x$ функциянинг дифференциалини топинг.

Ечиш. Берилган функциянинг ҳосиласини топамиз:

$$y' = 4\sin^3 3x \cos 3x \cdot 3.$$

(2.9) формулага кўра функция дифференциали :

$$dy = 12\sin^3 3x \cdot \cos 3x dx$$

га тенг.

2-мисол $y = \ln(1 + x^3)$ функциянинг иккинчи тартибли дифференциалини топинг.

Ечиш. Функциянинг биринчи тартибли ҳосиласини топамиз:

$$y' = \frac{3x^2}{1+x^3}.$$

Энди y' функциядан ҳосила олиб, иккинчи тартибли ҳосилани топамиз:

$$y'' = \frac{6x(1+x^3)-3x^2\cdot 3x^2}{\left(1+x^3\right)^2} = \frac{6x+6x^4-2x^4}{\left(1+x^3\right)^2} = \frac{3x(2-x^3)}{\left(1+x^3\right)^2}.$$

Демак,

$$d^2y = \frac{3x(2-x^3)}{\left(1+x^3\right)^2}dx^2.$$

$y = f(x)$ функциянинг бирор x нуқтадаги қиймати ва ҳосиласи берилган бўлсин. $f(x+\Delta x)$ функциянинг бирор $x + \Delta x$ нуқтага яқин қийматини қандай топишни кўрсатамиз. $\Delta y \approx dy$ ёки $\Delta y \approx f'(x)\Delta x$ тенгсизликдан фойдаланамиз. $\Delta y = f(x+\Delta x) - f(x)$ бўлгани сабабли $f(x+\Delta x) - f(x) \approx f'(x)\Delta x$, бундан

$$f(x+\Delta x) \approx f(x) + f'(x)\Delta x. \qquad (2.10)$$

(2.10) формула эркли ўзгарувчи x нинг кичик орттирмаси Δx учун функция қийматини топишда кенг қўлланилади.

3-мисол. Агар кубнинг ҳажми 27м^3 дан 27,1м^3 га орттанлиги маълум бўлса, унинг томонининг орттирмасини ҳисобланг.

Ечиш. Агар кубнинг ҳажми x бўлса, унинг томони $y = \sqrt[3]{x}$ бўлади. Масала шартига кўра: $x = 27$, $\Delta x = 0{,}1$. Куб томонининг орттирмаси

$$\Delta y \approx dy = y'(x)\Delta x = \frac{1}{3\sqrt[3]{27^2}}\cdot 0{,}1 = \frac{0{,}1}{27} \approx 0{,}0087\ м$$

ни ташкил этади.

4 - м и с о л . Баландлиги $H = 40$ см, асосининг радиуси $R = 30$ см бўлган цилиндр берилган. Асос радиусини 0,5 см га орттирилганда цилиндр ҳажмининг қанчалик ортишини тақрибий ҳисобланг.

Е ч и ш . H баландлик ўзгармас ва асос радиуси ўзгарувчи бўлганда V ҳажм R нинг функцияси бўлади: $V = \pi H \cdot R^2$. Ҳажмнинг ΔV орттирмасини топиш учун dV ни ΔV билан алмаштирамиз:

$$\Delta V \approx 2\pi HR\Delta R.$$

Масала шартига кўра $H = 40$ см, $R = 30$ см ва $\Delta R = 0{,}5$ см бўлгани учун

$$\Delta V \approx 2\pi \cdot 40 \cdot 30 \cdot 0{,}5 = 1200\pi \approx 3770 \text{ (см}^3\text{)}.$$

Тақрибий ҳисоблашларда у ёки бу сабабларга кўра хатоликларга йўл қўйилади. Уларни абсолют ва нисбий хатоликларга бўлиш мумкин.

1. А б с о л ю т   х а т о л и к . Агар аргументнинг абсолют хатоси ε_x берилган бўлса, функциянинг ε_y абсолют хатоси функция дифференциали ёрдамида ҳисобланади.

Амалий масалаларда аргументнинг қийматлари ўлчашлар ёрдамида аниқланади ва унинг абсолют хатоси ҳам топилади.

Функциянинг абсолют хатоси қуйидагича аниқланади:

$$|f(x) - f(x_0)| \approx |f'(x_0)| \cdot |dx| < |f'(x_0)| \cdot \varepsilon_x ,$$

бундан

$$\varepsilon_y = |f'(x_0)| \cdot \varepsilon_x.$$

2. Н и с б и й   х а т о л и к . Нисбий хатолик деб ε_y абсолют хатоликнинг ўлчанаётган катталикнинг тақрибий қиймати $f(x_0)$ модулига нисбатига айтилади ва қуйидагича белгиланади:

$$\delta_y = \frac{\varepsilon_y}{|f(x_0)|} = \frac{|f'(x_0)|}{|f(x_0)|} \cdot \varepsilon_x = |(\ln f(x_0))'| \cdot \varepsilon_x .$$

5-мисол. $\sin 31°$ нинг тақрибий қийматини топинг.

Ечиш. $x = \frac{\pi}{6}$ деб оламиз, у ҳолда

$$\Delta x = 1° \cdot \frac{\pi}{180°} = 0,017 .$$

Демак, аргументнинг абсолют хатоси $\varepsilon_x = 0,017$.

$$\sin 31° = \sin(30° + 1°) \approx \sin 30° + \cos 30° \cdot 0,017 =$$
$$= 0,5 + 0,017 \cdot \frac{\sqrt{3}}{2} \approx 0,515.$$

Функциянинг абсолют хатоси:

$$\varepsilon_y = \left|\cos\frac{\pi}{6}\right| \cdot 0,017 = 0,015 .$$

Нисбий хато:

$$\delta_y = \frac{0,015}{0,5} \cdot 100\% = 3\% .$$

Машқлар

66. Қуйидаги функцияларнинг биринчи тартибли дифференциалларини топинг:

1) $y = x\,\mathrm{tg}^3 x$; 2) $y = \sqrt{\mathrm{arctg}x} + (\arcsin x)^2$;

3) $y = \ln\left(x + \sqrt{4 + x^2}\right)$; 4) $y = \frac{a}{x} + \mathrm{arctg}\frac{x}{a}$;

5) $y = \frac{b}{x^2} - \mathrm{arcctg}\frac{a}{x}$; 6) $y = \sqrt[4]{(x+1)^3} - \sqrt[8]{x^5 + 1}$;

7) $y = (x^2 - 1)^2 - x^4$; 8) $y = \cos 2^x - \ln\sin 4x$;

9) $x^2y^2 = (a + x)^3(a - x)$; 10) $y = \ln(1 + e^{10x}) + \mathrm{arctg}e^{3x}$.

67. Қуйидаги функцияларнинг иккинчи тартибли дифференциалларини топинг:

1) $y = 3x^5 + x^3 - 2x + 5$; 2) $y = \ln(3^x - \cos 2x)$;

3) $y = x^2e^{2x}$; 4) $y = \mathrm{arctg}\left(3x + \sqrt{x}\right)$;

5) $y = e^{-x} \cdot \sin 2x$; 6) $y = x^3 \cdot \sin(4x + 1)$.

68. Қуйидаги функцияларнинг учинчи тартибли дифференциалларини топинг:

1) $y = \sin^2 2x$; 2) $y = \frac{\ln x}{x}$; 3) $y = x^3 \ln x$.

69. $y = x^3 - 4x^2 + 5x + 3$ функциянинг $x = 1{,}03$ да тақрибий қийматини вергулдан кейинги иккита рақамигача аниқлик билан топинг.

70. $y = \sqrt{\frac{1-x}{1+x}}$ функциянинг $x = 0{,}1$ да тақрибий қийматини вергулдан кейинги учта рақамигача аниқлик билан топинг.

71. $y = \sqrt{x^2 - 7x + 10}$ функциянинг $x = 0{,}98$ да тақрибий қийматини вергулдан кейинги иккита рақамигача аниқлик билан топинг.

72. Қуйидаги ифодаларнинг тақрибий қийматини вергулдан кейинги иккита рақамигача аниқлик билан топинг.

а) $y = \sqrt[4]{17}$; б) $y = \sqrt{82}$; в) $\sin 61°$; г) $\mathrm{tg}\, 31°$.

5-§. Дифференциалланувчи функциялар ҳақида баъзи теоремалар. Лопиталь қоидаси

1. **Ролль теоремаси**. Агар $y = f(x)$ функция $[a;b]$ кесмада аниқланган ва узлуксиз бўлиб, шу кесманинг ички нуқталарида дифференциалланувчи ва $f(a) = f(b)$ бўлса, у ҳолда камида битта $x = c$ $(a < c < b)$ нуқта топиладики, бу нуқтада $f'(c) = 0$ бўлади.

2. **Лагранж теоремаси** Агар $y = f(x)$ функция $[a;b]$ кесмада аниқланган ва узлуксиз, шу кесманинг ички нуқталарида дифференциалланувчи бўлса, у ҳолда бу кесмада энг камида битта $x = c$ $(a < c < b)$ нуқта топиладики, бу нуқтада

$$\frac{f(b) - f(a)}{b - a} = f'(x) \qquad (2.11)$$

тенглик ўринли бўлади.

(2.11) формула Лагранж формуласи ёки чекли орттирмалар формуласи дейилади.

3. **Коши теоремаси.** Агар $y=f(x)$ ва $y=\varphi(x)$ функциялар $[a,b]$ кесмада узлуксиз ва унинг барча ички нуқталарида дифференциалланувчи ҳамда шу кесмада $\varphi'(x)\neq 0$ бўлса, у ҳолда шу кесмада энг камида битта $x=c$ $(a<c<b)$ нуқта топиладики, бу нуқтада қуйидаги тенглик ўринли бўлади:

$$\frac{f(b)-f(a)}{\varphi(b)-\varphi(a)}=\frac{f'(c)}{\varphi'(c)}. \tag{2.12}$$

4-теорема. Лопиталь қоидаси. $\frac{0}{0}$ ва $\frac{\infty}{\infty}$ кўринишдаги аниқмасликларни ечиш. Агар $y=f(x)$ ва $\varphi(x)$ функциялар $x=x_0$ нуқтанинг бирор атрофида Коши теоремасининг шартларини қаноатлантирса, $x\to x_0$ да $\lim\limits_{x\to x_0} f(x)=0$, $\lim\limits_{x\to x_0}\varphi(x)=0$ (ёки $+\infty$ га) интилса ва $\lim\limits_{x\to x_0}\frac{f'(x)}{\varphi'(x)}$ лимит мавжуд бўлса, у ҳолда $\lim\limits_{x\to x_0}\frac{f(x)}{\varphi(x)}$ лимит ҳам мавжуд бўлиб, бу лимитлар ўзаро тенг бўлади, яъни

$$\lim_{x\to x_0}\frac{f(x)}{\varphi(x)}=\lim_{x\to x_0}\frac{f'(x)}{\varphi'(x)}.$$

Лопиталь қоидаси $x_0\to+\infty$ бўлганида ҳам ўринлидир.

Агар $f'(x_0)=\varphi'(x_0)=0$ (ёки ∞) бўлса ва теорема шартларида $y=f(x)$ ва $y=\varphi(x)$ функцияларга қўйилган шартларни $f'(x)$ ва $\varphi'(x)$ ҳосилалар ҳам қаноатлантирса, у ҳолда $\frac{f'(x)}{\varphi'(x)}$ нисбатга Лопиталь қоидасини қўллаб $\lim\limits_{x\to x_0}\frac{f'(x)}{\varphi'(x)}=\lim\limits_{x\to x_0}\frac{f''(x)}{\varphi''(x)}$ формулага эга бўламиз ва ҳоказо.

1-мисол. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{e^{4x}-1}{\sin 6x}$ ни ҳисобланг.

Ечиш. Берилган касрнинг сурат ва махражи узлуксиз, дифференциалланувчи ва лимити нолга тенг, яъни $\frac{0}{0}$ кўринишдаги аниқмасликка эгамиз. Шунинг учун унга Лопиталь қоидасини қўллаш мумкин:

$$\lim_{x\to 0}\frac{e^{4x}-1}{\sin 6x}=\lim_{x\to 0}\frac{\left(e^{4x}-1\right)'}{(\sin 6x)'}=\lim_{x\to 0}\frac{4e^{4x}}{6\cos 6x}=\frac{4}{6}=\frac{2}{3}.$$

Агар $\lim\limits_{x\to x_0} f(x)=0$ ва $\lim\limits_{x\to x_0}\varphi(x)=\infty$ бўлса, у ҳолда $f(x)$ ва $\varphi(x)$ функцияларнинг кўпайтмасидан $0\cdot\infty$ кўринишдаги аниқмасликка эга бўламиз.

Агар $\lim\limits_{x\to x_0} f(x)=\infty$ ва $\lim\limits_{x\to x_0}\varphi(x)=\infty$ бўлса, у ҳолда бу функцияларнинг айирмасидан $\infty-\infty$ кўринишдаги аниқмасликка эга бўламиз.

Иккала ҳолда ҳам, яъни $0\cdot\infty$ ёки $\infty-\infty$ кўринишдаги аниқмасликларни ечиш учун уларни алгебраик ўзгартиришлар ёрдамида $\frac{0}{0}$ ёки $\frac{\infty}{\infty}$ кўринишга келтирилади.

2-мисол. $\lim\limits_{x\to\infty} x^2e^{-x}$ лимитни ҳисобланг.

Ечиш. $\lim\limits_{x\to\infty} x^2=\infty$, $\lim\limits_{x\to\infty} e^{-x}=0$ бўлгани учун $0\cdot\infty$ кўринишдаги аниқмасликка эгамиз.

$$\lim_{x\to\infty} x^2e^{-x}=\lim_{x\to\infty}\frac{x^2}{e^x}=\lim_{x\to\infty}\frac{\left(x^2\right)'}{\left(e^x\right)'}=\lim_{x\to\infty}\frac{2x}{e^x}=\lim_{x\to\infty}\frac{(2x)'}{\left(e^x\right)'}=$$

$$=\lim_{x\to\infty}\frac{2}{e^x}=\frac{2}{\infty}=0.$$

3-мисол. $\lim\limits_{x\to 1}\left(\frac{x}{x-1}-\frac{1}{\ln x}\right)$ лимитни топинг.

Ечиш. $x\to 1$ да $\infty-\infty$ кўринишдаги аниқмасликка эгамиз. Қавс ичидаги ифодани умумий махражга келтирамиз:

$$\lim_{x\to 1}\left(\frac{x}{x-1}-\frac{1}{\ln x}\right)=\lim_{x\to 1}\frac{x\ln x-x+1}{(x-1)\ln x}.$$

Натижада $\frac{0}{0}$ кўринишдаги аниқмасликка эга бўлдик. Энди унга Лопиталь қоидасини татбиқ этамиз:

$$\lim_{x\to 1}\frac{x\ln x-x+1}{(x-1)\ln x}=\lim_{x\to 1}\frac{(x\ln x-x+1)'}{((x-1)\ln x)'}=\lim_{x\to 1}\frac{\ln x}{\ln x+\frac{x-1}{x}}\left(\frac{0}{0}\right)=$$

$$=\lim_{x\to 1}\frac{(\ln x)'}{(\ln x)'+\left(\frac{x-1}{x}\right)'}=\lim_{x\to 1}\frac{\frac{1}{x}}{\frac{1}{x}+\frac{1}{x^2}}=\frac{1}{2}.$$

$\left[f(x)\right]^{\varphi(x)}$ кўринишдаги функцияларни қараймиз, бунда қуйидаги ҳоллар бўлиши мумкин:

1. Агар $\lim\limits_{x\to x_0} f(x)=0$, $\lim\limits_{x\to x_0} \varphi(x)=0$ бўлса, 0^0 кўринишдаги аниқмасликка эга бўламиз.

2. Агар $\lim\limits_{x\to x_0} f(x)=1$, $\lim\limits_{x\to x_0} \varphi(x)=\infty$ бўлса, 1^∞ кўринишдаги аниқмасликка эга бўламиз.

3. Агар $\lim\limits_{x\to x_0} f(x)=\infty$, $\lim\limits_{x\to x_0} \varphi(x)=0$ бўлса, ∞^0 кўринишдаги аниқмасликка эга бўламиз.

Бундай аниқмасликларни ечиш учун логарифмлаш усулидан фойдаланиб уларни юқорида кўрилган аниқмасликка келтирилади. Ушбу

$$\lim_{x\to x_0}\left[f(x)\right]^{\varphi(x)}=A$$

белгилашни киритамиз ва унинг ҳар иккала қисмини логарифмлаймиз ва логарифмнинг хоссаларидан фойдаланамиз:

$$\lim_{x\to x_0}\left[\varphi(x)\cdot\ln f(x)\right]=\ln A.$$

Бу $0\cdot\infty$ кўринишдаги аниқмасликдан иборат. Уни $\frac{\infty}{\infty}$ кўринишга келтириб ечилади:

$$\ln A=\lim_{x\to x_0}\frac{\ln f(x)}{\frac{1}{\varphi(x)}}\ \left(\frac{\infty}{\infty}\right).$$

4-мисол. $\lim\limits_{x\to 0}\left(e^x+x\right)^{\frac{1}{x}}$ лимитни ҳисобланг.

Ечиш. Изланаётган ифоданинг лимитини A деб белгилаб оламиз ва иккала қисмини логарифмлаймиз:

$$\ln A=\lim_{x\to 0}\frac{1}{x}\ln\left(e^x+x\right)=\lim_{x\to 0}\frac{\ln\left(e^x+x\right)}{x}=\lim_{x\to 0}\frac{\left(\ln\left(e^x+x\right)\right)'}{x'}=$$

$$=\lim_{x\to 0}\frac{\frac{e^x+1}{e^x+x}}{1}=2.$$

Демак, $\ln A=2$, бундан $A=e^2$.

Машқлар

73. $f(x) = x - x^3$ функция $[-1;0]$ ва $[0;1]$ кесмаларда Ролль теоремаси шартларини қаноатлантиришини кўрсатинг ва унга мос C нинг қийматини топинг.

74. $[1;e]$ кесмада $y = \ln x$ функция учун Лагранж теоремаси тўғрилигини текширинг.

75. $[0;\frac{\pi}{2}]$ кесмада $f(x) = \sin x$ ва $\varphi(x) = x + \cos x$ функциялар учун Коши теоремаси тўғрилигини текширинг.

76. Қуйидаги лимитларни топинг:

а) $\lim\limits_{x\to 1}\dfrac{x^3-7x^2+4x+2}{x^3-5x+4}$; б) $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{x\cos x-\sin x}{x^3}$;

в) $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{e^{7x}-1}{\operatorname{tg}3x}$; г) $\lim\limits_{x\to 1}\left(\dfrac{2x}{x-1}-\dfrac{1}{\ln x}\right)$;

д) $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{2}{1+x}\right)^x$; е) $\lim\limits_{x\to\pi/2}(\operatorname{tg}x)^{2x-\pi}$;

ж) $\lim\limits_{x\to a}\left(2-\dfrac{x}{a}\right)^{\operatorname{tg}\frac{\pi x}{2a}}$.

77. Қуйидаги лимитларни топинг:

а) $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{1-\cos 7x}{x\sin 7x}$; б) $\lim\limits_{x\to 0}(\cos 2x)^{\frac{1}{x^2}}$; в) $\lim\limits_{x\to 2}\dfrac{\operatorname{ctg}\frac{\pi x}{4}}{x-2}$;

г) $\lim\limits_{x\to 0}\left(\dfrac{1}{x}\right)^{\sin x}$; д) $\lim\limits_{x\to 0}\left(x\sin\dfrac{3}{x}\right)$; е) $\lim\limits_{x\to 1}x^{\frac{1}{1-x}}$.

6-§. Функцияларни текшириш ва уларнинг графикларини ясашга ҳосиланинг татбиқи

1-таъриф. Агар x аргументнинг $(a;b)$ интервалдаги катта (кичик) қийматига функциянинг катта (кичик) қиймати мос келса, яъни $x_1 < x_2$ да $f(x_1) < f(x_2)$ ($f(x_1) > f(x_2)$) бўлса, у ҳолда $y = f(x)$ функция *ўсувчи (камаювчи)* дейилади.

Функциянинг ўсиш (камайиш) аломатларини кўрсатамиз.

1. Агар дифференциалланувчи $y = f(x)$ функция $[a;b]$ кесмада ўсувчи (камаювчи) бўлса, унинг шу кесмадаги ҳосиласи мусбат (манфий), яъни $f'(x) > 0$ ($f'(x) < 0$) бўлади.

2. Агар $[a;b]$ кесмада узлуксиз ва кесманинг ички нуқталарида дифференциалланувчи функция мусбат (манфий) ҳосилага эга бўлса, $y = f(x)$ функция шу кесмада *ўсувчи (камаювчи)* бўлади.

Агар ихтиёрий $x_1 < x_2$ лар учун $f(x_1) \le f(x_2)$ ($f(x_1) \ge f(x_2)$) бўлса, $y = f(x)$ функция бирор интервалда *камаймайдиган (ўсмайдиган)* функция дейилади.

Функциянинг камаймайдиган ёки ўсмайдиган интерваллари унинг *монотонлик интерваллари* дейилади.

Агар берилган кесмада $y = f(x)$ функция фақат ўсувчи ёки фақат камаювчи бўлса, шу кесмада $y = f(x)$ функция *монотон* дейилади.

Функциянинг монотонлик характери функциянинг ҳосиласи ишорасини ўзгартирмайдиган нуқталарда ўзгариши мумкин.

Функциянинг биринчи тартибли ҳосиласини нолга айлантирадиган ёки узилишга эга бўладиган нуқталари $y = f(x)$ функциянинг *критик нуқталари* дейилади.

1-мисол. $y = 2x^2 - \ln x$ функциянинг монотонлик интерваллари ва критик нуқталарини топинг.

Ечиш. Берилган функция $x > 0$ да аниқланган. Унинг ҳосиласини топамиз:

$$y' = 4x - \frac{1}{x} = \frac{4x^2 - 1}{x}.$$

$y' = 0$, $4x^2 - 1 = 0$, бундан $x_1 = \frac{1}{2}$, $x_2 = -\frac{1}{2}$.

$x_2 = -\frac{1}{2}$ критик нуқта функциянинг аниқланиш соҳасига кирмагани учун уни ташлаб юборамиз. Топилган $x_1 = \frac{1}{2}$ критик нуқта функциянинг аниқланиш соҳасини $\left(0; \frac{1}{2}\right)$ ва $\left(\frac{1}{2}; +\infty\right)$ интервалларга бўлади.

Бу интервалларда у' ҳосиланинг ишорасини аниқлаймиз.

а) $(0; \frac{1}{2})$ да $y'\left(\frac{1}{3}\right) = -\frac{5}{3} < 0$, б) $\left(\frac{1}{2}; +\infty\right)$ да $y'(1) = 3 > 0$.

Бу эса биринчи интервалда функция камаювчи, иккинчи интервалда ўсувчи эканини билдиради.

2-таъриф. Агар ихтиёрий кичик $|\Delta x| \neq 0$ аргумент орттирмаси учун $f(x_1+\Delta x) < f(x_1)$ $(f(x+\Delta x) > f(x_1))$ тенгсизлик бажарилса, у ҳолда x_1 нуқта $y = f(x)$ функциянинг *локал максимуми* (*локал минимуми*) дейилади.

Функциянинг локал максимуми ва локал минимуми унинг *локал экстремуми* дейилади.

1-теорема (функция экстремуми мавжуд бўлишининг зарурий шарти). *Агар $y = f(x)$ функция $x = x_0$ нуқтада экстремумга эга бўлса, у ҳолда $f'(x_0) = 0$ бўлади ёки $f'(x_0)$ мавжуд бўлмайди.*

Экстремум нуқтасидан дифференциалланувчи функция графигига ўтказилган уринма Ох ўқига параллел бўлади.

2-мисол. $y = (x+2)^3$ функциянинг экстремумини текширинг.

Ечиш. Берилган функциянинг ҳосиласини топамиз:

$$y' = 3(x+2)^2,\ y' = 0,\ x_1 = -2.$$

$x_1 = -2$ нуқтада берилган функция экстремумга эга эмас, чунки $x>-2$ да $y = (x+2)^3>0$, $x<-2$ да $y = (x+2)^3<0$, $x = -2$ да $y = (x+2)^3 = 0$.

Демак, функциянинг ҳосиласини нолга айлантирадиган нуқтанинг мавжуд бўлиши функциянинг экстремуми мавжуд бўлади, дейиш нотўғри экан.

2-теорема (локал экстремум мавжудлигини етарли шарти). *$y = f(x)$ функция $x = x_0$ критик нуқта бўлган бирор интервалда узлуксиз ва бу интервалнинг ҳамма нуқталарида дифференциалланувчи бўлсин. Агар $x < x_0$ да $f'(x) > 0$ мусбат, $x > x_0$ да $f'(x) < 0$ манфий бўлса, у ҳолда $y = f(x)$ функция максимумга эга бўлади. Агар $x<x_0$ да $f'(x)<0$ манфий, $x > x_0$ да $f'(x) > 0$ мусбат бўлса, $y = f(x)$ функция минимумга эга бўлади.*

Теоремада кўрсатилган тенгсизлик $f'(x) > 0$ ёки $f'(x) < 0$ $x = x_0$ критик нуқтанинг етарлича кичик атрофида бажарилиши кераклигини эслатиб ўтамиз.

$y = f(x)$ функциянинг экстремумларини биринчи ҳосила ёрдамида топиш учун қуйидаги амалларни бажариш керак.

1. Берилган функциянинг биринчи тартибли y' ҳосиласи топилади.

2. y' ҳосилани нолга айлантирадиган критик ва $f'(x)$ мавжуд бўлмаган нуқталари топилади.

3. Ҳар бир критик нуқтадан чап ва ўнг томонда $f'(x)$ нинг ишораси аниқланади; $y = f(x)$ функция x_1, x_2, x_3 критик нуқталарга эга бўлса, у ҳолда қуйидаги ҳоллардан бири бўлиши мумкин.

а) агар x_1 критик нуқтанинг чап томонида ҳосиланинг ишораси мусбат, ўнг томонида манфий бўлса, бу нуқтада $f(x)$ функция локал максимумга эришади;

б) агар x_2 критик нуқтанинг чап томонида ҳосиланинг ишораси манфий, ўнг томонида мусбат бўлса, бу нуқтада $f(x)$ функция локал минимумга эришади;

в) агар x_3 критик нуқтанинг чап ва ўнг томонида ҳосиланинг ишораси бир хил бўлса, бу нуқтада функция экстремумга эришмайди.

Функция экстремумини биринчи тартибли ҳосила ёрдамида текширишни қуйидаги жадвал (2.1-жадвалга қаранг) кўринишда ёзиш мумкин.

2.1-жадвал

Критик нуқта x_1 дан ўтишда $f'(x)$ ҳосиланинг ишораси			Критик нуқтанинг характери
$x < x_1$	$x = x_1$	$x > x_1$	
+	$f'(x_1)=0$ ёки узилиш нуқтаси	–	Максимум нуқтаси
–	$f'(x_1)=0$ ёки узилиш нуқтаси	+	Минимум нуқтаси
+	$f'(x_1)=0$ ёки узилиш нуқтаси	+	Экстремум йўқ (функция ўсади)
–	$f'(x_1)=0$ ёки узилиш нуқтаси	–	Экстремум йўқ (функция камаяди)

3-мисол. Ушбу $y = \frac{x^3}{3} - 2x^2 + 3x + 1 = 0$ функциянинг максимум ва минимумини текширинг ва графигини ясанг.

Ечиш. 1) Биринчи ҳосилани топамиз: $y' = x^2-4x+3$.

2) $y' = 0$ ёки $x^2-4x+3=0$ тенгламанинг ҳақиқий илдизларини, яъни критик нуқталарни топамиз: $x_1 = 1$, $x_2 = 3$.

Ҳосила сонлар ўқининг ҳамма нуқталарида узлуксиз. Узилиш нуқтаси йўқ. Шунинг учун $x_1 = 1$, ва $x_2 = 3$ критик нуқтадан бошқа критик нуқта йўқ.

3) Сонлар ўқини бу нуқталар ёрдамида учта интервалга бўламиз ва бу интервалларнинг ҳар бирида берилган функция ҳосиласининг ишорасини аниқлаймиз. $y' = (x-1)(x-3)$.

а) $]-\infty; 1[$ да $f'(0) = 3 > 0$,

б) $]1; 3[$ да $f'(2) = -1 < 0$,

в) $]3; +\infty[$ да $f'(4) = 3 > 0$.

Демак, $x_1 = 1$ қийматда функция максимум, $x_2 = 3$ қийматда минимумга эришади. Функциянинг критик нуқталардаги қийматларини топамиз:

$$y_{\max} = y\Big|_{x=1} = f(1) = \frac{7}{3},\ y_{\min} = y\Big|_{x=3} = f(3) = 1.$$

Баъзи ҳолларда $y = f(x)$ функциянинг критик нуқталарида локал максимум ёки локал минимумга эга бўлишини иккинчи ҳосила ёрдамида текшириш осонроқ бўлади.

3-теорема. *$y = f(x)$ функциянинг биринчи тартибли ҳосиласи нолга тенг ($f'(x_0) = 0$) бўлиб, иккинчи тартибли ҳосиласи мавжуд ва нолдан фарқли ($f''(x) \neq 0$) бўлсин. Агар $f''(x)<0$ бўлса, у ҳолда $x = x_0$ нуқтада функция максимумга эга, агар $f''(x)>0$ бўлса, у ҳолда $x = x_0$ нуқтада функция минимумга эга бўлади.*



3-чизма.

$f''(x) = 0$ бўлганда, $x = x_0$ нуқта экстремал нуқта бўлмаслиги мумкин. Функциянинг экстремумини иккинчи ҳосила ёрдамида текширишни қуйидаги жадвал-схема кўринишида ёзиш мумкин (2.2 жадвал).

2.2-жадвал

$f'(x_1)$	$f''(x_1)$	Критик нуқтанинг характери
0	–	Максимум нуқтаси
0	+	Минимум нуқтаси
0	0	Номаълум

$y = f(x)$ функциянинг экстремумларини иккинчи тартибли ҳосила ёрдамида топиш учун қуйидаги амалларни бажариш керак:

1) биринчи тартибли ҳосилани топиш;

2) ҳосилани нолга айлантирадиган критик нуқталарининг сонини аниқлаш;

3) иккинчи тартибли ҳосилани топиш;

4) топилган критик нуқталарда иккинчи тартибли ҳосила ишорасини аниқлаш.

4-мисол. Иккинчи тартибли ҳосила ёрдамида $y = x^2 - e^{-x}$ функциянинг экстремумларини текширинг.

Ечиш. Берилган функциянинг биринчи ва иккинчи тартибли ҳосилаларини топамиз:

$$y' = 2xe^{-x} - x^2e^{-x} = (2x - x^2)e^{-x},$$

$$y'' = (2 - 2x)e^{-x} - (2x - x^2)e^{-x} = (x^2 - 4x + 2)e^{-x}.$$

Биринчи тартибли ҳосила $x \in \mathrm{R}$ да узлуксиз бўлгани учун берилган функциянинг критик нуқталари $2x - x^2 = 0$ тенгламани қаноатлантиради. Бундан $x_1 = 0$, $x_2 = 2$.

Энди иккинчи тартибли ҳосиланинг критик нуқталардаги ишорасини текширамиз:

$y''(0) = 2 > 0$, шунинг учун берилган функция $x_1 = 0$ нуқтада минимумга эришади, $y_{min} = y(0) = 0$.

$y''(2) = -2e^{-2} < 0$, шунинг учун функция $x_2 = 2$ нуқтада максимумга эришади, $y_{max} = y(2) = 4e^{-2}$.

Функциянинг энг катта ва энг кичик қийматларини топишни кўрамиз.

$y = f(x)$ функция $[a;b]$ кесмада узлуксиз бўлсин. Бундай функция ўзининг энг катта ва энг кичик қийматларига кесманинг ичида ва учларида эришиши мумкин. Уни топиш қоидаси қуйидагича:

1) функциянинг биринчи тартибли ҳосиласини топамиз ва уни нолга тенглаб, барча критик нуқталарни аниқлаймиз;

2) функциянинг барча критик (агар бу критик нуқталар берилган кесмага тегишли бўлса) ва кесманинг ички, четки ($f(a)$; $f(b)$) нуқталардаги қийматларини ҳисоблаймиз;

3) бу қийматлар ичидан энг катта ва энг кичигини танлаймиз ва улар мос равишда функциянинг энг катта ва энг кичик қийматлари бўлади.

5 - м и с о л . $f(x) = x^3 - 3x$ функциянинг $[-1,5; 2,5]$ кесмадаги энг катта ва энг кичик қийматини топинг.

Е ч и ш . 1. Функциянинг критик нуқталарини топамиз.

$y' = f'(x) = 3x^2 - 3 = 3(x-1)(x+1)$, бу ердан $x_1 = -1$, $x_2 = 1$ нуқталарда $f'(x) = 0$ эканлиги келиб чиқади ва улар берилган кесмага тегишлидир.

2. Функциянинг критик ва берилган кесманинг четки нуқталардаги қийматларини ҳисоблаймиз:

$$f(-1) = (-1)^3 - 3 \cdot (-1) = 2;$$

$$f(1) = (1)^3 - 3 \cdot 1 = -2;$$

$$f(-1,5) = (-1,5)^3 - 3 \cdot (-1,5) = 1,125;$$

$$f(2,5) = (2,5)^3 - 3 \cdot (2,5) = 8,125.$$

3. Демак, функциянинг берилган кесмадаги энг катта қиймати $x = 2,5$ (учидаги) нуқтада $f(2,5) = 8,125$ га ва энг кичик қиймати $x = 1$ (ички) нуқтада $f(1) = -2$ га тенгдир.

Функциянинг қавариқ ва ботиқлиги. Бурилиш нуқтаси

3 - т а ъ р и ф . Агар функциянинг графиги унинг ихтиёрий нуқтасидан ўтказилган урiнмасидан пастда (юқорида) жойлашган бўлса, $(a;b)$ интервалда дифференциалланувчи

$y=f(x)$ функциянинг графиги шу интервалда *қавариқ (ботиқ)* дейилади.

4-таъриф. Функция графигининг қавариқлик қисмидан ботиқлик қисмини ажратадиган нуқтаси *бурилиш нуқтаси* дейилади.

4-теорема (функция графиги қавариқ (ботиқ) бўлишининг етарли шарти). *Агар $(a;b)$ интервалнинг барча нуқталарида $y=f(x)$ функциянинг иккинчи тартибли ҳосиласи манфий (мусбат), яъни $f''(x)<0$ $(f''(x)>0)$ бўлса, у ҳолда $y=f(x)$ эгри чизиқ бу интервалда қавариқ (ботиқ) бўлади.*

Бурилиш нуқтасида функциянинг иккинчи тартибли ҳосиласи ўзининг ишорасини ўзгартиради, шунинг учун бундай нуқталарда функциянинг иккинчи тартибли ҳосиласи нолга тенг бўлади ёки узилишга эга бўлади ёки мавжуд бўлмайди.

5-теорема (бурилиш нуқтаси мавжуд бўлишининг етарли шарти). *Агар функциянинг иккинчи тартибли ҳосиласи $f''(x_0)=0$ бўлса ёки мавжуд бўлмаса ва x_0 нуқтадан ўтаётганда $f''(x)$ ўз ишорасини ўзгартирса, $x=x_0$ абсциссали нуқта $y=f(x)$ эгри чизиқнинг бурилиш нуқтаси бўлади.*

6-мисол. $y=e^{-\frac{x^2}{2}}$ эгри чизиқнинг қавариқлик, ботиқлик интервалларини ва бурилиш нуқтасини топинг.

Ечиш. Биринчи ва иккинчи тартибли ҳосилаларни топамиз:

$$y'=-xe^{-\frac{x^2}{2}},\ y''=\left(x^2-1\right)e^{-\frac{x^2}{2}}.$$

Биринчи ва иккинчи тартибли ҳосила ихтиёрий $x\in R$ да маънога эга. y'' ни нолга тенглаб, $x_1=-1$, $x_2=1$ ларни топамиз. $x_1=-1$ нуқтанинг атрофида иккинчи ҳосила ишорасининг ўзгариш қонунини аниқлаймиз:

$x<-1$ да $y''(-2)=3e^{-2}=\frac{3}{e^2}>0;$
$x>-1$ да $y''(0)=-1<0;$
$x>1$ да, $y''(2)=3e^{-2}>0.$

Демак, $(-\infty;-1)$ ва $(1;+\infty)$ интервалларда $y''>0$ бўлгани учун шу интервалларда эгри чизиқ ботиқ; $(-1;1)$ интервалда $y''<0$ бўлгани учун эгри чизиқ қавариқ бўлади.



4-чизма.

$x_1 = -1$, $x_2 = 1$ қийматлар бурилиш нуқтасининг абсциссалари. Бурилиш нуқтасининг ординатаси эса: $y(-1) = e^{-\frac{1}{2}}$, $y(1) = e^{-\frac{1}{2}}$. Бурилиш нуқталари: $M_1\left(-1; e^{-\frac{1}{2}}\right)$, $M_2\left(1; e^{-\frac{1}{2}}\right)$ лар бўлади. Берилган функциянинг графиги 4-чизмада тасвирланган.

Функциянинг асимптоталари

Функция аргументи x чексизликка интилганда функция графиги бирор тўғри чизиққа чексиз яқинлашиш хоссаси унинг графигини чизишда муҳим роль ўйнайди.

5-таъриф. Агар $y = f(x)$ эгри чизиқнинг M нуқтасидан L тўғри чизиққача бўлган S масофа M нуқта чексиз узоқлашганда нолга интилса, L тўғри чизиқ $y=f(x)$ эгри чизиқнинг *асимптотаси* дейилади.

Агар шундай $x = x_i\left(i = \overline{1,n}\right)$ нуқталар мавжуд бўлсаки, улар учун $\lim\limits_{x \to x_i}\left(f(x)\right) = \pm\infty$ бўлса, яъни функция иккинчи тур узилишга эга бўлса, у ҳолда $x = x_i\left(i = \overline{1,n}\right)$ тўғри чизиқлар $y = f(x)$ эгри чизиқнинг *вертикал асимптоталари* дейилади.

Агар $k = \lim\limits_{x \to \pm\infty} \frac{f(x)}{x}$, $b = \lim\limits_{x \to \pm\infty}\left(f(x) - kx\right)$ лимитлар мавжуд бўлса, у ҳолда $y = kx+b$ тўғри чизиқ $y = f(x)$ эгри чизиқнинг *оғма асимптотаси* дейилади.



5-чизма.

Агар $y = kx + b$ оғма асимптота тенгламасини аниқлашда $k = 0$ (хусусий ҳолда $k = 0$, $b = 0$) бўлса, у ҳолда $y = b$ (ёки $y = 0$) тўғри чизиқ *горизонтал асимптота* дейилади.

7-мисол. $y = \frac{x^3}{x^2-1}$ эгри чизиқнинг асимптотасини топинг.

Ечиш. $\lim\limits_{x\to\pm1} = \frac{x^3}{x^2-1} = \pm\infty$ бўлгани учун берилган эгри чизиқ иккита, яъни $x = 1$ ва $x = -1$ вертикал асимптотага эга. Оғма асимптотасини топамиз:

$$k = \lim_{x\to\pm\infty} \frac{y}{x} = \lim_{x\to\pm\infty} \frac{x^3}{x(x^2-1)} = 1,$$

$$b = \lim_{x\to\pm\infty} (f(x) - kx) = \lim_{x\to\pm\infty} \left(\frac{x^3}{x^2-1} - x \right) = \lim_{x\to\pm\infty} \frac{x}{x^2-1} = 0.$$

Шундай қилиб, берилган эгри чизиқ тенгламаси $y = x$ бўлган битта оғма асимптотага ва иккита $x = \pm1$ вертикал асимптоталарга эга экан (5-чизма).

Машқлар

Қуйидаги функцияларнинг монотонлик оралиқларини топинг:

78. $y = x^4 - 2x^2 - 5.$ 79. $y = \frac{x}{x^2 - 6x - 16}.$

80. $y = x^3 - 3x^2 - 9x + 7.$ 81. $y = \ln(1 - x^2).$

Биринчи тартибли ҳосила ёрдамида қуйидаги функцияларнинг экстремумларини топинг:

82. $y = 3\sqrt[3]{x^2} - x^2.$ 83. $y = x(x+1)^3(x-3)^2.$

84. $y = 3\sqrt[3]{\left(x^2 - 6x + 5\right)^2}.$ 85. $y = 3\sqrt[3]{\left(x^2 - 1\right)^2}.$

86. $y = x - \ln(1 + x).$ 87. $y = x\ln^2 x.$

Иккинчи тартибли ҳосила ёрдамида қуйидаги функцияларнинг экстремумларини топинг:

88. $y = 2x^3 - 15x^2 - 84x + 8.$ 89. $y = \sqrt{e^{x^2 - 1}}.$

90. $y = \frac{14}{x^4 - 8x^2 + 2}.$ 91. $y = \sin 3x - 3\sin x.$

Қуйидаги функцияларнинг берилган оралиқдаги энг катта ва энг кичик қийматларини топинг:

92. $y = 2x^3 + 3x^2 - 12x + 1,$ $[-1;\ 5]$ кесмада.

93. $y = x + 3\sqrt[3]{x},$ $[-1;\ 1]$ кесмада.

94. $y = x^2\ln x,$ $[-1;\ e]$ кесмада.

95. $y = 2\sin x + \sin 2x,$ $[0;\ \frac{3}{2}\pi]$ кесмада.

Қуйидаги функцияларнинг қавариқлик, ботиқлик оралиқлари ва бурилиш нуқталарини топинг:

96. $y = x - \ln x.$ 97. $y = \ln(1 + x^2).$ 98. $y = \mathrm{arctg}\,x - x.$

99. $y = \frac{x}{2} + \frac{2}{x}.$ 100. $y = \frac{1}{(x+1)^3}.$ 101. $y = x \cdot \mathrm{arctg}\,x.$

Қуйидаги эгри чизиқларнинг асимптоталарини топинг:

102. $y = x + \frac{\ln x}{x}.$ 103. $y = \frac{x^2}{\sqrt{x^2 - 1}}.$ 104. $y = \frac{x^3}{2(x+1)^2}.$

7-§. Функцияни текширишнинг умумий схемаси. Функция графигини ясаш

Функцияни тўлиқ текшириш ва унинг графигини ясашни қуйидаги тартибда олиб бориш тавсия этилади:

1) функциянинг аниқланиш соҳаси, жуфт ёки тоқлиги, даврийлиги текширилади;

2) функциянинг узилиш нуқталари, унинг графигининг координата ўқлари билан кесишиш нуқталари аниқланади;

3) функциянинг монотонлиги ва экстремумлари текширилади;

4) қавариқлик ва ботиқлик интерваллари, бурилиш нуқтаси аниқланади;

5) функциянинг асимптоталари топилади;

6) бу маълумотлар графикни чизиш учун камлик қилса, қўшимча зарур бўлган ҳисоблашларни бажариш керак;

7) юқоридаги маълумотларга кўра функция графиги ясалади.

Мисол кўрамиз.

Мисол. $y=\sqrt[3]{(x+3)x^2}$ функцияни тўлиқ текширинг ва графигини ясанг.

Ечиш. Тавсия этилган схемадан фойдаланамиз.

1. Берилган функциянинг аниқланиш соҳаси: $x \in R$.

2. Функция узилиш нуқтасига эга эмас ва Ox ўқини $x=-3$ ва $x=0$; Oy ўқини эса $x=0$ нуқталарда кесади.

3. Функция жуфт ҳам, тоқ ҳам, даврий ҳам эмас.

4. Функциянинг ҳосиласини топамиз:

$$f'(x)=\frac{x+2}{\sqrt[3]{x(x+3)^2}}.$$

$x_1=-2$ нуқтада $f'(x)=0$ ва $x_2=-3$, $x_3=0$ нуқталарда $f'(x)$ мавжуд эмас. Бу нуқталар функциянинг аниқланиш соҳасини $(-\infty;-3)$, $(-3;-2)$, $(-2;0)$, $(0;+\infty)$ интервалларга бўлади. Ҳар бир ҳосил қилинган интервалларнинг ичида ҳосила ишораси сақланади, яъни $(-\infty;3)$, $(-3;2)$, $(0;+\infty)$ интервалларда $f'(x)>0$ ва $(-2;0)$ интервалда $f'(x)<0$. Бу эса $(-\infty;-3)$, $(-3;-2)$ интервалларда функция ўсувчи, $(-2; 0)$ интервалда камаювчи ва $(0; +\infty)$ интервалда ўсувчи эканини билдиради. $x_1 = -2$ нуқтанинг атрофида x ўсиши билан биринчи тартибли ҳосила ишорасини «+» дан «−» га ўзгартиради, шунинг учун $x_1 = -2$ нуқта максимум нуқтаси бўлиб,

$$y_{\max} = y(-2) = \sqrt[3]{4} \quad \text{бўлади.}$$

$x_3 = 0$ нуқта учун биринчи тартибли ҳосила ишорасини «−»дан «+» га ўзгартиради, шунинг учун $x_3 = 0$ минимум нуқтаси бўлиб,

$$y_{\min} = y(0) = 0 \quad \text{бўлади.}$$

$x_2 = -3$ нуқтада функция экстремумга эга эмас, чунки унинг атрофида $f'(x)$ ишорасини ўзгартирмайди.

5. Иккинчи тартибли ҳосилани топамиз:

$$f''(x) = -\frac{2}{\sqrt[3]{(x+3)^5 \cdot x^4}}.$$

Ихтиёрий чекли x учун $f''(x) > 0$. Шунинг учун бурилиш нуқтаси иккинчи тартибли ҳосиласи мавжуд бўлмаган $x_3 = -3$ ва $x_3 = 0$ нуқталари бўлиши мумкин. Бу нуқталар билан бўлинган интервалларда у" нинг ишорасини аниқлаймиз:

$x \in (-\infty; -3)$ интервалда $f''(x) > 0$ — эгри чизиқ ботиқ;
$x \in (-3; 0)$ интервалда $f''(x) < 0$ — эгри чизиқ қаварик;
$x \in (0; +\infty)$ интервалда $f''(x) < 0$ — эгри чизиқ қаварик;

$x_2 = -3$ нуқта атрофида иккинчи тартибли ҳосила ишорасини ўзгартиргани учун $M(-3;0)$ нуқта бурилиш нуқтаси бўлади. $x_3 = 0$ нуқта бурилиш нуқтаси бўлмайди, чунки унинг атрофида иккинчи тартибли ҳосила ишорасини ўзгартирмайди.

6. Берилган функция барча сонлар ўқида аниқланганлиги сабабли вертикал асимптотага эга эмас. $y = kx+b$ оғма асимптотасини аниқлаймиз:

$$k = \lim_{x\to\pm\infty} \frac{y}{x} = \lim_{x\to\pm\infty} \frac{\sqrt[3]{(x+3)\cdot x^2}}{x} = \lim_{x\to\pm\infty} \sqrt[3]{1+\frac{3}{x}} = 1.$$

$$b = \lim_{x\to\pm\infty}(y-kx) = \lim_{x\to\pm\infty}\left(\sqrt[3]{(x+3)\cdot x^2} - x\right) =$$

$$= \lim_{x\to\pm\infty}\frac{\left(\sqrt[3]{(x+3)\cdot x^2}-x\right)\left(\sqrt[3]{(x+3)^2\cdot x^4}+x\sqrt[3]{(x+3)\cdot x^2}+x^2\right)}{\sqrt[3]{(x+3)^2\cdot x^4}+x\sqrt[3]{(x+3)\cdot x^2}+x^2} =$$

$$= \lim_{x\to\pm\infty}\frac{(x+3)\cdot x^2-x^3}{\sqrt[3]{(x+3)^2\cdot x^4}+x\sqrt[3]{(x+3)\cdot x^2}+x^2} =$$

$$= \lim_{x\to\pm\infty}\frac{3x^2}{\sqrt[3]{(x+3)^2\cdot x^4}+x\sqrt[3]{(x+3)\cdot x^2}+x^2} =$$

$$= \lim_{x\to\pm\infty}\frac{3}{\sqrt[3]{1+\frac{6}{x}+\frac{9}{x^2}}+\sqrt[3]{1+\frac{3}{x}}+1} = 1.$$

Оғма асимптотанинг тенгламаси $y = x + 1$ эканлигини топдик.

7. Функция графигини чизишдан олдин эгри чизиқнинг абсциссалар ўқини $x_2 = -3$ ва $x_3 = 0$ нуқталарда қандай бурчак остида кесишини аниқлаш керак. Бу нуқталарда $y' = \mathrm{tg}\alpha = \infty$ ва $\alpha = \frac{\pi}{2}$. $x_3 = 0$ қийматида берилган функция нол қийматга эришади, яъни бу нуқта атрофида



6-чизма.

функция графиги Ox ўқининг юқори қисмида ётишини билдиради. Шунинг учун $x_3 = 0$ нуқта функция графигининг қайтиш нуқтаси бўлади.

8. Текшириш натижаларига кўра функция графигини чизамиз (6-чизма).

Машқлар

105. Қуйидаги функцияларни тўлиқ текширинг ва графигини ясанг:

а) $y = x^3 - 3x^2$; б) $y = x^2 + \frac{2}{x}$; в) $y = \frac{x^3}{3-x^2}$;

г) $y = \ln(x^2 + 2x + 2)$; д) $y = \frac{2x-1}{(x-1)^2}$; е) $y = -\ln(x^2-4x+5)$.

8-§. Максимум ва минимум назариясининг амалий масалаларни ечишга татбиқи

Максимум ва минимум назарияси ёрдамида геометрия, механика ва бошқа фанларга доир кўпгина масалалар ечилади.

Шундай масалаларнинг баъзиларини ечиб кўрсатамиз.

1-масала. Юзи $S = 75\,\pi$м^2 бўлган тунукадан асосининг радиуси R ва баландлиги H бўлган усти очиқ шундай цилиндр бак ясангки, унинг ҳажми энг катта бўлсин.

Ечиш. Бакнинг сиғими (ҳажми) $V = \pi R^2 H$, уни ясаш учун $S = \pi R^2 + 2\pi RH$ юзга эга бўлган материал кетади. Бундан H баландликни топамиз:

$$H = \frac{S-\pi R^2}{2\pi R}. \tag{A}$$

У ҳолда бакнинг сиғими:

$$V = \pi R^2 \frac{S-\pi R^2}{2\pi R} = \frac{SR-\pi R^3}{2} = V\ (R)$$

га тенг ва у R га боғлиқ функциядан иборатдир.

R нинг шундай қийматини топамизки, унда сиғим $V(R)$ максимум бўлсин. $V(R)$ дан R га нисбатан биринчи тартибли ҳосилани топамиз:

$$V' = \frac{1}{2}\left(S - 3\pi R^2\right), V' = 0,$$

$$S - 3\pi R^2 = 0, \qquad R = \sqrt{\frac{S}{3\pi}} = \sqrt{\frac{75\pi}{3\pi}} = 5\text{м}.$$

Ечиш. $1+\cos x = t$ ўрнига қўйишни бажарамиз. У ҳолда $-\sin x dx = dt$ бўлиб, берилган интегрални топиш қуйидаги кўринишни олади:

$$\int \sqrt[3]{1+\cos x}\cdot \sin x\, dx = -\int \sqrt[3]{t}\cdot dx = -\int t^{\frac{1}{3}}dt = -\frac{t^{\frac{1}{3}+1}}{\frac{1}{3}+1}+C =$$

$$= -\frac{3\sqrt[3]{t^4}}{4}+C = -\frac{3}{4}\sqrt[3]{(1+\cos x)^4}+C.$$

5-мисол. $\int e^{-x^4}x^3\, dx$ ни топинг.

Ечиш. $-x^4 = t$ ўрнига қўйишни бажарамиз. У ҳолда $-4x^3dx = dt$, $x^3dx = -\frac{1}{4}dt$ ва берилган интеграл қуйидагича топилади:

$$\int e^{-x^4}x^3\, dx = \int e^t\left(-\frac{1}{4}\right)dt = -\frac{1}{4}\int e^t dt = -\frac{1}{4}e^t + C =$$

$$= -\frac{1}{4}e^{-x^4}+C.$$

6-мисол. $\int \frac{dx}{(x-1)\sqrt{x^2+2x+2}}$ ни топинг.

Ечиш. Бу ҳолда $t=\frac{1}{x-1}$ ўрнига қўйишдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундан $x=\frac{1}{t}+1$, $dx=-\frac{1}{t^2}dt$ бўлиб, берилган интеграл қуйидагича топилади:

$$\int \frac{dx}{(x-1)\sqrt{x^2+2x+2}} = \int \frac{-\frac{1dt}{t^2}}{\frac{1}{t}\sqrt{\left(\frac{1}{t}-1\right)^2-2\left(\frac{1}{t}-1\right)+10}} = -\int \frac{dt}{t\sqrt{\frac{1}{t^2}+9}} =$$

$$= -\int \frac{dx}{\sqrt{9t^2+1}} = -\int \frac{dx}{\sqrt{(3t)^2+1}} = -\frac{1}{3}\ln\left|3t+\sqrt{9t^2+1}\right|+C =$$

$$= -\frac{1}{3}\ln\left|\frac{3}{x+1}+\sqrt{\frac{9}{(x+1)^2}+1}\right|+C.$$

Эслатма. Аниқмас интегрални ўрнига қўйиш ёки бўлаклаб интеграллаш усулларидан фойдаланиб топишда ёзувни соддалаштириш ва қисқартириш мақсадида ки-

киритилаётган белгилашларни иккита вертикал чизиқ ичига олишни тавсия этамиз. Буни юқорида ечилган 3-мисолда кўрсатамиз.

Ечиш.

$$\int\sqrt{a^2-x^2}\,dx=\begin{vmatrix}x=a\sin t\\ dx=a\cos t dx\end{vmatrix}=\int\sqrt{a^2-a^2\sin^2 t}\cdot a\cdot\cos t dt=$$

$$=a^2\int|\cos t|\cos t dt=a^2\int\cos^2 t dt=a^2\int\frac{1+\cos 2t}{2}dt=$$

$$=\frac{a^2}{2}\int dt+\frac{a^2}{2}\int\cos 2t dt=\frac{a^2}{2}t+\frac{a^2}{2}\sin 2t+C=$$

$$=\frac{a^2}{2}t+\frac{a^2}{2}\sin t-\cos t+C=\begin{vmatrix}t=\arcsin\frac{x}{a},\ \sin t=\frac{x}{a}\\ \cos t=\sqrt{1-\sin^2 t}=\sqrt{1-\frac{x^2}{a^2}}\end{vmatrix}=$$

$$=\frac{a^2}{2}\arcsin\frac{x}{a}+\frac{a}{2}\cdot x\sqrt{1-\frac{x^2}{a^2}}+C=$$

$$=\frac{a^2}{2}\arcsin\frac{x}{a}+\frac{x}{2}\sqrt{a^2-x^2}+C.$$

Машқлар

Қуйидаги интегралларни ўзгарувчини алмаштириш усули билан топинг:

169. $\int\frac{dx}{1+\sqrt{x+3}}$.

170. $\int x\sqrt[5]{(5x^2-3)^7}\,dx$.

171. $\int\frac{\sin\sqrt[5]{x}}{\sqrt[3]{x^2}}dx$.

172. $\int x^2\sqrt{x^3+5}dx$.

173. $\int\frac{(2\ln x+3)^3}{x}dx$.

174. $\int\frac{e^{\sqrt{2x-1}}}{\sqrt{2x-1}}dx$.

175. $\int x^3(1-2x^4)^3dx$.

176. $\int\frac{dx}{(x-1)\sqrt{x}}$.

177. $\int\frac{\sin 4xdx}{\cos^4 2x+4}dx$.

178. $\int\frac{e^{2x}}{e^{4x}}dx$.

179. $\int\frac{\mathrm{arctg}x}{1+x^2}dx$.

180. $\int\frac{\cos x}{1+\sin^2 x}dx$.

5-§. Бўлаклаб интеграллаш

Бўлаклаб интеграллаш усули қуйидаги формулага асосланади:

$$\int u dv = uv - \int v du , \tag{4.8}$$

бунда $u(x)$, $v(x)$лар узлуксиз дифференциалланувчи функциялар деб қаралади. (4.8)формула *бўлаклаб интеграллаш формуласи* дейилади.

(4.8) формулани ҳамма интегралларга ҳам қўллай бериш мумкин эмас. Агар интеграл остидаги функциялар $P_n(x)\sin nx$, $P_n(x)\cos nx$, $P_n(x)e^{nx}$, $P_n(x)\ln^k x$, $P_n(x)\text{ch}nx$, $a^{kx}\sin nx$, $a^{kx}\cos nx$, $\arcsin x$, $\text{arctg}x$ (бунда k, n — мусбат бутун сонлар), $P_n(x) = a_0x^n + a_1x^{n-1} + \ldots + a_n$ кўпҳад кўринишда бўлса, у ҳолда (4.8) формулани қўллаш натижасида берилган интеграл жадвал интегралига келади.

Айрим мисолларда бўлаклаб интеграллаш формуласи бир неча маротаба қўлланилади. Бўлаклаб интеграллашда қуйидаги уч ҳолга эътибор бериш керак:

а) агар интеграллар $\int P_n(x)\cdot\sin nxdx$, $\int P_n(x)\cdot e^{ax}dx,\ldots$ кўринишларда бўлса, у ҳолда $u = P_n(x)$, $dv = \sin nxdx$ деб белгилаш керак.

Буни қуйидаги мисолда кўрамиз.

1-мисол. $\int(x^2+2x)\cos 2xdx$ ни топинг.

Ечиш.

$$\int(x^2+2x)\cos 2xdx\left|\begin{array}{l} u = x^2+2x,\ \ du = (2x+2)dx \\ dv = \cos 2xdx,\ \ v = \int\cos 2xdx = \frac{1}{2}\sin 2x\end{array}\right| =$$

$$= (x^2+2x)\cdot\frac{1}{2}\sin 2x - \int\frac{1}{2}\sin 2x\cdot(2x+2)dx =$$

$$= \frac{1}{2}(x^2+2x)\cdot\sin 2x - \int(x+1)\sin 2x\,dx\cdot$$

$$\cdot\left|\begin{array}{l} u = x+1,\ \ du = dx \\ dv = \sin 2xdx,\ \ v = \int\sin 2xdx = -\frac{1}{2}\cos 2x\end{array}\right| =$$

$$= \frac{1}{2}(x^2 + 2x)\sin 2x - \left[(x+1)\left(-\frac{1}{2}\cos 2x\right) - \int -\frac{1}{2}\cos 2x dx\right] =$$

$$= \frac{1}{2}(x^2 + 2x)\sin 2x + \frac{1}{2}(x+1)\cos 2x - \frac{1}{4}\sin 2x + C \cdot$$

б) агар интеграллар $\int P_n(x)\ln^n x dx$, $\int P_n(x)\arcsin x dx, \ldots$ кўринишларда бўлса, у ҳолда $u = \ln^n x$ ёки $u = \arcsin x$ $dv = P_n(x)dx$ деб белгилаш керак.

2-мисол. $\int x \operatorname{arctg} x dx$ ни топинг.

Ечиш.

$$\int x \operatorname{arctg} x dx \left| \begin{matrix} u = \operatorname{arctg} x, \ du = \dfrac{dx}{1+x^2} \\ dv = xdx, \ v = \int xdx = \dfrac{x^2}{2} \end{matrix} \right|$$

$$= \frac{x^2}{2}\operatorname{arctg} x - \frac{1}{2}\int \frac{x^2 dx}{1+x^2} = \frac{x^2}{2}\operatorname{arctg} x - \frac{1}{2}\int \frac{x^2+1-1}{1+x^2}dx =$$

$$= \frac{x^2}{2}\operatorname{arctg} x - \frac{1}{2}\int dx + \frac{1}{2}\int \frac{dx}{1+x^2} = \frac{x^2}{2}\operatorname{arctg} x - \frac{x}{2} + \frac{1}{2}\operatorname{arctg} x + C.$$

3-мисол. $\int x^2 \ln^2 x dx$ ни топинг.

Ечиш.

$$\int x^2 \ln^2 x dx \left| \begin{matrix} u = \ln^2 x, \ du = 2\ln x \cdot \dfrac{1}{x}dx \\ dv = x^2 dx, \ v = \dfrac{x^3}{3} \end{matrix} \right| =$$

$$= \frac{x^3}{3}\ln^2 x - \int \frac{x^3}{3} 2\ln x \frac{1}{x}dx = \frac{x^3}{3}\ln^2 x - \frac{2}{3}\int x^2 \ln x dx \cdot$$

$$\left| \begin{matrix} u = \ln x, \ du = \dfrac{1}{x}dx \\ dv = x^2 dx, \ v = \dfrac{x^3}{3} \end{matrix} \right| = \frac{x^3}{3}\ln^2 x - \frac{2}{3}\left[\frac{x^3}{3}\cdot \ln x - \int \frac{1}{x}\cdot\frac{x^3}{3}dx\right] =$$

$$= \frac{x^3}{3}\ln^2 x - \frac{2}{9}x^3 \ln x + \frac{2}{27}x^3 + C.$$

в) агар интеграллар $\int a^{nx}\sin mxdx$, $\int e^{nx}\cos kxdx,\ldots$ кўри нишларда бўлса, у ҳолда (4.8) формулани икки марта тат биқ этиш натижасида берилган интеграл ҳосил бўлади. Бунда биринчи марта u деб кўрсаткичли функцияни белгилаган бўлсак, иккинчи марта (4.8) формулани татбиқ этилганда яна кўрсаткичли функцияни u деб белгилаш керак.

4 - м и с о л . $\int e^{3x}\sin xdx$ ни топинг.

Е ч и ш .

$$\int e^{3x}\sin xdx\left|\begin{array}{l} u=\sin x,\ \ du=\cos xdx \\ dv=e^{3x}dx,\ \ v=\frac{1}{3}e^{3x}\end{array}\right|=$$

$$=\frac{1}{3}e^{3x}\sin x-\frac{1}{3}\int e^{3x}\cos xdx\left|\begin{array}{l} u=\cos x,\ \ du=-\sin xdx \\ dv=e^{3x}dx,\ \ v=\frac{1}{3}e^{3x}\end{array}\right|=$$

$$=\frac{1}{3}e^{3x}\sin x-\frac{1}{3}\left[\frac{1}{3}e^{3x}\cos x-\int\frac{1}{3}e^{3x}\cdot(-\sin x)dx\right]=$$

$$=\frac{1}{3}e^{3x}\sin x-\frac{1}{9}e^{3x}\cos x-\frac{1}{9}\int e^{3x}\sin xdx.$$

Ўнг томондаги охирги интегрални чап қисмига ўтказиб соддалаштирсак, қуйидагига эга бўламиз:

$$\frac{10}{9}\int e^{3x}\sin xdx=\frac{1}{3}e^{3x}\sin x-\frac{1}{9}e^{3x}\cos x+\frac{10}{9}C.$$

Демак,

$$\int e^{3x}\sin xdx=\frac{3}{10}e^{3x}\sin x-\frac{1}{10}e^{3x}\cos x+C.$$

Машқлар

Қуйидаги интегралларни бўлаклаб интеграллаш усули билан топинг:

181. $\int x\sin xdx$.
182. $\int x\ln xdx$.
183. $\int \arcsin xdx$.
184. $\int \ln^2 xdx$.

185. $\int \sqrt{x} \ln x dx$.

186. $\int x \arccos 2x dx$.

187. $\int x^2 e^{3x} dx$.

188. $\int \arccos x dx$.

189. $\int (x^2 - 2x + 5)e^{-x} dx$.

190. $\int \frac{x \cos x}{\sin^2 x} dx$.

191. $\int x^3 e^{-x^2} dx$.

192. $\int x^2 \cdot 2^{-3x} dx$.

193. $\int e^{\sqrt{x}} dx$.

194. $\int \sin(\ln x) dx$.

195. $\int x e^{\frac{1}{x}+1} dx$.

196. $\int \ln(1 + x^2) dx$.

197. $\int x \cos\left(\frac{x}{2} + 1\right) dx$.

198. $\int \ln(x - 3) dx$.

199. $\int e^{3x} \cos x dx$.

200. $\int 2^{2x} \sin 3x dx$.

6-§. Рационал функцияларни интеграллаш

Қуйидаги икки кўпҳаднинг нисбати *каср-рационал функция ёки рационал каср* дейилади:

$$\frac{Q_m(x)}{P_n(x)} = \frac{b_0 x^m + b_1 x^{m-1} + \ldots + b_m}{a_0 x^n + a_1 x^{n-1} + \ldots + a_n}, \tag{4.9}$$

бунда m, n — мусбат бутун сонлар, a_i, $b_j \in R \, (i = \overline{0,n}\,, j = \overline{0,m})$.

Агар $m < n$ бўлса, у ҳолда (4.9) функция тўғри рационал каср, $m > n$ бўлса, нотўғри рационал каср дейилади.

Ҳар қандай нотўғри касрнинг суратини махражига бўлиш натижасида уни бирор кўпҳад ва тўғри каср йиғиндиси шаклида ёзиш мумкин:

$$\frac{Q_m(x)}{P_n(x)} = M_{m-n}(x) + \frac{Q_1(x)}{P_n(x)}.$$

Масалан, $\frac{x^4+4}{x^2+3x-1}$ нотўғри касрнинг суратини махражига бўлсак, қуйидагига эга бўламиз:

$$\frac{x^4+4}{x^2+3x-1} = x^2 - 3x + 10 + \frac{-3x+14}{x^2+3x-1}.$$

Ҳар қандай кўпҳад осон интегралланади ва рационал функцияни интеграллаш тўғри касрни интеграллашга келтирилади. Шунинг учун рационал функцияларнинг $m < n$ шартда интегралини топишни кўрамиз.

Қуйидаги кўринишдаги касрларга *энг содда рационал касрлар* дейилади:

$$1)\ \frac{A}{x-a}\ ; \qquad 2)\ \frac{A}{(x-a)^n}\ ; \qquad 3)\ \frac{Mx+N}{x^2+px+q}\ ; \qquad 4)\ \frac{Mx+N}{(x^2+px+q)^n}$$

бунда A, M, N, p, q — ўзгармас сонлар; n — бутун сон, $p^2 - 4q < 0$.

Биринчи ва иккинчи турдаги касрларнинг аниқмас интеграли осон топилади:

$$\int \frac{Adx}{x-a} = A \ln|x-a| + C\ ,$$

$$\int \frac{Adx}{(x-a)^n} = \frac{A}{(1-n)(x-a)^{n-1}} + C\ .$$

3) ва 4) кўринишдаги касрларни интеграллаш 4-§ да кўрилган.

Шундай қилиб, ҳар қандай энг содда рационал касрни уни ташкил этувчи элементар функцияларнинг интеграллари каби интеграллаш мумкин экан.

Ҳар қандай ҳақиқий коэффициентли $P_n(x)$ кўпҳадни ҳақиқий сонлар тўпламида қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$P_n(x) = a_0(x-\alpha_1)^{k_1} \ldots (x-\alpha_\beta)^{k_\beta} \cdot (x + p_1 x + q_1)^{t_1} \ldots \\ \ldots (x^2 + p_s x + q_s)^{t_s}, \tag{4.10}$$

бунда $\alpha_1 \ldots, \alpha_\beta$ лар $P_n(x)$ кўпҳаднинг $k_1, \ldots, k_\beta$ каррали ҳақиқий илдизлари, $P_\gamma^2 - 4q_\gamma < 0$ $(\gamma = \overline{1, s})$; $k_1 + k_2 + \ldots \ldots + k_\beta + 2t_1 + \ldots + 2t_s = n$; $k_1, \ldots, k_\beta$, $t_1, \ldots t_S$ мусбат бутун сонлар. Агар кўпҳадни (4.10) кўринишда ёзиш мумкин бўлса, (4.9) рационал касрни қуйидаги рационал касрлар йиғиндиси кўринишида ёзиш мумкин:

$$\frac{A_1}{x-\alpha_r} + \frac{A_2}{(x-\alpha_r)^2} + \ldots + \frac{A_k}{(x-\alpha_r)^{k_1}}\ . \tag{4.11}$$

(4.10) кўпҳад t_s каррали жуфт қўшма комплекс сондан иборат илдизларга эга бўлса, у ҳолда (4.9) рационал каср қуйидаги элементар касрлар йиғиндиси кўринишида ёзилади:

$$\frac{M_1x+N_1}{x^2+p_\gamma x+q_\gamma}+\frac{M_2x+N_2}{(x^2+p_\gamma x+q_\gamma)^2}+\ldots+\frac{M_sx+N_s}{(x^2+p_\gamma x+q_\gamma)^{ts}}. \qquad (4.12)$$

Энди (4.11) ва (4.12) даги номаълум A_1, A_2, A_k ва M_1, M_2, M_s, $N_1, N_2, \ldots, N_s$ коэффициентларни топиш учун (4.11) ва (4.12) ни қўшиб умумий махражга келтирамиз, натижада ўзаро тенг бўлган

$$Q_m(x) = Q^*_{m-n}(x) \qquad (4.13)$$

$(n-1)$-даражали кўпҳадларга эга бўламиз.

(4.13) дан осонгина номаълум коэффициентлар топилади. Уларни икки усул билан топишни қуйидаги мисолларда кўрсатамиз:

1-мисол. $\int \frac{2x-3}{x(x+1)(x+2)}dx$ ни топинг.

Ечиш. (4.11) формулага асосан элементар касрларнинг йиғиндиси қуйидагича бўлади:

$$\frac{2x-3}{x(x+1)(x+2)} = \frac{A}{x}+\frac{B}{x+1}+\frac{C}{x+2}. \qquad (A)$$

(A) нинг ўнг томонини умумий махражга келтирсак, у ҳолда иккита касрнинг тенглик аломатига кўра

$$2x-3 = A(x+1)(x+2)+B(x+2)x+C(x+1)x \qquad (B)$$

ни ҳосил қиламиз.

(B) нинг иккала қисмидаги x нинг бир хил даражалари олдидаги коэффициентларни тенглаб, қуйидаги системага эга бўламиз:

$$\begin{array}{l|l} x^2 & 0 = A+B+C, \\ x^1 & 2 = 3A+2B+C, \\ x^0 & -3 = 2A. \end{array}$$

Бундан $A = -\frac{3}{2}$, $B = 5$, $C = -\frac{7}{2}$ келиб чиқади.

Бу усул *номаълум коэффициентларни топиш усули* дейилади.

Энди A, B, C номаълум коэффицентларни x нинг махражни нолга айлантирадиган сон қийматларини қўйиш усули билан топишни кўрамиз. Агар (B) тенгликдаги x ўрнига кетма-кет 0, −1, −2 қийматларни қўйсак, натижада A, B, C номаълум коэффициентлар топилади:

$x = 0$: да $2 \cdot 0 - 3 = 2A \Rightarrow A = -\frac{3}{2}$;

$x = -1$: да $2 \cdot (-1) - 3 = B(-1 + 2)(-1) \Rightarrow B = 5$;

$x = -2$: да $2 \cdot (-2) - 3 = C(-2 + 1) \cdot (-2) \Rightarrow C = -\frac{7}{2}$; натижа бир хил чиқади.

Энди бу топилган қийматларни ўрнига қўямиз:

$$\frac{2x-3}{x(x+1)(x+2)} = \frac{3}{2x} + \frac{5}{x+1} - \frac{7}{2(x+2)}.$$

Натижада берилган интеграл қуйидагича топилади:

$$\int \frac{2x-3}{x(x+1)(x+2)}\,dx = \int \left(\frac{3}{2x} + \frac{5}{x+1} - \frac{7}{2(x+2)}\right) dx =$$

$$= -\frac{3}{2}\ln|x| + 5\ln|x+1| - \frac{7}{2}\ln|x+2| + C.$$

2 - м и с о л . $\int \frac{xdx}{(x-2)(x+2)^2}$ ни топинг.

Е ч и ш . Тўғри касрни энг содда касрлар йиғиндиси кўринишида ёзиш қоидасига кўра:

$$\int \frac{xdx}{(x-2)(x+2)^2} = \int \left(\frac{A}{x-2} + \frac{B}{(x+2)^2} + \frac{C}{x+2} \right) dx .$$

Қавс ичидаги касрларни умумий махражга келтирамиз ва унинг суратини x га тенглаймиз:

$$x = A(x+2)^2 + B(x-2) + C(x-2)(x+2).$$

$$x = 2 \text{ да: } 2 = 16A \Rightarrow A = \frac{1}{8};$$

$$x = -2 \text{ да: } -2 = 4B \Rightarrow B = \frac{1}{2}.$$

C номаълумни топиш учун тенгликнинг ўнг томонидаги қавсларни очиб x^2 олдидаги коэффициентлар йиғиндисини нолга тенглаймиз, натижада

$0 = A + C$, бундан $C = -\frac{1}{8}$

келиб чиқади. Бу қийматларни ўрнига қўйиб берилган интегрални топамиз:

$$\int \frac{xdx}{(x-2)(x+2)^2} = \int \left(\frac{1}{8(x-2)} + \frac{1}{2(x+2)^2} - \frac{1}{8(x+2)} \right) dx =$$

$$= \frac{1}{2} \ln|x-2| - \frac{1}{2(x+2)} - \frac{1}{8} \ln|x+2| + C.$$

мисол. $\int \frac{x^4+3x^2-5}{x^3+2x^2+5x} dx$ ни топинг.

Ечиш. Интеграл остидаги функция нотўғри каср бўлгани учун унинг суратини махражига бўлиб, касрни бутун қисм ва тўғри рационал каср йиғиндиси кўринишида ёзиб оламиз:

$$\frac{x^4+3x^2-5}{x^3+2x^2+5x} = x - 2 + \frac{2x^2+10x-5}{x^3+2x^2+5x}.$$

Энди охирги тўғри касрни энг содда касрлар йиғиндиси кўринишида ёзиб оламиз:

$$\frac{2x^2+10x-5}{x(x^2+2x+5)} = \frac{A}{x} + \frac{Mx+N}{x^2+2x+5}.$$

Бу тенгликнинг ўнг қисмини умумий махражга келтириб, касрларнинг суратларини тенглаймиз:

$$2x^2 + 10x - 5 \equiv A(x^2 + 2x + 5) + Mx^2 + Nx.$$

x нинг бир хил даражалари олдидаги коэффициентларини тенглаймиз:

$$\begin{array}{l|l} x^2 & 2 = A + M, \\ x^1 & 10 = 2A + N, \\ x^0 & -5 = 5A, \end{array}$$

бундан $A = -1$, $M = 3$, $N = 12$.

Натижада берилган интеграл қуйидагича ҳисобланади

$$\int \frac{x^4+3x^2-5}{x^3+2x^2+5x}\,dx = \int\left(x-2-\frac{1}{x}+\frac{3x+12}{x^2+2x+5}\right)dx =$$

$$=\int (x-2)d(x-2)-\int\frac{dx}{x}+\frac{3}{2}\int\frac{2x+2+6}{x^2+2x+5}\,dx =$$

$$=\frac{(x-2)^2}{2}-\ln|x|+\frac{3}{2}\int\frac{d(x^2+2x+5)}{x^2+2x+5}+\frac{3}{2}\cdot 6\int\frac{dx}{(x+1)^2+1}=$$

$$=\frac{(x-2)^2}{2}-\ln|x|+\frac{3}{2}\ln\left|x^2+2x+5\right|+\frac{9}{2}\operatorname{arctg}\frac{x+1}{2}+C\,.$$

Машқлар

Қуйидаги интегралларни топинг:

201. $\int\frac{dx}{x^3-x}$.

202. $\int\frac{x-4}{x^2-5x+6}\,dx$.

203. $\int\frac{x^5+x^4-8}{x^3-4x}\,dx$.

204. $\int\frac{x^3+1}{x^3-x^2}\,dx$.

205. $\int\frac{x^2-2x+3}{(x-1)(x^3-4x^2+3x)}\,dx$.

206. $\int\frac{2x^2-3x-3}{(x-1)(x^2-2x+5)}\,dx$.

207. $\int\frac{x^2dx}{x^4-1}$.

208. $\int\frac{2xdx}{(x+1)(x^2+1)^2}$.

209. $\int\frac{4}{x(x^2+4)}\,dx$.

210. $\int\frac{1}{x(x+1)^2}\,dx$.

211. $\int\frac{dx}{x(x^2-1)}$.

212. $\int\frac{dx}{(x-1)(x+2)^2}$.

213. $\int\frac{2x^2+41x-91}{(x-1)(x+3)(x-4)}\,dx$.

214. $\int\frac{13dx}{x(x^2+6x+13)}\,dx$.

7-§. Баъзи иррационал функцияларни интеграллаш

Қуйидаги кўринишдаги интеграллар берилган бўлсин:

$$\int R(x, x^{\alpha}, x^{\beta}, x^{t},\ldots)\,dx\,, \qquad (4.14)$$

$$\int R(x,(ax+b)^{\alpha},(ax+b)^{\beta}+(ax+b)^{t},\ldots)\,dx\ , \qquad (4.15)$$

$$\int R\left(x,\left(\frac{ax+b}{cx+d}\right)^{\alpha},\left(\frac{ax+b}{cx+d}\right)^{\beta}+\left(\frac{ax+b}{cx+d}\right)^{t},\ldots\right)dx\,. \qquad (4.16)$$

Бу ерда $\alpha=\frac{m_1}{n_1}$, $\beta=\frac{m_2}{n_2}$, $t=\frac{m_3}{n_3}$ рационал сонлар бўлиб, k уларнинг умумий махражи бўлса, у ҳолда (4.14) учун $ax+b=t^k$, (4.15) учун эса $\frac{ax+b}{cx+d}=t^k$ алмаштиришлар ёрдамида бу интегралларни топиш рационал функцияни интеграллашга келади. Бундай интегралларни топишни мисолларда кўрамиз.

1-мисол. $\int\frac{\sqrt{x}dx}{\sqrt[4]{x^3}+4}$ ни топинг.

Ечиш. Бу мисолда $k=4$ бўлгани учун юқоридагига кўра берилган интеграл қуйидагича топилади:

$$\int\frac{\sqrt{x}dx}{\sqrt[4]{x^3}+4}\left|\begin{array}{l}\sqrt[4]{x}=t,\ \ x=t^4\\ dx=4t^3dt\end{array}\right|=4\int\frac{t^2}{t^3+4}t^3dt=4\int\frac{t^5dt}{t^3+4}=$$

$$=4\int\left(t^2-\frac{4t^2}{t^3+4}\right)dt=4\left(\int t^2dt-\frac{4}{3}\int\frac{3t^2}{t^3+4}dt\right)=4\frac{t^3}{3}-\frac{16}{3}\cdot\int\frac{d(t^3+4)}{t^3+4}=$$

$$=\frac{4}{3}t^3-\frac{16}{3}\ln\left|t^3+4\right|+C=\frac{4}{3}\sqrt[4]{x^3}-\frac{16}{3}\ln\left|\sqrt[4]{x^3}+4\right|+C\,.$$

2-мисол. $\int\frac{\sqrt[6]{x+2}}{\sqrt{x+2}+\sqrt[3]{x+2}}dx$ интегрални топинг.

Ечиш. Бу мисолда $k=6$ бўлгани учун интеграл қуйидагича топилади:

$$\int\frac{\sqrt[6]{x+2}}{\sqrt{x+2}+\sqrt[3]{x+2}}dx\left|\begin{array}{l}\sqrt[6]{x+2}=t,\ \ x+2=t^6\\ dx=6t^5dt\end{array}\right|=\int\frac{t}{t^3+t^2}6t^5dt=$$

$$=6\int\frac{t^6}{t^2(t+1)}dt=6\int\frac{t^4}{t+1}dt=6\int\left(t^3-t^2+t-1+\frac{1}{t+1}\right)dt=$$

$$= \frac{3}{2}t^4 - 2t^3 + 3t^2 - 6t + 6\ln|t+1| + C = \frac{3}{2}\sqrt[3]{(x+2)^2} -$$

$$-2\sqrt{x+2} + 3\sqrt[3]{x+2} - 6\sqrt[6]{x+2} + 6\ln\left|\sqrt[6]{x+2} + 1\right| + C.$$

3-мисол. $\int \frac{2}{(2-x)^2} \cdot \sqrt[3]{\frac{2-x}{2+x}}dx$ ни топинг.

Ечиш. $\sqrt[3]{\frac{2-x}{2+x}} = t$ алмаштиришни бажарамиз, бундан

$\frac{2-x}{2+x} = t^3 \Rightarrow x = \frac{2-2t^3}{1+t^3}$, $2 - x = \frac{4t^3}{1+t^3}$ ва $dx = \frac{-12t^2}{(1+t^3)^2}dt$ бўлади.

Демак, $\int \frac{2}{(2-x)^2} \cdot \sqrt[3]{\frac{2-x}{2+x}}dx = -\int \frac{2(1+t^3)t \cdot 12t^2}{16t^3(1+t^3)^2}dt = -\frac{3}{2}\int \frac{dt}{t^3} =$

$$= \frac{3}{4t^2} + C = \frac{3}{4} \cdot \sqrt[3]{\left(\frac{2+x}{2-x}\right)^2} + C.$$

Қуйидаги кўринишдаги интегрални қараймиз:

$$\int \frac{P_n(x)dx}{\sqrt{ax^2+bx+c}}, \qquad (4.17)$$

бунда $P_n(x)$ n-даражали кўпҳад. (4.17) кўринишдаги интегрални ҳар доим қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\int \frac{P_n(x)dx}{\sqrt{ax^2+bx+c}} = Q_{n-1}(x)\sqrt{ax^2+bx+c} + \lambda\int \frac{dx}{\sqrt{ax^2+bx+c}}, \qquad (4.18)$$

бунда $\lambda \in R$; $Q_{(n-1)}(x)$ эса $(n-1)$ - даражали коэффициентлари номаълум бўлган кўпҳад бўлиб, улар қуйидагича аниқланади. (4.18) тенгликнинг ҳар иккала қисмини дифференциаллаш ёрдамида $Q_{(n-1)}(x)$ кўпҳаднинг номаълум коэффициентлари ва λ сон топилади.

Буни қуйидаги мисолда кўрсатамиз.

4-мисол. $\int \frac{x^4+4x^2}{\sqrt{x^2+4}}dx$ ни топинг.

Ечиш. (4.18) формулага асосан:

$$\int \frac{x^4+4x^2}{\sqrt{x^2+4}}dx = (Ax^3 + Bx^2 + Cx + D)\sqrt{x^2+4} + \lambda\int \frac{dx}{\sqrt{x^2+4}}.$$

Охирги тенгликни дифференциаллаймиз:

$$\frac{x^4+4x^2}{\sqrt{x^2+4}} = (3Ax^2 + 2Bx + C)\sqrt{x^2 + 4} +$$

$$+(Ax^3 + Bx^2 + Cx + D) \cdot \frac{x}{\sqrt{x^2+4}} + \lambda \cdot \frac{1}{\sqrt{x^2+4}}.$$

Бу тенгликнинг иккала томонини $\sqrt{x^2 + 4}$ га кўпайтирамиз. У ҳолда $x^4 + 4x^2 = (3Ax^2 + 2Bx + C)\ (x^2 + 4) + (Ax^3 + Bx^2 + Cx + D)\ x + \lambda$.

Бундан қуйидаги системага эга бўламиз:

$$\begin{array}{r|l} x^4 & 1 = 3A + A, \\ x^3 & 0 = 2B + B, \\ x^2 & 4 = 12A + C + B, \\ x^1 & 0 = 4B + D, \\ x^0 & 0 = 4C + \lambda. \end{array}$$

Бу системанинг ечимини топамиз: $A = \frac{1}{4}$, $B = 0$, $C = \frac{1}{2}$, $D = 0$, $\lambda = -2$. Демак,

$$\int \frac{x^4+4x^2}{\sqrt{x^2+4}} dx = \frac{x^3+2x}{4}\sqrt{x^2 + 4} - 2\int \frac{dx}{\sqrt{x^2+4}} =$$

$$= \frac{x^3+2x}{4}\sqrt{x^2 + 4} - 2\ln\left|x + \sqrt{x^2 + 4}\right| + C.$$

Биномиал дифференциалларни интеграллаш

Ушбу

$$x^m(a + bx^n)^p dx$$

дифференциал ифода биномиал дифференциал деб аталади. Унинг интеграли

$$\int x^m (a + bx^n)^p dx \qquad (4.19)$$

берилган бўлсин. Бунда a, b ўзгармас сонлар, m, n, p — рационал сонлар. (4.19) интегрални ҳисоблаш m, n, p рационал сонларга боғлиқлигини рус математиги П.Л.Чебишев кўрсатган. (4.19) интеграл қуйидаги учта

1) p — бутун сон;

2) $\frac{m+1}{n}$ — бутун сон;

3) $\frac{m+1}{n}+p$ — бутун сон

ҳолдагина рационал функцияларнинг интеграли орқа ифодаланади:

1) p бутун сон бўлса, юқорида кўрилган энг содда и рационал функция интегралига эга бўламиз;

2) $\frac{m+1}{n}$ бутун сон бўлса, $a+bx^n=t^s$, $p=\frac{r}{s}$, $s>0$ а маштириш бажарилади;

3) $\frac{m+1}{n}+p$ бутун сон бўлса, $a+bx^n=t^s x^n$ алмаштири бажарилади;

Учинчи ҳолга мисол келтирамиз.

5-мисол. $\int x^{-7}(1+x^4)^{-\frac{1}{2}}dx$ ни топинг.

Ечиш. $m=-7, n=4,\ p=-\frac{1}{2}$ ва $\frac{m+1}{n}+p=\frac{-7+1}{4}-\frac{1}{2}=-$ бутун сон.

Бу ерда 3) ҳолга эгамиз, шунинг учун берилган инте ғрални қуйидагича топамиз:

$$\int x^{-7}(1+x^4)^{-\frac{1}{2}}dx=\int\frac{dx}{x^7\sqrt{1+x^4}}\left|\begin{array}{l}1+x^4=t^2x^4,\ x=(t^2-1)^{-\frac{1}{4}}\\ dx=-\frac{1}{2}(t^2-1)^{-5/4}dt\end{array}\right|=$$

$$=\int(t^2-1)^{\frac{7}{4}}t^{-1}(t^2-1)^{\frac{1}{2}}\left(-\frac{1}{2}\right)(t^2-1)^{-\frac{5}{4}}tdt=-\frac{1}{2}\int(t^2-1)\,dt=$$

$$=-\frac{1}{6}t^3+\frac{1}{2}t+C\left|t=\frac{\sqrt{1+x^4}}{x^2}\right|=\left(-\frac{1}{6x^6}+\frac{1}{3x^2}\right)\sqrt{1+x^4}+C.$$

Машқлар

Қуйидаги интегралларни топинг:

215. $\frac{dx}{3x-4\sqrt{x}}$. 216. $\int\frac{\sqrt{x}dx}{\sqrt[3]{x^2}-\sqrt[4]{x}}$.

217. $\int \frac{\sqrt{x}dx}{\sqrt[4]{x^3}+1}$.

218. $\int \frac{x^3dx}{\sqrt{x^2+2}}$.

219. $\int \frac{dx}{\sqrt{3x+4}+2\sqrt[4]{3x+4}}$.

220. $\int \frac{4xdx}{\sqrt[3]{(3x-8)^2}-2\sqrt[3]{3x-8}+4}$.

221. $\int \sqrt{\frac{1-x}{1+x}}\frac{dx}{x}$.

222. $\int (x-2)\sqrt{\frac{3+x}{3-x}}\,dx$.

223. $\int x^5\sqrt[3]{(1+x^3)^2}\,dx$.

224. $\int x\left(1+x^{\frac{2}{3}}\right)^{\frac{1}{2}}dx$.

8-§. Тригонометрик функцияларни интеграллаш

Қуйидаги кўринишдаги интеграл берилган бўлсин:

$$\int R(\sin x, \cos x)\, dx. \tag{4.20}$$

Агар (4.20) интегралда $t = \operatorname{tg}\frac{x}{2}$ $(-\pi < x < \pi)$ алмаштириш бажарилса, (4.20) интеграл остидаги $R(\sin x, \cos x)dx$ ифода t ўзгарувчининг рационал функциясига келади. Бу ҳолда

$$\cos x = \frac{1-t^2}{1+t^2},\ \sin x = \frac{2t}{1+t^2},\ dx = \frac{2dt}{1+t^2} \tag{4.21}$$

формулалардан фойдалансак, (4.20) интеграл қуйидаги

$$\int R(\sin x, \cos x)\, dx = \int R\left(\frac{2t}{1+t^2}, \frac{1-t^2}{1+t^2}\right)\cdot\frac{2dt}{1+t^2}$$

кўринишга келади. Бундай алмаштириш *универсал алмаштириш* дейилади. Бу ҳолни қуйидаги мисолларда кўрамиз.

1 - м и с о л. $\int \frac{dx}{1+\sin x+\cos x}$ ни топинг.

Е ч и ш. $t = \operatorname{tg}\frac{x}{2}$ деб оламиз ва (4.21) тенгликларга кўра:

$$\int \frac{dx}{1+\sin x+\cos x} = \int \frac{\frac{2}{1+t^2}dt}{1+\frac{2t}{1+t^2}+\frac{1-t^2}{1+t^2}} = \int\frac{dt}{1+t} = \ln|1+t| + C =$$

$$= \ln\left|1+\operatorname{tg}\frac{x}{2}\right| + C.$$

Агар қуйидаги $R(-\sin x, -\cos x) = R(\sin x, \cos x)$ тенгли[к] ўринли бўлса, $t = \text{tg}x$ алмаштириш қулай. Бу алмашти[ри]шда тригонометриядан маълум бўлган

$$\sin x = \frac{tgx}{\sqrt{1+tg^2 x}} = \frac{t}{\sqrt{1+t^2}},$$

$$\cos x = \frac{1}{\sqrt{1+tg^2 x}} = \frac{1}{\sqrt{1+t^2}},$$

$$x = \text{arctg}t, \; dx = \frac{dt}{1+t^2} \qquad (4.22)$$

формулалардан фойдаланилади.

2-мисол. $\int \frac{dx}{3+\sin^2 x}$ ни топинг.

Ечиш: $t = \text{tg}x$ алмаштиришни бажарамиз ва (4.22) тенгликларга кўра топамиз:

$$\int \frac{dx}{3+\sin^2 x} = \int \frac{\frac{1}{1+t^2}dt}{3+\frac{t^2}{1+t^2}} = \int \frac{dt}{3+4t^2} = \frac{1}{2\sqrt{3}}\text{arctg}\frac{2t}{\sqrt{3}} + C =$$

$$= \frac{1}{2\sqrt{3}}\text{arctg}\frac{2\text{tg}x}{\sqrt{3}} + C.$$

3-мисол. $\int \text{tg}^5 2x dx$ ни топинг.

Ечиш. $t = \text{tg}2x$ алмаштиришни бажарамиз. Бунда

$$x = \frac{1}{2}\text{arctg}\,t, \; dx = \frac{1}{2}\cdot\frac{1}{1+t^2}dt,$$

$$\int \text{tg}^5 2x dx = \int t^5 \cdot \frac{1}{2}\cdot\frac{1}{1+t^2}dt = \frac{1}{2}\int \frac{t^5}{1+t^2}dt =$$

$$= \frac{1}{2}\int\left(t^3 - t + \frac{t}{1+t^2}\right)dt = \frac{1}{8}t^4 - \frac{1}{4}t^2 + \frac{1}{4}\ln\left|1+t^2\right| + C =$$

$$= \frac{1}{8}\text{tg}^4 x - \frac{1}{4}\text{tg}^2 x + \frac{1}{4}\ln\left|1+\text{tg}^2 x\right| + C.$$

Агар интеграллар $\int \sin x \cdot f(\cos x)dx$ ёки $\int \cos x \cdot f(\sin x)dx$ кўринишда бўлса, у ҳолда

$$\cos x = t \qquad \text{ёки} \qquad \sin x = t$$

алмаштириш натижасида улар t га боғлиқ рационал функцияга келади.

4-мисол. $\int \frac{\sin^3 x}{\cos^4 x} dx$ ни топинг.

Ечиш. $\cos x = t$ алмаштириш бажарамиз, у ҳолда $dt = -\sin x dx$ ва

$$\int \frac{\sin^3 x}{\cos^4 x} dx = \int \frac{1-\cos^2 x}{\cos^4 x} \sin x dx = \int \frac{1-t^2}{t^4}(-dt) =$$

$$= -\int \frac{1}{t^4} dt + \int \frac{1}{t^2} dt = \frac{1}{3} t^{-3} - \frac{1}{t} + C =$$

$$= \frac{1}{3\cos^3 x} - \frac{1}{\cos x} + C.$$

5-мисол. $\int \frac{\cos 2x dx}{\sqrt[3]{(2+3\sin 2x)^2}}$ ни топинг.

Ечиш. $2+3 \sin 2x = t^3$ деб оламиз. У ҳолда $\cos 2x dx = \frac{1}{2} t^2 dt$ ва берилган интеграл қуйидагича топилади:

$$\int \frac{\cos 2x dx}{\sqrt[3]{(2+3\sin 2x)^2}} = \frac{1}{2} \int \frac{t^2 dt}{\sqrt[3]{t^6}} = \frac{1}{2} \int dt = \frac{1}{2} t + C =$$

$$= \frac{1}{2} \sqrt[3]{(2+3\sin 2x)} + C.$$

Эслатма. $t = \operatorname{tg} \frac{x}{2}$ алмаштиришни юқоридаги ҳамма мисоллар учун қўллаш мумкин.

Машқлар

Қуйидаги интегралларни топинг:

225. $\int \frac{dx}{3+5\cos x}$.

226. $\int \frac{dx}{4-5\sin x}$.

227. $\int \frac{\cos 2x}{\sqrt{3+4\sin 2x}} dx$.

228. $\int \frac{\sin 3x}{\sqrt[3]{(3+2\cos 3x)^2}} dx$.

229. $\int \frac{\sin^2 x dx}{1+\cos^2 x}$.

230. $\int \frac{dx}{3\sin^2 x+5\cos^2 x}$.

231. $\int \cos^3 x \sin^{10} x dx$.

232. $\int \frac{dx}{\sin^2 x + 3\sin x \cos x + \cos^2 x}$

233. $\int \sin^4 8x dx$.

234. $\int \frac{\cos^4 x + \sin^4 x}{\cos^2 x - \sin^2 x} dx$.

235. $\int \frac{dx}{\cos x \sin^3 x}$.

236. $\int \frac{\sin x dx}{\sin x + 1}$.

9-§. Биринчи мустақил уй иши

Бу мустақил уй ишининг ҳар бир вариантида 14 та мисол бўлиб, уларнинг интегралларини топиш керак, шунингдек, 1—5-мисолларда натижани дифференциаллаш орқали текшириш керак.

Қуйида вариант мисолларини ечиш намунасини келтирамиз.

Аниқмас интегралларни топинг ва 1—5-мисолларнинг натижасини дифференциаллаш орқали текширинг.

1. $\int \frac{3-2x^4+\sqrt[3]{x^2}}{\sqrt[4]{x}} dx$.

Ечиш. Интеграл остидаги ифоданинг суратини махражига бўламиз ва интеграллар жадвалига кўра қуйидагига эга бўламиз:

$$\int \frac{3-2x^4+\sqrt[3]{x^2}}{\sqrt[4]{x}} dx = 3\int x^{-\frac{1}{4}} dx - 2\int x^{\frac{15}{4}} dx + \int x^{\frac{5}{12}} dx =$$

$$= 4x^{\frac{3}{4}} - \frac{8}{19} x^{\frac{19}{4}} + \frac{12}{17} x^{\frac{17}{12}} + C = 4\sqrt[4]{x^3} - \frac{8}{19}\sqrt[4]{x^{19}} + \frac{12}{17}\sqrt[12]{x^{17}} + C.$$

Натижани текширамиз:

$$\left(4\sqrt[4]{x^3} - \frac{8}{19}\sqrt[4]{x^{19}} + \frac{12}{17}\sqrt[12]{x^{17}} + C\right)' =$$

$$= 4 \cdot \frac{3}{4} x^{-\frac{1}{4}} - \frac{8}{19} \cdot \frac{19}{4} x^{\frac{15}{4}} + \frac{12}{17} \cdot \frac{17}{12} x^{\frac{5}{12}} = 3x^{-\frac{1}{4}} - 2x^{\frac{15}{4}} + x^{\frac{5}{12}}.$$

2. $\int \frac{dx}{\sqrt[3]{(4-8x)^2}}$.

Ечиш.

$$\int \frac{dx}{\sqrt[3]{(4-8x)^2}} = \int (4-8x)^{-\frac{2}{3}} dx \left| \begin{array}{l} d(4-8x) = -8dx \\ dx = -\frac{1}{8} d(4-8x) \end{array} \right| =$$

$$= -\frac{1}{8}\int (4-8x)^{-\frac{2}{3}} d(4-8x) = -\frac{1}{8} \cdot \frac{(4-8x)^{-\frac{2}{3}+1}}{-\frac{2}{3}+1} + C =$$

$$= -\frac{3}{8}(4-8x)^{-\frac{1}{3}} + C.$$

Натижани текширамиз:

$$\left(-\frac{3}{8}(4-8x)^{\frac{1}{3}} + C\right)' = -\frac{3}{8} \cdot \frac{1}{3}(4-8x)^{\frac{1}{3}-1} \cdot (-8) =$$

$$= (4-8x)^{-\frac{2}{3}} = \frac{1}{(4-8x)^{2/3}} = \frac{1}{\sqrt[3]{(4-8x)^2}}.$$

3. $\int \frac{dx}{5-6x}$.

Ечиш.

$$\int \frac{dx}{5-6x} \left| \begin{array}{l} d(5-6x) = -6dx \\ dx = -\frac{1}{6} d(5-6x) \end{array} \right| = -\frac{1}{6}\int \frac{d(5-6x)}{5-6x} = -\frac{1}{6} \cdot \ln|5-6x| + C.$$

Натижани текширамиз:

$$\left(-\frac{1}{6} \cdot \ln|5-6x| + C\right)' = -\frac{1}{6} \cdot \frac{1}{5-6x} \cdot (-6) = \frac{1}{5-6x}.$$

4. $\int \cos(2-5x)\, dx$.

Ечиш.

$$\int \cos(2-5x)\, dx \left| \begin{array}{l} d(2-5x) = -5dx \\ dx = -\frac{1}{5} d(2-5x) \end{array} \right| =$$

$$= -\frac{1}{5}\int \cos(2-5x) \cdot d(2-5x) = -\frac{1}{5}\sin(2-5x) + C.$$

Натижани текширамиз:

$$\left(-\frac{1}{5}\sin(2-5x)+C\right)' = -\frac{1}{5}\cos(2-5x)\cdot(-5) = \cos(2-5x)\cdot$$

5. $\int \frac{3dx}{\sqrt{4x^2-3}}$.

Ечиш.

$$\int \frac{3dx}{\sqrt{4x^2-3}} = \frac{3}{2}\int \frac{2dx}{\sqrt{(2x)^2-\left(\sqrt{3^2}\right)}} = \frac{3}{2}\int \frac{d(2x)}{\sqrt{(2x)^2-\left(\sqrt{3^2}\right)}} =$$

$$= \frac{3}{2}\ln\left|2x+\sqrt{4x^2-3}\right|+C.$$

Натижани текширамиз:

$$\left(\frac{3}{2}\ln\left|2x+\sqrt{4x^2-3}\right|+C\right)' = \frac{3}{2}\cdot\frac{2+\frac{8x}{2\sqrt{4x^2-3}}}{2x+\sqrt{4x^2-3}} =$$

$$= \frac{3}{2}\cdot\frac{2\left(\sqrt{4x^2-3}+2x\right)}{\left(2x+\sqrt{4x^2-3}\right)\cdot\sqrt{4x^2-3}} = \frac{3}{\sqrt{4x^2-3}}.$$

6. $\int \frac{7x}{3x^2+4}\,dx\cdot$

Ечиш. Интеграл остидаги функциянинг (касрнинг) шаклини шундай алмаштирамизки, натижада суратида махражининг ҳосиласи ҳосил бўлсин:

$$\int \frac{7x}{3x^2+4}\,dx = \frac{7}{6}\int \frac{6x}{3x^2+4}\,dx = \frac{7}{6}\int \frac{d(3x^2+4)}{3x^2+4} = \frac{7}{6}\ln\left|3x^2+4\right|+C\cdot$$

7. $\int \frac{dx}{\sqrt{6-5x^2}}$.

Ечиш.

$$\int \frac{dx}{\sqrt{6-5x^2}} = \int \frac{\sqrt{5}dx}{\sqrt{5}\cdot\sqrt{(\sqrt{6})^2-(\sqrt{5}\cdot x)^2}} = \frac{1}{\sqrt{5}}\int \frac{d(\sqrt{5}x)}{\sqrt{(\sqrt{6})^2-(\sqrt{5}x)^2}} =$$

$$= \frac{1}{\sqrt{5}}\arcsin\frac{\sqrt{5}x}{\sqrt{6}}+C.$$

8. $\int e^{5-4x}dx$.

Ечиш.

$$\int e^{5-4x}dx \left|\begin{aligned} d(5-4x) &= -4dx \\ dx &= -\tfrac{1}{4}d(5-4x)\end{aligned}\right| = -\frac{1}{4}\int e^{5-4x}d(5-4x) =$$

$$= -\frac{1}{4}e^{5-4x} + C.$$

9. $\int \frac{\sqrt[7]{\ln^3(x+2)}}{x+2}dx$.

Ечиш.

$$\int \frac{\sqrt[7]{\ln^3(x+2)}}{x+2}dx = \int \ln^{\frac{3}{7}}(x+2)\, d(\ln(x+2)) =$$

$$= \frac{7}{10}\ln^{\frac{10}{7}}(x+2) + C = \frac{7}{10}\sqrt[7]{\ln^{10}(x+2)} + C.$$

10. $\int \frac{\cos 3x dx}{\sqrt[5]{\sin 3x - 4}}$.

Ечиш.

$$\int \frac{\cos 3x dx}{\sqrt[5]{\sin 3x-4}} = \frac{1}{3}\int (\sin 3x - 4)^{-\frac{1}{5}}\cos 3x dx =$$

$$= \frac{1}{3}\int (\sin 3x - 4)^{-\frac{1}{5}}d(\sin 3x - 4) = \frac{1}{3}\cdot\frac{5}{4}(\sin 3x - 4)^{\frac{4}{5}} + C =$$

$$= \frac{5}{12}\sqrt[5]{(\sin 3x - 4)^4} + C.$$

11. $\int \frac{dx}{\sin^2 4x \cdot \sqrt[3]{\operatorname{ctg}^2 4x}}$.

Ечиш.

$$\int \frac{dx}{\sin^2 4x\cdot\sqrt[3]{\operatorname{ctg}^2 4x}} = \int -\left(\frac{1}{4}\right)\operatorname{ctg}^{-\frac{2}{3}}4x\cdot\left(-\frac{4}{\sin^2 4x}dx\right) =$$

$$= -\frac{1}{4}\int \operatorname{ctg}^{-\frac{2}{3}}4x d(\operatorname{ctg}4x) = -\frac{3}{4}\operatorname{ctg}^{\frac{1}{3}}4x + C = -\frac{3}{4}\sqrt[3]{\operatorname{ctg}4x} + C.$$

12. $\int \frac{\sqrt[3]{\operatorname{arctg}^5 2x}}{1+4x^2}\,dx$.

Ечиш.

$$\int \frac{\sqrt[3]{\operatorname{arctg}^5 2x}}{1+4x^2}\,dx = \frac{1}{2}\int \operatorname{arctg}^{\frac{5}{3}} 2x\left(\frac{2}{1+4x^2}\right)dx =$$

$$= \frac{1}{2}\int \operatorname{arctg}^{\frac{5}{3}} 2x\,d(\operatorname{arctg}2x) = \frac{1}{2}\cdot\frac{3}{8}\operatorname{arctg}^{\frac{8}{3}} 2x + C =$$

$$= \frac{3}{16}\sqrt[3]{\operatorname{arctg}^8 2x} + C.$$

13. $\int e^{3\cos x+2}\sin x\,dx$.

Ечиш.

$$\int e^{3\cos x+2}\sin x\,dx = -\frac{1}{3}\int e^{3\cos x+2}d(3\cos x+2) = -\frac{1}{3}e^{3\cos x+2} + C.$$

14. $\int \frac{3x+10}{6x^2-4}\,dx$.

Ечиш.

$$\int \frac{3x+10}{6x^2-4}\,dx = \int \frac{3x}{6x^2-4}\,dx + 10\int \frac{dx}{6x^2-4} = \frac{1}{4}\int \frac{12x}{6x^2-4}\,dx +$$

$$+\frac{10}{\sqrt{6}}\int \frac{d(\sqrt{6}\cdot x)}{(\sqrt{6}x)^2-2^2} = \frac{1}{4}\ln\left|6x^2-4\right| + \frac{5}{2\sqrt{6}}\ln\left|\frac{\sqrt{6}x-2}{\sqrt{6}x+2}\right| + C.$$

1-вариант

1. $\int \frac{\sqrt[6]{x^5}-5x^2+3}{x}\,dx$.
2. $\int \sqrt{5-4x}\,dx$.
3. $\int \frac{dx}{3x+4}$.
4. $\int \sin(3-4x)\,dx$.
5. $\int \frac{dx}{\sqrt{5x^2+3}}$.
6. $\int \frac{x}{2x^2-7}\,dx$.
7. $\int \frac{dx}{3x^2-7}$.
8. $\int e^{2x-10}dx$.
9. $\int \frac{\sqrt{\ln^5(x+1)}}{x+1}\,dx$.
10. $\int \frac{\cos x\,dx}{\sqrt{(\sin x-4)^3}}$.
11. $\int \frac{\sqrt[5]{\operatorname{ctg}3x}}{\sin^2 3x}\,dx$.
12. $\int \frac{\arccos^2 2x}{\sqrt{1-4x^2}}\,dx$.
13. $\int e^{5x^2-3}x\,dx$.
14. $\int \frac{x-1}{5-2x^2}\,dx$.

2-вариант

1. $\int\left(x\sqrt{x}-\frac{1}{\sqrt{x^3}}+1\right)dx$. 2. $\int\sqrt[3]{(2-x)^2}\,dx$. 3. $\int\frac{dx}{6x+1}$.

4. $\int\sin(9x+7)\,dx$. 5. $\int\frac{dx}{\sqrt{4-7x^2}}$. 6. $\int\frac{x}{3x^2+8}\,dx$.

7. $\int\frac{dx}{4x^2+7}$. 8. $\int e^{4-7x}dx$. 9. $\int\frac{\ln(3x+5)}{3x+5}\,dx$.

10. $\int\frac{\cos 6x}{\sin^4 6x}\,dx$. 11. $\int\frac{\mathrm{tg}^4 7x}{\cos^2 7x}\,dx$. 12. $\int\frac{\mathrm{arctg}^7 3x}{1+9x^2}\,dx$.

13. $\int e^{1-4x^2}x\,dx$. 14. $\int\frac{2x+3}{1-3x^2}\,dx$.

3-вариант

1. $\int\left(x^2-\frac{\sqrt[3]{x}}{x}-3\right)dx$. 2. $\int\sqrt[4]{(3+5x)^3}\,dx$. 3. $\int\frac{dx}{7x-3}$.

4. $\int\cos(10x-3)\,dx$. 5. $\int\frac{\sqrt{5}dx}{\sqrt{3-4x^2}}$. 6. $\int\frac{2x}{3x^2-7}\,dx$.

7. $\int\frac{dx}{6x^2-7}$. 8. $\int e^{8x+1}dx$. 9. $\int\frac{\ln^5(x+9)}{x+9}\,dx$.

10. $\int\frac{\sin 2x}{\sqrt[3]{\cos x^4 2x}}\,dx$. 11. $\int\frac{\mathrm{ctg}^5 6x}{\sin^2 6x}\,dx$. 12. $\int\frac{\arccos 4x}{\sqrt{1-16x^2}}\,dx$.

13. $\int e^{3x^2+4}x\,dx$. 14. $\int\frac{2x+3}{5x^2+2}\,dx$.

4-вариант

1. $\int\frac{\sqrt[3]{x^2}-2x^5+3}{x}\,dx$. 2. $\int\sqrt{3+2x}\,dx$. 3. $\int\frac{dx}{2x+9}$.

4. $\int\sin(9x-1)\,dx$. 5. $\int\frac{dx}{\sqrt{2x^2-9}}$. 6. $\int\frac{2x}{\sqrt{2x^2+5}}\,dx$.

7. $\int\frac{dx}{7x^2+6}$. 8. $\int e^{2x+3}dx$. 9. $\int\frac{dx}{(x+4)\ln^5(x+4)}$.

10. $\int \frac{\sin 4x}{\sqrt[3]{\cos 4x}} dx$. 11. $\int \frac{\sqrt[6]{\mathrm{tg}^5 4x}}{\cos^2 4x} dx$. 12. $\int \frac{\arcsin^4 x}{\sqrt{1-x^2}} dx$

13. $\int e^{\sin x+1} \cos x dx$. 14. $\int \frac{x-3}{4x^2+1} dx$.

5-вариант

1. $\int \left(\frac{\sqrt[3]{x}}{x} + 2x^3 - 4 \right) dx$. 2. $\int \sqrt{3-4x} dx$. 3. $\int \frac{dx}{2x+7}$.

4. $\int \cos(8x-4)\, dx$. 5. $\int \frac{dx}{2x^2+7}$. 6. $\int \frac{x}{\sqrt{7-3x^2}} dx$.

7. $\int \frac{dx}{\sqrt{7-3x^2}}$. 8. $\int e^{7+3x} dx$. 9. $\int \frac{\sqrt{\ln^5(x+6)}}{x+6} dx$

10. $\int \sin^5 4x \cos 4x dx$. 11. $\int \frac{\mathrm{ctg}^4 3x}{\sin^2 3x} dx$. 12. $\int \frac{\arcsin^2 2x}{\sqrt{1-4x^2}} dx$

13. $\int e^{4-x^2} x dx$. 14. $\int \frac{x-3}{1-4x^2} dx$.

6-вариант

1. $\int \frac{\sqrt{x^3}-3x^2+2}{x} dx$. 2. $\int \sqrt[3]{4-2x} dx$. 3. $\int \frac{dx}{5-2x}$.

4. $\int \sin(8x-5) dx$. 5. $\int \frac{dx}{\sqrt{3x^2+1}}$. 6. $\int \frac{x}{2x^2+9} dx$.

7. $\int \frac{dx}{6x^2+1}$. 8. $\int e^{5-x} dx$. 9. $\int \frac{\ln^3(x-8)}{x-8} dx$.

10. $\int \sin^4 8x \cos 8x dx$. 11. $\int \frac{dx}{\cos^2 x \sqrt{\mathrm{tg}^2 x}}$. 12. $\int \frac{dx}{\sqrt{1-25x^2} \arcsin 5x}$

13. $\int e^{3x^3} x^2 dx$. 14. $\int \frac{3x-2}{x^2-8} dx$.

7-вариант

1. $\int \left(2x^3 - 3\sqrt{x^3} + \frac{4}{x}\right) dx$. 2. $\int \sqrt[4]{2-5x} dx$. 3. $\int \frac{dx}{7-3x}$.

4. $\int \cos(3x-7)\,dx$.

5. $\int \frac{dx}{\sqrt{3x^2+2}}$.

6. $\int \frac{5x}{\sqrt{3-5x^2}}\,dx$.

7. $\int \frac{dx}{\sqrt{5x^2-1}}$.

8. $\int e^{4-5x}\,dx$.

9. $\int \frac{dx}{(x+3)\ln^4(x+3)}$.

10. $\int \sqrt{\cos^3 2x}\,\sin 2x\,dx$.

11. $\int \frac{\operatorname{tg}^6 2x}{\cos^2 2x}\,dx$.

12. $\int \frac{\operatorname{arctg}^8 3x}{1+9x^2}\,dx$.

13. $\int \frac{x^4 dx}{e^{x^5}+1}$.

14. $\int \frac{x-5}{8-4x^2}\,dx$.

8-вариант

1. $\int \frac{2x^4-\sqrt{x^3}+5}{x^2}\,dx$.

2. $\int \sqrt[5]{(6-5x)^2}\,dx$.

3. $\int \frac{dx}{2+7x}$.

4. $\int \sin(7-4x)\,dx$.

5. $\int \frac{\sqrt{2}dx}{\sqrt{7-2x^2}}$.

6. $\int \frac{x}{\sqrt{3x^2+8}}\,dx$.

7. $\int \frac{dx}{3x^2-5}$.

8. $\int e^{3-8x}\,dx$.

9. $\int \frac{\sqrt[3]{\ln^4(x-5)}}{x-5}\,dx$.

10. $\int \frac{\cos 6x}{\sin^7 6x}\,dx$.

11. $\int \frac{\sqrt{\operatorname{ctg}^5 x}}{\sin^2 x}\,dx$.

12. $\int \frac{\arccos^2 7x}{\sqrt{1-49x^2}}\,dx$.

13. $\int \frac{x}{e^{x^2}-3}\,dx$.

14. $\int \frac{x+4}{7x^2+3}\,dx$.

9-вариант

1. $\int \frac{3x^2-\sqrt{x^5}+7}{x^3}\,dx$.

2. $\int \sqrt{5-4x}\,dx$.

3. $\int \frac{dx}{1+6x}$.

4. $\int \cos(7x+3)\,dx$.

5. $\int \frac{\sqrt{14}dx}{2x^2-7}$.

6. $\int \frac{5x}{\sqrt{5x^2+3}}\,dx$.

7. $\int \frac{dx}{\sqrt{2-3x^2}}$.

8. $\int e^{2-4x}\,dx$.

9. $\int \frac{\sqrt{\ln^2(x+3)}}{x+3}\,dx$.

10. $\int \sin^6 3x\cos 3x\,dx$.

11. $\int \frac{\sqrt[5]{\operatorname{ctg}^2 x}}{\sin^2 x}\,dx$.

12. $\int \frac{\sqrt[5]{\operatorname{arctg}^3 x}}{1+x^2}\,dx$.

13. $\int \frac{x}{e^{2x^2}+5}\,dx$.

14. $\int \frac{3x+2}{\sqrt{2x^2-1}}\,dx$.

10-вариант

1. $\int \frac{3x^4-\sqrt[3]{x^2}+1}{x^2}\,dx$.
2. $\int \sqrt[3]{5-2x}\,dx$.
3. $\int \frac{dx}{1-7x}$.
4. $\int \sin(7x+1)\,dx$.
5. $\int \frac{dx}{8x^2+9}$.
6. $\int \frac{x}{3x^2-6}\,dx$.
7. $\int \frac{dx}{\sqrt{8-3x^2}}$.
8. $\int e^{2-6x}\,dx$.
9. $\int \frac{\ln^5(x-7)}{x-7}\,dx$.
10. $\int \sqrt{\cos 7x}\sin 7x\,dx$.
11. $\int \frac{\mathrm{tg}^7 4x}{\cos^2 4x}\,dx$.
12. $\int \frac{\mathrm{arcctg}^3 8x}{1+64x^2}\,dx$.
13. $\int e^{4-5x^2}x\,dx$.
14. $\int \frac{x-5}{\sqrt{4-9x^2}}\,dx$.

11-вариант

1. $\int \left(\sqrt[3]{x^2}-\frac{2}{x^3}+4\right)dx$.
2. $\int \frac{dx}{(2+x)^3}$.
3. $\int \frac{dx}{6+5x}$.
4. $\int \cos(5x-6)\,dx$.
5. $\int \frac{dx}{3x^2-2}$.
6. $\int \frac{x}{5x^2+1}\,dx$.
7. $\int \frac{dx}{\sqrt{3x^2+8}}$.
8. $\int e^{3x+1}\,dx$.
9. $\int \frac{\sqrt[3]{\ln(x+7)}}{x+7}\,dx$.
10. $\int \frac{\sin 5x\,dx}{\cos^4 5x}$.
11. $\int \frac{\sqrt{\mathrm{ctg}^3 x}}{\sin^2 x}\,dx$.
12. $\int \frac{\sqrt{\mathrm{arctg}^5 3x}}{1+9x^2}\,dx$.
13. $\int \frac{x\,dx}{e^{2x^2+1}}$.
14. $\int \frac{x-1}{7x^2+4}\,dx$.

12-вариант

1. $\int \frac{\sqrt{x}-2x^3+6}{x}\,dx$.
2. $\int \frac{dx}{\sqrt[3]{3+x}}$.
3. $\int \frac{dx}{6-3x}$.
4. $\int \cos(3x-7)\,dx$.
5. $\int \frac{dx}{4x^2+3}$.
6. $\int \frac{5x}{5x^2-3}\,dx$.
7. $\int \frac{dx}{\sqrt{3x^2+2}}$.
8. $\int e^{3x-4}\,dx$.
9. $\int \frac{\ln^3(x-5)}{x-5}\,dx$.

10. $\int \frac{\cos 5x}{\sqrt{\sin^3 5x}}\,dx$. 11. $\int \frac{dx}{\cos^2 x\sqrt{\mathrm{tg}^{3x}}}$. 12. $\int \frac{\sqrt[3]{\arcsin x}}{\sqrt{1-x^2}}\,dx$.

13. $\int \frac{xdx}{e^{x^2}+3}$. 14. $\int \frac{1-2x}{5x^2-1}\,dx$.

13-вариант

1. $\int \frac{\sqrt[3]{x}-2x^2+4}{x^2}\,dx$. 2. $\int \frac{dx}{\sqrt{(3-x)^5}}$. 3. $\int \frac{dx}{5+4x}$.

4. $\int \cos(5x-8)dx$. 5. $\int \frac{dx}{\sqrt{4x^2+3}}$. 6. $\int \frac{x}{2x^2-7}\,dx$.

7. $\int \frac{dx}{2x^2+7}$. 8. $\int e^{2-5x}dx$. 9. $\int \frac{dx}{(x+5)\ln^3(x+5)}$.

10. $\int \sin^3 5x\cos 5xdx$. 11. $\int \frac{dx}{\sin^2 x\mathrm{ctg}^5 x}$. 12. $\int \frac{\arccos^2 3x}{\sqrt{1-9x^2}}\,dx$.

13. $\int \frac{x^2}{e^{x^3}+1}\,dx$. 14. $\int \frac{2x+1}{5x^2+1}\,dx$.

14-вариант

1. $\int\left(\sqrt{x}-\frac{3x^2}{\sqrt{x^3}}+2\right)dx$. 2. $\int \sqrt[3]{1+3x}dx$. 3. $\int \frac{dx}{3-5x}$.

4. $\int \sin(3x+6)\,dx$. 5. $\int \frac{dx}{\sqrt{3-4x^2}}$. 6. $\int \frac{9x}{\sqrt{1-9x^2}}\,dx$.

7. $\int \frac{dx}{4x^2-3}$. 8. $\int e^{1-4x}dx$. 9. $\int \frac{dx}{(x+3)\ln^4(x+3)}$.

10. $\int \frac{\sin 4xdx}{\sqrt[3]{\cos^2 4x}}$. 11. $\int \frac{\mathrm{ctg}^5 2x}{\sin^2 2x}\,dx$. 12. $\int \frac{\mathrm{arcctg}^3 2x}{1+4x^2}\,dx$.

13. $\int e^{\sin x}\cos xdx$. 14. $\int \frac{x+3}{\sqrt{x^2+4}}\,dx$.

15-вариант

1. $\int\left(\sqrt[3]{x}-\frac{4}{x^5}+2\right)dx$. 2. $\int \sqrt[4]{1+3x}dx$. 3. $\int \frac{dx}{5+3x}$.

4. $\int \sin(5-3x)\,dx$.
5. $\int \frac{dx}{\sqrt{9-8x^2}}$.
6. $\int \frac{3x}{9x^2+2}\,dx$.
7. $\int \frac{dx}{3x^2+1}$.
8. $\int e^{3-5x}dx$.
9. $\int \frac{\ln^4(3x+1)}{3x+1}\,dx$.
10. $\int \sqrt{\cos^3 2x}\sin 2x dx$.
11. $\int \frac{\mathrm{tg}^3 4x}{\cos^2 4x}\,dx$.
12. $\int \frac{\sqrt[3]{\arccos^2 x}}{\sqrt{1-x^2}}\,dx$
13. $\int e^{2x^3-1}x^2dx$.
14. $\int \frac{3x-2}{2x^2+7}\,dx$.

16-вариант

1. $\int \frac{\sqrt[7]{x^6}-2x^2+3}{x}\,dx$.
2. $\int \sqrt[3]{3-2x}dx$.
3. $\int \frac{dx}{3-2x}$.
4. $\int \sin(5x-3)\,dx$.
5. $\int \frac{dx}{4x^2-3}$.
6. $\int \frac{5x}{\sqrt{7x^2-1}}\,dx$.
7. $\int \frac{dx}{\sqrt{8x^2-9}}$.
8. $\int e^{4-3x}dx$.
9. $\int \frac{dx}{(x+3)\sqrt{\ln(x+3)}}$.
10. $\int \sqrt[3]{\cos 2x}\cdot\sin 2x dx$.
11. $\int \frac{\sqrt[2]{\mathrm{tg} 5x}}{\cos^2 5x}\,dx$.
12. $\int \frac{\sqrt[5]{\arccos^2 3x}}{\sqrt{1-9x^2}}\,dx$.
13. $\int \frac{\sin x}{e^{\cos x}}\,dx$.
14. $\int \frac{5+x}{3x^2+1}\,dx$.

17-вариант

1. $\int\left(\frac{\sqrt[3]{x}}{x}-\frac{2}{x^3}+1\right)dx$.
2. $\int \frac{dx}{\sqrt[3]{2-5x}}$.
3. $\int \frac{dx}{5x-3}$.
4. $\int \cos(3x+5)\,dx$.
5. $\int \frac{dx}{8x^2-9}$.
6. $\int \frac{3x}{\sqrt{9x^2+5}}\,dx$.
7. $\int \frac{dx}{\sqrt{5-4x^2}}$.
8. $\int e^{5-2x}dx$.
9. $\int \frac{\sqrt{\ln^7(x+4)}}{x+4}\,dx$.
10. $\int \sin^3 4x\cos 4x dx$.
11. $\int \frac{\mathrm{tg}^3 2x}{\cos^2 2x}\,dx$.
12. $\int \frac{\mathrm{arcctg}^8 3x}{1+9x^2}\,dx$.
13. $\int \frac{x^2}{e^{x^3+1}}\,dx$.
14. $\int \frac{x-5}{8-4x^2}\,dx$.

18-вариант

1. $\int\left(\frac{2x^2}{\sqrt[3]{x^2}}-\frac{5}{x}+6\right)dx$. 2. $\int\frac{dx}{\sqrt[3]{(3-4x)^2}}$. 3. $\int\frac{dx}{4-7x}$.

4. $\int\cos(2+5x)\,dx$. 5. $\int\frac{dx}{4x^2+7}$. 6. $\int\frac{2x}{5x^2-3}\,dx$.

7. $\int\frac{dx}{\sqrt{1-3x^2}}$. 8. $\int e^{6x-1}dx$. 9. $\int\frac{dx}{(x+1)\cdot\sqrt[3]{\ln(x+1)}}$.

10. $\int\frac{\cos 4x}{\sin^3 4x}\,dx$. 11. $\int\frac{\sqrt{\operatorname{ctg}^5 4x}}{\sin^2 x}\,dx$. 12. $\int\frac{\arccos^2 7x}{\sqrt{1-49x^2}}\,dx$.

13. $\int\frac{x}{e^{x^2+3}}\,dx$. 14. $\int\frac{x+4}{7x^2+3}\,dx$.

19-вариант

1. $\int\left(\frac{\sqrt[3]{x^2}}{x}-\frac{7}{x^3}+5\right)dx$. 2. $\int\frac{dx}{\sqrt[3]{(1-4x)^2}}$. 3. $\int\frac{dx}{5-3x}$.

4. $\int\cos(3-4x)\,dx$. 5. $\int\frac{2dx}{4+3x^2}$. 6. $\int\frac{x}{3x^2-2}\,dx$.

7. $\int\frac{dx}{\sqrt{4x^2+5}}$. 8. $\int e^{4x+5}dx$. 9. $\int\frac{\sqrt{\ln^3(x+1)}}{x+1}\,dx$.

10. $\int\frac{\sin 5x}{\sqrt{\cos 5x}}\,dx$. 11. $\int\frac{\sqrt[5]{\operatorname{ctg}^2 x}}{\sin^2 x}\,dx$. 12. $\int\frac{\sqrt[3]{\operatorname{arcctg}^2 x}}{1+x^2}\,dx$.

13. $\int\frac{x}{e^{2x^2+1}}\,dx$. 14. $\int\frac{3x+2}{\sqrt{2x^2-1}}\,dx$.

20-вариант

1. $\int\left(\frac{5x^2}{\sqrt{x}}-\sqrt[3]{x^2}+2\right)dx$. 2. $\int\frac{dx}{\sqrt[3]{5+3x}}$. 3. $\int\frac{dx}{4x-2}$.

4. $\int\cos(4x+3)\,dx$. 5. $\int\frac{2dx}{3x^2-2}$. 6. $\int\frac{7x}{7x^2+1}\,dx$.

7. $\int \frac{dx}{3x^2-2}$.
8. $\int e^{4x+3}dx$.
9. $\int \frac{\sqrt[7]{\ln^2(x+1)}}{x+1}dx$

10. $\int \frac{\sin 3x}{\cos^2 3x}dx$.
11. $\int \frac{\mathrm{tg}^7 3x}{\cos^2 3x}dx$.
12. $\int \frac{\mathrm{arcctg}^4 8x}{1+64x^2}dx$

13. $\int e^{4-5x^2}xdx$.
14. $\int \frac{x-5}{\sqrt{4-9x^2}}dx$.

21-вариант

1. $\int \frac{2x^2+3\sqrt{x}-1}{2x}dx$.
2. $\int \sqrt[4]{1+x}dx$.
3. $\int \frac{dx}{2+3x}$.

4. $\int \cos(3-4x)\,dx$.
5. $\int \frac{dx}{4x^2+3}$.
6. $\int \frac{x}{\sqrt{5-4x^2}}dx$.

7. $\int \frac{dx}{4x^2-5}$.
8. $\int e^{2+4x}dx$.
9. $\int \frac{\sqrt[3]{\ln^2(1-x)}}{x-1}dx$

10. $\int \frac{\cos 3x}{\sin^3 3x}dx$.
11. $\int \frac{dx}{\cos^2 x\sqrt{\mathrm{tg}^3 x}}$.
12. $\int \frac{\sqrt[3]{\arcsin x}}{\sqrt{1-x^2}}dx$.

13. $\int \frac{x}{e^{3x^2-3}}dx$.
14. $\int \frac{1-2x}{5x^2-1}dx$.

22-вариант

1. $\int \frac{\sqrt[3]{x}+4x^2-5}{2x^2}dx$.
2. $\int \sqrt[3]{(1+x)^2}dx$.
3. $\int \frac{dx}{4-5x}$.

4. $\int \sin(6-7x)\,dx$.
5. $\int \frac{dx}{9x^2+3}$.
6. $\int \frac{3x}{4x^2+1}dx$.

7. $\int \frac{dx}{\sqrt{7x^2-3}}$.
8. $\int e^{3-5x}dx$.
9. $\int \frac{dx}{(1-x)\cdot\sqrt[3]{\ln^2(1-x)}}$.

10. $\int \frac{\sin 3x}{\cos^4 3x}dx$.
11. $\int \frac{dx}{\sin^2 x\,\mathrm{ctg}^4 x}$.
12. $\int \frac{\arccos^2 3x}{\sqrt{1-9x^2}}dx$.

13. $\int e^{\sin x}\cos xdx$.
14. $\int \frac{3x+1}{5x^2+1}dx$.

23-вариант

1. $\int \frac{2\sqrt{x}-x^2+3}{\sqrt[3]{x}}\,dx$. 2. $\int \frac{dx}{\sqrt{1+2x}}$. 3. $\int \frac{dx}{1-5x}$.

4. $\int \cos(3-4x)\,dx$. 5. $\int \frac{9dx}{\sqrt{9x^2-3}}$. 6. $\int \frac{4x}{\sqrt{3-4x^2}}\,dx$.

7. $\int \frac{dx}{5x^2+2}$. 8. $\int e^{2x+1}dx$. 9. $\int \frac{dx}{(1-x)\sqrt{\ln^3(1-x)}}$.

10. $\int \frac{\sin 2x}{\sqrt[3]{\cos 2x}}\,dx$. 11. $\int \frac{\mathrm{ctg}^5 2x}{\sin^2 2x}\,dx$. 12. $\int \frac{\mathrm{arctg}^3 2x}{1+4x^2}\,dx$.

13. $\int e^{\cos x}\sin x dx$. 14. $\int \frac{x+3}{\sqrt{x^2+4}}\,dx$.

24-вариант

1. $\int \frac{\sqrt[6]{x}-2x^2+5}{x^2}\,dx$. 2. $\int \frac{dx}{\sqrt{(1-2x)^3}}$. 3. $\int \frac{dx}{3+5x}$.

4. $\int \cos(3+5x)\,dx$. 5. $\int \frac{dx}{\sqrt{3-9x^2}}$. 6. $\int \frac{2x}{\sqrt{8x^2-9}}\,dx$.

7. $\int \frac{dx}{2x^2+5}$. 8. $\int e^{7x-2}dx$. 9. $\int \frac{\ln^3(1-x)}{1-x}\,dx$.

10. $\int \frac{\sin x}{\cos^5 x}\,dx$. 11. $\int \frac{\mathrm{tg}^3 4x}{\cos^2 4x}\,dx$. 12. $\int \frac{\sqrt[3]{\arccos^2 x}}{\sqrt{1+x^2}}\,dx$.

13. $\int e^{2x^3-1}x^2dx$. 14. $\int \frac{3x-2}{2x^2+9}\,dx$.

25-вариант

1. $\int \frac{4x^3-\sqrt{x}+4}{\sqrt{x}}\,dx$. 2. $\int \frac{dx}{\sqrt[5]{2+x}}$. 3. $\int \frac{dx}{2-3x}$.

4. $\int \sin(4-7x)\,dx$. 5. $\int \frac{dx}{7x^2-4}$. 6. $\int \frac{4x}{\sqrt{4x^2+3}}\,dx$.

7. $\int \frac{dx}{\sqrt{7x^2+1}}$. 8. $\int e^{3x-5}dx$. 9. $\int \frac{\sqrt{\ln(2x-1)}}{2x-1}dx$.

10. $\int \sin^7 2x\cos 2x dx$. 11. $\int \frac{\sqrt[3]{\operatorname{tg}^5 5x}}{\cos^2 5x}dx$. 12. $\int \frac{dx}{(1+x^2)\operatorname{arctg}^3 x}$.

13. $\int \frac{\sin x}{e^{\cos x}}dx$. 14. $\int \frac{5-x}{3x^2+1}dx$.

10-§.Иккинчи мустақил уй иши

Бу мустақил уй ишининг ҳар бир вариантида 10 та мисол бўлиб, уларда берилган интегралларни ҳисоблаш керак.

Қуйида вариант мисолларини ечиш намунасини келтирамиз.

Аниқмас интегралларни топинг:

1. $\int \frac{3-7x}{4x^2+5}dx$.

Ечиш.

$$\int \frac{3-7x}{4x^2+5}dx = 3\int \frac{dx}{(2x)^2+(\sqrt{5})^2} - 7\int \frac{xdx}{4x^2+5} = \frac{3}{2}\int \frac{d(2x)}{(2x)^2+(\sqrt{5})^2} - \frac{7}{8}$$

$$\int \frac{d(4x^2+5)}{4x^2+5} = \frac{3}{2}\cdot\frac{1}{\sqrt{5}}\operatorname{arctg}\frac{2x}{\sqrt{5}} - \frac{7}{8}\ln(4x^2+5)+C.$$

2. $\int \frac{dx}{e^{3x}(2-e^{-3x})}$.

Ечиш.

$$\int \frac{dx}{e^{3x}(2-e^{-3x})}\left|\begin{matrix} t = 2-e^{-3x} \\ dt = 3e^{-3x}dx \quad \frac{dt}{3} = \frac{dx}{e^{3x}} \end{matrix}\right| =$$

$$= \frac{1}{3}\int \frac{dt}{t} = \frac{1}{3}\ln|t| + C = \frac{1}{3}\ln\left|2-e^{-3x}\right| + C.$$

3. $\int \frac{3x^5-4x}{x^2+1}dx$.

Ечиш. Интеграл остидаги функция нотўғри каср бўлгани учун, унинг суратини махражига бўлиб, касрнинг бутун қисми ва каср қисмини топамиз. Натижада алгебраик йиғиндининг интегралига эга бўламиз:

$$\begin{array}{r|l} 3x^5 - 4x & x^2+1 \\ \hline 3x^5 + 3x^3 & 3x^3 - 3x \\ \cline{1-1} -3x^3 - 4x & \\ -3x^3 - 3x & \\ \cline{1-1} -x. & \end{array}$$

$$\int \frac{3x^5-4x}{x^2+1}\, dx = \int \left(3x^3 - 3x - \frac{x}{x^2+1}\right) dx =$$

$$= \frac{3}{4}x^4 - \frac{3}{2}x^2 - \frac{1}{2}\ln(x^2+1) + C.$$

4. $\int \cos^3(7x+2)\, dx$.

Ечиш.

$\cos^2(7x+2) = 1 - \sin^2(7x+2)$ тригонометрик айниятдан фойдаланамиз:

$$\int \cos^3(7x+2)\, dx = \int \cos^2(7x+2)\cos(7x+2)\, dx =$$

$$= \frac{1}{7}\int (1-\sin^2(7x+2))\, d(\sin(7x+2)) =$$

$$= \frac{1}{7}\int d(\sin(7x+2) - \frac{1}{7}\int \sin^2(7x+2)\, d(\sin(7x+2)) =$$

$$= \frac{1}{7}\sin(7x+2) - \frac{1}{21}\sin^3(7x+2) + C.$$

5. $\int \mathrm{ctg}^4 5x dx$.

Ечиш.

$\mathrm{ctg}^2 5x = \frac{1}{\sin^2 5x} - 1$ бўлгани учун берилган интегрални қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз.

$$\int \mathrm{ctg}^4 5x dx = \int \mathrm{ctg}^2 5x \left(\frac{1}{\sin^2 5x} - 1\right) dx =$$

$$= \int \mathrm{ctg}^2 5x \cdot \frac{1}{\sin^2 5x}\, dx - \int \mathrm{ctg}^2 5x dx =$$

$$= -\frac{1}{5}\int \mathrm{ctg}^2 5x\left(-\frac{5}{\sin^2 5x}\right)dx - \int\left(\frac{1}{\sin^2 5x} - 1\right)dx =$$

$$= -\frac{1}{5}\int \mathrm{ctg}^2 5x d(\mathrm{ctg}5x) - \frac{1}{5}\int\frac{5dx}{\sin^2 5x} + \int dx =$$

$$= -\frac{1}{5}\cdot\frac{1}{3}\mathrm{ctg}^3 5x + \frac{1}{5}\mathrm{ctg}5x + x + C =$$

$$= -\frac{1}{15}\mathrm{ctg}^3 5x + \frac{1}{5}\mathrm{ctg}5x + x + C.$$

6. $\int \sin\frac{7}{2}x \sin\frac{3}{2}xdx$.

Ечиш.

$$\int \sin\frac{7}{2}x \sin\frac{3}{2}xdx = \frac{1}{2}\int(\cos 2x - \cos 5x)dx =$$

$$= \frac{1}{2}\int\cos 2xdx - \frac{1}{2}\int\cos 5xdx =$$

$$= \frac{1}{4}\int\cos 2xd(2x) - \frac{1}{10}\int\cos 5xd(5x) = \frac{1}{4}\sin 2x - \frac{1}{10}\sin 5x + C.$$

7. $\int\frac{dx}{6x^2-3x+2}$.

Ечиш. Интеграл остидаги функциянинг махражидан тўлиқ квадрат ажратамиз ва интеграллаймиз:

$$\int\frac{dx}{6x^2-3x+2} = \frac{1}{6}\int\frac{dx}{x^2-\frac{1}{2}x+\frac{1}{3}} = \frac{1}{6}\int\frac{dx}{\left(x-\frac{1}{4}\right)^2+\frac{1}{3}-\frac{1}{16}} =$$

$$= \frac{1}{16}\int\frac{dx}{\left(x-\frac{1}{4}\right)^2+\left(\frac{\sqrt{13}}{4\sqrt{3}}\right)^2} = \frac{4\sqrt{13}}{6\sqrt{3}}\,\mathrm{arctg}\frac{x-\frac{1}{4}}{\frac{\sqrt{13}}{4\sqrt{3}}} + C =$$

$$= \frac{2\sqrt{3}}{3\sqrt{13}}\,\mathrm{arctg}\frac{(4x-1)\sqrt{3}}{\sqrt{13}} + C.$$

8. $\int \frac{3x-6}{2-5x-x^2}\,dx$.

Ечиш. Интеграл остидаги функциянинг суратидан махражининг ҳосиласини ажратиб оламиз:

$$\int \frac{3x-6}{2-5x-x^2}\,dx = -\frac{3}{2}\int \frac{-2x+4-5+5}{2-5x-x^2}\,dx =$$

$$= -\frac{3}{2}\int \frac{-2x-5}{2-5x-x^2}\,dx - \frac{3}{2}\cdot 9\int \frac{dx}{2-5x-x^2} =$$

$$= -\frac{3}{2}\int \frac{d(2-5x-x^2)}{2-5x-x^2} + \frac{27}{2}\int \frac{dx}{\left(x-\frac{5}{2}\right)^2-\left(\frac{\sqrt{33}}{2}\right)^2} =$$

Ечиш. $x = 1$ да интеграл остидаги функция узилишга эга. Шунинг учун таърифга кўра:

$$\int_0^1 \frac{dx}{\sqrt{1-x}} = \lim_{\varepsilon\to 0} \int_0^{1-\varepsilon} (1-x)^{-\frac{1}{2}} dx = \lim_{\varepsilon\to 0} (-2)(1-x)^{-\frac{1}{2}}\Big|_0^{1-\varepsilon} =$$

$$= -2\lim_{\varepsilon\to 0}\left(\sqrt{1-1+\varepsilon} - \sqrt{1-0}\right) = 2\lim_{\varepsilon\to 0}\left(1-\sqrt{\varepsilon}\right) = 2 \quad (\varepsilon > 0).$$

Демак берилган интеграл яқинлашувчи.

2-теорема. *$f(x)$, $\varphi(x)$ функциялар $[a;b]$ кесмадаги $x = c$ нуқтада узилишга эга ва $[a;b]$ кесманинг $x = c$ нуқтасидан бошқа ҳамма нуқталарда $\varphi(x) \geq f(x) \geq 0$ тенгсизлик бажарилсин. У ҳолда*

1) *агар $\int_a^b \varphi(x)\,dx$ яқинлашувчи бўлса, у ҳолда $\int_a^b f(x)\,dx$ ҳам яқинлашувчи;*

2) *агар* $x = c$ *дан бошқа барча нуқталар учун* $f(x) \ge \varphi(x)$ ...

тенгсизлик ўринли бўлса, у ҳолда $\int_a^b \varphi(x)\,dx$ *узоқлашувчи бўлганда,* $\int_a^b f(x)\,dx$ *ҳам узоқлашувчи бўлади.*

6-мисол. $\int_0^1 \frac{dx}{\sqrt[3]{x+2x^3}}$ интегралнинг яқинлашувчилигини текширинг.

Ечиш. Интеграл остидаги функция $x = 0$ да узилишга эга. $x \ge 0$ да $\frac{1}{\sqrt[3]{x+2x^2}} \le \frac{1}{\sqrt[3]{x}}$ бўлгани учун қуйидаги хосмас интегрални ҳисоблаймиз:

$$\int_0^1 \frac{dx}{\sqrt[3]{x}} = \lim_{\varepsilon\to 0} \int_\varepsilon^1 \frac{dx}{\sqrt[3]{x}} = \lim \frac{2}{3}\sqrt{x}\,\Big|_\varepsilon^1 = \frac{2}{3}\lim_{\varepsilon\to 0}\left(1-\sqrt{\varepsilon}\right) = \frac{2}{3} \quad (\varepsilon > 0).$$

Хосмас интеграл яқинлашувчи бўлгани учун берилган интеграл ҳам яқинлашувчи бўлади.

Машқлар

Қуйидаги аниқ интегралларни ҳисобланг:

257. $\int_0^3 xe^{3x}\,dx$.

258. $\int_0^\pi x\sin x\,dx$.

259. $\int_1^e \ln x\,dx$.

260. $\int_0^\pi x^2\cos x\,dx$.

261. $\int_{\sqrt{3}}^{\pi^2} \cos\sqrt{x}\,dx$.

262. $\int_0^{\sqrt{3}} x\,\mathrm{arctg}\,x\,dx$.

263. $\int_0^1 xe^{-x}\,dx$.

264. $\int_0^1 x^2e^x\,dx$.

Қуйидаги хосмас интегралларни ҳисобланг ёки яқинлашувчилигини текширинг:

265. $\int_1^e \frac{dx}{x\sqrt{\ln x}}$.

266. $\int_1^2 \frac{dx}{x\ln x}$.

267. $\int_0^{1/e} \frac{dx}{x(\ln x)^2}$.

268. $\int_e^\infty \frac{dx}{x(\ln x)^3}$.

269. $\int\limits_0^{\infty} \frac{dx}{(1+x)^3}$.

270. $\int\limits_0^{\infty} x^3 e^{-x^2} dx$.

271. $\int\limits_1^{\infty} \frac{2+\sin x}{\sqrt{x}} dx$.

272. $\int\limits_1^{2} \frac{x\,dx}{\sqrt{x-1}}$.

3-§. Аниқ интегралнинг геометрияга оид масалаларни ечишга татбиқи

1. Ясси шакллар юзларини ҳисоблаш. 1-§ дан маълумки, агар $[a;b]$ кесмада $y = f(x) \geq 0$ бўлса, у ҳолда $y = f(x)$ эгри чизиқ, Ox ўқи ва $x = a$, $x = b$ тўғри чизиқлар билан чегараланган эгри чизиқли трапециянинг юзи

$$S = \int\limits_a^b f(x)\, dx$$

формула билан аниқланади. Бу формула ёрдамида юзларни ҳисоблашга доир мисолларни кўрамиз.



16-чизма.

1-мисол. $y = x^2 - 2x$ эгри чизиқ, $x = -1$, $x = 1$ тўғри чизиқлар ва Ox ўқи билан чегараланган шаклнинг юзини ҳисобланг.

Ечиш. Дастлаб берилган чизиқлар билан чегараланган шаклни чизамиз (16-чизма). Изланаётган юз $S = |S_1| + |S_2| = S_1 - S_2$, шунинг учун:

$$S = \int\limits_{-1}^{0} \left(x^2 - 2x\right) dx - \int\limits_{0}^{1} \left(x^2 - 2x\right) dx =$$

$$= \left(\frac{x^3}{3} - x^2\right)\Bigg|_{-1}^{0} - \left(\frac{x^3}{3} - x^2\right)\Bigg|_{0}^{1} = \left(\frac{1}{3} + 1\right) - \left(\frac{1}{3} - 1\right) =$$

$$= \frac{1}{3} + 1 - \frac{1}{3} + 1 = 2.$$



17-чизма.

Агар ясси шакл $x = a$, $x = b$ тўғри чизиқлар ва $y = f_1(x)$, $y = f_2(x)$ эгри чизиқлар билан чегараланган ҳамда $f_1(x) \le f_2(x)$, $x \in [a;b]$ бўлса, у ҳолда шаклнинг юзи (17-чизма)

$$S = \int_a^b \left(f_2(x) - f_1(x)\right) dx \tag{5.9}$$

формула ёрдамида аниқланади.

2-мисол. $y = 3x - x^2$ ва $y = -x$ чизиқлар билан чегараланган шаклнинг юзини ҳисобланг.

Ечиш. Берилган чизиқларнинг кесишган нуқтасини, сўнгра изланаётган шаклнинг юзини чизамиз. (18-чизма).



18-чизма.

$$\left.\begin{array}{l} y = 3x - x^2 \\ y = -x \end{array}\right\} \Rightarrow \left.\begin{array}{l} y = -x, \\ -x = 3x - x^2 \end{array}\right\}$$

Бу системанинг ечими $x_1 = 0$, $x_2 = 4$, $y_1 = 0$, $y_2 = -4$. (5.9) формулага асосан:

$$S = \int_0^4 \left(3x - x^2 - (-x)\right) dx = \int_0^4 \left(4x - x^2\right) dx =$$

$$= \left(2x^2 - \frac{x^3}{3}\right)\Bigg|_0^4 = \frac{32}{3}.$$

Агар $y = f(x)$ эгри чизиқ тенгламаси параметрик, яъни $x = \varphi(t)$, $y = \psi(t)$ кўринишда берилган бўлса, эгри чизиқли трапециянинг юзи

$$S = \int_\alpha^\beta \psi(t)\, \varphi'(t)\, dt \qquad (5.10)$$



19-чизма.

формула билан топилади, бунда a ва b лар $\varphi(\alpha) = a$ ва $\psi(\beta) = b$ тенгламалардан аниқланади. $[\alpha;\beta]$ кесмада $\psi(t) \geq 0$ деб олинади (19-чизма).

3-мисол. $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1$ эллипс билан чегараланган шаклнинг юзини ҳисобланг.

Ечиш. Эллипснинг параметрик тенгламаси $x = a\cos t$, $y = b\sin t$ кўринишда эканлигидан ва ўқларга нисбатан симметриклигидан ҳамда (5.10) формулага асосан ҳисоблаймиз:

$$S = 4\int_0^a y\, dx = 4\int_{\frac{\pi}{2}}^0 a\sin t(-b\sin t)\, dt = 4ab\int_0^{\frac{\pi}{2}} \sin^2 t\, dt =$$

$$= 4ab\int_0^{\frac{\pi}{2}} \frac{1-\cos 2t}{2}\, dt = 2ab\left(t - \frac{1}{2}\sin 2t\right)\Bigg|_0^{\frac{\pi}{2}} = \pi ab.$$

Агар узлуксиз $y = f(x)$ эгри чизиқ қутб координаталарида $\rho = \rho(\varphi)$ тенглама билан берилган бўлса, OM_1 ва OM_2 қутб



20-чизма.

радиуслари билан чегаралан-ган M_1OM_2 эгри чизиқли сек-торнинг юзи қуйидаги аниқ интеграл билан ифодаланади:

$$S = \frac{1}{2}\int_{\varphi_1}^{\varphi_2} (\rho(\varphi))^2\, d\varphi, \qquad (5.11)$$

бунда φ_1 ва φ_2 мос равишда OM_1ва OM_2 қутб радиуслари-нинг қутб бурчаклари (20-чизма).

4 - м и с о л . Бернулли лемнискатаси $\left(x^2+y^2\right)^2 = a^2\left(x^2-y^2\right)$ билан чегараланган шаклнинг юзини ҳисоб-ланг (21-чизма).

Е ч и ш . Берилган эгри чизиқ тенгламасини қутб коор-динаталар системасида ифодалаймиз. Бунинг учун $x = r\cos\varphi$, $y = \rho\sin\varphi$ алмаштириш бажарсак, $\rho^2 = a^2\cos 2\varphi$ ёки $\rho = a\sqrt{\cos 2\varphi}$ га эга бўламиз.

Шаклнинг симметриклиги хоссасини эътиборга олиб (5.11) формулага асосан изланаётган юзни топамиз:

$$S = 4\cdot\frac{1}{2}\int_0^{\frac{\pi}{4}} a^2\cos 2\varphi\, d\varphi = 2a^2\cdot\frac{1}{2}\sin 2\varphi\Big|_0^{\frac{\pi}{4}} = a^2.$$

2. Эгри чизиқ ёйининг узунлигини ҳисоблаш. Агар AB ёй $y = f(x)$ тенглама билан берилган бўлса (бунда $f(x)$ — узлуксиз, дифференциалланувчи функция), у ҳолда унинг узунлиги



21-чизма.

$$l = \int_a^b \sqrt{1 + y'^2}\, dx \qquad (5.12)$$

формула ёрдамида ҳисобланади (22-чизма).



22-чизма.

Агар ёй тенгламаси $x = \varphi(t)$, $y = \psi(t)$ параметрик кўринишда (бунда $\varphi(t)$, $\psi(t)$ узлуксиз, дифференциалланувчи функциялар) берилган бўлса, у ҳолда ёй узунлиги l қуйидагича ҳисобланади:

$$l = \int_{\alpha}^{\beta} \sqrt{x'^2_t + y'^2_t}\, dt, \qquad (5.13)$$

бунда α, β лар t параметрнинг мос равишда A ва B учларидаги қийматлари.

Агар ёй тенгламаси қутб координаталар системасида $\rho = \rho(\varphi)$ тенглама билан берилган бўлса, у ҳолда қуйидаги формулага эга бўламиз:

$$l = \int_{\varphi_1}^{\varphi_2} \sqrt{\rho^2 + \rho'^2}\, d\varphi \qquad (5.14)$$

бунда φ_1 ва φ_2 мос равишда M_1 ва M_2 ёй охирлари қутб радиусларининг $O\rho$ ўқ билан ташкил этган қутб бурчаклари.

5 - м и с о л . Учларининг абсциссалари $x_1 = \sqrt{3}$ ва $x_2 = \sqrt{8}$ бўлган $y = \frac{2}{3}\sqrt{x^3}$ эгри чизиқнинг узунлигини ҳисобланг.

Е ч и ш . (2.12) формулага кўра, қуйидагига эга бўламиз:

$$l = \int_{\sqrt{3}}^{\sqrt{8}} \sqrt{1 + \left(\sqrt{x}\right)^2}\, dx = \int_{\sqrt{3}}^{\sqrt{8}} \sqrt{1 + x}\, dx = \left.\frac{(1+x)^{\frac{3}{2}}}{\frac{3}{2}}\right|_{\sqrt{3}}^{\sqrt{8}} = \frac{38}{3}.$$

6 - м и с о л . $y = a(1 - \cos t)$, $x = a(t - \sin t)$ циклоида битта арки узунлигини ҳисобланг.

Е ч и ш . Циклоида арклари бир хил бўлгани учун унинг битта аркини оламиз. Бунда t параметр 0 дан 2π гача ўзгаради. $x' = a(1 - \cos t)$, $y' = a\sin t$ бўлгани учун (5.13) формулага кўра эгри чизиқнинг узунлиги қуйидагича аниқланади:

$$l = \int_0^{2\pi} \sqrt{a^2 (1-\cos t)^2 + a^2 \sin^2 t}\, dt =$$

$$= \int_0^{2\pi} a\sqrt{1 - 2\cos t + \cos t^2 + \sin^2 t}\, dt =$$

$$= a\int_0^{2\pi} \sqrt{2(1-\cos t)}\, dt = 2a\int_0^{2\pi} \sin\frac{t}{2} dt = -4a\cos\frac{t}{2}\Big|_0^{2\pi} = 8a\,.$$

7 - м и с о л . $\rho = e^{\varphi}$ логарифмик спирал биринчи ўрами нинг узунлигини ҳисобланг.

Е ч и ш . (2.14) формулага асосан:

$$l = \int_0^{2\pi} \sqrt{e^{2\varphi} + e^{2\varphi}}\, d\varphi = \int_0^{2\pi} \sqrt{2}e^{\varphi}\, d\varphi = \sqrt{2}e^{\varphi}\Big|_0^{2\pi} =$$

$$= \sqrt{2}\left(e^{2\pi} - 1\right) \approx 108{,}16.$$

3. Жисмлар ҳажмини ҳисоблаш. Фазода $x = a$, $x = b$ текисликлар орасида жойлашган бирор жисм берилган бўлсин. Ox ўқига перпендикуляр ва $x \in [a;b]$ нуқталардан ўтувчи ҳар қандай текисликлар бу жисмни кесганда ҳосил бўлган кесимнинг юзи $S(x)$га тенг бўлсин (23-чизма). У ҳолда $x = a$, $x = b$ текисликлар орасидаги жисмнинг ҳажми ушбу формула билан ҳисобланади:



23-чизма.



24-чизма.

$$V = \int_a^b S(x)\,dx. \tag{5.15}$$

Хусусий ҳолда $aABb$ эгри чизиқли трапециянинг Ox ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган жисмнинг кўндаланг кесим юзи $S(x) = \pi(f(x))^2$ бўлади (24-чизма). Шунинг учун эгри чизиқли трапециянинг Ox ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган жисмнинг ҳажми ушбу формула билан ҳисобланади:

$$V_x = \pi\int_a^b [f(x)]^2\,dx. \tag{5.16}$$

8-мисол. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}+\frac{z^2}{c^2}=1$ сирт билан чегараланган жисмнинг ҳажмини ҳисобланг.

Ечиш. Берилган тенглама бўйича эллипсоид ясаймиз (25-чизма). Бу эллипсоидни Oy ўқига перпендикуляр, $y\in[-b;b]$ нуқталардан ўтувчи ихтиёрий текислик билан кесилганда ҳосил бўлган кесимни қараймиз.

Кесим тенгламаси $\frac{x^2}{a^2}+\frac{z^2}{c^2}=1-\frac{y^2}{b^2}$, $(y-\text{const})$ ёки $1-\frac{y^2}{b^2}>0$ бўлса, у ҳолда $\frac{x^2}{\left(a\sqrt{1-\frac{y^2}{b^2}}\right)^2}+\frac{y^2}{\left(c\sqrt{1-\frac{y^2}{b^2}}\right)^2}=1$, яъни ярим ўқлари $a_1=a\sqrt{1-\frac{y^2}{b^2}}$, $c_1=c\sqrt{1-\frac{y^2}{b^2}}$ бўлган эллипсга



25-чизма.

эга бўламиз. Бу кесимни юзи эса $S(y) = \pi a_1 c_1 = \pi ac\left(1 - \frac{y^2}{b^2}\right)$ га тенг. У ҳолда (2.15) формулага кўра:

$$V = \int_{-b}^{b} \pi ac\left(1 - \frac{y^2}{b^2}\right)dy = 2\pi ac\int_{0}^{b}\left(1 - \frac{y^2}{b^2}\right)dy =$$

$$= 2\pi ac\left(y - \frac{y^2}{3b^2}\right)\Big|_0^b = \frac{4}{3}\pi abc.$$

9 - м и с о л . *Oxy* текисликда ётувчи ва $y^2 = 4 - x$, $x = 0$ чизиқлар билан чегараланган шаклнинг *Oy* ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган жисмнинг ҳажмини ҳисобланг (26-чизма).

Е ч и ш . (5.16) формула ва 26-чизмага кўра:

$$V_y = \pi\int_{c}^{d} x^2 dy = \pi\int_{-2}^{2}\left(4 - y^2\right)^2 dy = 2\pi\int_{0}^{2}\left(4 - y^2\right)^2 dy =$$



26-чизма.

$$= 2\pi\int_0^2 \left(16 - 8y^2 + y^4\right) dy = 2\pi\left(16y - \frac{8}{3}y^3 + \frac{y^5}{5}\right)\Big|_0^2 =$$

$$= 2\pi\left(32 - \frac{64}{3} + \frac{32}{5}\right) = \frac{512}{15}\pi \approx 107,23.$$

4. Айланиш жисмининг сиртини ҳисоблаш. Агар AB эгри чизиқ $y = f(x)$ функциянинг графигидан иборат ва эгри чизиқнинг четки нуқталарини координаталари $A\,(a, f(a))$, $B(b, f(b))$ бўлса, (бунда $f(x)$ — узлуксиз, дифференциалланувчи функция) у ҳолда унинг Ox ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган сиртнинг юзи қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Q_x = 2\pi\int_a^b f(x)\sqrt{1 + \left(f'(x)\right)^2}\,dx. \qquad (5.17)$$

10-мисол. Абсциссалари $x_1 = 1$, $x_2 = 7$ бўлган нуқталар билан чегараланган $y^2 = 2x + 1$ парабола ёйининг айланишидан ҳосил бўлган сиртнинг юзини топинг.

Ечиш. 27-чизма ва (5.17) формулага кўра изланаётган сиртнинг юзи қуйидагича топилади: $y = \sqrt{2x+1}$, $y' = \frac{1}{\sqrt{2x+1}}$.



27-чизма.

$$Q_x = 2\pi\int_1^7 \sqrt{2x+1}\sqrt{1+\left(\frac{1}{\sqrt{2x+1}}\right)^2}\,dx = 2\pi\int_1^7 \sqrt{2x+1+1}\,dx$$

$$= 2\pi\int_1^7 \sqrt{2x+2}\,dx = 2\pi\cdot\frac{1}{2}\cdot\frac{(2x+2)^{\frac{3}{2}}}{\frac{3}{2}}\Bigg|_1^7 = \frac{2}{3}2\pi(64-8) = \frac{112\pi}{3}$$

Машқлар

273. $y^2 = 9x$, $y = 3x$ чизиқлар билан чегараланган шак[лнинг] юзини ҳисобланг.

274. $y^2 = x + 5$, $y^2 = -x + 4$ чизиқлар билан чегаралан[]ган шаклнинг юзини ҳисобланг.

275. $y = x^2 + 4x$, $y = x + 4$ чизиқлар билан чегаралан[]ган шаклнинг юзини ҳисобланг.

276. $y = (x-4)^2$, $y = 16 - x^2$ чизиқлар билан чегара[]ланган шаклнинг юзини ҳисобланг.

277. $4y = 8x - x^2$, $4y = x + 6$ чизиқлар билан чегара[]ланган шаклнинг юзини ҳисобланг.

278. $y = \frac{1}{1+x^2}$, $y = \frac{x^2}{2}$ чизиқлар билан чегараланган шаклнинг юзини ҳисобланг.

279. $y^2 = x^2 - x^4$ ёпиқ чизиқ билан чегараланган шакл[]нинг юзини ҳисобланг.

280. Ox ўқи ва $y = a(1-\cos t)$, $x = a(t - \sin t)$ циклоида[]нинг биринчи арки билан чегараланган шаклнинг юзини ҳисобланг.

281. $y = xe^{-\frac{x^2}{2}}$ чизиқ ва унинг асимптотаси билан че[]гараланган шаклнинг юзини ҳисобланг.

282. $x^2 + y^2 = 4$, $x^2 + y^2 = 9$, $y = x$, $y = \frac{-x}{\sqrt{3}}$ чизиқлар билан чегараланган шаклнинг юзини ҳисобланг.

283. $x = 3t^2$, $y = 3t - t^2$ чизиқлар билан чегараланган шаклнинг юзини ҳисобланг.

284. $y = 4t^2 - 6t$, $x = 2t$ чизиқлар ва Ox ўқи билан чега[]раланган шаклнинг юзини ҳисобланг.

285. $\rho = a\cos 2\varphi$ чизиқ билан чегараланган шаклнинг юзини ҳисобланг.

286. $r = a\varphi$ $(a > 0)$ Архимед спиралининг биринчи ва иккинчи ўрамлари билан чегараланган шаклнинг юзини ҳисобланг.

287. $x = a\cos^3 t$, $y = a\sin^3 t$ астроида узунлигини ҳисобланг.

288. $y = 2\sqrt{x}$ параболанинг абсциссалари $x_1 = 0$ ва $x_2 = 1$ бўлган нуқталар орасидаги ёйининг узунлигини ҳисобланг.

289. $y = \frac{1}{3}\sqrt{(2x-1)^3}$ эгри чизиқнинг абсциссалари $x_1 = 2$ ва $x_2 = 8$ бўлган нуқталар орасидаги ёйининг узунлигини ҳисобланг.

290. $y = \frac{4}{3}x$ чизиқнинг абсциссалари $x_1 = 2$ ва $x_2 = 8$ бўлган нуқталар орасидаги ёйининг узунлигини ҳисобланг.

291. $y = \ln x$ эгри чизиқнинг абсциссалари $x_1 = \sqrt{3}$ ва $x_2 = \sqrt{8}$ бўлган нуқталар орасидаги ёйининг узунлигини ҳисобланг.

292. $y = \frac{2}{3}\sqrt{(x-1)^3}$ эгри чизиқнинг абсциссалари $x_1 = 1$ ва $x_2 = 9$ бўлган нуқталар орасидаги ёйининг узунлигини ҳисобланг.

293. $\rho = (1 - \cos\varphi)$ кардиоиданинг узунлигини ҳисобланг.

294. $z = \frac{x^2}{4} + \frac{x^2}{2}$, $z = 1$ сиртлар билан чегараланган жисмнинг ҳажмини ҳисобланг.

295. $y = \frac{x^2}{1} + \frac{z^2}{4}$, $y = 1$ сиртлар билан чегараланган жисмнинг ҳажмини ҳисобланг.

296. Oxy текисликда ётувчи ва $y = x^2$, $x = y^2$ чизиқлар билан чегараланган шаклнинг Ox ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган жисмнинг ҳажмини ҳисобланг.

297. Ox ўқи ва $x = a(t - \sin t)$, $y = a(1 - \cos t)$ циклоида биринчи аркининг абсциссалар ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган жисмнинг ҳажмини ҳисобланг.

298. $y = \frac{1}{2}\sqrt{4x-1}$ эгри чизиқ ёйининг абсциссалари $x_1 = 1$ ва $x_2 = 9$ бўлган нуқталар орасидаги қисмининг Ox ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган сирт юзини ҳисобланг.

299. $y = 3x$ тўғри чизиқ кесмасининг абсциссалари $x_1 = 0$ ва $x_2 = 2$ бўлган нуқталар орасидаги кесмасининг Ox ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган сирт юзини ҳисобланг.

4-§. Аниқ интегралнинг физикага оид масалаларни ечишга татбиқи

1. **Моддий нуқтанинг босиб ўтган йўлини тезлиги бўйича ҳисоблаш.** Агар $u = f(t)$ функция моддий нуқта траекториясини ифодаласа, моддий нуқтанинг $[t_1;t_2]$ вақт оралиғида босиб ўтган йўли S қуйидаги

$$S = \int_{t_2}^{t_1} f(t)\,dt \tag{5.18}$$

формула билан ҳисобланади.

1 - м и с о л. Моддий нуқта бирор тўғри чизиқ бўйлаб $u(t) = 4t^3 + 2t + 1$ тезлик билан ҳаракатланади. Бу нуқтанинг [0;3] вақт оралиғида босиб ўтган йўлини топинг.

Е ч и ш. (5.18) формулага кўра:

$$S = \int_0^3 \left(4t^3 + 2t + 1\right) dt = \left(t^4 - t^2 + t\right)\Big|_0^3 = 75 \ \ (м).$$

2. **Ўзгарувчи кучнинг бажарган ишини ҳисоблаш.** $F(s)$ куч таъсирида моддий нуқта Os тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракатлансин.

Бу кучнинг $[a;b]$ кесмадаги бажарган иши

$$A = \int_a^b F(s)\,ds$$

формула билан топилади.

2 - м и с о л. Агар пружинани 1 см га чўзиш учун 1кН куч қўйиш керак бўлса, пружинани 10 см га чўзишда бажарилган ишни ҳисобланг.

Е ч и ш. Гук қонунига асосан F кучнинг пружинани чўзиши унинг чўзилишига пропорционалдир, яъни, $F = kx$, бунда x — пружинанинг чўзилиши (метрда), k — пропорционаллик коэффициенти.

Масала шартига кўра $x = 0{,}01$ м, куч эса $F = 1k$Н бўлгани учун $1 = 0{,}01k$ тенгликни ҳосил қиламиз. Бундан k ни топамиз: $k = 100$ ва $F = 100x$.

Демак, изланаётган иш:

$$A = \int_0^{0,1} 100x\,dx = 50x^2\Big|_0^{0,1} = 0{,}5\ \text{кЖ}.$$

...мисол. Қозон $z = \frac{x^2}{4} + \frac{y^2}{9}$ эллиптик параболоид ...бўлиб, унинг баландлиги H = 4 м. Қозон зичли... $\delta = 0,8$ т/м^3 бўлган суюқлик билан тўлдирилган. Қо...ни суюқликни насос билан чиқариб ташлашда бажа... ишни ҳисобланг.

...ш. z баландликда Δz_i қалинликдаги элементар су... қатламини оламиз. Бу қатлам горизонтал кесими ...ўқлари $a = 2\sqrt{z_i}$; $b = 3\sqrt{z_i}$ бўлган эллипс бўлиб, унинг ... $\Delta m_i \approx 6\pi g\delta z_i \Delta z_i$, ҳажми эса $\Delta \upsilon_i = \pi \cdot 2\sqrt{z_i} 3\sqrt{z_i} \Delta z_i$ га ...

Суюқликни чиқариб ташлаш учун бажарилган иш:

$$A = \lim_{n\to\infty} \sum_{i=1}^{n} 6\pi g\delta z_i (H - z_i)\Delta z_i = \int_0^H 6\pi g\delta z(H - z)\, dz =$$

$$= 6\pi g\delta\left(H\frac{z^2}{2} - \frac{z^3}{3}\right)\Bigg|_0^H = \pi g\delta H^3 = 6\pi g\delta \approx 1575,53 \text{ kЖ}.$$

... **Суюқликнинг пластинкаларга таъсир этувчи босим ...ни ҳисоблаш.** Бундай масалаларни ечишни аниқ ми...да кўрсатамиз.

...-мисол. Асоси a = 3м ва баландлиги H = 2м бўлган ...бурчакли пластинка суюқликка учи пастга қилиб шун... ботирилганки, унинг асоси суюқлик сатҳи билан па...ллел ва ундан 1м узоқликда жойлашган. Суюқликнинг ...лиги δ = 0,9 т/м^{3}га тенг. Суюқликни пластинканинг ...р бир томонига таъсир этувчи босим кучини ҳисобланг.

Ечиш. Паскаль қонунидан фойдаланиб суюқликнинг ...им кучини аниқлаймиз. Унга кўра h чуқурликдаги ΔS ... суюқликнинг Δp босими $\Delta p = \delta g h \Delta s$ га тенг, бунда δ — суюқлик зичлиги, g — эркин тушиш тезланиши.

Энди ΔS юзни суюқлик сатҳидан $y + d$ масофада ётув... ва унга битта томони параллел бўлган dy қалинлик ... фарқ қилувчи учбурчакларга ажратамиз (28-чиз...). Ҳосил бўлган ABC ва $A_1B_1C_1$учбурчаклар ўхшашлиги...:

$$\frac{|A_1B_1|}{a} = \frac{H-y}{H} \Rightarrow |A_1B_1| = \frac{a}{H}(H - y),$$



28-чизма.

Кесилган (эни dy бўлган) юз

$$dS = \frac{a}{H}(H - y)\,dy\,.$$

Текис учбурчакнинг томонларига таъсир этувчи босим

$$dP = \frac{a}{H}\delta g(d + y)(H - y)\,dy.$$

Охирги тенгликнинг иккала қисмини интеграллаб, из-ланаётган босимни топамиз:

$$P = \int_0^H \frac{a}{H}\delta g(d + y)\,(H - y)\,dy = \frac{3}{2}\delta g\int_0^2 (2 + y - y^2)\,dy =$$

$$= \frac{3}{2}\delta g\left(2y + \frac{y^2}{2} - \frac{y^3}{3}\right)\Bigg|_0^2 = 5\delta g \approx 44{,}1 \text{ кН}.$$

4. **Чизиқ ва доиранинг инерция моментларини ҳисоблаш.**

а) узунлиги l бўлган бир жинсли таёқчанинг иккинчи учига нисбатан инерция моменти қуйидагича ҳисобланади

$$J = \gamma\int_0^e x^2\,dx = \gamma\frac{e^3}{3}\,.$$

Агар таёқчанинг массаси M берилган бўлса, у ҳолда $\gamma = \frac{M}{e}$ бўлиб,

$$J = \frac{M}{e}\cdot\frac{e^3}{3} = \frac{Me^2}{3} = \frac{1}{3}Me^2$$

га эга бўламиз.

б) радиуси r бўлган ҳалқанинг марказига нисбатан инерция моменти

$$J = 2\pi\gamma r^3$$

формула орқали аниқланади.

в) радиуси R бўлган бир жинсли доиранинг марказига нисбатан инерция моментини ҳисоблаш учун доирани эни dr бўлган n та ҳалқаларга ажратамиз. Бу ҳалқачаларнинг ҳар бирининг юзи $dS = 2\pi r dr$ га, массаси $dm = 2\pi r\delta \cdot dr$ га тенг, бунда $\delta = \frac{M}{\pi R^2}$ — зичлик. Битта ҳалқачанинг инерция моменти (29-чизма):



29-чизма.

$$dJ_0 = 2\pi\delta r^3 dr.$$

Бундай инерция моментлари йиғиндисининг $n \to \infty$ даги лимити мавжуд ва у қуйидаги аниқ интегралга тенг:

$$J_0 = \int_0^R 2\pi\delta r^3\, dr = 2\pi\delta \left.\frac{r^4}{4}\right|_0^R = \frac{1}{2}\pi R^4 \frac{M}{\pi R^2} = \frac{1}{2}MR^2.$$

5. **Текис шаклнинг оғирлик марказини ҳисоблаш.** Қуйидаги ҳолларни қараймиз:

а) бирор текис шакл 19-чизмада кўрсатилганидек берилган бўлсин. Текис шакл $\delta = \delta(x)$ зичликка эга бўлса, у ҳолда текис шаклнинг оғирлик маркази $C(x_c;y_c)$ нинг координаталари қуйидаги формула билан топилади:

$$x_c = \frac{\int_a^b x\delta(x)\sqrt{1+y'^2}\,dx}{\int_a^b \delta(x)\sqrt{1+y'^2}\,dx}; \quad y_c = \frac{\int_a^b y\delta(x)\sqrt{1+y'^2}\,dx}{\int_a^b \delta(x)\sqrt{1+y'^2}\,dx}. \qquad (5.19)$$

б) агар текис шакл $[a;b]$ кесмада пастдан $y = f_1(x)$, юқоридан $y = f_2(x)$ чизиқлар билан чегараланган (17-чизма) ва зичлиги $\delta = \delta(x)$ бўлса, у ҳолда унинг оғирлик маркази $C(x_c;y_c)$нинг координаталари қуйидаги формула билан аниқланади:

$$x_c = \frac{\int_a^b x\delta(x)(f_2(x)-f_1(x))dx}{\int_a^b \delta(x)(f_2(x)-f_1(x))dx}, \quad y_c = \frac{\int_a^b y\delta(x)\left(f_2^2(x)-f_1^2(x)\right)dx}{\int_a^b \delta(x)(f_2(x)-f_1(x))dx}. \quad (5.20)$$

5-мисол. Марказий бурчаги $2a$ ва радиуси R бўлган бир жинсли айлана ёйи билан чегараланган шаклнинг оғирлик марказини топинг.

Ечиш. Координаталар системасини 30-чизмада кўрсатилганидек оламиз. Бу ҳолда ёйнинг симметриклигидан ва бир жинслилигидан $y_c = 0$ га эга бўламиз. x_c ни (5.19) формуладан топамиз:



30-чизма

$$x_c = \frac{\int_{-a}^{a} x\sqrt{1+x'^2}\ dy}{\int_{-a}^{a} \sqrt{1+x'^2}\ dy}.$$

Айлананинг параметрик тенгламасидан фойдаланамиз:

$$\begin{cases} x = R\cos t, \\ y = R\sin t. \end{cases}$$

У ҳолда

$$x_c = \frac{\int_{-a}^{a} R^2\cos t\ dt}{\int_{-a}^{a} R\ dt} = R\frac{\sin t\Big|_{-a}^{a}}{t\Big|_{-a}^{a}} = R\frac{\sin a}{a}.$$

6-мисол. $y = 6 - x^2$, $y = 2$ чизиқлар билан чегараланган бир жинсли текис шакл оғирлик марказининг координаталарини топинг.

Ечиш. 31-чизмада кўрсатилгандек шаклни чизиб оламиз. Чизмага кўра $x_c = 0$ бўлади. y_c ни топиш учун (5.20) формуладан фойдаланамиз:

$$y_c = \frac{1}{2}\cdot\frac{\int_{-2}^{2}\left((6-x^2)^2-2^2\right)dx}{\int_{-2}^{2}(4-x^2)\,dx} = \frac{1}{2}\cdot\frac{\int_{-2}^{2}\left(32-12x^2+x^4\right)dx}{\int_{-2}^{2}(4-x^2)\,dx} =$$



31-чизма.

$$=\frac{1}{2}\cdot\frac{\left(32x-4x^3+\frac{x^5}{5}\right)\Big|_0^2}{\left(4x-\frac{x^3}{3}\right)\Big|_0^2}=\frac{1}{2}\cdot\frac{\frac{192}{5}}{\frac{16}{3}}=3,6.$$

Машқлар

300. $y^2 = 9x$, $y = 3x$ чизиқлар билан чегараланган шаклнинг юзини топинг.

301. $y^2 = 2px$, $x^2 = 2py$ параболалар орасидаги соҳанинг юзини топинг.

302. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ эллипснинг Ox ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган жисмнинг ҳажмини топинг.

303. Координаталар бошини $(a;b)$ нуқта билан туташтирувчи тўғри чизиқ кесмаси Oy ўқ атрофида айланади. Ҳосил бўлган конуснинг ҳажмини топинг.

304. $y^2 = 4ax$ параболанинг Ox ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган сиртнинг координаталар бошидан абсциссаси $x = 3a$ бўлган нуқтагача оралиқдаги юзини топинг.

305. $y = 3x$ тўғри чизиқнинг $x = 0$ дан $x = 3$ гача оралиқдаги кесмасининг: а) Ox ўқ атрофида; б) Oy ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган конус сиртининг юзини ҳисобланг.

306. $ay^2 = x^3$ ярим кубик парабола ёйининг координаталар бошидан абсциссаси $x = 5a$ нуқтагача бўлган узунлигини ҳисобланг.

307. $y = \ln x$ эгри чизиқ ёйининг $x = \sqrt{3}$ дан $x = \sqrt{8}$ гача бўлган узунлигини ҳисобланг.

308. $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1$ $(x \ge 0,\ y \ge 0)$ эллипс чорак қисми юзининг оғирлик марказини топинг.

309. $x^2 + 4y = 16$ парабола ва Ox ўқ билан чегараланган шакл юзининг оғирлик марказини топинг.

310. Жисм тезлиги $\upsilon = \sqrt{2t+3}$ м/сек формула билан ифодаланади. Ҳаракат бошлангандан 3 с ичида жисм босиб ўтган йўлини топинг.

311. 48 км/соат тезлик билан ҳаракат қилаётган автомобиль тормозлана бошлади ва 3 с ўтгач тўхтади. Автомобиль батамом тўхтагунча босиб ўтган йўлни топинг.

312. Радиуси 3 см га тенг ярим доира шаклдаги текис тўсиқ сувга шундай ботирилганки, унинг диаметри сув сатҳида жойлашган. Сувнинг бу тўсиққа бўлган босим кучини аниқланг.

313. Тўғон вертикал тўғри трапеция шаклида бўлиб, унинг юқори ва пастки асослари мос равишда 80 ва 50 м га, баландлиги эса 25 м га тенг. Тўғонга таъсир қилаётган сувнинг босим кучини аниқланг.

314. Устки асоси a ва остки асоси b $(a > b)$, баландлиги h бўлган тенг ёнли трапеция шаклидаги вертикал тўғонга таъсир қилаётган сувнинг босим кучини ҳисобланг.

5-§. Биринчи мустақил уй иши

Мазкур уй иши вариантларининг ҳар бирида 8 та мисол бўлиб, уларни бажаришда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1—7-мисолларда: берилган аниқ интегралларни вергулдан кейинги иккита рақамигача аниқлик билан ҳисоблаш керак.

8-мисолда: берилган хосмас интегрални ҳисоблаш, узоқлашувчи ёки яқинлашувчи эканлигини аниқлаш керак.

Вариант мисолларининг ечиш намунасини келтирамиз.

Қуйидаги аниқ интегралларни вергулдан кейинги иккита рақамигача аниқлик билан ҳисобланг:

1. $\int\limits_1^2 \frac{dx}{x(1+x^2)}$.

Ечиш. Интеграл остидаги касрни рационал касрлар йиғиндиси кўринишда ёзиб оламиз ва ҳисоблашни давом эттирамиз:

$$\int\limits_1^2 \frac{dx}{x(1+x^2)} = \int\limits_1^2 \left(\frac{A}{x} + \frac{Bx+C}{1+x^2}\right) dx \left| \begin{array}{ll|l} \multicolumn{3}{l}{1 = A(1+x^2) + (Bx+C)x,} \\ x = 0 & 1 = A, & A = 1, \\ x^2 & 0 = A + B, & B = -1, \\ x & 0 = C, & C = 0 \end{array} \right| =$$

$$= \int\limits_1^2 \frac{dx}{x} - \int\limits_1^2 \frac{xdx}{1+x^2} = \ln|x|\Big|_1^2 - \frac{1}{2}\ln(1+x^2)\Big|_1^2 =$$

$$= \ln 2 - \frac{1}{2}\ln 5 + \frac{1}{2}\ln 2 = \frac{3}{2}\ln 2 - \frac{1}{2}\ln 5 =$$

$$= \frac{3}{2}\cdot 0,69 - \frac{1}{2}\cdot 1,61 = 0,24.$$

2. $\int\limits_1^e \ln^2 x\, dx$.

Ечиш. Бўлаклаб интеграллаш формуласини икки марта татбиқ этиб, қуйидаги натижага эга бўламиз:

$$\int\limits_1^e \ln^2 x\, dx \left| \begin{array}{l} u = \ln^2 x, \ du = 2\ln x \cdot \frac{1}{x} dx, \\ d\upsilon = dx, \ \upsilon = x, \end{array} \right| =$$

$$= x\ln^2 x\Big|_1^e - 2\int\limits_1^e \ln x\, dx \left| \begin{array}{l} u = \ln x, \ du = \frac{1}{x} dx, \\ d\upsilon = dx, \ \upsilon = x, \end{array} \right| =$$

$$= e\ln^2 e - 2(x\ln x - x)\Big|_1^e = e - 2e + 2e - 2 = 0,72.$$

3. $\int\limits_3^4 \frac{9x^2-14x+1}{x^3-2x^2-x+2}\,dx.$

Ечиш. Интеграл остидаги функция тўғри касрдан иборат. Унинг махражини кўпайтувчиларга ажратамиз, сўнгра содда рационал касрларнинг йиғиндиси кўринишида ёзиб оламиз ва интегрални ҳисоблаймиз:

$$\int\limits_3^4 \frac{9x^2-14x+1}{x^3-2x^2-x+2}\,dx = \int\limits_3^4 \frac{9x^2-14x+1}{(x+1)(x-1)(x-2)}\,dx = \int\limits_3^4 \left(\frac{A}{x+1}+\frac{B}{x-1}+\frac{C}{x-2}\right)dx\cdot$$

$$\cdot\left|\begin{array}{l} 9x^2-14x+1 = A(x-1)(x-2)+B(x+1)(x-2)+C(x+1)(x-1), \\ \begin{array}{l|r|l|} x=-1 & 24=6A, & A=4, \\ x=1 & -4=-2B, & B=2, \\ x=2 & 9=3C, & C=3 \end{array} \end{array}\right|$$

$$=\int\limits_3^4 \left(\frac{4}{x+1}+\frac{2}{x-1}+\frac{3}{x-2}\right)dx =$$

$$=\left(4\ln|x+1|+2\ln|x-1|+3\ln|x-2|\right)\Big|_3^4 =$$

$$=4\ln 5+2\ln 3+3\ln 2-4\ln 4-2\ln 2=$$

$$=\ln\left(5^4\cdot 3^2\cdot 2\right)-\ln 4^4=\ln\frac{5^4\cdot 3^2\cdot 2}{4^4}=\ln\frac{11250}{256}=3,78.$$

4. $\int\limits_0^1 \frac{x^3dx}{\sqrt{x^2+1}}.$

Ечиш.

$$\int\limits_0^1 \frac{x^3dx}{\sqrt{x^2+1}}\left|\begin{array}{l} \sqrt{x^2+1}=t,\ \ x^2+1=t^2,\ \ x\,dx=t\,dt, \\ x=0 \ \text{ да }\ t=1,\ \ x=1\ \text{ да }\ t=\sqrt{2}. \end{array}\right|=$$

$$=\int\limits_1^{\sqrt{2}} \frac{(t^2-1)t}{t}\,dt=\int\limits_1^{\sqrt{2}}(t^2-1)\,dt=\left(\frac{1}{3}t^3-t\right)\Big|_1^{\sqrt{2}}=0,20.$$

5. $\int\limits_0^{\frac{\pi}{4}} \frac{dx}{4-3\cos^2 x+5\sin^2 x}$.

Ечиш. Интеграл остидаги функция $\sin x$ ва $\cos x$ га нисбатан жуфт функция бўлгани учун $t = \operatorname{tg} x$ алмаштиришни татбиқ этамиз ((4.21) формулага қаранг):

$$\int\limits_0^{\frac{\pi}{4}} \frac{dx}{4-3\cos^2 x+5\sin^2 x}$$

$$\left| \begin{array}{l} t = \operatorname{tg} x,\ dx = \frac{dt}{1+t^2},\ \cos^2 x = \frac{dt}{1+t^2},\ \sin^2 x = \frac{t^2}{1+t^2}, \\ x = 0 \text{ да } t = 0,\ x = \frac{\pi}{4} \text{ да } t = 1 \end{array} \right| =$$

$$= \int\limits_0^1 \frac{dt}{\left(1+t^2\right)\left(4-\frac{3}{1+t^2}+\frac{5t^2}{1+t^2}\right)} = \int\limits_0^1 \frac{dt}{9t^2+1} = \frac{1}{3}\operatorname{arctg} 3t\Big|_0^1 =$$

$$= \frac{1}{3}\left(\operatorname{arctg} 3 - \operatorname{arctg} 0\right) = 0,42.$$

6. $\int\limits_0^1 \frac{2x-11}{\sqrt{3x-2x-x^2}}\, dx$

Ечиш. Берилган интегрални шундай иккита интегралга ажратамизки, биринчи интеграл остидаги функциянинг сурати квадрат илдиз остидаги квадрат учҳаднинг ҳосиласидан иборат бўлсин. Зарур алмаштиришларни бажариб, натижада қуйидагига эга бўламиз:

$$\int\limits_0^1 \frac{2x-11}{\sqrt{3-2x-x^2}}\, dx = -4\int\limits_0^1 \frac{-2x-2}{\sqrt{3-2x-x^2}}\, dx - 19\int\limits_0^1 \frac{dx}{\sqrt{4-(x+1)^2}} =$$

$$= -8\sqrt{3-2x-x^2}\,\Big|_0^1 - 19\arcsin\frac{x+1}{2}\Big|_0^1 =$$

$$= 8\sqrt{3} - \frac{19}{2}\pi + \frac{19}{2}\pi \approx -6,05.$$

7. $\int\limits_{\frac{2}{3}}^{\frac{10}{3}} \frac{xdx}{(3x-1)\sqrt{3x-1}}$.

Ечиш. Берилган интеграл $\sqrt{3x-1} = t$ алмаштириш ёрдамида жадвал интегралига келтирилади:

$$\int\limits_{\frac{2}{3}}^{\frac{10}{3}} \frac{x\,dx}{(3x-1)\sqrt{3x-1}}$$

$$\left| \begin{array}{l} \sqrt{3x-1} = t,\ 3x-1 = t^2,\ x = \frac{1}{3}(t^2+1),\ dx = \frac{2}{3}t\,dt, \\ x = \frac{2}{3} \text{ да } \ t = 1,\ x = \frac{10}{3} \text{ да } \ t = 3 \end{array} \right| =$$

$$= \int\limits_{1}^{3} \frac{\frac{1}{3}(t^2+1)\frac{2}{3}tdt}{t^2 \cdot t} = \frac{2}{9}\int\limits_{1}^{3} \frac{t^3+t}{t^3}\,dt = \frac{2}{9}\left(t - \frac{1}{t}\right)\Big|_1^3 \approx 0,59.$$

8. Хосмас интегралларни ҳисобланг:

а) $\int\limits_{-\infty}^{\infty} \frac{dx}{x^2+4x+9}$; б) $\int\limits_{-1}^{1} \frac{3x^2+2}{\sqrt[3]{x^2}}\,dx$.

Ечиш.

$$\text{а) } \int\limits_{-\infty}^{\infty} \frac{dx}{x^2+4x+9} = \int\limits_{-\infty}^{0} \frac{dx}{x^2+4x+9} + \int\limits_{0}^{\infty} \frac{dx}{x^2+4x+9} =$$

$$= \lim_{\alpha\to-\infty} \int\limits_{\alpha}^{0} \frac{dx}{(x+2)^2+5} + \lim_{\beta\to+\infty} \int\limits_{0}^{\beta} \frac{dx}{(x+2)^2+5} =$$

$$= \lim_{\alpha\to-\infty} \frac{1}{\sqrt{5}} \operatorname{arctg} \frac{x+2}{\sqrt{5}}\Big|_{\alpha}^{0} + \lim_{\beta\to+\infty} \frac{1}{\sqrt{5}} \operatorname{arctg} \frac{x+2}{\sqrt{5}}\Big|_{0}^{\beta} =$$

$$= \lim_{\alpha\to-\infty} \left(\frac{1}{\sqrt{5}} \operatorname{arctg} \frac{2}{\sqrt{5}} - \frac{1}{\sqrt{5}} \operatorname{arctg} \frac{\alpha+2}{\sqrt{5}} \right) +$$

$$+ \lim_{\beta\to+\infty} \left(\frac{1}{\sqrt{5}} \operatorname{arctg} \frac{\beta+2}{\sqrt{5}} - \frac{1}{\sqrt{5}} \operatorname{arctg} \frac{2}{\sqrt{5}} \right) =$$

$$= \frac{1}{\sqrt{5}} \operatorname{arctg} \frac{2}{\sqrt{5}} - \frac{1}{\sqrt{5}}\left(-\frac{\pi}{2}\right) + \frac{1}{\sqrt{5}} \cdot \frac{\pi}{2} - \frac{1}{\sqrt{5}} \operatorname{arctg} \frac{2}{\sqrt{5}} = \frac{\pi}{\sqrt{5}}.$$

Демак, берилган интеграл яқинлашувчи.

б) $\int\limits_{-1}^{1} \frac{3x^2+2}{\sqrt[3]{x^2}}\,dx = \int\limits_{-1}^{0} \frac{3x^2+2}{\sqrt[3]{x^2}}\,dx + \int\limits_{0}^{1} \frac{3x^2+2}{\sqrt[3]{x^2}}\,dx =$

$$= \lim_{\beta\to 0} \int\limits_{-1}^{\beta} \left(3x^{\frac{4}{3}} + 2x^{-\frac{2}{3}}\right) dx + \lim_{\alpha\to 0} \int\limits_{\alpha}^{1} \left(3x^{\frac{4}{3}} + 2x^{-\frac{2}{3}}\right) dx =$$

$$= \lim_{\beta\to 0-0} \left(\frac{9}{7}x^{\frac{7}{3}} + 6x^{\frac{1}{3}}\right)\Bigg|_{-1}^{\beta} + \lim_{\alpha\to 0+0} \left(\frac{9}{7}x^{\frac{7}{3}} + 6x^{\frac{1}{3}}\right)\Bigg|_{\alpha}^{1} =$$

$$= \lim_{\beta\to 0-0} \left(\frac{9}{7}\beta^{\frac{7}{3}} + 6\,\beta^{\frac{1}{3}} + \frac{9}{7} + 6\right) +$$

$$+ \lim_{\alpha\to 0+0} \left(\frac{9}{7} + 6 - \frac{9}{7}\alpha^{\frac{7}{3}} - 6\,\alpha^{\frac{1}{3}}\right) = 14\frac{4}{7}.$$

Демак, берилган хосмас интеграл яқинлашувчи.

1-вариант

1. $\int\limits_{\frac{3}{4}}^{\frac{4}{3}} \frac{dx}{x^2+1}$.

2. $\int\limits_{1}^{2} (y-1)\ln y\,dy$.

3. $\int\limits_{2}^{3} \frac{3x^2+2x-3}{x^3-x}\,dx$.

4. $\int\limits_{0}^{\sqrt{3}} \sqrt{3-x^2}\,dx$.

5. $\int\limits_{0}^{\frac{\pi}{3}} \mathrm{tg}^2 x\,dx$.

6. $\int\limits_{-\frac{1}{2}}^{\frac{1}{2}} \frac{dx}{4x^2+4x+5}$.

7. $\int\limits_{0}^{\ln 5} \frac{e^x\sqrt{e^x-1}}{e^x+3}\,dx$.

8. а) $\int\limits_{1}^{\infty} \frac{16x\,dx}{16x^4-1}$;

б) $\int\limits_{1}^{3} \frac{dx}{\sqrt{x^2-6x+9}}$.

2-вариант

1. $\int\limits_{0}^{-3} \frac{dx}{\sqrt{25+3x}}$.

2. $\int\limits_{0}^{\frac{\pi}{4}} x\,\mathrm{tg}^2 x\,dx$.

7. $\int\limits_{\frac{2}{3}}^{\frac{7}{3}} \frac{x\,dx}{\sqrt{2+3x}}$.

8. a) $\int\limits_{0}^{\infty} \frac{\operatorname{arctg}2x}{\pi(1+4x^2)}\,dx$; б) $\int\limits_{0}^{1} \frac{2xdx}{\sqrt{1-x^4}}$.

7-вариант

1. $\int\limits_{2}^{3} \frac{dx}{\sqrt{5+4x-x^2}}$.
2. $\int\limits_{1}^{2} \ln(3x+2)\,dx$.
3. $\int\limits_{3}^{5} \frac{(x^2+2)dx}{(x-1)^2(x-1)}$.
4. $\int\limits_{0}^{1} \frac{x^2dx}{(x^2+1)^2}$.
5. $\int\limits_{\frac{\pi}{4}}^{\frac{\pi}{3}} \operatorname{tg}^4 x\,dx$.
6. $\int\limits_{3}^{5} \frac{x^2dx}{\sqrt{8x-x^2-15}}$.
7. $\int\limits_{\ln 2}^{\ln 3} \frac{dx}{e^x-e^{-x}}$.
8. a) $\int\limits_{\frac{1}{2}}^{\infty} \frac{16dx}{\pi(4x^2+4x+5)}$; б) $\int\limits_{-\frac{1}{3}}^{0} \frac{dx}{\sqrt[3]{1+3x}}$.

8-вариант

1. $\int\limits_{0}^{1} x^3\sqrt{4+5x^4}\,dx$.
2. $\int\limits_{1}^{\sqrt{3}} \operatorname{arctg}\frac{1}{x}\,dx$.
3. $\int\limits_{0}^{1} \frac{x^4+3x^3-1}{(x+1)^2}\,dx$.
4. $\int\limits_{2\sqrt{3}}^{6} \frac{dx}{x^2\sqrt{x^2+9}}$.
5. $\int\limits_{0}^{\pi} \cos\frac{x}{2}\cos\frac{3x}{2}\,dx$.
6. $\int\limits_{0}^{1} \frac{dx}{x^2+4x+5}$.
7. $\int\limits_{0}^{1} \frac{x^2dx}{(1+x)^4}$.

8. а) $\int\limits_{1}^{\infty} \frac{x\,dx}{4x^2+4x+5}$;

б) $\int\limits_{\frac{3}{4}}^{1} \frac{dx}{\sqrt[5]{3-4x}}$.

9-вариант

1. $\int\limits_{-\pi}^{\pi} \sin^2 \frac{x}{2}\, dx$.

2. $\int\limits_{-1}^{0} x \ln(1-x)\, dx$.

3. $\int\limits_{-1}^{0} \frac{x^5-2x^2+3}{(x-2)^2}\, dx$.

4. $\int\limits_{\frac{1}{\sqrt{2}}}^{1} \frac{dx}{x^2\sqrt{x^2+1}}$.

5. $\int\limits_{0}^{\frac{\pi}{4}} \sin 3x \cos 5x\, dx$.

6. $\int\limits_{-\frac{1}{3}}^{0} \frac{dx}{\sqrt{2-6x-9x^2}}$.

7. $\int\limits_{-1}^{0} \frac{dx}{1+\sqrt[3]{x+1}}$.

8. а) $\int\limits_{0}^{\infty} \frac{(x+2)dx}{\sqrt[3]{(x^2+4x+1)^4}}$;

б) $\int\limits_{0}^{\frac{\pi}{2}} \frac{e^{\lg x}}{\cos 2x}\, dx$.

10-вариант

1. $\int\limits_{1}^{2} \frac{e^{\frac{1}{x}}\,dx}{x^2}$.

2. $\int\limits_{0}^{\frac{\pi}{9}} \frac{x\,dx}{\cos^2 3x}$.

3. $\int\limits_{0}^{1} \frac{x\,dx}{x^2+3x+2}$.

4. $\int\limits_{\frac{1}{2}}^{\frac{\sqrt{3}}{2}} \sqrt{1-x^2}\, dx$.

5. $\int\limits_{0}^{\frac{\pi}{3}} \frac{\sin^3 x}{\cos^4 x}\, dx$.

6. $\int\limits_{4}^{7} \frac{dx}{x^2+3x-10}$.

7. $\int\limits_{0}^{\frac{1}{2}\ln 2} \frac{e^x dx}{e^x+e^{-x}}$

8. a) $\int\limits_{0}^{\infty}\frac{3-x^2}{x^2+4}dx$; б) $\int\limits_{0}^{1}\frac{2e^{1-\frac{2}{\pi}\arcsin x}}{\pi\sqrt{1-x^2}}dx$.

11-вариант

1. $\int\limits_{1}^{\frac{1}{2}}\frac{x\,dx}{\sqrt{1-x^2}}$.

2. $\int\limits_{\frac{1}{2}}^{1}\arcsin(1-x)dx$.

3. $\int\limits_{3}^{10}\frac{x^2+3}{x^3-x^2-6x}dx$.

4. $\int\limits_{0}^{3}\frac{dx}{(9+x^2)\sqrt{9+x^2}}$.

5. $\int\limits_{0}^{\frac{\pi}{6}}\frac{dx}{\cos x}$.

6. $\int\limits_{\frac{1}{3}}^{\frac{4}{3}}\frac{dx}{\sqrt{8+6x-9x^2}}$.

7. $\int\limits_{0}^{\sqrt[3]{7}}\frac{zdz}{\sqrt{9+z^3}}$.

8. a) $\int\limits_{0}^{\infty}\sqrt{\frac{2}{\pi}}\frac{\sqrt{\operatorname{arctg}2x}dx}{1+4x^2}$; б) $\int\limits_{1}^{2}\frac{dx}{\sqrt[5]{4x-x^2-4}}$.

12-вариант

1. $\int\limits_{0}^{1}3(x^2+x^2e^{x^3})\,dx$.

2. $\int\limits_{1}^{e}x\ln^2 x\,dx$.

3. $\int\limits_{1}^{\sqrt{3}}\frac{dx}{x^4+x^2}$.

4. $\int\limits_{2}^{4}\frac{\sqrt{x^2-4}}{x}dx$.

5. $\int\limits_{\frac{\pi}{6}}^{\frac{\pi}{2}}\operatorname{ctg}^3 x\,dx$.

6. $\int\limits_{2}^{3}\frac{dx}{\sqrt{4x-3-x^2}}$.

7. $\int\limits_{0}^{5}\frac{x\,dx}{\sqrt{3x+1}}$.

8. a) $\int\limits_{1}^{\infty}\frac{4dx}{x(1+\ln^2 x)}$; б) $\int\limits_{\frac{\pi}{2}}^{\pi}\frac{\sin x\,dx}{\sqrt[7]{\cos^2 x}}$.

13-вариант

1. $\int\limits_{\frac{\pi^2}{9}}^{\pi^2} \frac{\cos\sqrt{x}}{\sqrt{x}}\,dx$.

2. $\int\limits_{-3}^{0} (x-2)e^{-\frac{x}{3}}\,dx$.

3. $\int\limits_{2}^{3} \frac{x^7 dx}{1-x^4}$.

4. $\int\limits_{-\frac{1}{2}}^{\frac{1}{2}} \frac{dx}{(1-x^2)\sqrt{1-x^2}}$.

5. $\int\limits_{0}^{\frac{\pi}{2}} \cos x \cos 3x \cos 5x\,dx$.

6. $\int\limits_{-1}^{1} \frac{dx}{x^2+2x+3}$.

7. $\int\limits_{0}^{2} \frac{dx}{\sqrt{x+1}+\sqrt{(x+1)^3}}$.

8. а) $\int\limits_{0}^{\infty} x\sin x\,dx$;

б) $\int\limits_{-\frac{3}{4}}^{0} \frac{dx}{\sqrt{4x+3}}$.

14-вариант

1. $\int\limits_{1}^{\sqrt{3}} \frac{x^2 dx}{1+x^6}$.

2. $\int\limits_{\frac{3}{2}}^{2} \operatorname{arctg}(2x-3)dx$.

3. $\int\limits_{2}^{3} \frac{dx}{x^4-1}$.

4. $\int\limits_{0}^{\sqrt{2,5}} \frac{dx}{(5-x^2)^3}$.

5. $\int\limits_{0}^{\pi} \cos^4 x \sin^2 x\,dx$.

6. $\int\limits_{-\frac{1}{2}}^{1} \frac{dx}{\sqrt{8+2x-x^2}}$.

7. $\int\limits_{\ln 3}^{0} \frac{1-e^x}{1+e^x}\,dx$.

8. а) $\int\limits_{-\infty}^{-1} \frac{7dx}{(x^2-4x)\ln 5}$;

б) $\int\limits_{1}^{2} \frac{x\,dx}{\sqrt{(x^2-1)^3}\ln 2}$.

15-вариант

1. $\int\limits_{1}^{e} \frac{\sin \ln x \, dx}{x}$.

2. $\int\limits_{0}^{\frac{\pi}{2}} (x+3)\sin x \, dx$.

3. $\int\limits_{-1}^{0} \frac{x\,dx}{x^3-1}$.

4. $\int\limits_{0}^{\frac{1}{2}} \frac{x^2 dx}{\sqrt{(1-x^2)^3}}$.

5. $\int\limits_{0}^{\frac{\pi}{2}} \sin^6 x \, dx$.

6. $\int\limits_{1}^{2} \frac{dt}{t^2+5t+4}$.

7. $\int\limits_{0}^{\frac{\pi}{2}} \frac{\cos y dy}{4+\sqrt{\sin y}}$.

8. а) $\int\limits_{\frac{1}{3}}^{\infty} \frac{\pi dx}{(1+9x^2)\operatorname{arctg}^2 3x}$;

б) $\int\limits_{0}^{\frac{1}{3}} \frac{dx}{9x^2-9x+2}$.

16-вариант

1. $\int\limits_{1}^{\sqrt{e}} \frac{dx}{x\sqrt{1-\ln^2 x}}$.

2. $\int\limits_{1}^{2} x^2 \ln x \, dx$.

3. $\int\limits_{0}^{\frac{\sqrt{3}}{3}} \frac{2x^2+4}{x^3-x^2+x-1} dx$.

4. $\int\limits_{\sqrt{3}}^{2} \frac{dx}{x^4\sqrt{x^2-3}}$.

5. $\int\limits_{\frac{\pi}{3}}^{\frac{\pi}{2}} \frac{dx}{\sin x}$.

6. $\int\limits_{0}^{2} \frac{x\,dx}{x^2+3x+2}$.

7. $\int\limits_{2}^{5} \frac{x^2 dx}{(x-1)\sqrt{x-1}}$.

8. а) $\int\limits_{2}^{\infty} \frac{7dx}{(x^2+4)\sqrt{\pi \operatorname{arctg}\frac{x}{2}}}$;

б) $\int\limits_{0}^{\frac{\pi}{2}} \frac{3\sin^3 x \, dx}{\sqrt{\cos x}}$.

17-вариант

1. $\int_{[illegible]}^{[illegible]} \sqrt{x+1}\, dx$.

2. $\int_{1}^{2} \frac{\ln(x+1)}{(x+1)^2}\, dx$.

3. $\int_{4}^{5} \frac{dx}{x^2(x-1)}$.

4. $\int_{2}^{4} \frac{\sqrt{16-x^2}}{x^4}\, dx$.

5. $\int_{0}^{\frac{\pi}{2}} \cos^5 x\, dx$.

6. $\int_{1}^{2} \frac{x-5}{x^2-2x+2}\, dx$.

7. $\int_{0}^{\ln 2} \frac{dx}{e^x\sqrt{1-e^{-2x}}}$.

8. а) $\int_{1}^{\infty} \frac{dx}{(x^2+2x)\ln 3}$; б) $\int_{0}^{3} \frac{\sqrt[3]{9x}\ dx}{\sqrt[3]{9-x^2}}$.

18-вариант

1. $\int_{\frac{\pi}{6}}^{\frac{\pi}{2}} \sin\alpha\cos^3\alpha\, d\alpha$.

2. $\int_{0}^{\pi} (x+2)\cos\frac{x}{2}\, dx$.

3. $\int_{0}^{2} \frac{dx}{(x+1)(x^2+4)}$.

4. $\int_{0}^{\frac{\sqrt{7}}{3}} x^3\sqrt{7+x^2}\, dx$.

5. $\int_{\frac{\pi}{2}}^{\pi} \sqrt{1+\sin x}\, dx$.

6. $\int_{-1}^{1} \frac{x-5}{x^2+2x+5}\, dx$.

7. $\int_{1}^{e^2} \frac{dx}{x\sqrt{1+\ln x}}$.

8. а) $\int_{0}^{\infty} e^{-3x} x\, dx$; б) $\int_{0}^{1} \frac{x^4 dx}{\sqrt[3]{1-x^5}}$.

19-вариант

1. $\int\limits_{\frac{\pi}{18}}^{\frac{\pi}{6}} 12\mathrm{tg}3x\,dx$.

2. $\int\limits_{0}^{\frac{\pi}{2}} x^2 \sin 4x\,dx$.

3. $\int\limits_{7}^{9} \frac{(x^2-x+2)dx}{x^4-5x^2+4}$.

4. $\int\limits_{\frac{4\sqrt{2}}{3}}^{\sqrt{3}} \frac{\sqrt{x^2-8}}{x^4}\,dx$.

5. $\int\limits_{\frac{\pi}{6}}^{\frac{\pi}{4}} \frac{1+\mathrm{tg}x}{\sin 2x}\,dx$.

6. $\int\limits_{0}^{3} \frac{dx}{x^2+2x}$.

7. $\int\limits_{\ln 2}^{\ln 4} \frac{dx}{\sqrt{1+e^x}}$.

8. а) $\int\limits_{-\infty}^{0} \left(\frac{x^2}{x^2-1} - \frac{x}{1+x^2}\right) dx$; б) $\int\limits_{0}^{2} \frac{x^2}{\sqrt{64-x^6}}\,dx$.

20-вариант

1. $\int\limits_{0}^{1} \frac{dx}{\sqrt{4-3x}}$.

2. $\int\limits_{1}^{e^2} \sqrt{x}\ln x\,dx$.

3. $\int\limits_{4}^{6} \frac{x\,dx}{x^3-6x^2+16x-6}$.

4. $\int\limits_{1}^{\sqrt{2}} \frac{dx}{x^5\sqrt{x^2-1}}$.

5. $\int\limits_{\frac{\pi}{6}}^{\frac{\pi}{3}} \frac{\sin 2x\,dx}{\cos^3 x}$.

6. $\int\limits_{\frac{1}{2}}^{1} \frac{dx}{\sqrt{x-x^2}}$.

7. $\int\limits_{e^2}^{e^3} \frac{\ln x\,dx}{x(1-\ln^2 x)}$.

8. а) $\int\limits_{0}^{\infty} \frac{dx}{2x^2-2x+1}$; б) $\int\limits_{\frac{1}{2}}^{1} \frac{dx}{\sqrt[9]{1-2x}}$.

21-вариант

1. $\int\limits_{1}^{\sqrt{3}} \frac{x\,dx}{\sqrt{4-x^2}}$.

2. $\int\limits_{0}^{1} \operatorname{arctg}\sqrt{x}\,dx$.

3. $\int\limits_{1}^{2} \frac{dx}{x^3+1}$.

4. $\int\limits_{0}^{3} x^4\sqrt{9-x^2}\,dx$.

5. $\int\limits_{0}^{\frac{\pi}{8}} \sin x \sin 3x\,dx$.

6. $\int\limits_{-\frac{1}{2}}^{0} \frac{2x-8}{\sqrt{1-x-x^2}}\,dx$.

7. $\int\limits_{4}^{9} \frac{\sqrt{x}}{\sqrt{x}-1}\,dx$.

8. а) $\int\limits_{1}^{\infty} \frac{dx}{x^2(x+1)}$; б) $\int\limits_{1}^{5} \frac{x^2dx}{\sqrt{31(x^3-1)}}$.

22-вариант

1. $\int\limits_{1}^{e} \frac{\ln^2 x}{x}\,dx$.

2. $\int\limits_{-\frac{1}{3}}^{-\frac{2}{3}} \frac{x\,dx}{e^{3x}}$.

3. $\int\limits_{1}^{\sqrt{3}} \frac{x^5+1}{x^6+x^4}\,dx$.

4. $\int\limits_{0}^{3} \frac{x^3dx}{\sqrt{9+x^2}}$.

5. $\int\limits_{\frac{\pi}{4}}^{\pi} \sin x \sin 2x \sin 3x\,dx$.

6. $\int\limits_{\frac{3}{4}}^{2} \frac{dx}{\sqrt{2+3x-2x^2}}$.

7. $\int\limits_{\sqrt{7}}^{\sqrt{26}} \frac{x^3dx}{(x^2+1)^{\frac{2}{3}}}$.

8. а) $\int\limits_{e^2}^{\infty} \frac{dx}{x(\ln x-1)^2}$; б) $\int\limits_{1}^{\frac{3}{2}} \frac{dx}{\sqrt{3x-x^2-2}}$.

23-вариант

1. $\int\limits_{-1}^{0} \frac{dx}{4x^2-9}$.

2. $\int\limits_{1}^{e} \frac{\ln^2 x}{x^2}\, dx$.

3. $\int\limits_{2}^{3} \frac{x^3+x^2+2}{x(x^2-1)^2}\, dx$.

4. $\int\limits_{0}^{\sqrt{6}} \sqrt{6-x^2}\, dx$.

5. $\int\limits_{\frac{\pi}{2}}^{\pi} \cos^2 x \ \sin^4 x\, dx$.

6. $\int\limits_{\frac{1}{6}}^{2} \frac{dx}{3x^2-x+1}$.

7. $\int\limits_{0}^{13} \frac{x+1}{\sqrt[3]{2x-1}}\, dx$.

8. а) $\int\limits_{1}^{\infty} \frac{dx}{(6x^2-5x+1)\ln\frac{3}{4}}$; б) $\int\limits_{0}^{4} \frac{dx}{\sqrt[4]{(16-x^2)^3}}$.

24-вариант

1. $\int\limits_{\frac{\pi}{6}}^{\frac{\pi}{2}} \cos\alpha \sin^3\alpha\, d\alpha$.

2. $\int\limits_{0}^{2} (y+1)\ln y\, dy$.

3. $\int\limits_{3}^{5} \frac{x^3-2x^2+4}{x^2(x-2)^2}\, dx$.

4. $\int\limits_{-3}^{3} x^2\sqrt{9-x^2}\, dx$.

5. $\int\limits_{\frac{\pi}{3}}^{\frac{\pi}{2}} \frac{dx}{\sin^3 x}$.

6. $\int\limits_{3}^{4} \frac{x^2}{x^2-6x+10}\, dx$.

7. $\int\limits_{\ln 3}^{\ln 12} \frac{dx}{\sqrt{e^x+4}}$.

8. а) $\int\limits_{1}^{\infty} \frac{dx}{9x^2-9x+2}$; б) $\int\limits_{0}^{\frac{1}{4}} \frac{dx}{\sqrt[3]{1-4x}}$.

25-вариант

1. $\int\limits_{0}^{\frac{\sqrt{\pi}}{4}} \frac{xdx}{\cos^2 x^2}$.

2. $\int\limits_{-\pi}^{\pi} x\sin x\cos x\,dx$.

3. $\int\limits_{3}^{\frac{1}{\sqrt{3}}} \frac{x^2dx}{x^4-1}$.

4. $\int\limits_{\sqrt{2}}^{1} \frac{\sqrt{9-x^2}}{x^6}\,dx$.

5. $\int\limits_{0}^{\pi} \sin^4 \frac{x}{2}\,dx$.

6. $\int\limits_{3,5}^{5} \frac{x}{x^2-7x+13}\,dx$.

7. $\int\limits_{-1}^{1} \frac{dx}{\sqrt{5-4x}}$.

8. а) $\int\limits_{3}^{\infty} \frac{dx}{3x^2-3x+2}$; б) $\int\limits_{0}^{\frac{1}{2}} \frac{dx}{(2x-1)^2}$.

6-§. Иккинчи мустақил уй иши

Иккинчи мустақил уй ишининг ҳар бир вариантида 7 та мисол бўлиб, уни қуйидагича бажариш керак:

Биринчи мисолда: берилган чизиқ билан чегараланган шаклнинг юзини (вергулдан кейинги иккита рақамигача аниқлик билан) ҳисоблаш керак.

Иккинчи мисолда: берилган чизиқ ёйи узунлигини (вергулдан кейинги иккита рақамигача аниқлик билан) ҳисоблаш керак.

Учинчи мисолда: тенгламаси берилган чизиклар билан чегараланган Ф шаклнинг кўрсатилган координата ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган жисмнинг ҳажмини (вергулдан кейинги иккита рақамигача аниқлик билан) ҳисоблаш керак.

Тўртинчи мисолда: z эгри чизиқ ёйининг кўрсатилган ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган сиртнинг юзини (вергулдан кейинги иккита рақамигача аниқлик билан) ҳисоблаш керак.

Бешинчи мисолда: P идишдаги сувни чиқариб ташлаш учун сарф бўлган ишни ҳисоблаш керак. Сувнинг солиштирма



32-чизма.

оғирлиги: 9,81 кН/м³ ва π = 3,14 деб олинг. Натижани бутун қисмигача яхлитланг.

Олтинчи мисолда: сувга вертикал ботирилган пластинкага сувнинг босим кучини ҳисоблаш керак. Сувнинг солиштирма оғирлиги: 9,81 кН/м³. Натижани бутун қисмигача яхлитланг. **Пластинканинг шакли, ўлчамлари ва жойлашиш чизмаси** 38—62-чизмаларда берилган.

1—13-вариантлардаги еттинчи мисолнинг шарти қуйидагича: z эгри чизиқ билан чегараланган бир жинсли текис шакл оғирлик марказининг координаталарини топиш керак.

14—25-вариантлардаги еттинчи мисолнинг шарти қуйидагича: берилган чизиқлар билан чегараланган текис бир жинсли Φ шаклнинг оғирлик маркази координаталарини топиш керак.

Вариант мисолларини ечиш намунасини келтирамиз.

1. $y = \ln x$ ва $y = \ln^2 x$ чизиқлар билан чегараланган шаклнинг юзини (вергулдан кейинги иккита рақамигача аниқлик билан) ҳисобланг.

Ечиш. Берилган чизиқларни ясаймиз (32-чизма). Берилган чизиқлар кесишган нуқталарнинг координаталарини топамиз: $M_1(1;0)$, $M_2(1;1)$. Энди (5.9) формуладан фойдаланамиз:

$$S = \int_1^e (\ln x - \ln^2 x)\, dx,$$

$$\int \ln^2 x\, dx \left| \begin{matrix} u = \ln^2 x, \ du = 2\ln x \cdot \frac{1}{x} dx, \\ d\upsilon = dx, \ \upsilon = x \end{matrix} \right| =$$

$$= x\ln^2 x - 2\ln x\, dx,$$

$$\int \ln x\, dx \left| \begin{matrix} u = \ln x, \ du = \frac{1}{x} dx, \\ d\upsilon = dx, \ \upsilon = x \end{matrix} \right| =$$

$$= x\ln x - \int dx = x\ln x - x + C.$$

У ҳолда

$$S = \int_1^e \ln x\,dx - \int_1^e \ln^2 x\,dx =$$

$$= (x\ln x - x)\Big|_1^e - (x\ln^2 x - 2x\ln x + 2x)\Big|_1^e =$$

$$= e\ln e - e + 1 - (e\ln^2 e - 2e\ln e + 2e) + 2 = 3 - e \approx 0,28.$$

2. $x = (t^2 - 2)\sin t + 2t\cos t,\ \ y = (2 - t^2)\cos t + 2t\sin t$ $(0 \le t \le \pi)$ чизиқ ёйи узунлигини (вергулдан кейинги иккинчи рақамигача аниқлик билан) ҳисобланг

Ечиш. (5.13) формуладан фойдаланамиз:

$$l = \int_{t_1}^{t_2} \sqrt{\left(\frac{dx}{dt}\right)^2 + \left(\frac{dy}{dt}\right)^2}\,dt.$$

Интеграл остидаги функцияларни топамиз:

$$\frac{dx}{dt} = 2t\sin t + (t^2 - 2)\cos t + 2\cos t - 2t\sin t = t^2\cos t,$$

$$\frac{dy}{dt} = -2t\cos t - (2 - t^2)\sin t + 2\sin t + 2t\cos t = t^2\sin t,$$

$$\sqrt{\left(\frac{dx}{dt}\right)^2 + \left(\frac{dy}{dt}\right)^2} = \sqrt{t^4\cos^2 t + t^4\sin^2 t} = t^2.$$

У ҳолда изланаётган ёй узунлиги:

$$l = \int_0^\pi t^2\ \ dt = \frac{t^3}{3}\Big|_0^\pi = \frac{\pi^3}{3} \approx 10,32.$$

3. $x - 2y + 6 = 0$, $x = 2$ ва $y = 0$ чизиқлар билан чегараланган текис шаклни абсциссалар ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган жисмнинг ҳажмини (вергулдан кейинги иккита рақамигача аниқлик билан) ҳисобланг.

Ечиш. Текис фигурани ясаймиз (33-чизма). $x - 2y + 6 = 0$ тўғри чизиқ Ox ўқни $A(-6;0)$ нуқтада кесиб ўтади. Интеграллаш чегаралари: $a = -6$, ва $b = 2$. ABC учбурчакнинг Ox ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган конуснинг ҳажмини (5.16) формула бўйича ҳисоблаймиз:



33-чизма.

$$V = \pi\int_{-6}^{2}\left(\frac{1}{2}x+3\right)^2 dx = \pi\int_{-6}^{2}\left(\frac{1}{4}x^2+3x+9\right)dx =$$

$$= \pi\left(\frac{x^3}{12}x+\frac{3x^2}{2}+9x\right)\Bigg|_{-6}^{2} \approx 133,98.$$

4. $r = 10\sin\varphi$ айлананинг *Ol* қутб ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган сиртнинг юзини (вергулдан кейинги иккита рақамигача аниқлик билан) ҳисобланг (34-чизма).



34-чизма.

Ечиш. (5.17) ва (5.14) формулалардан (қутб координаталар системасида ёзилишидан) фойдаланамиз:

$$S = 2\pi\int_{\varphi 1}^{\varphi 2} y\sqrt{r'^2 + r^2}\,d\varphi \text{, бунда } y = r\sin\varphi.$$

Сўнгра, $r'_\varphi = 10\cos\varphi$, $y = r\sin\varphi = 10\sin\varphi\sin\varphi = 10\sin^2\varphi$, $\varphi_1 = 0$, $\varphi_2 = \pi$.

Бу қийматларни ўрнига қўямиз:

$$S = 2\pi\int_0^\pi 10\sin^2\varphi\sqrt{100\cos^2\varphi + 100\sin^2\varphi}\,d\varphi =$$

$$= 200\pi\int_0^\pi \sin^2\varphi\,d\varphi = 200\pi\int_0^\pi \frac{1-\cos 2\pi}{2}\,d\varphi =$$

$$= 100\pi\left(\varphi - \frac{1}{2}\sin 2\varphi\right)\Big|_0^\pi \approx 985,96.$$

5. Асоснинг радиуси 1 м, узунлиги 5 м бўлган цилиндрик цистерна 35-чизмада кўрсатилганидек ҳолатда бўлиб, сув билан тўлдирилган. Цистернанинг юқоридаги тешигидан сувни тортиб чиқариш учун зарур бўладиган ишни ҳисобланг. Сувнинг солиштирма оғирлиги: $g = 9{,}8$кН/м^3. Натижани бутун қисмигача яхлитланг.

Ечиш. z баландликдан dz қатлам сувни ажратиб оламиз (35-чизма). Унинг ҳажми:

$$dV = 2|0_1, B|\,Zdz = 2z\sqrt{R^2 - (R-r)^2}\,dz = 2z\sqrt{z(2R-r)}\,dz.$$



35-чизма.

Бу қатламни $H = 2R - z$ баландликка кўтариш кера... қатламдаги сувни чиқариб ташлаш учун dA элементар и... қуйидаги формула билан аниқланади:

$$dA = H\gamma dV = 2\gamma l(2R - z)\sqrt{z(2R - z)}dz.$$

Ҳамма сувни чиқариб ташлаш учун бажарилган A иш барча элементар ишларнинг йиғиндисига тенглигидан

$$A = \int_0^{2R} dA = \int_0^{2R} 2\gamma l(2R - z)\sqrt{z(2R - z)}dz =$$

$$= 2\gamma l \int_0^{2R} z^{\frac{1}{2}} (2R - z)^{\frac{3}{2}} dz. \quad (1)$$

Энди (1) интегрални ҳисоблаймиз. Бу интеграл биномиал дифференциални интеграллашдан иборат бўлгани учун, (4.19) формула ёрдамида топамиз. $m = \frac{1}{2}$, $n = 1$, $p = \frac{3}{2}$ ва $\frac{m+1}{2} + p = 3$ бўлгани учун $a + bx^n = u^2 x^n$ алмаштиришни бажарамиз:

$$A = 2\gamma l \int_0^{2R} z^{\frac{1}{2}} (2R - z)^{\frac{3}{2}} dz \left| \begin{array}{l} 2R - z = u^2 z, \ dz = \\ z = \dfrac{2R}{u^2 + 1}, \text{ агар } z = \end{array} \right.$$

$$\left. \begin{array}{l} = -4Ru(u^2 + 1)^{-2} du, \\ = 0 \text{ бўлса, } u = \infty, \text{ агар } z = 2R \text{ бўлса, } u = 0 \end{array} \right| =$$

$$= 32\gamma l R^3 \int_0^{\infty} \frac{u^4 du}{(u^2+1)^4}.$$

Ҳосил бўлган интеграл хосмас интеграл бўлиб, интеграл остидаги каср тўғри каср ва уни содда рационал касрлар йиғиндиси кўринишида ёзиб оламиз. Сўнгра ҳосил бўлган интегралларга (4.6) формулани, яъни махраж даражасини пасайтиришнинг рекуррент формуласини татбиқ қиламиз:

$$\int_0^{\infty} \frac{u^4 du}{(u^2+1)^4} = \int_0^{\infty} \left(\frac{1}{(u^2+1)^2} - \frac{2}{(u^2+1)^3} + \frac{1}{(u^2+1)^4} \right) du =$$

$$= \frac{\pi}{4} - 2\frac{3}{4} \cdot \frac{\pi}{4} + \frac{5}{6} \cdot \frac{3}{4} \cdot \frac{\pi}{4} = \frac{\pi}{32}.$$

Шундай қилиб,

$$A = 32\gamma l R^3 \cdot \frac{\pi}{32} = \pi\gamma l R^3.$$

Агар $l = 5$ м, $R = 1$, $\gamma = 9{,}81$, $\pi = 3{,}14$ қийматларни ўрнига қўйсак,

$$A = 3{,}14 \cdot 9{,}81 \cdot 5 \cdot 1 \approx 154 \text{ кЖ}$$

натижага эга бўламиз.

6. 36-чизмада тасвирланган пластинка сувга вертикал қилиб шундай ботирилганки, унинг битта қирраси сув сиртида ётади. Сувнинг солиштирма оғирлиги 9,81 кН/м^3 деб унинг пластинкага берган босим кучини ҳисобланг.

Ечиш. Координаталар системасини 36-чизмада кўрсатилгандек оламиз. У ҳолда эгри чизиқ $x^2 = -2py$ параболанинг содда тенгламаси бўлади. Парабола $A\left(\frac{1}{2}; -1\right)$ нуқтадан ўтганлиги учун $p = \frac{1}{8}$ бўлади ва $x^2 = -\frac{y}{4}$ парабола тенгламасига эга бўламиз. x чуқурликда эни dx бўлган горизонтал чизиқлар билан чегараланган юзчани оламиз. Унинг юзи: $ds = \left(1 - |y|\right)dx$. Бу юзчага тасир этувчи сувнинг босими $\Delta P = \gamma x\left(1 - |y|\right)dx = \gamma x(1 - 4x^2)dx$ га тенг.

У ҳолда сувнинг бутун пластинкага босими:

$$P = \gamma \int_0^H x(1 - 4x^2)dx = \gamma\left(\frac{x^2}{2} - x^4\right)\Bigg|_0^H = \gamma\left(\frac{H^2}{2} - H^4\right).$$



36-чизма.

$H = \frac{1}{2}$ м ва $g = 9{,}81 \text{kH/м}^3$ қийматларни ўрнига қўйсак

$$P = 9{,}81\left(\frac{1}{8} - \frac{1}{16}\right) = \frac{9{,}81}{16} \approx 0{,}61 \text{кH}.$$

7. $y = x^2$ ва $y = \sqrt{x}$ эгри чизиқлар билан чегараланган бир жинсли шакл оғирлик марказининг координаталарини топинг.

Ечиш. Берилган шакл (37-чизма) оғирлик марказининг координаталари (5.20) формула ёрдамида ҳисобланади, бунда

$$f_1(x) = x^2,\ f_2(x) = \sqrt{x}.$$

Эгри чизиқларнинг кесишиш нуқтаси (0;0) ва $B(1;1)$ бўлгани учун $a = 0$, $b = 1$ бўлади. Дастлаб қуйидаги интегрални ҳисоблаб оламиз:

$$\int_0^1 (f_2(x) - f_1(x))dx = \int_0^1 \left(\sqrt{x} - x^2\right)dx = \left(\frac{2}{3}x^{\frac{3}{2}} - \frac{1}{3}x^3\right)\Bigg|_0^1 = \frac{1}{3}.$$

$$\int_0^1 x(f_2(x) - f_1(x))dx = \int_0^1 x\left(\sqrt{x} - x^2\right)dx = \left(\frac{2}{5}x^{\frac{5}{2}} - \frac{x4}{4}\right)\Bigg|_0^1 = \frac{3}{20}.$$

Бу қийматларни (5.20) га қўйсак:

$$x_c = y_c = \frac{\frac{3}{20}}{\frac{1}{3}} = \frac{9}{20}.$$



37-чизма.

1-вариант

1. $r = 3\cos 2\varphi$.

2. $x^{\frac{2}{3}} + y^{\frac{2}{3}} = 4^{\frac{2}{3}}$.

3. Ф: $x = 3\cos^2 t,\ y = 4\sin^2 t\ \left(0 \le t \le \frac{\pi}{2}\right)$, Oy.

4. J: $y = \sqrt{x}$ эгри чизиқнинг $y = x$ тўғри чизиқ билан кесилган қисмини, Ox.

5. P— юқори асосининг радиуси 1 м, пастки асосининг радиуси 2 м, баландлиги 3 м бўлган кесик конус.

6. 38-чизма.

7. J: $\rho = a(1 + \cos\varphi)$, $(0 \le \varphi \le p)$ кардиоида ёйи.

2-вариант

1. $r = 2(1 - \cos\varphi)$.

2. $y^2 = (x + 1^3)$ эгри чизиқнинг $x = 4$тўғри чизиқ билан кесилган қисми.

3. Ф: $x = \sqrt{1 - y^2}$, $y = \sqrt{\frac{3}{4}x}$, $y = 0$, Ox.

4. J: $x = 2(t - \sin t)$, $y = 2(1 - \cos t)$, $(0 \le t \le 2\pi)$, Ox.

5. P— асосининг радиуси 1 м, узунлиги 5 м бўлган цилиндрик цистерна.

6. 39-чизма.

7. J: $\rho = ae^{\varphi}\ \left(\frac{\pi}{2} \le \varphi \le \pi\right)$ логарифмик спирал ёйи.

3-вариант

1. $r^2 = 2\sin 2\varphi$.

2. $y = 1 - \ln\cos x, \left(0 \le x \le \frac{\pi}{6}\right)$.

3. Ф: $y^2 = (x - 1)^3$, $x = 2$, Ox.

4. J: $x = \cos t$, $y = 3 + \sin t$, Ox.

5. P — асоси 2 м ва баландлиги 5 м бўлган мунтазам учбурчакли пирамида.

6. 40-чизма.

7. J: $x = 3(t - \sin t)$, $y = 3(1 - \cos t)$ циклоиданинг бир арки.

4-вариант

1. $x = 4(t - \sin t)$, $y = 4(1 - \cos t)$.



38-чизма.



39-чизма.



40-чизма.



41-чизма.

2. $r = 6\cos^3\frac{\varphi}{3}\left(0 \le \varphi \le \frac{\pi}{2}\right)$.

3. Ф: $y = \sqrt{1 - x^2}$, $y = \sqrt{\frac{3}{2}}x$, $y=0$, Ox.

4. J: $3x = y^3$ $(0 \le y \le 2)$, Oy.

5. P — юқори асосининг томони 4 м, баландлиги 6 м, учи пастга йўналтирилган мунтазам учбурчакли пирамида.

6. 41-чизма.

7. J: $x = 2\cos^3\frac{t}{4}$, $y = 2\sin^3\frac{t}{4}$ биринчи квадрантда жойлашган астроида ёйи.

5-вариант

1. $r = 2(1 + \cos\varphi)$.
2. $x = 4\cos^3 t$, $y = 4\sin^4 t$.
3. Ф: $y = \sin x$, $y = 0$, $(0 \le x \le 2)$, Ox.
4. J: $y = \frac{x^3}{3}$ $(-1 < x \le 1)$, Ox.
5. P — асосининг радиуси 3 м, баландлиги 5 м, учи пастга йўналтирилган конус.
6. 42-чизма.
7. J: $x = e^t \cdot \sin t$, $y = e^t \cdot \cos t$ $\left(0 \le t \le \frac{\pi}{2}\right)$ эгри чизиқ ёйи.

6-вариант

1. $r = 2\sin 3\varphi$.
2. $y^2 = (x-1)^3$ эгри чизиқнинг $A(1;0)$ нуқтадан $B(6;\sqrt{125})$ нуқтагача қисми.
3. Ф: $y^2 = 4x$; $x^2 = 4y$, Ox.
4. J: $x = \cos t$, $y = 1 + \sin t$, Ox.
5. P — устки асосининг радиуси 3 м, пасткисиники 1 м, баландлиги 3 м бўлган кесик конус.
6. 43-чизма.
7. J: $\rho = 2(1 + \cos\varphi)$ кардиоида ёйи.

7-вариант

1. $r = 2 + \cos\varphi$.
2. $y^2 = x^5$, эгри чизиқнинг $x = 5$ тўғри чизиқ билан кесилган қисми.
3. Ф: $x = 2\cos t$, $y = 5\sin t$, Oy.



42-чизма.



43-чизма.



44-чизма.



45-чизма.



46-чизма.

4. J: $x^2 = 4 + y$, эгри чизиқнинг $y = 2$ тўғри чизиқ билан кесилган қисмини, Oy.

5. P— асосининг радиуси 2 м ва баландлиги 5 м бўлган конус.

6. 44-чизма.

7. J: $r = 2\sin\varphi$ эгри чизиқнинг (0,0) нуқтасидан $\left(\sqrt{2}, \frac{\pi}{4}\right)$ нуқтасигача ёйи.

8-вариант

1. $y = \dfrac{1}{1+x^2}$, $y = \dfrac{x^2}{2}$.

2. $r = 3\cos\varphi$.

3. Ф: $y = x^2$, $8x = y^2$, Oy.

4. J: $x = 3(t - \sin t)$, $y = 3(1 - \cos t)$ $(0 \leq x \leq 2p)$.

5. P — юқори асосининг томони 8 м, пастки асоснинг томони 4 м, баландлиги 2 м бўлган мунтазам туртбурчакли кесик пирамида.

6. 45-чизма.

7. J: $x = a(\cos t + t\sin t)$, $y = a(\sin t - t\cos t)$ $(0 \leq x \leq p)$ айлана ёйи.

9-вариант

1. $y^2 = x + 1$, $y^2 = 9 - x$.

2. $r = 3(1 - \cos j)$.

3. Ф: $y = e^x$, $x = 0$, $y = 0$, $x = 1$, Ox.

4. J: $x = \cos^3 t$, $y = \sin^3 t$, Ox.

5. P — асосининг радиуси 2 м, чуқурлиги 4 м бўлган параболоид.

6. 46-чизма.

7. J: $\rho = 2\sqrt{3}\cos\varphi$ эгри чизиқнинг $\varphi = 0$ ва $\varphi = \frac{\pi}{4}$ нурлари орасидаги ёйи.

10-вариант

1. $y^2 = x^3$, $x = 0$, $y = 4$.

2. $r = 2\cos^3\dfrac{\varphi}{3}$.

3. Ф: $y^2 = \dfrac{4x}{3}$, $x = 3$, Ox.



47-чизма.



48-чизма.



49-чизма.



50-чизма.

4. J: $r=\sqrt{\cos 2\varphi}$ қутб ўқи атрофида.

5. P — асосининг радиуси 1 м, чуқурлиги 2 м бўлган ярим эллипсоид.

6. 47-чизма.

7. J: $x=\sqrt{3}t^2$, $y=t-t^3 (0\le t\le 1)$ эгри чизиқ ёйи.

11-вариант

1. $r=4\sin^2\varphi$.
2. $x=5\cos^2 t$, $y=5\sin^2 t$ $\left(0\le t\le \frac{\pi}{2}\right)$.
3. Ф: $y=2x-x^2$, $y=0$, Ox.
4. J: $y^2=4+x$ параболани $x=2$ тўғри чизиқ билан ажратган қисмини, Ox.
5. P — юқори асосининг томони 2 м, пастки асоснинг томони 4 м, баландлиги 1 м бўлган мунтазам тўртбурчакли кесик пирамида.
6. 48-чизма.
7. J: $x^2+y^2=R^2$ айлананинг Ox ўқидан юқоридаги ярим қисми.

12-вариант

1. $x=3\cos t$, $y=2\sin t$.
2. $9y^2=4(3-x)^2$ эгри чизиқнинг Оу ўқини кесган нуқталари орасидаги ёйни.
3. Ф: $r=2(1+\cos\varphi)$, қутб ўқи.
4. J: $y^2=2x$, эгри чизиқнинг $2x=3$ тўғри чизиқ билан ажратган қисмини, Ox.
5. P — асосининг томони 1 м ва баландлиги 2 м бўлган мунтазам тўртбурчакли пирамида.
6. 49-чизма.
7. J: $x=a(t-\sin t)$, $y=a(1-\cos t)$ $(0\le x\le 2\pi)$ циклоиданинг биринчи арк ёйи.

13-вариант

1. $y^2=9x$, $y=3x$.
2. $r=3\sin\varphi$.
3. Ф: $x=7\cos^3 t$, $y=7\sin^3 t$, Oy.
4. J: $3y=x^3$ $(0\le x\le 1)$, Ox.



51-чизма.



52-чизма.



53-чизма.



54-чизма.



55-чизма.



56-чизма.

5. P — асосининг томони 2 м, баландлиги 6 м ва учи пастга йўналган мунтазам олти бурчакли пирамида.

6. 50-чизма.

7. J: $x^{\frac{2}{3}} + y^{\frac{2}{3}} = a^{\frac{2}{3}}$ астроиданинг учинчи квадрантда жойлашган ёйи.

14-вариант

1. $x = 3(\cos t + t\sin t)$, $y = 3(\sin t - t\cos t)$, $y = 0$, $(0 \le x \le 2\pi)$.

2. $y = \ln\sin x$ $\left(\frac{\pi}{3} \le x \le \frac{\pi}{2}\right)$.

3. Ф: $\frac{x^2}{16} + \frac{y^2}{1} = 1$, Ox.

4. J: $r^2 = 4\cos 2\varphi$, қутб ўқи атрофида.

5. P — асосининг радиуси 1 м ва баландлиги 3 м бўлган цилиндр.

6. 51-чизма.

7. Ф — томонлари $x + y = a$, $x = 0$ ва $y = 0$ тўғри чизиқлар устида ётувчи учбурчак

15-вариант

1. $y^2 = 4x$, $x^2 = 4y$.

2. $x = 9(t - \sin t)$, $y = 9(1 - \cos t)$ $(0 \le t \le 2\pi)$.

3. Ф: $x^3 = (y - 1)^2$, $x = 0$, $y = 0$, Ox.

4. J: $r = 6\sin\varphi$, қутб ўқи атрофида.

5. P — юқори асосининг томони 1 м, пастки асосининг томони 2 м, баландлиги 2 м бўлган мунтазам олти бурчакли кесик пирамида.

6. 52-чизма.

7. Ф: $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1$ эллипс ва $(x \le 0,\ y \le 0)$ координата ўқлари билан чегараланган шакл.

16-вариант

1. $y^2 = x^3$, $x = 2$.

2. $r = 2(1 - \cos\varphi)$.

3. Ф: $xy = 4$, $2x + y - 6 = 0$, Ox.

4. J: $x = t - \sin t$, $y = 1 - \cos t$ $(0 \le t \le 2\pi)$.

5. P — тарновнинг перпендикуляр кесими радиуси 1 м бўлган ярим айланадан, тарновнинг узунлиги 10 м.

6. 53-чизма.

7. Ф: $x = a(t - \sin t)$, $y = a(1 - \cos t)$ циклоида биринчи аркининг Ox ўқи билан чегараланган қисми.

17-вариант

1. $y^2 = x^2$, $y = 2 - x^2$.

2. $y^2 = (x - 1)^3$ $A(2; -1)$ нуқтадан $B(5; -8)$ нуқтагача.

3. Ф: $x = \sqrt{3}\cos t$, $y = 2\sin t$, Oy.

4. J: $r = 2\sin\varphi$, қутб ўқи атрофида.

5. P— юқори асосининг томони 2 м, пастки асосининг томони 1 м, баландлиги 2 м бўлган мунтазам олти бурчакли кесик пирамида.

6. 54-чизма.

7. Ф: $y^2 = x$, $y = x^2$ эгри чизиқлар билан чегараланган шакл.

18-вариант

1. $y^2 = 4/0x^3$, $x = 0$.

2. $x = 7(t - \sin t)$, $y = 7(1 - \cos t)$ $(2p \leq t \leq 4\pi)$.

3. Ф: $y = 2 - x^2$, $y = x^2$, Ox.

4. J: $r = \frac{2}{3}\cos\varphi$, қутб ўқи атрофида.

5. P — радиуси 2 м бўлган ярим сфера.

6. 55-чизма.

7. Ф: $y = \sqrt{R^2 - x^2}$ айлананинг Ox ўқи билан чегараланган юқори қисми.

19-вариант

1. $r = 3\sin 4\varphi$.

2. $y = e^{\frac{x}{2}} + e^{-\frac{x}{2}}$ $(0 \leq x \leq 2)$.

3. Ф: $y = -x^2 + 8$, $y = x^2$, Ox.

4. J: $x = 3\cos^3 t$, $y = 3\sin^3 t$, Ox.

5. P— асосининг томони 2 м ва баландлиги 5 м бўлган мунтазам тўртбурчакли пирамида.

6. 56-чизма.

7. Ф: $y = b\sqrt{\frac{x}{a}}$ $(a > 0,\ b > 0)$ парабола ёйи, Oy ўқи ва $y = b$ тўғри чизиқлар билан чегараланган шакл.

20-вариант

1. $y = x^3$, $y = 1$, $x = 0$.

2. $x = 4\cos^3 t$, $y = \sin^3 t$.

3. Ф: $y^2 = (x + 4)^3$, $x = 0$, Ox.

4. J: $x = 2\cos t$, $y = 3 + 2\sin t$, Ox.

5. P— асосининг томони 2 м, баландлиги 6 м бўлган ва учи билан пастга йўналган мунтазам тўртбурчакли пирамида.

6. 57-чизма.

7. Ф: $y^2 = ax^3 - x^4$ ёпиқ чизиқ билан чегараланган шакл.

21-вариант

1. $xy = 6$, $x + y - 7 = 0$.

2. $x = \sqrt{3}t^2$, $y = t - t^3$ (сиртмоқ).

3. Ф: $y = x^3$, $x = 0$, $y = 8$, Oy.

4. J: $r^2 = 9\cos 2\varphi$, қутб ўқи атрофида.

5. P — шакли сферик сегментдан иборат бўлиб, радиуси 1 м ва баландлиги 1,5 м га тенг қозон.

6. 58-чизма.

7. Ф: координата ўқлари ва биринчи квадрантда жойлашган астроида ёйи билан чегараланган шакл.

22-вариант

1. $y = 2^x$, $y = 2x - x^2$, $x = 0$, $x = 2$.

2. $r = 5\sin\varphi$.

3. Ф: $x = \cos^3 t$, $y = \sin^3 t$, Ox.

4. J: $y = x^3$, эгри чизиқнинг $x = \pm\frac{2}{3}$ тўғри чизиқлар орасидаги қисмини.

5. P — асосининг радиуси 1 м, узунлиги 5 м бўлган ярим цилиндр.

6. 59-чизма.

7. Ф: $r = a(1 + \cos\varphi)$ кардиоида билан чегараланган шакл.

23-вариант

1. $x^2 = 4y$, $y = \frac{8}{x^2+4}$.

2. $r = 4\cos\varphi$.



57-чизма.



58-чизма.



59-чизма.



60-чизма.



61-чизма.

3. Ф: $2y = x^2$, $2x + 2y - 3 = 0$.

4. J: $x = 2\cos^3 t$, $y = 2\sin^3 t$, Ox.

5. P— тарновнинг перпендикуляр кесими параболадан иборат. Тарновнинг узунлиги 5 м, эни 4 м, чуқурлиги 1 м га тенг.

6. 60-чизма.

7. Ф: $r^2 = a^2\cos 2\varphi$ Бернулли лемнискатасининг биринчи сиртмоғи билан чегараланган шакло.

24-вариант

1. $y = x + 1$, $y = \cos x$, $y = 0$.
2. $r = 5(1 + \cos\varphi)$.
3. Ф: $y = x - x^2$, $y = 0$, Ox.
4. J: $x = \cos t$, $y = 2 + \sin t$, Ox.
5. P — асоснинг радиуси 8 м, баландлиги 10 м бўлган конус шаклидаги воронка учи пастга қилиб қўйилган.
6. 61-чизма.
7. Ф: координата ўқлари ва $\sqrt{x} + \sqrt{y} = \sqrt{a}$ парабола билан чегараланган шакл.

25-вариант

1. $x = 2\cos^3 t$, $y = 2\sin^3 t$.
2. $y^2 = x^3$ эгри чизиқнинг $A(0;0)$ нуқтадан $B(4;8)$ нуқтагача қисми.
3. Ф: $y = 2 - \frac{x^2}{2}$, $x + y = 2$, Oy.
4. J: $r = 4\sin\varphi$ қутб ўқи атрофида.
5. P — радиуси 1 м бўлган ярим шар шаклидаги қозон.
6. 62-чизма.
7. Ф: $x = a$ $(a > 0)$ тўғри чизиқ ва $ay^2 = x^3$ ярим кубик парабола билан чегараланган шакл.



62-чизма.

VI боб

БИР НЕЧА ЎЗГАРУВЧИЛИ ФУНКЦИЯЛАРНИНГ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ҲИСОБИ

1-§.Бир неча ўзгарувчили функциялар ҳақида тушунча. Хусусий ҳосила

1 таъриф. Агар D соҳадаги ҳар бир $x = (x_1, x_2, ..., x_n)$ нуқтага бирор қоида ёки қонунга кўра битта ҳақиқий сон z ($z \in R$) мос қўйилган бўлса, D соҳада *кўп ўзгарувчили* (*n та ўзгарувчили*) *функция* берилган (аниқланган) деб аталади ва уни

$$z = f(x_1, x_2, ..., x_n)$$

каби белгиланади. Бунда D — функциянинг берилиш (аниқланиш) соҳаси, $x_1, x_2, ..., x_n$ — эркли ўзгарувчилар функциянинг аргументлари, z эрксиз ўзгарувчи эса $x_1, x_2, ..., x_n$ ўзгарувчиларнинг функцияси дейилади.

Икки ўзгарувчили функция $z = f(x,y)$, $z = \varphi(x,y)$, $z = z(x,y)$ ва ҳ. к. кўринишда белгиланади.

Ҳар қандай $z = f(x,y)$ тенглама $Oxyz$ декарт координаталар системасида бирор сиртни ифодалайди. Бу сирт икки ўзгарувчили функциянинг графиги дейилади. Шунингдек, бу сиртдаги барча $M(x; y; z)$ нуқталар тўпламининг координаталари $z = f(x;y)$ тенгламани қаноатлантиради (63-чизма).

1-мисол. $z = \ln(y + 2x - x^2)$ функциянинг аниқланиш соҳаси D ни ва функциянинг қийматлар соҳасини топинг.

Ечиш. Берилган функция Oxy текисликдаги $y + 2x - x^2 > 0$ ёки $y > x^2 - 2x$ тенгсизликни қаноатлантирадиган нуқталарда маънога эга.

Текисликда $y = x^2 - 2x$ тенгламани қаноатлантирувчи нуқталар тўплами D соҳанинг чегарасини ташкил этади. $y = x^2 - 2x$ тенглама параболадан иборат бўлиб, у D соҳага тегишли эмас (64-чизма). $y = x^2 - 2x$ парабола ичига жойлашган нуқталар тўплами $y > x^2 - 2x$ тенгсизликни қаноатлантиради. Шунинг учун D соҳа очиқ ва уни қуйидаги тенгсизликлар системаси ёрдамида ёзиш мумкин:

$$D: \{-\infty < x < +\infty;\ x^2 - 2x < y < +\infty\}.$$



63-чизма.

Логарифм ишораси остидаги ифода исталганча кичик ва исталганча катта мусбат қийматларни қабул қилганлиги учун функциянинг қийматлар соҳаси:

$$E: \{-\infty < z < +\infty\}.$$

2-таъриф. Агар исталган $\varepsilon > 0$ сон учун шундай $\delta > 0$ сон атрофи топилсаки, ушбу $0 < |x - x_0| < \delta$ ва $0 < |y - y_0| < \delta$ тенгсизликларни қаноатлантирувчи барча $(x;y) \in D$ нуқталарда

$$|f(x,y) - A| < \varepsilon$$

тенгсизлик ўринли бўлса, у ҳолда A сон $z = f(x,y)$ функциянинг $M_0(x_0;y_0)$ нуқтадаги *лимити* деб аталади.

Агар A сон $z = f(x,y)$ функциянинг $M_0(x_0;y_0)$ нуқтадаги



64-чизма.

лимити бўлса, бу қуйидагича ёзилади:

$$A = \lim_{M \to M_0} f(x,y) = \lim_{\substack{x \to x_0 \\ y \to y_0}} f(x,y).$$

2-мисол. $A = \lim\limits_{\substack{x \to 0 \\ y \to 0}} \dfrac{x^2+y^2}{\sqrt{x^2+y^2+1}-1}$ лимитини ҳисобланг.

Ечиш. Лимит белгиси остидаги ифодани элементар алмаштириш ёрдамида соддалаштириб, топамиз:

$$A = \lim_{\substack{x \to 0 \\ y \to 0}} \frac{\left(x^2+y^2\right)\left(\sqrt{x^2+y^2+1}+1\right)}{\left(\sqrt{x^2+y^2+1}-1\right)\left(\sqrt{x^2+y^2+1}+1\right)} =$$

$$= \lim_{\substack{x \to 0 \\ y \to 0}} \frac{\left(x^2+y^2\right)\left(\sqrt{x^2+y^2+1}+1\right)}{x^2+y^2+1-1} = \lim_{\substack{x \to 0 \\ y \to 0}} \left(\sqrt{x^2+y^2+1}+1\right) = 2.$$

3-таъриф. Агар

$$A = \lim_{\substack{x \to x_0 \\ y \to y_0}} f(x,y) = f(x_0, y_0)$$

тенглик ўринли бўлса, у ҳолда $z = f(x,y)$ функция $M_0(x_0;y_0)$ нуқтада *узлуксиз* дейилади.

Масалан, $z = \dfrac{1}{2x^2+y^2}$ функция текисликнинг $M(0;0)$ нуқтасидан бошқа ҳамма нуқталарда узлуксиз. Бунда $M(0;0)$ нуқта узилиш нуқтаси бўлади.

Агар D соҳанинг ҳамма нуқталарида функция узлуксиз бўлса, у ҳолда, берилган функция шу соҳада узлуксиз дейилади.

Агар x ўзгарувчига Δx орттирма бериб, y ни ўзгармас деб олсак, у ҳолда $z = f(x,y)$ функциянинг x ўзгарувчи бўйича хусусий орттирмасига эга бўламиз ва у қуйидагича ёзилади:

$$\Delta_x z = f(x + \Delta x, y) - f(x,y).$$

Худди шунингдек, агар y ўзгарувчига Δy орттирма бериб, x ни ўзгармас деб олсак, у ҳолда $z = f(x,y)$ функциянинг y ўзгарувчи бўйича хусусий орттирмасини ҳосил қиламиз:

$$\Delta_y z = f(x, y + \Delta y) - f(x, y).$$

Агар қуйидаги

$$\lim_{\Delta x \to 0} \frac{\Delta_x z}{\Delta x} \equiv \frac{\partial z}{\partial x} \equiv z'_x \equiv f'_x(x, y),$$

$$\lim_{\Delta y \to 0} \frac{\Delta_y z}{\Delta y} \equiv \frac{\partial z}{\partial y} \equiv z'_y \equiv f'_y(x, y)$$

лимитлар мавжуд бўлса, улар $z = f(x,y)$ функциянинг x ва y ўзгарувчилар бўйича *хусусий ҳосилалари* дейилади.

Бир неча ўзгарувчили функциянинг хусусий ҳосиласи бу ўзгарувчилардан бирининг функциясининг ҳосиласи сифатида топилади. Шунинг учун бир ўзгарувчили функциянинг ҳосилалари учун келтириб чиқарилган барча дифференциаллаш формулалари ва қоидалари бир неча ўзгарувчили функциянинг хусусий ҳосилалари учун ҳам сақланади. Бу ерда фақат бирор аргумент бўйича хусусий ҳосилани топиш учун бу қоидалар ва формулаларни қўлланилаётганда қолган аргументлар ўзгармас деб ҳисобланишини ёдда тутиш лозим.

3-мисол. $z = \operatorname{arcctg} \dfrac{y}{x}$ функциянинг хусусий ҳосилаларини топинг.

Ечиш. Юқорида айтилганларга кўра топамиз:

$$\frac{\partial z}{\partial x} = -\frac{1}{1+\left(\dfrac{y}{x}\right)^2} \cdot \left(-\frac{y}{x^2}\right) = \frac{y}{x^2+y^2},$$

$$\frac{\partial z}{\partial y} = -\frac{1}{1+\left(\dfrac{y}{x}\right)^2} \cdot \frac{1}{x} = -\frac{x}{x^2+y^2}.$$

4-мисол. $u = \ln^2\left(x^2 + y^2 + z^2\right)$ функциянинг хусусий ҳосилаларини топинг.

Ечиш.

$$\frac{\partial u}{\partial x} = 2\ln\left(x^2 + y^2 + z^2\right) \cdot \frac{1}{x^2+y^2+z^2} \cdot 2x = \frac{4x\ln(x^2+y^2+z^2)}{x^2+y^2+z^2},$$

$$\frac{\partial u}{\partial y} = 2\ln\left(x^2 + y^2 + z^2\right) \cdot \frac{1}{x^2+y^2+z^2} \cdot 2y = \frac{4y\ln(x^2+y^2+z^2)}{x^2+y^2+z^2}.$$

$$\frac{\partial u}{\partial z} = 2\ln\left(x^2 + y^2 + z^2\right)\cdot\frac{1}{x^2+y^2+z^2}\cdot 2z = \frac{4z\ln(x^2+y^2+z^2)}{x^2+y^2+z^2}.$$

$z = f(x,y)$ функциянинг хусусий дифференциаллари қуйидагича аниқланади:

$$d_x z = f'_x(x,y)dx,\ \ d_y z = f'_y(x,y)dy,$$

бунда $dx = \Delta x$, $dy = \Delta y$ бўлиб, унга эркли x ва y ўзгарувчининг дифференциали дейилади.

5-мисол. $u = \left(xy^2\right)^{z^3}$ функциянинг хусусий дифференциалларини топинг.

Ечиш.

$$d_x u = z^3\left(xy^2\right)^{z^3-1}\cdot y^2 dx,$$

$$d_y u = z^3\left(xy^2\right)^{z^3-1}\cdot 2xydy,$$

$$d_z u = \left(xy^2\right)^{z^3}\cdot\ln\left(xy^2\right)\cdot 3z^2 dz.$$

6-мисол. $u = \sqrt{x^2 + y^2 + z^2}$ функциянинг x, y, z ўзгарувчиларга нисбатан хусусий ҳосилаларининг $P(2;\ -2;1)$ нуқтадаги қийматини ҳисобланг.

Ечиш. Хусусий ҳосилаларни топамиз:

$$\frac{\partial u}{\partial x} = \frac{x}{\sqrt{x^2+y^2+z^2}} - yz,$$

$$\frac{\partial u}{\partial y} = \frac{y}{\sqrt{x^2+y^2+z^2}} - xz,$$

$$\frac{\partial u}{\partial z} = \frac{z}{\sqrt{x^2+y^2+z^2}} - xy.$$

Бу ифодаларга берилган нуқтанинг координаталарини қўямиз:

$$\left.\frac{\partial u}{\partial x}\right|_P = \frac{2}{3} + 2 = \frac{8}{3},\ \left.\frac{\partial u}{\partial y}\right|_P = -\frac{2}{3} - 2 = -\frac{8}{3},\ \left.\frac{\partial u}{\partial z}\right|_P = \frac{1}{3} + 4 = \frac{13}{3}.$$

Машқлар

315. Қуйидаги функцияларнинг аниқланиш соҳасини топинг:

а) $z=\sqrt{y^2-2x+4}$; б) $z=\dfrac{1}{\sqrt{x+y}}+\sqrt{x-y}$;

в) $z=\ln\left(4-x^2+y^2\right)$; г) $z=\sqrt{4-x^2+y}$;

д) $z=\ln x+\ln\cos y$; е) $z=\sqrt{x^2-y^2-9}$;

ж) $z=\sqrt{xy}+\sqrt{x-y}$; з) $z=\sqrt{4-y^2+x}$.

316. Қуйидаги функцияларнинг хусусий ҳосилаларини топинг:

а) $z=\left(x^3+y^3-xy^2\right)^3$; б) $z=\arcsin\dfrac{y}{x}$;

в) $z=x\sqrt{y}+\dfrac{y}{\sqrt{x}}$; г) $z=\ln\left(x+\sqrt{x^2+y^2}\right)$;

д) $z=\ln\left(xy+\ln xy\right)$; е) $z=\sin^2\left(x\cos^2 y+y\sin^2 x\right)$;

ж) $z=\operatorname{arctg}\dfrac{x-y}{z}$; з) $z=\ln\sqrt{\dfrac{x^2+y^2}{x^2+z^2}}$.

317. Агар $u=\ln\left(1+x+y^2+z^2\right)$ бўлса, $u'_x+u'_y+u'_z$ нинг $M_0(1;1;1)$ нуқтадаги қийматини ҳисобланг.

318. $z=x+y+\sqrt{x^2+y^2}$ функция хусусий ҳосилаларининг $M_0(3;4)$ нуқтадаги қийматини ҳисобланг.

319. Қуйидаги функцияларнинг хусусий дифференциалларини топинг:

а) $z=\ln\sqrt{x^2+y^2}$; б) $z=\operatorname{arctg}\dfrac{x+y}{1-xy}$;

в) $u=x^{yz}$; г) $u=\dfrac{x^2+y^2-z^2}{z^2-x^2-y^2}$;

д) $u=\ln\dfrac{xyz}{x^3+y^3+z^3}$; е) $u=\operatorname{tg}^2\left(x-y^2+z^2\right)$.

2-§. Функциянинг тўла дифференциали. Мураккаб ва ошкормас функцияларни дифференциаллаш

$z = f(x,y)$ функциянинг тўла орттирмаси деб

$$\Delta z = f(x + \Delta x,\ y + \Delta y) - f(x,y)$$

айирмага айтилади.

$z = f(x,y)$ функциянинг Δx ва Δy га нисбатан чизиқли бўлган бош қисми бу функциянинг *тўла дифференциали* деб аталади ва dz билан белгиланади.

Агар $z = f(x,y)$ функция узлуксиз хусусий ҳосилаларга эга бўлса, у ҳолда тўла дифференциал мавжуд бўлади ва у қуйидагича ёзилади:

$$dz = \frac{\partial z}{\partial x}dx + \frac{\partial z}{\partial y}dy, \tag{6.1}$$

бунда $dx = \Delta x$, $dy = \Delta y$.

n та ўзгарувчили $y = f(x_1, x_2, \ldots, x_n)$ функциянинг тўла дифференциали қуйидагича аниқланади:

$$dy = \frac{\partial y}{\partial x_1}dx_1 + \frac{\partial y}{\partial x_2}dx_2 + \ldots + \frac{\partial y}{\partial x_n}dx_n. \tag{6.2}$$

1-мисол. $z = x^2 - xy + y^2$ функциянинг тўла орттирмаси ва тўла дифференциалини топинг.

Ечиш. Таърифга кўра:

$$\Delta z = (x + \Delta x)^2 - (x + \Delta x)(y + \Delta y) + (y + \Delta y)^2 - x^2 + xy - y^2 =$$

$$= x^2 + 2x\Delta x + (\Delta x)^2 - xy - x\Delta y - y\Delta x - \Delta x\Delta y +$$

$$+ y^2 + 2y\Delta y + (\Delta y)^2 - x^2 + xy - y^2 =$$

$$= 2x\Delta x - x\Delta y + 2y\Delta y - y\Delta x + (\Delta x)^2 - \Delta x\Delta y + (\Delta y)^2 =$$

$$= (2x - y)\Delta x + (2y - x)\Delta y + (\Delta x)^2 - \Delta x\Delta y + (\Delta y)^2.$$

Бунда $(2x - y)\Delta x + (2y - x)\Delta y$ ифода Δx ва Δy ларга нисбатан чизиқли бўлган қисми функциянинг дифференциали dz дан иборат, $\alpha = (\Delta x)^2 - \Delta x\Delta y + (\Delta y)^2$ миқдор эса $\Delta\rho = \sqrt{(\Delta x)^2 + (\Delta y)^2}$ га нисбатан юқори тартибли чексиз кичик миқдор. Шундай қилиб, $\Delta z = dz + \alpha$ ни ҳосил қиламиз.

2-мисол. $u = \ln^2\left(x^2 + y^2 - z^2\right)$ функциянинг тўла дифференциалини топинг.

Ечиш. Дастлаб функциянинг хусусий ҳосилаларини топамиз:

$$\frac{\partial u}{\partial x} = 2\ln\left(x^2 + y^2 - z^2\right) \cdot \frac{1}{x^2+y^2-z^2} \cdot 2x = \frac{4x\ln(x^2+y^2-z^2)}{x^2+y^2-z^2},$$

$$\frac{\partial u}{\partial y} = 2\ln\left(x^2 + y^2 - z^2\right) \cdot \frac{1}{x^2+y^2-z^2} \cdot 2y = \frac{4y\ln(x^2+y^2-z^2)}{x^2+y^2-z^2},$$

$$\frac{\partial u}{\partial z} = 2\ln\left(x^2 + y^2 - z^2\right) \cdot \frac{1}{x^2+y^2-z^2} \cdot (-2z) = -\frac{4z\ln(x^2+y^2-z^2)}{x^2+y^2-z^2}.$$

(6.2) формулага кўра қуйидагига эга бўламиз:

$$du = \frac{4\ln(x^2+y^2-z^2)}{x^2+y^2-z^2} \cdot \left(xdx + ydy - zdz\right).$$

Тўла дифференциалдан функциянинг қийматларини тақрибий ҳисоблашда фойдаланилади.

Бизга маълумки, $\Delta z \approx dz$, яъни

$$f\left(x_0 + \Delta x,\ y_0 + \Delta y\right) \approx f\left(x_0,\ y_0\right) + dz\left(x_0,\ y_0\right).$$

3-мисол. $(1,02)^{3,01}$ ни тақрибий ҳисобланг.

Ечиш. $z = x^y$ функцияни қараймиз. $x_0 = 1$ ва $y_0 = 3$ ва $z_0 = 1^3 = 1$ ни ҳосил қиламиз. У ҳолда $z = (1,02)^{3,01} \approx z_0 +$ $+ dz = 1 + 0,06 = 1,06$ га эга бўламиз.

$$\Delta x = 1,02 - 1 = 0,02, \quad \Delta y = 3,01 - 3 = 0,01.$$

$z = x^y$ функциянинг ихтиёрий нуқтадаги тўла дифференциалини топамиз.

Аниқланган $\Delta x = 0,02$ ва $\Delta y = 0,01$ орттирмалари ва $M(1;3)$ нуқтадаги тўла дифференциалини ҳисоблаймиз:

$$dz = 3 \cdot 1^2 \cdot 0,02 + 1^3 \cdot \ln 1 \cdot 0,02 = 0,06.$$

У ҳолда $z = (1,02)^{3,01} \approx z_0 + dz = 1 + 0,06 = 1,06$ га эга бўламиз:

Агар $z = f(u,v)$ функцияда $u = \varphi(x,y)$, $v = \psi(x,y)$ бўлса, у ҳолда берилган функция x ва y ўзгарувчиларга нисбатан

мураккаб функция бўлиб, унинг хусусий ҳосиласини то-
пиш учун қуйидаги формулалардан фойдаланилади:

$$\frac{\partial z}{\partial x} = \frac{\partial z}{\partial u} \cdot \frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial z}{\partial v} \cdot \frac{\partial v}{\partial x}, \quad \frac{\partial z}{\partial y} = \frac{\partial z}{\partial u} \cdot \frac{\partial u}{\partial y} + \frac{\partial z}{\partial v} \cdot \frac{\partial v}{\partial y}. \tag{6.3}$$

$u = \varphi(x)$, $v = \psi(x)$ бўлган ҳол учун (6.3) формуладаги иккинчи ифода йўқолади (яъни нолга тенг бўлади) ва бу формула қуйидаги кўринишни олади:

$$\frac{\partial z}{\partial x} = \frac{\partial z}{\partial u} \cdot \frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial z}{\partial v} \cdot \frac{\partial v}{\partial x}. \tag{6.4}$$

Агар $u = x$, $v = y(x)$ бўлса, у ҳолда (6.4) формула қуйидаги кўринишни олади:

$$\frac{dz}{dx} = \frac{\partial z}{\partial x} + \frac{\partial z}{\partial y} \cdot \frac{dy}{dx}. \tag{6.5}$$

(6.5) формула функциянинг тўла ҳосиласини ифодалайди.

4-мисол. Агар $z = \cos(uv)$ функцияда $u = 2x+3y$, $v = xy$ бўлса, унинг хусусий ҳосилаларини топинг.

Ечиш. (6.3) формулага асосан:

$$\frac{\partial z}{\partial x} = -v\cos(uv) \cdot 2 - u\cos(uv) \cdot y =$$
$$= -(4xy + 3y^2) \cdot \cos(2x^2y + 3xy^2),$$

$$\frac{\partial z}{\partial y} = -v\cos(uv) \cdot 3 - u\cos(uv) \cdot x =$$
$$= -(6xy + 2x^2) \cdot \cos(2x^2y + 3xy^2).$$

5-мисол. Агар $u = x + y^2 + z^3$ функцияда $y = \sin x$, $z = \cos x$ бўлса, унинг тўла ҳосиласини топинг.

Ечиш. (6.4) формулага кўра топамиз:

$$\frac{du}{dx} = \frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial u}{\partial y} \cdot \frac{dy}{dx} + \frac{\partial u}{\partial z} \cdot \frac{dz}{dx} = 1 + 2y\cos x + 3z^2(-\sin x) =$$
$$= 1 + 2\sin x\cos x - 3\cos^2 x\sin x.$$

Агар $y(x)$ ошкормас функция $F(x,y) = 0$ тенглама билан берилган ва $F'_y(x,y) \neq 0$ бўлса, у ҳолда унинг ҳосиласи

$$\frac{dy}{dx} = -\frac{F'_x(x,y)}{F'_y(x,y)} \tag{6.6}$$

формула билан аниқланади.

Агар $z(x,y)$ ошкормас функция $F(x,y,z) = 0$ тенглама билан берилган ва $F'_z(x,y,z) \neq 0$ бўлса, у ҳолда қуйидаги формула ўринли:

$$\frac{dz}{dx} = -\frac{F'_x(x,y,z)}{F'_z(x,y,z)}, \quad \frac{dz}{dy} = -\frac{F'_y(x,y,z)}{F'_z(x,y,z)}. \qquad (6.7)$$

6-мисол. $x^3 + y^3 - e^{xy} - 5 = 0$ тенглама билан берилган ошкормас функциянинг ҳосиласини топинг.

Ечиш. (6.6) формулага асосан:

$$\frac{dy}{dx} = -\frac{3x^2 - ye^{xy}}{3y^2 - xe^{xy}}.$$

7-мисол. $xyz + x^3 - y^3 - z^3 + 5 = 0$ тенглама билан берилган ошкормас функциянинг хусусий ҳосилаларини топинг.

Ечиш. (6.7) формулага асосан қуйидагиларга эга бўламиз:

$$\frac{dz}{dx} = -\frac{yz + 3x^2}{xy - 3z^2}, \quad \frac{dz}{dy} = -\frac{xz - 3y^2}{xy - 3z^2}.$$

Машқлар

320. Қуйидаги функцияларнинг тўла дифференциалларини топинг:

а) $z = x^3 + xy^2 + x^2y$; б) $z = e^{x^2 - y^2}$;

в) $z = e^{\cos^3(x^2 - y^2)}$; г) $z = \ln^2(x^2 + y^2)$;

д) $u = \sin^3(xy^2z^3)$; е) $u = \mathrm{ctg}^3(xy^2 - y^3 + xz^2)$.

321. Қуйидаги ифодаларни тақрибий ҳисобланг:

а) $(1.02)^3 \cdot (0.97)^3$; б) $\sqrt{(4.05)^2 + (2.93)^2}$.

322. Агар $u = x\sin y$, $v = y\cos x$ бўлса, $z = \sqrt{u^2 + v^2}$ функциянинг хусусий ҳосиласини топинг.

323. Агар $u = xy$, $v = \frac{x}{y}$, $t = e^{xy}$ бўлса, $z = \ln(u^3 + v^3 - t^3)$ функциянинг хусусий ҳосиласини топинг.

324. Агар $y = \sin\sqrt{x}$ бўлса, $z = \mathrm{tg}^2(x^2 - y^2)$ функциянинг хусусий ҳосиласини топинг.

325. Агар $y = e^{-x^2}$ бўлса, $z = \operatorname{arctg}\sqrt{x^2 + y^2}$ функциянинг хусусий ҳосиласини топинг.

326. $\sin xy - x^2 - y^2 = 5$ тенглама билан берилган y ошкормас функциянинг ҳосиласини топинг.

327. Қуйидаги тенгламалар билан берилган z ошкормас функцияларнинг хусусий ҳосиласини топинг.

а) $xyz - \sin^2 xyz + x^3 + y^3 + z^3 = 7$;

б) $x^2y^2z^2 + 7y^4 - 8xz^3 + z^4 = 10$.

328. $x^3 + y^3 + z^3 - xyz = 2$ тенглама билан берилган z ошкормас функция хусусий ҳосиласининг $M_0(1;1;1)$ нуқтадаги қийматини ҳисобланг.

3-§. Юқори тартибли хусусий ҳосилалар. Сиртга ўтказилган уринма ва нормал текисликларнинг тенгламалари

Биринчи тартибли хусусий ҳосиладан олинган хусусий ҳосила *иккинчи тартибли хусусий ҳосила* дейилади ва уни қуйидагича ёзилади:

$$\frac{\partial^2 z}{\partial x^2} = \frac{\partial}{\partial x} \cdot \left(\frac{\partial z}{\partial x}\right) = f''_{xx}(x, y),$$

$$\frac{\partial^2 z}{\partial y^2} = \frac{\partial}{\partial y} \cdot \left(\frac{\partial z}{\partial y}\right) = f''_{yy}(x, y),$$

$$\frac{\partial^2 z}{\partial x \partial y} = \frac{\partial}{\partial y} \cdot \left(\frac{\partial z}{\partial x}\right) = f''_{xy}(x, y),$$

$$\frac{\partial^2 z}{\partial y \partial x} = \frac{\partial}{\partial x} \cdot \left(\frac{\partial z}{\partial y}\right) = f''_{yx}(x, y).$$

Худди шунингдек, уч ва ундан юқори тартибли хусусий ҳосилалар ҳам юқоридаги каби аниқланади.

$\frac{\partial^n z}{\partial x^k \partial y^{n-k}}$ ёзув z функция x ўзгарувчи бўйича k марта ва y ўзгарувчи бўйича n—k марта дифференциалланганлигини билдиради.

$f''_{xy}(x, y)$ ва $f''_{yx}(x, y)$ хусусий ҳосилалар $z = f(x,y)$ функциянинг *аралаш ҳосилалари* дейилади.

1-мисол. $z = e^{x^2y^2}$ функциянинг иккинчи тартибли хусусий ҳосилаларини топинг.

Ечиш. Дастлаб биринчи тартибли хусусий ҳосилаларини топамиз:

$$\frac{\partial z}{\partial x} = e^{x^2y^2} \cdot 2xy^2, \quad \frac{\partial z}{\partial y} = e^{x^2y^2} \cdot 2x^2y.$$

Буларни яна дифференциалласак, қуйидагиларга эга бўламиз:

$$\frac{\partial^2 z}{\partial x^2} = e^{x^2y^2} \cdot 4x^2y^4 + e^{x^2y^2} \cdot 2y^2 = 2y^2e^{x^2y^2}(2x^2y^2 + 1),$$

$$\frac{\partial^2 z}{\partial y^2} = e^{x^2y^2} \cdot 4x^4y^2 + e^{x^2y^2} \cdot 2x^2 = 2x^2e^{x^2y^2}(2x^2y^2 + 1),$$

$$\frac{\partial^2 z}{\partial x \partial y} = e^{x^2y^2} \cdot 4x^3y^3 + e^{x^2y^2} \cdot 4xy = 4xye^{x^2y^2}(x^2y^2 + 1),$$

$$\frac{\partial^2 z}{\partial y \partial x} = e^{x^2y^2} \cdot 4x^3y^3 + e^{x^2y^2} \cdot 4xy = 4xye^{x^2y^2}(x^2y^2 + 1).$$

Охирги икки ифодани солиштириб, уларнинг ўзаро тенг эканлигига ишонч ҳосил қиламиз:

$$\frac{\partial^2 z}{\partial x \partial y} = \frac{\partial^2 z}{\partial y \partial x}.$$

Демак, битта функциянинг фақат дифференциаллаш тартиби билан фарқ қиладиган аралаш хусусий ҳосилалари узлуксиз бўлса, улар ўзаро тенг бўлар экан.

2-мисол. $z = \operatorname{arctg}\frac{y}{x}$ функция $\frac{\partial^2 z}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 z}{\partial y^2} = 0$ Лаплас тенгламасини қаноатлантиришини исбот қилинг.

Ечиш. Берилган функциянинг биринчи ва иккинчи тартибли хусусий ҳосилаларини топамиз:

$$\frac{\partial z}{\partial x} = \frac{y}{x^2+y^2}, \qquad \frac{\partial^2 z}{\partial x^2} = \frac{2yx}{(x^2+y^2)^2},$$

$$\frac{\partial z}{\partial y} = \frac{x}{x^2+y^2}, \qquad \frac{\partial^2 z}{\partial y^2} = -\frac{2xy}{(x^2+y^2)^2}.$$

Буларни Лаплас тенгламасига қўямиз:

$$\frac{\partial^2 z}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 z}{\partial y^2} = \frac{2yx}{(x^2+y^2)^2} - \frac{2xy}{(x^2+y^2)^2} \equiv 0.$$

$z = f(x,y)$ функциянинг иккинчи тартибли тўла диффе- ренциали (d^2z)

$$d^2z = \frac{\partial^2 z}{\partial x^2}dx^2 + 2\frac{\partial^2 z}{\partial x \partial y}dxdy + \frac{\partial^2 z}{\partial y^2}dy^2$$

формула билан ифодаланади.

3-мисол. $z = x^3 + y^3 + x^2y^2$ функциянинг иккинчи тартибли тўла дифференциалини топинг.

Ечиш. Берилган функциянинг иккинчи тартибли хусусий ҳосилаларини топамиз:

$$\frac{\partial z}{\partial x} = 3x^2 + 2xy^2, \quad \frac{\partial z}{\partial y} = 3y^2 + 2x^2y,$$

$$\frac{\partial^2 z}{\partial x^2} = 6x + 2y^2, \quad \frac{\partial^2 z}{\partial y^2} = 6y + 2x^2, \quad \frac{\partial^2 z}{\partial x \partial y} = 4xy.$$

Демак, $d^2z = (6x + 2y^2)dx^2 + 8xydxdy + (6y + 2x^2)dy^2$.

Агар сирт $z = f(x,y)$ тенглама билан берилган бўлса, у ҳолда $M_0(x_0;y_0;z_0)$ нуқтада берилган сиртга ўтказилган уринма текислик тенгламаси

$$z - z_0 = f'_x(x_0, y_0)(x - x_0) + f'_y(x_0, y_0)(y - y_0) \quad (6.8)$$

формула билан, сиртга $M_0(x_0;\ y_0;\ z_0)$ нуқтадан ўтказилган нормалнинг каноник тенгламаси эса

$$\frac{x - x_0}{f'_x(x_0, y_0)} = \frac{y - y_0}{f'_y(x_0, y_0)} = \frac{z - z_0}{f'_z(x_0, y_0)} \quad (6.9)$$

формула билан ифодаланади.

Агар сирт тенгламаси $F(x,\ y,\ z) = 0$ ошкормас кўринишда бўлиб, $F(x_0,\ y_0,\ z_0) = 0$ бўлса, у ҳолда $M_0(x_0;y_0;z_0)$ нуқтада ўтказилган уринма текислик тенгламаси

$$F'_x(x_0, y_0, z_0)(x - x_0) + F'_y(x_0, y_0, z_0) + (y - y_0) + \\ + F'_z(x_0, y_0, z_0)(z - z_0) = 0, \quad (6.10)$$

нормал тенгламаси эса

$$\frac{x - x_0}{F'_x(x_0, y_0, z_0)} = \frac{y - y_0}{F'_y(x_0, y_0, z_0)} = \frac{z - z_0}{F'_z(x_0, y_0, z_0)} \quad (6.11)$$

кўринишда бўлади.

4-мисол. $x^3+y^3+z^3+xyz=0$ сиртга $M_0(1;2;-1)$ нуқтада ўтказилган уринма текислик ва нормал тенгламаларини топинг.

Ечиш. Хусусий ҳосилаларнинг $M_0(1;2;\ -1)$ нуқтадаги қийматларини ҳисоблаймиз.

$$F'_x(x_0,y_0,z_0)=(3x^2+yz)\big|_{M_0}=1,$$

$$F'_y(x_0,y_0,z_0)=(3x^2+xz)\big|_{M_0}=11,$$

$$F'_z(x_0,y_0,z_0)=(3x^2+xy)\big|_{M_0}=5.$$

Буларни (6.10) ва (6.11) тенгламаларга қўйиб, уринма текислик тенгламасини ва нормал тенгламасини ҳосил қиламиз.

$$(x-1)+1(y-2)+5(z+1)=0,\ \frac{x-1}{1}=\frac{y-2}{11}=\frac{z+1}{5}.$$

Машқлар

329. Қуйидаги функцияларнинг иккинчи тартибли хусусий ҳосилаларини топинг ва аралаш хусусий ҳосилаларнинг тенглигини аниқланг:

а) $z=\frac{1}{3}\sqrt{\left(x^2+y^2\right)^3}$; б) $z=\ln\left(x+\sqrt{x^2+y^2}\right)$;

в) $z=\ln\left(x^2+y^2\right)$; г) $z=e^x\left(\sin y+\cos y\right)$;

д) $z=\operatorname{arctg}\frac{x+y}{1-xy}$; е) $z=\frac{x+y}{x-y}$.

330. $z=e^x\left(x\cos y-y\sin y\right)$ функция $\frac{\partial^2 z}{\partial x^2}+\frac{\partial^2 z}{\partial y^2}$ тенгламани қаноатлантиришини исбот қилинг.

331. $z=e^{-\cos(x+3y)}$ функция $\frac{\partial^2 z}{\partial x^2}+\frac{\partial^2 z}{\partial y^2}$ тенгламани қаноатлантиришини исбот қилинг.

332. Қуйидаги берилган сиртларга берилган нуқтада ўтказилган уринма текислик ва нормал тенгламаларини топинг:

а) $xyz^2+2y^2+3yz+4=0$, $M_0\left(0;2;-2\right)$;

б) $z=\frac{1}{2}x^2-\frac{1}{2}y^2$, $M_0(3;1;4)$;

в) $x^2+2y^2+3z^2=6$, $M_0(1;-1;1)$;

г) $z=1+x^2+y^2$, $M_0(1;1;4)$.

4-§. Икки ўзгарувчили функциянинг экстремуми

Агар $M_0(x_0;y_0)$ нуқтанинг шундай кичик атрофи мавжуд бўлсаки, бу атрофнинг M_0 дан фарқли барча $M(x;y)$ нуқталари учун

$$f(x_0,y_0)\geq f(x,y)\ \ \left(f(x_0,y_0)\leq f(x,y)\right)$$

тенгсизликлар бажарилса, $M_0(x_0;y_0)$нуқта $z=f(x,y)$ функциянинг *локал* максимуми (минимуми) дейилади. Функциянинг максимуми ёки минимуми унинг *экстремуми* дейилади. Функциянинг экстремумга эришадиган нуктаси унинг *экстремум нуқтаси* дейилади.

1-теорема (экстремум мавжудлигининг етарли шарти). *Агар $M_0(x_0;y_0)$ нуқта $z=f(x,y)$ функциянинг экстремум нуқтаси бўлса, у ҳолда унинг хусусий ҳосилалари $f'_x(x_0;y_0)=f'_y(x_0;y_0)=0$ бўлади ёки бу ҳосилалардан бирортаси мавжуд бўлмайди.*

Бу шартни қаноатлантирадиган нуқталар *стационар* ёки *критик* нуқталар дейилади. Экстремум нуқталар ҳар доим стационар нуқта бўлади, аммо стационар нуқталар экстремум нуқтаси бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Стационар нуқта экстремум нуқтаси бўлиши учун экстремум мавжуд бўлишининг зарурий шарти ҳам бажарилиши керак.

Икки ўзгарувчили функция экстремуми мавжуд бўлишининг зарурий шартини таърифлаш учун қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$A=f''_{xx}(x_0;y_0),\ \ B=f''_{xy}(x_0;y_0),$$
$$C=f''_{yy}(x_0;y_0),\ \ \Delta=AC-B^2.$$

2-теорема (экстремум мавжудлигининг *зарурий* шарти). *$M_0(x_0;y_0)$стационар нуқтага эга бўлган бирор соҳа-*

... $z = f(x,y)$ функция узлуксиз ва учинчи тартибли хусусий ...ларга эга бўлсин. У ҳолда:

1) агар $\Delta > 0$ бўлса, $M_0(x_0;y_0)$ нуқта берилган функция учун экстремум нуқтаси бўлиб, $A < 0$ ($C < 0$) да максимум нуқта, $A > 0$ ($C > 0$) да минимум нуқта бўлади;

2) агар $\Delta < 0$ бўлса, $M_0(x_0;y_0)$нуқта экстремум нуқтаси бўлмайди;

3) агар $\Delta = 0$ бўлса, $M_0(x_0;y_0)$нуқта экстремум нуқтаси бўлиши мумкин, бўлмаслиги ҳам мумкин.

Учинчи ҳолда қўшимча текшириш ўтказиш зарурлигини эслатиб ўтамиз.

1-мисол. $z = x^3 + y^3 - 3xy$ функциянинг экстремумини текширинг.

Ечиш. Берилган функция учун $\frac{\partial z}{\partial x}$ ва $\frac{\partial z}{\partial y}$ ҳар доим мавжуд ва бу хусусий ҳосилаларни топамиз:

$$\frac{\partial z}{\partial x} = 3x^2 - 3y, \quad \frac{\partial z}{\partial y} = 3y^2 - 3x.$$

Энди қуйидаги системани тузамиз:

$$\begin{cases} x^2 - y = 0, \\ y^2 - x = 0, \end{cases}$$

бундан $x_1 = 0$, $x_2 = 1$, $y_1 = 0$, $y_2 = 1$. Шундай қилиб, $M_1(0;0)$ ва $M_2(1;1)$ иккита стационар нуқтага эга бўлдик.

Энди қуйидагиларни топамиз:

$$A = \frac{\partial^2 z}{\partial x^2} = 6x, \qquad B = \frac{\partial^2 z}{\partial x \partial y} = -3, \qquad C = \frac{\partial^2 z}{\partial y^2} = 6y.$$

У ҳолда

$$\Delta = AC - B^2 = 36xy - 9.$$

$M_1(0;0)$ нуқтада $\Delta = -9 < 0$ бўлгани учун бу нуқтада экстремум йўқ.

$M_2(1;1)$ нуқтада $\Delta = 27 > 0$ ва $A = 6 > 0$ бўлгани учун бу нуқтада берилган функция локал минимумга эришади: $z_{\min} = -1$.

$\varphi(x,y) = 0$ функция ёрдамида $z = f(x,y)$ функциянинг топилган экстремумини *шартли экстремум* дейилади. $\varphi(x,y) = 0$ тенглама *боғловчи тенглама* дейилади.

Геометрик масалаларда шартли экстремумларни аниқлаш $z = f(x,y)$ сиртнинг $\varphi(x,y) = 0$ цилиндр билан кесишишидан ҳосил бўлган эгри чизиқнинг экстремум нуқталарини топишга келтирилади.

Агар $\varphi(x,y)$ боғловчи тенгламадан $y = y(x)$ ни топиб (агар уни топиш мумкин бўлса), уни $z = f(x,y)$ функцияга қўйсак, шартли экстремумни топиш масаласи $z = (x,y(x))$ бир ўзгарувчили функциянинг экстремумини топишга келтирилади.

2-мисол. $z = x^2 - y^2$ функциянинг $y = 2x - 6$ шарти бўйича экстремумини топинг.

Ечиш. $y = 2x - 6$ ни берилган функцияга қўйиб, x ўзгарувчига нисбатан бир ўзгарувчили қуйидаги функцияни ҳосил қиламиз:

$$z = x^2 - (2x - 6)^2, \qquad z = -3x^2 + 24x - 36.$$

Унинг ҳосиласини топамиз ва уни нолга тенглаймиз:

$$z' = -6x + 24;\ z' = 0, \text{ бундан}$$
$$x = 4,\ y = 2x - 6 = 8 - 6 = 2.$$

Иккинчи тартибли ҳосила $z'' = -6 < 0$ бўлгани учун $M(4;2)$ нуқтада берилган функция шартли максимумга эришади: $z_{\max} = 12$.

Дифференциалланувчи функция чегараланган ёпиқ $\overline{D}$ соҳада ўзининг энг катта (энг кичик) қийматига ёпиқ $\overline{D}$ соҳа ичида ётувчи стационар нуқтасида ёки шу соҳанинг чегарасида эришади. $z = f(x,y)$ функциянинг чегараланган ёпиқ $\overline{D}$ соҳадаги энг катта ва энг кичик қийматларини топиш учун функциянинг бу соҳага тегишли критик нуқталардаги қийматларини ҳамда унинг $\overline{D}$ соҳанинг чегарасидаги энг катта ва энг кичик қийматлар аниқланади. Бу қийматларнинг орасидаги энг каттаси ва энг кичиги берилган функциянинг $\overline{D}$ соҳадаги мос равишда энг катта ва энг кичик қийматлари бўлади. Буни қуйидаги мисолда кўрсатамиз.

3-мисол. $z = x^2 + y^2 - xy + x + y$ функциянинг $x = 0$, $y = 0$, $x + y = -3$ чизиқлар билан чегараланган соҳадаги энг катта ва энг кичик қийматларини топинг.

Ечиш. Oxy текислигида $\overline{D}$ соҳани чизиб оламиз (65-чизма). $\overline{D}$ соҳага тегишли стационар нуқталарни аниқлаймиз:

$$\frac{\partial z}{\partial x} = 2x - y + 1 = 0,$$
$$\frac{\partial z}{\partial y} = 2y - x + 1 = 0,$$



65-чизма.

Бундан $x = -1$, $y = -1$. $M_1(-1; -1)$ нуқтани ҳосил қилдик, бу нуқтада $z_1 = z(-1;-1) = -1$.

Берилган функцияни соҳа чегарасида текширамиз.

OB тўғри чизиқда (65-чизма) $x = 0$ бўлиб, $z = y^2 + y$ тенгламага эга бўламиз ва бу тенглама $[-3;0]$ кесмада бир ўзгарувчили функциянинг энг катта ва энг кичик қийматини топиш масаласига келади. $z'_y = 2y + 1$ ни топиб, уни нолга тенглаймиз: $2y + 1 = 0$, бундан $y = -\frac{1}{2}$; $z''_{yy} = 2$ бўлгани учун $M_2\left(0;-\frac{1}{2}\right)$ шартли локал минимум нуқтага эга бўламиз ва унда $z_2 = z\left(0;-\frac{1}{2}\right) = -\frac{1}{4}$ қийматни ҳосил қиламиз. *OB* кесма учларида:

$$z_3 = z(0,-3) = 6, \qquad z_4 = z(0,0) = 0.$$

OA тўғри чизиқда, $y = 0$ бўлиб, $z = x^2 + x$ ни ҳосил қиламиз. $z'_x = 2x + 1 = 0$, $x = -\frac{1}{2}$, $z''_{xx} = 2$, яъни $M_3\left(-\frac{1}{2};0\right)$ локал минимум нуқтаси бўлиб, унда $z_5 = z\left(-\frac{1}{2};0\right) = -\frac{1}{4}$.

А нуқтада: $z_6 = z(-3,0) = 6$.

AB кесма тенгламаси $x + y = -3$ бўлиб, ундан $y = -x - 3$; $z = 3x^2 + 9x + 6$, $z'_x = 6x + 9$, $x = -\frac{3}{2}$, $M_4\left(-\frac{3}{2};-\frac{3}{2}\right)$ стационар нуқтага эга бўлдик: $z_7 = z\left(-\frac{3}{2};-\frac{3}{2}\right) = -\frac{3}{4}$. Функциянинг *AB* кесма учлардаги қийматлари юқорида аниқланган эди.

Берилган z функциянинг топилган барча қийматларини солиштириб, функция $A(-3;0)$ ва $B(0;-3)$ нуқталарда энг катта $z_{\text{энг кат.}} = 6$ ва $M_1(-1;-1)$ стационар нуқтада энг кичик $z_{\text{энг кич.}} = -1$ қийматларга эришишини аниқлаймиз.

4-мисол. Тўла сиртининг юзи S, ҳажми эса энг катта бўлган тўғри бурчакли параллелепипеднинг ўлчамларини аниқланг.

Ечиш. Тўғри бурчакли параллелепипеднинг ҳажми $V = xyz$ га тенг, бунда x,y,z — параллелепипеднинг ўлчамлари. Тўла сиртининг юзи: $S = 2(xy + xz + yz)$, бундан

$$z = \frac{S-2xy}{2(x+y)}, \qquad V = xyz = \frac{Sxy-2x^2y^2}{2(x+y)} = V(x, y).$$

$V = V(x;y)$ функциянинг экстремумларини топамиз:

$$\left.\begin{aligned} \frac{\partial V}{\partial x} = \frac{y^2(S-2x^2-4xy)}{2(x+y)^2} = 0, \\ \frac{\partial V}{\partial y} = \frac{x^2(S-2y^2-4xy)}{2(x+y)^2} = 0, \end{aligned}\right|$$

$$\left.\begin{aligned} S - 2x^2 - 4xy = 0, \\ S - 2y^2 - 4xy = 0. \end{aligned}\right\}$$

Масала шартига кўра $x > 0$, $y > 0$ бўлгани учун охирги системадан $x = y = \sqrt{\frac{S}{6}}$ ни топамиз. Демак, ягона $M_0\left(\sqrt{\frac{S}{6}}; \sqrt{\frac{S}{6}}\right)$ стационар нуқтага эга. У $V = V(x;y)$ функция учун максимум нуқтаси бўлади.

Шундай қилиб, ҳажми энг катта бўлган параллелепипед, яъни қирраси $\sqrt{\frac{S}{6}}$ га тенг кубга эга бўламиз.

Машқлар

333. Қуйидаги функцияларнинг экстремумини текширинг:

а) $z = x^3 + 3xy^2 - 15x - 12y$;

б) $z = x^2 + xy + y^2 - 2x - y$;

в) $z = 3xy - x^2 - y^2 - 10x + 15y$;

г) $z = x^3 + x^2 - 3x + 2y$;

д) $z = x\sqrt{y} - x^2 - y + 6x + 3$;

е) $z = 3x^2 - x^3 + 3y^2 + 4y$.

334. $z = x + 2y$ функциянинг $x^2 + y^2 = 5$ шарт бўйича экстремумини топинг.

335. $z = x^2 - 2y^2 + 4xy - 6x + 5$ функциянинг $x=0, y=0,$ $x+y=3$ чизиқлар билан чегараланган соҳадаги энг катта ва энг кичик қийматларини топинг.

336. $z = x^2 y(4 - x - y)$ функциянинг $x=0, y=0, x+y=6$ чизиқлар билан чегараланган соҳадаги энг катта ва энг кичик қийматларини топинг.

337. Тўла сиртининг юзи энг кичик бўлган V ҳажмга эга тўғри бурчакли параллелепипеднинг ўлчамларини аниқланг.

5-§. Биринчи мустақил уй иши

Мустақил уй ишининг ҳар бир вариантида олтита мисол бўлиб, уларнинг шарти қуйидагича.

1-мисолда: берилган функциянинг аниқланиш соҳасини топиш керак.

2-мисолда: берилган функциянинг хусусий ҳосиласини ва хусусий дифференциалини топиш керак.

3-мисолда: берилган функциянинг $M_0(x_0; y_0; z_0)$ нуқтадаги хусусий ҳосилаларини $(f'_x(M_0), f'_y(M_0), f'_z(M_0))$ қийматларини вергулдан кейин иккита рақамгача аниқлик билан ҳисоблаш керак.

4-мисолда: берилган функциянинг тўла дифференциалини топиш керак.

5-мисолда: $u = u(x, y)$ (бунда $x = x(t)$, $y = y(t)$) мураккаб функция ҳосиласининг $t = t_0$ даги қийматини вергулдан кейин иккита рақамгача аниқлик билан ҳисоблаш керак.

6-мисолда: $z(x,y)$ ошкормас кўринишда берилган функциянинг хусусий ҳосиласининг $M_0(x_0; y_0; z_0)$ нуқтадаги қийматини верғулдан кейин иккита рақамгача аниқлик билан ҳисоблаш керак.

Қуйида вариант мисолларини ечиш намунасини келтирамиз.

1 - м и с о л . $z = \ln(x^2 - 3y + 6)$ функциянинг аниқланиш соҳасини топинг.

Е ч и ш . Логарифмик функцияларнинг аргументлари фақат мусбат бўлгандагина маънога эга бўлгани учун $x^2 - 3y + 6 > 0$ бўлиши керак. Бундан

$$3y < x^2 + 6 \text{ ёки } y < \frac{1}{3}x^2 + 2.$$



66-чизма.

Демак, аниқланиш соҳа чегараси $x^2-3y+6=0$ ёки $x^2=3y-6$ чизиқ, яъни параболадан иборат. Берилган функциянинг аниқланиш соҳаси парабола ташқарисидаги нуқталардан иборат (66-чизма).

2-мисол. $z=e^{-\sqrt[3]{x^2+5y^2}}$ функциянинг хусусий ҳосилаларини ва хусусий дифференциалларини топинг.

Ечиш. Функциянинг x бўйича хусусий ҳосиласини топамиз. Унинг учун y ни ўзгармас деб бир ўзгарувчили мураккаб функцияни дифференциаллаш формуласидан фойдаланамиз:

$$\frac{\partial z}{\partial x}=e^{-\sqrt[3]{x^2+5y^2}}\left(-\frac{1}{3}\left(x^2+5y^2\right)^{-\frac{2}{3}}\cdot 2x\right)=$$

$$=-\frac{2x}{3}e^{-\sqrt[3]{x^2+5y^2}}\cdot\frac{1}{\sqrt[3]{(x^2+5y^2)^2}}.$$

Шунингдек, x ни ўзгармас деб y бўйича хусусий ҳосилани топамиз:

$$\frac{\partial z}{\partial y}=e^{-\sqrt[3]{x^2+5y^2}}\left(-\frac{1}{3}\left(x^2+5y^2\right)^{-\frac{2}{3}}\cdot 10y\right)=$$

$$=-\frac{10y}{3}e^{-\sqrt[3]{x^2+5y^2}}\cdot\frac{1}{\sqrt[3]{(x^2+5y^2)^2}}.$$

Хусусий дифференциалларини топамиз:

$$d_x z = \frac{\partial z}{\partial x} dx = -\frac{2x}{3} e^{-\sqrt[3]{x^2+5y^2}} \cdot \frac{1}{\sqrt[3]{(x^2+5y^2)^2}} dx.$$

$$d_y z = \frac{\partial z}{\partial y} dx = -\frac{10y}{3} e^{-\sqrt[3]{x^2+5y^2}} \cdot \frac{1}{\sqrt[3]{(x^2+5y^2)^2}} dy.$$

3-мисол. $f(x,y,z)=\sqrt{xy}\cos z$ функция хусусий ҳосилаларининг $(f'_x(M_0), f'_y(M_0), f'_z(M_0))$ $M_0\left(1;1;\frac{\pi}{3}\right)$ нуқтадаги қийматларини вергулдан кейин иккита рақамгача аниқлик билан ҳисобланг.

Ечиш. Берилган функциянинг хусусий ҳосилаларини топамиз, сўнгра уларнинг $M_0\left(1;1;\frac{\pi}{3}\right)$ нуқтадаги қийматларини ҳисоблаймиз:

$$f'_x(x,y,z)=\frac{y}{2\sqrt{xy}}\cdot\cos z, \qquad f'_x\left(1,1,\frac{\pi}{3}\right)=0.25,$$

$$f'_y(x,y,z)=\frac{x}{2\sqrt{xy}}\cdot\cos z, \qquad f'_y\left(1,1,\frac{\pi}{3}\right)=0.25,$$

$$f'_z(x,y,z)=\sqrt{xy}\cdot(-\sin z), \qquad f'_z\left(1,1,\frac{\pi}{3}\right)=-0.86.$$

4-мисол. $z=\operatorname{arctg}\sqrt{\frac{x}{y}}$ функциянинг тўла дифференциалини топинг.

Ечиш. Берилган функциянинг хусусий ҳосилаларини топамиз:

$$\frac{\partial z}{\partial x}=\frac{1}{1+\frac{x}{y}}\cdot\frac{1}{2\sqrt{\frac{x}{y}}}\cdot\frac{1}{y}=\frac{y}{x+y}\cdot\frac{\sqrt{y}}{2\sqrt{x}}\cdot\frac{1}{y}=\frac{\sqrt{y}}{2\sqrt{x}\cdot(x+y)},$$

$$\frac{\partial z}{\partial y}=\frac{1}{1+\frac{x}{y}}\cdot\frac{1}{2\sqrt{\frac{x}{y}}}\cdot\left(-\frac{x}{y^2}\right)=\frac{y}{x+y}\cdot\frac{\sqrt{y}}{2\sqrt{x}}\cdot\left(-\frac{x}{y^2}\right)=-\frac{\sqrt{x}}{2\sqrt{y}\cdot(x+y)}.$$

(6.1) формулага асосан қуйидагига эгамиз:

$$dz=\frac{\sqrt{y}}{2\sqrt{x}\cdot(x+y)}dx-\frac{\sqrt{x}}{2\sqrt{y}\cdot(x+y)}dy.$$

5-мисол. $z=\arccos\frac{x^2}{y}$ (бунда, $x=1+\ln t$, $y=-2e^{-t^2+1}$) мураккаб функция ҳосиласининг $t_0=1$ даги қийматини вергулдан кейин иккита рақамгача аниқлик билан ҳисобланг.

Ечиш. (6.4) формулага асосан қуйидагига эгамиз:

$$\frac{\partial z}{\partial t}=\frac{\partial z}{\partial x}\cdot\frac{\partial x}{\partial t}+\frac{\partial z}{\partial y}\cdot\frac{dy}{dt}=-\frac{1}{\sqrt{1-\frac{x^4}{y^2}}}\cdot\frac{2x}{y}\cdot\frac{1}{t}-$$

$$-\frac{1}{\sqrt{1-\frac{x^4}{y^2}}}\cdot\left(-\frac{x^2}{y^2}\right)\cdot\left(-2e^{-t^2+1}\right)\cdot(-2t).$$

$t_0=1$ бўлса, $x=1$, $y=-2$ ва $\left.\frac{dz}{dt}\right|_{t=1}=\frac{4}{\sqrt{3}}$ ни ҳосил қиламиз.

6-мисол. $4x^3-3y^3+2xyz-4xz=3-z^2$ ошкормас функция хусусий ҳосилаларининг $M_0(0;1;-1)$ нуқтадаги қийматини вергулдан кейин иккита рақамигача аниқлик билан ҳисобланг.

Ечиш. Берилган мисол учун

$$F(x,y,z)=4x^3-3y^3+2xyz-4xz+z^2-3.$$

Унинг хусусий ҳосилаларини топамиз:

$$F'_x=12x^2+2yz-4z,\quad F'_y=-9y^2+2xz,$$

$$F'_z=2xy-4x+2z.$$

(6.7) формулага асосан:

$$\frac{\partial z}{\partial x}=-\frac{F'_x}{F'_z}=-\frac{12x^2+2yz-4z}{2xy-4x+2z},\quad \frac{\partial z}{\partial y}=-\frac{F'_y}{F'_z}=-\frac{9y^2+2xz}{2xy-4x+2z}.$$

$\frac{\partial z}{\partial x}$ ва $\frac{\partial z}{\partial y}$ ларнинг $M_0(0;1;-1)$ нуқтадаги қийматларини ҳисоблаймиз:

$$\frac{\partial z(0,1,-1)}{\partial x}=1,\quad \frac{\partial z(0,1,-1)}{\partial y}=-4.5.$$

1-вариант

1. $z = \sqrt{x^2 + y^2 - 5}$.
2. $z = \mathrm{tg}(x^3 + y^2)$.
3. $f(x,y,z) = \ln\cos(x^2 y^2 + z)$, $M_0\left(0;0;\frac{\pi}{4}\right)$.
4. $z = \cos(x^2 - y^2) + x^3$.
5. $u = \ln(e^x + e^y)$, $x = t^2$, $y = t^3$, $t_0 = 1$.
6. $z^3 + 3xyz + 3y = 7$, $M_0\,(1;1;1)$.

2-вариант

1. $z = \arccos(x + y)$.
2. $z = \mathrm{ctg}\sqrt{xy^3}$.
3. $f(x,y,z) = 27\sqrt[3]{x^2 + y^2 + z^2}$, $M_0\,(3;4;2)$.
4. $z = \ln(3x^2 - 2y^2)$.
5. $u = x^y$, $x = e^t$, $y = \ln t$ $t_0 = 1$.
6. $\cos^2 x + \cos^2 y + \cos^2 z = \frac{3}{2}$, $M_0\left(\frac{\pi}{4};\frac{3\pi}{4};\frac{\pi}{4}\right)$.

3-вариант

1. $z = 3x + \frac{y}{2 - x + y}$.
2. $z = e^{-x^2 + y^2}$.
3. $f(x,y,z) = \mathrm{arctg}(xy^2 + z)$, $M_0\,(2;1;0)$.
4. $z = 5xy^2 - 3x^3y^4$.
5. $u = e^{y-2x}$, $x = \sin t$, $y = t^3$, $t_0 = 0$.
6. $e^{z-1} = \cos x \cos y + 1$, $M_0\left(0;\frac{\pi}{2};1\right)$.

4-вариант

1. $z = \sqrt{9 - x^2 - y^2}$.
2. $z = \ln(3x^2 - y^4)$.

4. $z=\frac{\operatorname{tg}(x+y)}{x-y}$.

5. $u=\frac{x}{y}$, $x=e^{t}$, $y=2-e^{2t}$, $t_0=0$.

6. $x^2-2y^2+z^2-4x+2z+2=0$, $M_0\left(1;1;1\right)$.

11-вариант

1. $z=\frac{x^3y}{3+x-y}$.

2. $z=e^{2x^2-y^2}$.

3. $f(x,y,z)=\ln(x+y^2)-\sqrt[3]{x^2y^2}$, $M_0\left(5;2;3\right)$.

4. $z=\operatorname{ctg}\frac{y}{x}$.

5. $u=\ln(e^{-x}+e^{2y})$, $x=t^2$, $y=\frac{1}{3}t^3$, $t_0=1$.

6. $x^2+y^2+z^2-2xz=2$, $M_0\left(0;1;-1\right)$.

12-вариант

1. $z=\arccos(x+2y)$.

2. $z=\ln\left(\sqrt{xy}-1\right)$.

3. $f(x,y,z)=\sqrt{z}\cdot x^{y}$, $M_0\left(1;2;4\right)$.

4. $z=xy^4-3x^2y+1$.

5. $u=\sqrt{x^2+y^2+3}$, $x=\ln t$, $y=t^2$, $t_0=1$.

6. $e^{z}-xyz-x+1=0$, $M_0\left(2;1;0\right)$.

13-вариант

1. $z=\arcsin(2x-y)$.

2. $z=\arcsin(2x^3y)$.

3. $f(x,y,z)=-\frac{z}{x^2+y^2}$, $M_0\left(\sqrt{2};\sqrt{2};\sqrt{2}\right)$.

4. $z=\ln(x+xy-y^2)$.

5. $u = \arcsin\frac{x^2}{y}$, $x = \sin t$, $y = \cos t$, $t_0 = \pi$.

6. $x^3 + 2y^3 + z^3 - 3xyz - 2y - 15 = 0$, $M_0\left(1;-1;2\right)$.

14-вариант

1. $z = \ln(9 - x^2 - y^2)$.
2. $z = \mathrm{arctg}\,\frac{x^2}{y^2}$.
3. $f(x,y,z) = \ln(x^3 + \sqrt[3]{y} - z)$, $M_0\left(2;1;8\right)$.
4. $z = 2x^2y^2 + x^3 - y^3$.
5. $u = \frac{y^2}{x}$, $x = 1 - 2t$, $y = 1 + \mathrm{arctg}\,t$, $t_0 = 0$.
6. $x^2 - 2xy - 3y^2 + 6x - 2y + z^2 - 8z + 20 = 0$, $M_0\left(0;-2;2\right)$.

15-вариант

1. $z = \sqrt{3 - x^2 - y^2}$.
2. $z = \cos(x - \sqrt{xy^3})$.
3. $f(x,y,z) = \frac{z}{x^4 + y^2}$, $M_0\left(2;3;25\right)$.
4. $z = \sqrt{3x^2 - 2y^2 + 5}$.
5. $u = \frac{y}{x} - \frac{x}{y}$, $x = \sin t$, $y = \cos t$, $t_0 = \frac{\pi}{4}$.
6. $x^2 + y^2 + z^2 = y - z + 3$, $M_0\left(1;2;0\right)$.

16-вариант

1. $z = \frac{1}{\sqrt{x^2 + y^2 - 5}}$.
2. $z = \sin\frac{x+y}{x-y}$.
3. $f(x,y,z) = 8\sqrt[5]{x^3 + x^2 + z}$, $M_0\left(3;2;1\right)$.

4. $z = \arcsin\frac{x+y}{x}$.

5. $u = \sqrt{x^2 + y + 3}$, $x = \ln t$, $y = t^2$, $t_0 = 1$.

6. $x + y + z + 2 = xyz$, $M_0\left(2;1;0\right)$.

17-вариант

1. $z = 4x + \frac{y}{2x-5y}$.

2. $z = \mathrm{tg}\frac{2x-y^2}{x}$.

3. $f(x,y,z) = \ln\left(\sqrt[5]{x} + \sqrt[4]{y} - z\right)$, $M_0\left(1;1;1\right)$.

4. $z = \mathrm{arctg}(x-y)$.

5. $u = \arcsin\frac{x}{2y}$, $x = \sin t$, $y = \cos t$, $t_0 = \pi$.

6. $x^2 + y^2 + z^2 + 2xy - yz - 3y - z = 0$, $M_0\left(1;-1;1\right)$.

18-вариант

1. $z = \frac{\sqrt{3x-2y}}{x^2+y^2+4}$.

2. $z = \mathrm{ctg}\sqrt{\frac{x}{x-y}}$.

3. $f(x,y,z) = -\frac{2x}{\sqrt{z^2+y^2}}$, $M_0\left(3;0;1\right)$.

4. $z = \sqrt{3x^2 - y^2 + x}$.

5. $u = \frac{x}{y} - \frac{y}{x}$, $x = \sin\,2t$, $y = tg^2 t$, $t_0 = \frac{\pi}{4}$.

6. $x^2 - y^2 - z^2 + 6z + 2x - 4y + 12 = 0$, $M_0\left(0;1;-1\right)$.

19-вариант

1. $z = \frac{5}{4-x^2-y^2}$.

2. $z = e^{-\sqrt{x^2+y^2}}$.

3. $f(x,y,z)=z\cdot e^{-\frac{x^2+y^2}{2}}$, $M_0(0;0;1)$.

4. $z=y^2-3xy-x^4$.

5. $u=\sqrt{x+y+3}$, $x=\ln t$, $y=t^2$, $t_0=1$.

6. $\sqrt{x^2+y^2}+z^2-3z=3$, $M_0(4;3;1)$.

20-вариант

1. $z=\ln(2x-y)$.

2. $z=\ln(3x^2-y^2)$.

3. $f(x,y,z)=\frac{\sin(x-y)}{z}$, $M_0\left(\frac{\pi}{2};\frac{\pi}{3};\sqrt{3}\right)$.

4. $z=\arccos(x+y)$.

5. $u=\frac{y}{x}$, $x=e^t$, $y=1-e^{2t}$, $t_0=0$.

6. $x^2+2y^2+3z^2=59$, $M_0(3;1;4)$.

21-вариант

1. $z=\frac{7x^3y}{x-4y}$.

2. $z=\arccos(x-y)$.

3. $f(x,y,z)=\sqrt{z}\cdot\ln\left(\sqrt{x}+\sqrt{y}\right)$, $M_0(4;1;4)$.

4. $z=\ln(y^2-x^2+3)$.

5. $u=\arcsin\frac{2x}{y}$, $x=\sin t$, $y=\cos t$, $t_0=\pi$.

6. $x^2+y^2+z^2-2xy-2xz-2z=17$, $M_0(-2;-1;2)$.

22-вариант

1. $z=\sqrt{1-x-y}$.

2. $z=\operatorname{arcctg}\frac{x^3}{y}$.

3. $f(x,y,z)=\frac{x-z}{x-y}$, $M_0(3;1;1)$.

4. $z = 2 - x^3 - y^3 + 5x$.

5. $u = \ln(e^{2x} + e^y)$, $x = t^2$, $y = t^4$, $t_0 = 1$.

6. $x^3 + 3xyz - z^3 = 12$, $M_0\,(3;1;3)$.

23-вариант

1. $z = e^{\sqrt{x^2+y^2-1}}$.

2. $z = \cos\dfrac{x-y}{x^2+y^2}$.

3. $f(x,y,z) = \sqrt{x^2 + y^2 - 2xy\cos z}$, $M_0\left(3;4;\frac{\pi}{2}\right)$.

4. $z = 7x - x^3y^2 + y^4$.

5. $u = \operatorname{arctg}(x+y)$, $x = t^2 + 2$, $y = 4 - t^2$, $t_0 = 1$.

6. $\ln z = x + 2y - z + \ln 3$, $M_0\,(1;1;3)$.

24-вариант

1. $z = \dfrac{1}{x^2+y^2-6}$.

2. $z = \sin\sqrt{\dfrac{y}{x+y}}$.

3. $f(x,y,z) = z \cdot e^{-xy}$, $M_0\,(0;1;1)$.

4. $z = e^{y-x}$.

5. $u = \sqrt{x^2 + y^2 + 3}$, $x = \ln t$, $y = t^3$, $t_0 = 1$.

6. $2x^2 + 2y^2 + z^3 - 8xz - z + 6 = 0$, $M_0\,(2;1;1)$.

25-вариант

1. $z = \dfrac{4xy}{x^2-y^2}$.

2. $z = e^{-(x^2+y^2)}$.

3. $f(x,y,z) = \arcsin\left(x\sqrt{y}\right) - yz^2$, $M_0\,(0;4;1)$.

4. $z = \operatorname{arctg}(2x - y)$.

5. $u = \operatorname{arctg}(xy)$, $x = t + 3$, $y = e^t$, $t_0 = 0$.

6. $z^2 = xy - z + x^2 - 4$, $M_0\,(2;1;1)$.

6-§. Иккинчи мустақил уй иши

Мазкур мустақил уй ишининг ҳар бир вариантида бешта мисол бўлиб, уларнинг шарти қуйидагича:

1-мисолда: берилган S сиртга $M_0(x_0; y_0; z_0)$ нуқтада ўтказилган уринма ва нормал текисликлар тенгламасини топиш керак.

2-мисолда: берилган функциянинг иккинчи тартибли ҳосилаларини топиш ва $z''_{xy} = z''_{yx}$ тенглик тўғрилигини текшириш керак.

3-мисолда: берилган U функция берилган тенгламани қаноатлантиришини текшириш керак.

4-мисолда: функциянинг экстремумини текшириш керак.

5-мисолда: берилган чизиқлар билан чегараланган $\overline{D}$ соҳада $z = z(x,y)$ функциянинг энг катта ва энг кичик қийматларини топиш керак.

Қуйида вариант мисолларини ечиш намунасини келтирамиз.

1 - мисол. S: $z = x^2 - y^2 + 3xy - 4x + 2y - 4$ сиртга $M_0(-1;0;1)$ нуқтада ўтказилган уринма ва нормал текисликлар тенгламасини топинг.

Ечиш. Хусусий ҳосилаларни топамиз:

$$\frac{\partial z}{\partial x} = 2x + 3y - 4, \qquad \frac{\partial z}{\partial y} = -2y + 3x + 2.$$

Ҳосил қилинган ифодаларга $M_0(-1;0;1)$ нуқтанинг координаталарини қўямиз, натижада S сиртга перпендикуляр ва берилган нуқтадан ўтувчи $\vec{n}$ векторнинг координаталарига эга бўламиз:

$$A = \left.\frac{\partial z}{\partial x}\right|_{M_0} = 6, \qquad B = \left.\frac{\partial z}{\partial y}\right|_{M_0} = -1, \qquad C = -1.$$

(6.8) формулага асосан уринма текислик тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$6(x+1) - y - (z-1) = 0 \text{ ёки } 6x + y + z + 5 = 0.$$

(6.9) формулага асосан нормал тенгламаси:

$$\frac{x+1}{6} = \frac{y}{1} = \frac{z-1}{1}.$$

2 - м и с о л . $z = \arccos\sqrt{\frac{x}{y}}$ функциянинг иккинчи тар-тибли хусусий ҳосилаларини топинг.

Е ч и ш . Дастлаб берилган функциянинг биринчи тар-тибли хусусий ҳосилаларини топамиз:

$$z'_x = -\frac{1}{\sqrt{1-\frac{x}{y}}}\cdot\frac{1}{2\cdot\sqrt{\frac{x}{y}}}\cdot\frac{1}{y} = -\frac{1}{2\sqrt{x}\cdot\sqrt{y-x}},$$

$$z'_y = -\frac{1}{\sqrt{1-\frac{x}{y}}}\cdot\frac{1}{2\cdot\sqrt{\frac{x}{y}}}\cdot\left(\frac{-x}{y^2}\right) = -\frac{\sqrt{x}}{2y\sqrt{y-x}}.$$

Бу ҳосилаларнинг ҳар бирини x ва y бўйича дифференциаллаб, берилган функциянинг иккинчи тартибли хусусий ҳосилаларини топамиз:

$$z''_{xx} = \frac{\frac{1}{2\sqrt{x}}\cdot\sqrt{y-x}-\frac{\sqrt{x}}{2\sqrt{y-x}}}{2x(y-x)} = \frac{y-x-x}{4x\sqrt{x}\cdot\sqrt{y-x}(y-x)} = \frac{y-2x}{4x\sqrt{x}(y-x)\sqrt{y-x}},$$

$$z''_{yy} = -\frac{\sqrt{x}}{2}\left(\frac{\sqrt{y-x}+\frac{y}{2\sqrt{y-x}}}{y^2(y-x)}\right) = \frac{\sqrt{x}\cdot(2x+3y)}{2y^2(y-x)},$$

$$z''_{xy} = -\frac{1}{2\sqrt{x}}\left(-\frac{1}{2}\right)(y-x)^{-\frac{3}{2}} = \frac{1}{4\sqrt{x}(y-x)\sqrt{y-x}},$$

$$z''_{yx} = \frac{1}{2y}\cdot\frac{\frac{\sqrt{y-x}}{2\sqrt{x}}+\frac{\sqrt{x}}{2\sqrt{y-x}}}{y-x} = \frac{y-x+x}{4y(y-x)\sqrt{x}\sqrt{y-x}} = \frac{1}{4\sqrt{x}(y-x)\sqrt{y-x}}.$$

Булардан аралаш хусусий ҳосилалар тенглиги ($z'_{xy} = z'_{yx}$) кўриниб турибди.

3 - м и с о л . $u = \ln\left(x^2+y^2\right)$ функция

$$\frac{\partial^2 u}{\partial x^2} - 2xy\frac{\partial^2 u}{\partial x\partial y} + \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} = \frac{4y^2}{x^2+y^2}\cdot\frac{\partial u}{\partial x}$$

тенгламани қаноатлантиришини текширинг.

Е ч и ш . Берилган u функциянинг x ва y ўзгарувчилар бўйича биринчи ва иккинчи тартибли хусусий ҳосилаларини топамиз:

$$\frac{\partial u}{\partial x}=\frac{2x}{x^2+y^2},\quad \frac{\partial u}{\partial y}=\frac{2y}{x^2+y^2},\quad \frac{\partial^2 u}{\partial x^2}=\frac{2\left(x^2-y^2\right)}{\left(x^2+y^2\right)^2},$$

$$\frac{\partial^2 u}{\partial x\partial y}=-\frac{4xy}{\left(x^2+y^2\right)^2},\quad \frac{\partial^2 u}{\partial y^2}=\frac{2\left(x^2-y^2\right)}{\left(x^2+y^2\right)^2}.$$

Топилганларни берилган тенгламанинг чап ва ўнг томонига қўямиз. Чап томонда:

$$\frac{2\left(x^2-y^2\right)}{\left(x^2+y^2\right)^2}+\frac{8x^2y^2}{\left(x^2+y^2\right)^2}+\frac{2\left(x^2-y^2\right)}{\left(x^2+y^2\right)^2}=\frac{8x^2y^2}{\left(x^2+y^2\right)^2}.$$

Ўнг томонда эса:

$$\frac{4y^2}{x^2+y^2}\cdot\frac{2x}{x^2+y^2}=\frac{8xy^2}{\left(x^2+y^2\right)^2}.$$

Ҳосил қилинган натижалардан берилган функция тенгламани қаноатлантирмаслиги кўриниб турибди.

4 - м и с о л . $z=xy\left(x+y-2\right)$ функциянинг локал экстремумларини текширинг.

Е ч и ш . Берилган функциянинг биринчи тартибли хусусий ҳосилаларини топамиз:

$$z'_x=2xy+y^2-2y,\qquad z'_y=x^2+2xy-2x.$$

Уларни нолга тенглаб қуйидаги тенгламалар системасини ҳосил қиламиз:

$$\left.\begin{aligned} y\left(2x+y-2\right)=0,\\ x\left(x+2y-2\right)=0.\end{aligned}\right\}$$

Бундан берилган функциянинг $M_1\left(0;0\right)$, $M_2\left(2;0\right)$, $M_3\left(0;2\right)$, $M_4\left(\frac{2}{3};\frac{2}{3}\right)$ стационар нуқталарини аниқлаймиз. 2-теорема ёрдамида бу нуқталарнинг қайси бирлари экстремум нуқталари эканлигини аниқлаймиз. Унинг учун берилган функциянинг иккинчи тартибли хусусий ҳосилаларини топамиз:

$$z''_{xx}=2y,\ z''_{xy}=2x+2y-2,\ z''_{yy}=2x.$$

Ҳосил қилинган ифодаларга стационар нуқталарнинг координаталарини қўямиз ва экстремум мавжудлигини зарурий шартидан фойдаланиб қуйидагига эга бўламиз:

M_1 нуқта учун $\Delta = -4 < 0$, яъни экстремум йўқ;
M_2 нуқта учун $\Delta = -4 < 0$, яъни экстремум йўқ;
M_3 нуқта учун $\Delta = -4 < 0$, яъни экстремум йўқ;

M_4 нуқта учун $\Delta = \frac{12}{9} > 0$, $A = \frac{4}{3} > 0$, яъни экстремум нуқта йўқ, лекин берилган функция локал минимум нуқтага эга ва унда

$$z_{\min} = z\left(\frac{2}{3}; \frac{2}{3}\right) = -\frac{8}{27}.$$

5-мисол. $x = 0$, $y = 0$, $x + y - 1 = 0$ чизиқлар билан чегараланган $\bar{D}$ соҳада $z = xy - y^2 + 3x + 4y$ функциянинг энг катта ва энг кичик қийматини топинг.

Ечиш. Дастлаб берилган $\bar{D}$ соҳани чизиб оламиз (67-чизма). Берилган $\bar{D}$ соҳа, яъни OAB учбурчакнинг ичида ётувчи стационар нуқталар бор ёки йўқлигини аниқлаймиз. Унинг учун берилган функциянинг хусусий ҳосилаларини топамиз:

$$z'_x = y + 3, \qquad z'_y = x - 2y + 4.$$

Бундан

$$\left.\begin{aligned} z'_x &= y + 3 = 0, \\ z'_y &= x - 2y + 4 = 0 \end{aligned}\right\} \quad \text{ёки} \quad \left.\begin{aligned} y + 3 &= 0, \\ x - 2y + 4 &= 0. \end{aligned}\right\}$$

Ҳосил қилинган системани ечиб $M(-10; -3)$ стационар нуқтани топамиз. Бу нуқта $\bar{D}$ соҳа ташқарисида бўлгани учун уни масалани ечишда ҳисобга олмаймиз. Функциянинг қийматларини $\bar{D}$ соҳа чегарасида текширамиз.

OAB учбурчакнинг OA томонида $(y = 0,\ 0 \le x \le 1)$ z функция $z = 3x$ кўринишда бўлади. OA кесмада стационар нуқта йўқ, чунки $z' = 3$. O ва A нуқталарда, мос равишда $z(0,0) = 0$, $z(1,0) = 3$. Учбурчакнинг OB томонида $(x = 0,)$ $0 \le y \le 1)$ z функция: $z' = y^2 + 4y$, $z' = -2y + 4$. Стационар нуқтани $-2y + 4 = 0$ тенгламадан топамиз, яъни $y = 2$. $M_1(0;2)$ нуқта $\bar{D}$ соҳага тегишли эмас. B нуқтадаги функци-

…нинг қиймати $z(0,1) = 3$. …нги тенгламаси $x + y = 1$ бўлган томондаги энг катта ва энг кичик қийматини топамиз. Бунда $y = 1 - x$, $z = -2x^2 + 2x + 3$, у ҳолда $z' = -4x + 2$ ва $z' = 0$ дан $x = \frac{1}{2}$ га эга бўламиз ва натижада $\bar{D}$ соҳага тегишли бўлган $M_2\left(\frac{1}{2};\frac{1}{2}\right)$ стационар нуқтага эга бўлдик. Бу нуқтада функциянинг қиймати: $z\left(\frac{1}{2};\frac{1}{2}\right) = 3.5$. Олинган функциянинг барча қийматларига кўра



67-чизма.

$$z_{энг.\ кат.} = z\left(\frac{1}{2},\frac{1}{2}\right) = 3,5, \quad z_{энг.\ кич.} = z(0,0) = 0.$$

1-вариант

1. $S: x^2 + y^2 + z^2 - 6y + 4z + 4 = 0, \; M_0(2;1;-1)$.
2. $z = \operatorname{arctg}(x + y)$.
3. $x^2 \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + y^2 \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} = 0, \; u = e^{xy}$.
4. $z = 2x^3 + 2y^3 - 6xy + 5$.
5. $z = x^2 + y^2 - 2x - 2y + 8, \; D: x = 0, \; y = 0, \; x + y - 1 = 0$.

2-вариант

1. $S: x^2 + z^2 - 5yz + 3y = 46, \; M_0(1;2;-3)$.
2. $z = \arccos(2x + y)$.
3. $x^2 \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} - y^2 \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} = 0, \; u = y\sqrt{\frac{y}{x}}$.
4. $z = 3x^3 + 3y^3 - 9xy + 10$.
5. $z = 2x^3 - xy^2 + y, \; D: x = 0, \; x = 1, \; y = 0, \; y = 6$.

3-вариант

1. $S: x^2 + y^2 - xz - yz = 0,\ M_0(0;2;2)$.

2. $z = \operatorname{arcctg}(x - 3y)$.

3. $\frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 u}{\partial z^2} = 0,\ u = \frac{1}{\sqrt{x^2+y^2+z^2}}$.

4. $z = x^2 + xy + y^2 + x - y + 1$.

5. $z = 3x + 6y - x^2 - xy - y^2,\ D: x = 0,\ x = 1,\ y = 0,\ y = 1$

4-вариант

1. $S: x^2 + y^2 + 2yz - z^2 + y - 2z = 2,\ M_0(1;1;1)$.

2. $z = \arcsin(x - y)$.

3. $a^2 \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} = \frac{\partial^2 u}{\partial y^2},\ u = \sin^2(x - ay)$.

4. $z = 4(x - y) - x^2 - y^2$.

5. $z = x^2 - 2y^2 + 4xy - 6x - 1,\ D: x = 0,\ y = 0,\ x + y - 3 = 0$

5-вариант

1. $S: y^2 - z^2 + x^2 - 2xz + 2x = z,\ M_0(1;1;1)$.

2. $z = \ln(3x^2 - 2y^2)$.

3. $a^2 \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} = \frac{\partial^2 u}{\partial y^2},\ u = e^{-\cos(x+ay)}$.

4. $z = 6(x - y) - 3x^2 - 3y^2$.

5. $z = x^2 + 2xy - 10,\ D: y = 0,\ y = x^2 - 4$.

6-вариант

1. $S: z = x^2 + y^2 - 2xy + 2x - y,\ M_0(-1;-1;-1)$.

2. $z = e^{2x^2+y^2}$.

3. $\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial u}{\partial y} + \frac{\partial u}{\partial z} = 0,\ u = (x - y)(y - z)(z - x)$.

4. $z = x^2 + xy + y^2 - 6x - 9y$.

5. $z = xy - 2y - y,\ D: x = 0,\ y = 0,\ x = 3,\ y = 4$.

7-вариант

1. $S: z = y^2 - x^2 + 2xy - 3y,\ M_0(1;-1;1)$.

2. $z = \operatorname{ctg}\dfrac{y}{x}$.

3. $x\dfrac{\partial u}{\partial x} + y\dfrac{\partial u}{\partial y} = u,\ u = x\ln\dfrac{u}{x}$.

4. $z = (x-2)^2 + 2y^2 - 10$.

5. $z = \dfrac{1}{2}x^2 - xy,\ D: y = 8,\ y = 2x^2$.

8-вариант

1. $S: x^2 - y^2 - 2xy - x - 2y,\ M_0(-1;1;1)$.

2. $z = \operatorname{tg}\sqrt{xy}$.

3. $y\dfrac{\partial u}{\partial x} + x\dfrac{\partial u}{\partial y} = 0,\ u = \ln(x^2 + y^2)$.

4. $z = (x-5)^2 + y^2 + 1$.

5. $z = 3x^2 + 3y^2 - 2x - 2y + 2,\ D: x = 0,\ y = 0,\ x + y - 1 = 0$.

9-вариант

1. $S: x^2 - 2y^2 + z^2 + xz - 4y = 13,\ M_0(3;1;2)$.
2. $z = \cos(x^2y^2 - 5)$.
3. $x^2\dfrac{\partial u}{\partial x} - xy\dfrac{\partial u}{\partial y} + y^2 = 0,\ u = \dfrac{y^2}{3x} + \arcsin(xy)$.
4. $z = x^3 + y^3 - 3xy$.
5. $z = 2x^2 + 3y^2 + 1,\ D: y = \sqrt{9 - \dfrac{9}{4}x^2},\ y = 0$.

10-вариант

1. $S: 4y^2 - z^2 + 4xy - xz + 3z = 9,\ M_0(1;-2;1)$.

2. $z = \sin\sqrt{x^3y}$.

3. $x^2\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}-2xy\frac{\partial^2 u}{\partial x\partial y}+y^2\frac{\partial^2 u}{\partial y^2}+2xy,\ u=0,\ u=e^{xy}$.

4. $z=2xy-2x^2-4y^2$.

5. $z=x^2-2xy-y^2+4x+1,\ D: x=-3,\ y=0,\ x+y+1=0$

11-вариант

1. $S: z=x^2+y^2-3xy-x+y+2,\ M_0(2;1;0)$.

2. $z=\arcsin(x-2y)$.

3. $\frac{\partial^2 u}{\partial x\partial y}=0,\ u=\operatorname{arctg}\frac{x+y}{1-xy}$.

4. $z=x\sqrt{y}-x^2-y+6x+3$.

5. $z=3x^2+3y^2-x-y+1,\ D: x=5,\ y=0,\ x-y-1=0$.

12-вариант

1. $S: 2x^2-y^2+2z^2+xy+xz=3,\ M_0(1;2;1)$.

2. $z=\arccos(4x-y)$.

3. $\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}+\frac{\partial^2 u}{\partial y^2}=0,\ u=\ln(x^2+y^2+2x+1)$.

4. $z=2xy-5x^2-3y^2+2$.

5. $z=2x^2+2xy^2-\frac{1}{2}y^2-4x,\ D: y=2x\ y=2,\ x=0$.

13-вариант

1. $S: x^2-y^2+z^2-4x+2y=14,\ M_0(3;1;4)$.

2. $z=\operatorname{arctg}(5x+2y)$.

3. $x\frac{\partial u}{\partial x}+y\frac{\partial u}{\partial y}+u=0,\ u=\frac{2x+3y}{x^2+y^2}$.

4. $z=xy(12-x-y)$.

5. $z=x^2-2xy+\frac{5}{2}y^2-2x,\ D: x=0,\ x=2,\ y=0,\ y=2$.

14-вариант

1. $S: x^2+y^2-z^2+xz+y+4,\ M_0(1;1;2)$.

2. $z=\operatorname{arctg}(2x-y)$.

3. $\left(\frac{\partial u}{\partial x}\right)^2+\left(\frac{\partial u}{\partial y}\right)^2+\left(\frac{\partial u}{\partial z}\right)^2=1,\ u=\sqrt{x^2+y^2+z^2}$.

4. $z=xy-x^2-y^2+9$.

5. $z=xy-3x-2y,\ D: x=0,\ x=4,\ y=0,\ y=4$.

15-вариант

1. $S: x^2-y^2-z^2+xz+4x=-5,\ M_0(-2;1;0)$.

2. $z=\ln\left(4x^2-5y^2\right)$.

3. $x\frac{\partial u}{\partial x}+y\frac{\partial u}{\partial y}=2u,\ u=(x^2+y^2)\operatorname{tg}\frac{x}{y}$.

4. $z=2xy-3x^2-2y^2+10$.

5. $z=x^2+xy-2,\ D: y=4x^2-4,\ y=0$.

16-вариант

1. $S: x^2+y^2-xz+yz-3x+11,\ M_0(1;4;-1)$.

2. $z=e^{\sqrt{x+y}}$.

3. $9\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}+\frac{\partial^2 u}{\partial y^2}=0,\ u=e^{-(x+3y)}\cdot\sin(x+3y)$.

4. $z=x^3+8y^3-6xy+1$.

5. $z=x^2y(4-x-y),\ D: x=0,\ y=0,\ y=6-x$.

17-вариант

1. $S: x^2+2y^2+z^2-4xz=8,\ M_0(0;2;0)$.

2. $z=\arcsin(4x+y)$.

3. $x^2\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}+2xy\frac{\partial^2 u}{\partial x\partial y}+y^2\frac{\partial^2 u}{\partial y^2}=0,\ u=xe^{\frac{y}{x}}$.

4. $z=y\sqrt{x}-y^2-x+6y$.

5. $z=x^3+y^3-3xy,\ D: x=0,\ x=2,\ y=-1,\ y=2$.

18-вариант

1. $S: x^2-y^2-2z^2-2y=0,\ M_0(-1;-1;1)$.

2. $z=\arccos(x-5y)$.

3. $\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}+\frac{\partial^2 u}{\partial y^2}=0,\ \ u=\operatorname{arctg}\frac{y}{x}$.

4. $z=x^2-xy+y^2+9x-6y+20$.

5. $z=4(x-y)-x^2-y^2,\ D: x=0,\ x+2y=4,\ x-2y=4$.

19-вариант

1. $S: x^2+y^2-3z^2+xy=-2z,\ \ M_0(1;0;1)$.

2. $z=\sin\sqrt{xy}$.

3. $x\frac{\partial u}{\partial x}+y\frac{\partial u}{\partial y}=0,\ \ u=\operatorname{arctg}\frac{x}{y}$.

4. $z=xy(6-x-y)$.

5. $z=x^2+2xy-y^2-4x,\ \ D: x=3,\ \ y=0,\ \ y=x+1$.

20-вариант

1. $S: 2x^2-y^2+z^2-6x+2y+6=0,\ \ M_0(1;-1;1)$.

2. $z=\cos\left(3x^2-y^3\right)$.

3. $\frac{\partial u}{\partial x}\cdot\frac{\partial^2 u}{\partial x\partial y}-\frac{\partial u}{\partial y}\cdot\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}=0,\ \ u=\ln(x+e^{-y})$.

4. $z=x^2+y^2-xy+x+y$.

5. $z=6xy-9x^2-9y^2+4x+4y,\ \ D: x=0,\ y=0,\ x=1,\ y=2$.

21-вариант

1. $S: x^2+y^2-z^2+6xy-z=8,\ \ M_0(1;1;0)$.

2. $z=\operatorname{arctg}(3x+2y)$.

3. $x\frac{\partial u}{\partial x}+y\frac{\partial u}{\partial y}=0,\ \ u=\arcsin\frac{x}{x+y}$.

4. $z=x^2+xy+y^2-2x-y$.

5. $z=x^2+2xy-y^2-2x+2y,\ D: y=x+2,\ y=0,\ x=2$.

22-вариант

1. $S: z=2x^2-3y^2+4x-2y+10,\ \ M_0(-1;1;3)$.

2. $z=\ln\left(5x^2-3y^4\right)$.

3. $\frac{1}{x}\cdot\frac{\partial u}{\partial x}+\frac{1}{y}\cdot\frac{\partial u}{\partial y}=\frac{u}{y^2}$, $u=\frac{y}{(x^2-y^2)^5}$.

4. $z=(x-1)^2-2y^2$.

5. $z=4-2x^2-y^2$, $D:\ y=0,\ y=\sqrt{1-x^2}$.

23-вариант

1. $S:\ z=x^2+y^2-4xy+3x-15,\ M_0(-1;3;4)$.

2. $z=\operatorname{arctg}(x-4y)$.

3. $\frac{\partial u}{\partial x}+\frac{\partial u}{\partial y}=\frac{x+y}{x-y}$, $u=\frac{x^2+y^2}{x-y}$.

4. $z=xy-3x^2-2y^2$.

5. $z=5x^2-3xy+y^2+4$, $D:\ x=-1,\ x=1\ \ y=-1,\ y=1$.

24-вариант

1. $S:\ z=x^2+2y^2+4xy-5y-10,\ M_0(-7;1;8)$.

2. $z=\ln(3xy-4)$.

3. $\frac{\partial u}{\partial x}+\frac{\partial u}{\partial y}=\frac{2y}{u}$, $u=\sqrt{2xy+y^2}$.

4. $z=x^2+3(y+2)^2$.

5. $z=x^2+2xy+4x-y^2$, $D:\ x+y+2=0,\ x=0,\ y=0$.

25-вариант

1. $S:\ z=2x^2-3y^2+xy+3x+1,\ M_0(1;-1;2)$.

2. $z=\operatorname{tg}(xy^2)$.

3. $\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}-\frac{\partial^2 u}{\partial y^2}=0$, $u=\ln(x^2-y^2)$.

4. $z=2(x+y)-x^2-y^2$.

5. $z=2x^2y-x^3y-x^2y^2$, $D:\ x=0,\ y=0,\ x+y=6$.

VII боб
ОДДИЙ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР

1-§. Асосий тушунчалар. Биринчи тартибли дифференциал тенгламалар. Изоклин усули

Дифференциал тенглама деб эркли x ўзгарувчи, y номаълум функция ва унинг турли тартибли ҳосилалари ёки дифференциалларини боғловчи тенгламага айтилади.

Дифференциал тенгламанинг *тартиби* деб унга кирувчи юқори ҳосиланинг (ёки дифференциалнинг) тартибига айтилади.

Агар номаълум функция бир аргументли функциядан иборат бўлса, бундай дифференциал тенглама *оддий* дифференциал тенглама дейилади.

Агар номаълум функция бир нечта аргументга боғлиқ бўлган функциядан иборат бўлса, бундай дифференциал тенглама *хусусий ҳосилали* дифференциал тенглама дейилади.

Масалан, $2xy' - 3y + x = 0$ (бунда $y = y(x)$) тенглама биринчи тартибли оддий дифференциал тенглама, $u'_x + u'_y - xy + 2 = 0$ (бунда $u = u(x,y)$) тенглама биринчи тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламадир.

Бу бобда фақат оддий дифференциал тенгламаларни қараймиз, шу сабабли қисқалик учун "оддий" сўзини ишлатмаймиз.

Умумий ҳолда n-тартибли дифференциал тенгламани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\Phi\left(x, y, y', y'', \ldots, y^{(n-1)}, y^n\right) = 0. \tag{7.1}$$

Агар (7.1) тенгламани энг юқори тартибли ҳосилага нисбатан ечилган

$$y^n = f\left(x, y, y', \ldots, y^{(n-1)}\right) \tag{7.2}$$

кўринишда ёзиш мумкин бўлса, бундай тенглама *нормал кўринишдаги n-тартибли дифференциал тенглама* дейилади.

Дифференциал тенгламанинг ечимини топиш жараёни *тенгламани интеграллаш* дейилади.

(7.1) (ёки (7.2)) дифференциал тенгламани қаноатлантирадиган, яъни уни айниятга айлантирадиган ҳар қан-

...ни $y = y(x)$ функция дифференциал тенгламанинг *ечими* (ёки *интеграли*) дейилади.

1-мисол. Сон ўқининг ҳамма нуқталарида аниқланган $y = xe^{2x}$ функция $y''-4y'+4y=0$ дифференциал тенгламанинг ечими бўлишини исбот қилинг.

Ечиш. Берилган функциянинг биринчи ва иккинчи тартибли ҳосилаларини топамиз:

$$y' = e^{2x}(1+2x), \quad y'' = 4e^{2x}(1+x).$$

Берилган функция ва унинг ҳосилаларини тенгламага қўйсак, қуйидаги айниятга эга бўламиз:

$$4e^{2x}(1+x) - 4e^{2x}(1+2x) + 4xe^{2x} = 4e^{2x}(1+x-1-2x+x) \equiv 0.$$

Демак, $y = xe^{2x}$ функция берилган тенгламанинг ечими экан.

2-мисол. $F(x,y) = \ln\frac{y}{x} - 5 + xy = 0$ ошкормас кўринишда берилган функциянинг $(x+xy^2)y' = y + xy^2$ дифференциал тенгламанинг ечими бўлишини исбот қилинг.

Ечиш. $F(x,y)=0$ ошкормас функцияни дифференциаллаш қоидаси, яъни (6.6) формулага кўра

$$y' = \frac{F_{x'}}{F_{y'}} = -\frac{\left(y-\frac{1}{x}\right)}{x+\frac{1}{y}} = \frac{y}{x}\cdot\frac{1-xy}{1+xy} = \frac{y-xy^2}{x+x^2y}$$

ни ҳосил қиламиз. Топилган ҳосилани берилган дифференциал тенгламага қўйсак, айниятга эга бўламиз.

(7.1) (ёки (7.2)) дифференциал тенглама ечимининг (ёки интегралининг) *Oxy* текислигидаги графиги *интеграл эгри чизиқ* дейилади. Демак, ҳар бир ечимга ёки интегралга унга мос битта интеграл эгри чизиқ тўғри келади.

(7.2) дифференциал тенглама ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги ҳақидаги масала қуйидаги теорема ёрдамида ҳал қилинади.

1-теорема (Коши теоремаси). *Агар* (7.2) *тенгламанинг ўнг қисми*

$$x_0, y_0, y_0', \ldots, y_0^{(n-1)} \tag{7.3}$$

қиймат атрофида узлуксиз функция бўлса, у ҳолда (a;b) интервалда ётувчи x_0 учун у функция ва унинг ҳосилалари

$$y(x_0) = y_0,\ y'(x_0) = y'_0, \ldots, y^{(n-1)}(x_0) = y_0^{(n-1)} \qquad (7.4)$$

қийматлар қабул қилса, (7.2) *тенглама* $y = y(x)$ *хусусий ечимга эга бўлади.*

Агар олинган атрофда бу функциянинг аргументларига нисбатан хусусий ҳосилалари узлуксиз бўлса, ечим ягона бўлади (Коши масаласи). (7.4) тенгликлар *бошланғич шартлар* дейилади.

Ихтиёрий (7.2) дифференциал тенглама Коши теоремасини қаноатлантирувчи соҳада чексиз кўп ечимга эга бўлади. Бу ечимлар тўпламини таърифлаш учун умумий ечим тушунчасини киритамиз. (7.1) ёки (7.2) дифференциал тенгламанинг *умумий ечими* (умумий интеграли) деб $y = \varphi\left(x, C_1, C_2, \ldots, C_n\right)$ ёки қисқача $y = \varphi\left(x, C_i\right)$ кўринишдаги функцияга айтилади, бунда $C_i\left(i = \overline{1, n}\right)$ ихтиёрий ўзгармас бўлиб, улар қуйидаги иккита шартни қаноатлантириши керак:

1) C_i ихтиёрий қийматларида (7.1) ёки (7.2) дифференциал тенглама ечимга эга;

2) $x_0, y_0, y_0', \ldots, y_0^{(n-1)}$ ихтиёрий бошланғич қийматлар учун $C_i = C_{i0}$ ўзгармаснинг қийматлари

$$\varphi(x_0, C_{i0}) = y_0,\ \varphi'(x_0, C_{i0}) = y_0', \ldots,\ \varphi^{(n-1)}(x_0, C_{i0}) = y_0^{(n-1)}$$

бошланғич шартни қаноатлантиради.

C_{i0} ларга маълум қийматлар бериб ҳосил қилинадиган ҳар бир ечим (7.2) тенгламанинг *хусусий ечими* дейилади.

Дифференциал тенгламанинг умумий ечимидан бошқа, ихтиёрий ўзгармаснинг ҳеч қандай қийматида ҳосил бўлмайдиган ечими (интеграл) мавжуд бўлиши мумкин. Бундай ечим (интеграл) *махсус ечим* дейилади. Махсус ечимнинг ихтиёрий нуқтасида Коши теоремасининг бирор шарти бузилади. Масалан, $y'' = 3\sqrt[3]{(y'-1)^2}$ дифференциал тенгламанинг умумий ечими

$$y = x + \frac{1}{4}(x + C_1)^4 + C_2$$

дан иборат, бунда C_1, C_2 — ихтиёрий ўзгармас. $y = x + C$ (бунда C — ихтиёрий ўзгармас) функция ҳам берилган тенгламани ечими. Лекин бу ечим умумий ечимдаги C_1 ва C_2 ўзгармасларнинг бирор қийматларида ҳосил бўлмайди. Бун-

...ан ташқари $y = 1$ да ечимнинг ихтиёрий нуқтасида ечимнинг ягоналиги хақидаги Коши теоремасининг шарти бузилади, чунки берилган тенгламанинг ўнг қисмида y' хусусий ҳосила $y = 1$ да узлукли. Шунинг учун $y = x + C$ махсус ечим бўлади.

Аниқмас интеграллар назариясида кўрилган барча интеграллар энг содда $y' = f(x)$ дифференциал тенгламанинг умумий ечими эканлигини таъкидлаб ўтамиз:

$$y = \int f(x)dx = F(x) + C\ ,$$

бунда $F(x)$ — $f(x)$ функциянинг бошланғич функцияси, яъни $F'(x) = f(x)$; C — ихтиёрий ўзгармас сон.

Умумий ҳолда биринчи тартибли дифференциал тенглама қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$F(x, y, y') = 0 \tag{7.5}$$

ёки

$$y' = f(x, y). \tag{7.6}$$

(7.5) ёки (7.6) тенгламалар учун қуйидаги теоремани исботсиз келтирамиз.

2-теорема (Коши). *Агар $f(x,y)$ функция $M_0(x_0;y_0)$ нуқтада ва унинг атрофида узлуксиз бўлса, у ҳолда (7.6) тенглама $y(x_0) = y_0$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи $y = \varphi(x)$ ечимга эга бўлади. Агар берилган функциянинг $\frac{\partial f}{\partial x}$ хусусий ҳосиласи бу нуқтада узлуксиз бўлса, у ҳолда $y = \varphi(x)$ ечим ягона ечим бўлади.*

Биринчи тартибли дифференциал тенгламани қуйидагича қулай кўринишда ҳам ёзилади:

$$P(x, y)dx + Q(x, y)dy = 0\,. \tag{7.7}$$

(7.7) — дифференциал тенгламанинг дифференциалли кўринишдаги тенгламаси дейилади.

(7.5) ёки (7.6) дифференциал тенглама учун тенглама ечимининг мавжудлик ва ягоналиги ҳақидаги Коши теоремасини исботсиз келтирамиз.

Агар (7.6) *тенгламанинг ўнг томони ва унинг $f'_y(x,y)$ хусусий ҳосиласи x ва y ўзгарувчиларнинг бирор ўзгариш соҳасида аниқланган ва узлуксиз бўлса, бу соҳанинг $(x_0; y_0)$ ички нуқтаси қандай бўлмасин, берилган тенглама $y(x_0) = y_0$, бошланғич шартни қаноатлантирувчи ягона $y = \varphi(x)$ ечимга эга бўлади.*

Бу, геометрик нуқтаи назаридан, соҳанинг ҳар бир $(x_0; y_0)$ ички нуқтаси орқали ягона интеграл эгри чизиқ ўтишини билдиради.

$y' = f(x, y)$ тенгламанинг $y(x_0) = y_0$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи ечимини топиш масаласи Коши масаласи дейилади.

Ҳосиланинг геометрик маъносига кўра:

$$y' = f(x, y) = \mathrm{tg}\alpha = k,$$

бу ерда α — уринманинг Ox ўққа оғиш бурчаги. Бу эса интеграл эгри чизиққа унинг ҳар бир нуқтасида ўтказилган уринманинг бурчак коэффициенти (7.6) дифференциал тенглама ўнг томонининг бу нуқтадаги қийматига тенг эканини билдиради.

Текисликнинг ҳар бир нуқтасига Ox ўққа оғиш бурчагининг тангенси (7.6) дифференциал тенглама ўнг томонининг шу нуқтадаги қийматига тенг бўладиган қилиб кесма қўйилган қисми бу дифференциал тенгламанинг *йўналишлар майдони* деб аталади.

Текисликнинг майдон кесмалари бир хил йуналишга эга бўладиган барча нуқталар тўплами дифференциал тенгламанинг *изоклинаси* дейилади.

Ушбу

$$f(x, y) = k \tag{7.8}$$

муносабат (7.6) дифференциал тенгламанинг изоклиналар оиласининг тенгламаси деб олинади. (7.8) изоклиналар оиласи ёрдамида интеграл эгри чизиқлар оиласини тақрибий ясаш мумкин.

3-мисол. $y' = -\frac{2y}{x}$ дифференциал тенгламанинг интеграл эгри чизиқларини изоклиналар усули билан тақрибий ясанг.

Ечиш. $-\frac{2y}{x} = k$ $(k = \mathrm{const})$ деб берилган тенгламанинг $y = -\frac{k}{2}x$ изоклиналар оиласи тенгламасини топамиз. Улар координаталар бошидан ўтувчи тўғри чизиқлардан иборат бўлиб, йўналишлар майдони эса $y' = k = \mathrm{tg}\alpha$ тенглик билан аниқланади. k га ҳар хил қийматлар бериб, уларга мос изоклиналарини топамиз ва интеграл эгри чизиққа ўтказилган уринманинг Ox ўққа оғиш

ргаги α бўйича йўналишлар майдонини аниқлаймиз. Улар-
қуйидаги жадвал кўринишида ёзиб оламиз:

k	0	$\pm\frac{1}{\sqrt{3}}$	± 1	$\pm\sqrt{3}$	± 2	± 3	$\pm\infty$
α	0	$\pm 30^\circ$	$\pm 45^\circ$	$\approx\pm 60^\circ$	$\approx\pm 64^\circ$	$\approx\pm 72^\circ$	$\pm 90^\circ$
$y=-\frac{k}{2}x$	$y=0$	$y=\pm\frac{x}{2\sqrt{3}}$	$y=\pm\frac{1}{2}x$	$y=\pm\frac{\sqrt{3}}{2}x$	$y=\pm x$	$y=\pm\frac{3}{2}x$	$y=0$

Бу жадвалда берилганларга кўра майдон йўналишларини ...амиз (68-чизма) ва интеграл эгри чизиқларни тақрибий ...амиз. α бурчакнинг мусбат ёки манфий қийматига қараб Ox ўқидан соат стрелкасига қарама-қарши ёки соат стрелка-си йўналишида интеграл чизиқлар чизилади.



68-чизма.

2-§. Ўзгарувчилари ажраладиган ва бир жинсли дифференциал тенгламалар

Ушбу

$$P(x)dx + Q(y)dy = 0 \tag{7.9}$$

тенглама ўзгарувчилари *ажралган* дифференциал тенглама дейилади. Унинг умумий интеграли

$$\int P(x)\,dx + \int Q(y)\,dy = C \tag{7.10}$$

каби аниқланади, бунда C — ихтиёрий ўзгармас.

Ушбу

$$M_1(x)N_1(y)\,dx + M_2(x)N_2(y)\,dy = 0 \tag{7.11}$$

ёки

$$y' = \frac{dy}{dx} = f_1(x)f_2(y) \tag{7.12}$$

тенгламалар ўзгарувчилари *ажраладиган* дифференциал тенгламалар дейилади.

(7.11), (7.12) тенгламаларда ўзгарувчиларни ажратиш қуйидагича бажарилади. Фараз қилайлик, $N_1(y) \neq 0$, $M_2(x) \neq 0$ бўлсин. (7.11) тенгламанинг иккала қисмини $N_1(y)M_2(x)$ га бўламиз, (7.12) тенгламанинг иккала қисмини dx га кўпайтирамиз ва $f_2(y)$ га бўламиз. Натижада қуйидаги кўринишдаги ўзгарувчилари ажралган тенгламаларга эга бўламиз:

$$\frac{M_1(x)}{M_2(x)}dx + \frac{N_2(y)}{N_1(y)}dy = 0\,, \quad f_1(x)dx - \frac{dy}{f_2(y)} = 0\,.$$

Булар (7.10) формула ёрдамида интегралланади:

$$\int \frac{M_1(x)}{M_2(x)}\,dx + \int \frac{N_2(y)}{N_1(y)}\,dy = C\,, \quad \int f_1(x)\,dx - \int \frac{dy}{f_2(y)} = C\,.$$

1 - м и с о л . $(xy + y)dx + (xy + x)dy = 0$ дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Е ч и ш . $x \neq 0$, $y \neq 0$ деб фараз қилиб, берилган тенгламанинг иккала қисмини xy га бўламиз. Натижада ўзгарувчилари ажралган қуйидаги тенгламага эга бўламиз:

$$\left(1 + \frac{1}{x}\right)dx + \left(1 + \frac{1}{y}\right)dy = 0.$$

(7.10) формулага кўра унинг интегралини топамиз:

$$\int\left(1+\frac{1}{x}\right)dx+\int\left(1+\frac{1}{y}\right)dy=\ln|C|,$$

$$x+\ln|x|+y+\ln|y|=\ln|C|,$$

$$\ln|xy|+\ln e^{x+y}=\ln|C|,\ \ xye^{x+y}=C.$$

Охирги тенглик берилган дифференциал тенгламанинг умумий интегралидир. Уни топишда $x\neq 0$, $y\neq 0$ деб қабул қилган эдик. Аммо $x=0$ ва $y=0$ ҳам берилган тенгламанинг ечими бўлишини осонгина текшириш мумкин. Иккинчи томондан, уларни умумий интегралда $C=0$ деб топиш ҳам мумкин. Демак, $x=0$, $y=0$ берилган тенгламанинг хусусий ечими.

2-мисол. $\left(1+e^{2x}\right)y^2y'=e^x$ дифференциал тенгламанинг $y(0)=1$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг.

Ечиш. Берилган тенгламани дифференциалли шаклда ёзиб оламиз ((7.7) формулага қаранг):

$$\left(1+e^{2x}\right)y^2dy-e^xdx=0.$$

Ўзгарувчиларни ажратамиз:

$$y^2dy-\frac{e^x}{1+e^{2x}}dx=0.$$

Бу тенгламани интеграллаб берилган тенгламанинг умумий ечимини топамиз:

$$\int y^2dy-\int\frac{e^x}{1+e^{2x}}dx=\frac{C}{3}$$

ёки

$$\frac{y^3}{3}-\mathrm{arctg}e^x=\frac{C}{3},\ \ y=\sqrt[3]{C+3\mathrm{arctg}e^x}.$$

Бошланғич шартдан фойдаланиб ихтиёрий ўзгармас C нинг қийматини аниқлаймиз:

$$1=\sqrt[3]{C+\frac{3}{4}\pi}\Rightarrow C=1-\frac{3}{4}\pi.$$

Демак, берилган тенгламанинг хусусий ечими қуйидагича кўринишда бўлади:

$$y = \sqrt[3]{1 - \frac{3}{4}\pi + 3\mathrm{arctg}e^{x}}.$$

Агар $f(tx,ty) = t^n f(x,y)$ (n — ўзгармас сон) тенглик их тиёрий $t \in R$ учун ўринли ($f(tx, ty)$ функция аниқланган бўлса, $f(x, y)$ функция x ва y аргументларга нисбатан n *ўлчовли бир жинсли функция* дейилади.

Масалан, $f(x, y) = 2x^2 - xy^3 + y^4$ функция тўрт ўлчовли ($n = 4$) бир жинсли функция бўлади, чунки

$$f(tx,ty) = 2\cdot(tx)^4 - (tx)^3(ty) + (ty)^4 =$$
$$= t^4(2x^4 - x^3y + y^4) = t^4 f(x,y).$$

$f(x,y) = 4\sqrt[3]{x^2} - 2\sqrt[3]{xy} - 3\sqrt[3]{y^2}$ функция

$$f(tx,ty) = 4\sqrt[3]{(tx)^2} - 2\sqrt[3]{(tx)(ty)} - 3\sqrt[3]{(ty)^2} =$$
$$= \sqrt[3]{t^2}\left(4\sqrt[3]{x^2} - 2\sqrt[3]{xy} - 3\sqrt[3]{y^2}\right) = t^{\frac{2}{3}} f(x,y)$$

бўлгани учун $n = \frac{2}{3}$ ўлчовли бир жинсли функция бўлади.

Агар $n = 0$ бўлса, бундай функция ноль ўлчовли бир жинсли функция дейилади. Масалан,

$$f(x,y) = \frac{x+y}{x-y}\cdot\ln\left(\frac{x}{y} - 1\right)$$

функция учун

$$f(tx,ty) = \frac{tx+ty}{tx-ty}\cdot\ln\left(\frac{tx}{ty} - 1\right) = \frac{t(x+y)}{t(x-y)}\cdot\ln\left(\frac{x}{y} - 1\right) =$$
$$= \frac{x+y}{x-y}\cdot\ln\left(\frac{x}{y} - 1\right) = f(x,y)$$

(бунда $t \neq 0$) бўлгани учун берилган функция ноль ўлчовли бир жинсли функция бўлади.

Агар $f(x, y)$ функция ўзининг аргументларига нисбатан ноль ўлчовли бир жинсли функция, яъни

$$f(tx,ty) = t^0 f(x,y) = f(x,y)$$

бўлса, у ҳолда қуйидаги нормал кўринишдаги

$$y' = \frac{dy}{dx} = f(x,y) \qquad (7.13)$$

дифференциал тенглама x ва y ўзгарувчиларга нисбатан *бир жинсли тенглама* дейилади.

Агар бир жинсли $P(x, y)$, $Q(x, y)$ функциялар бир хил n ўлчовли, яъни

$$P(tx,ty)=t^2P(x,y)\ ,\quad Q(tx,ty)=t^2Q(x,y)$$

бўлса, у ҳолда тўлиқ дифференциалли

$$P(x,y)dx+Q(x,y)dy=0$$

тенглама бир жинсли бўлади. Ҳақиқатан, уни қуйидаги нормал кўринишда ёзиб оламиз:

$$y'=-\frac{P(x,y)}{Q(x,y)}=f(x,y),$$

бундан

$$f(tx,ty)=-\frac{P(tx,ty)}{Q(tx,ty)}=-\frac{t^2P(x,y)}{t^2Q(x,y)}=f(x,y)$$

бўлгани сабабли $f(x, y)$ функция ноль ўлчовли бир жинсли функция бўлади.

Нормал кўринишдаги (7.13) бир жинсли дифференциал тенгламани ҳар доим $y'=f(x,y)=f(tx,ty)$ кўринишда ёзиш мумкин ва $t=\frac{1}{x}$ алмаштириш ёрдамида $y'=\frac{dy}{dx}=f\left(1,\frac{y}{x}\right)=\varphi\left(\frac{y}{x}\right)$ ни ҳосил қилинади. Демак, (7.13) тенгламани $y=xu\left(u=\frac{y}{x},\ y'=u+xu'\right)$ алмаштириш ёрдамида x ва янги $u(x)$ функцияларга нисбатан ўзгарувчилари ажраладиган тенгламага келтирилади:

$$u+xu'=\varphi(u),\ \ x\frac{du}{dx}=\varphi(u)-u,\ \ \frac{du}{\varphi(u)-u}=\frac{dx}{x}.$$

3-мисол. $2x^2y'=x^2+y^2$ дифференциал тенгламанинг умумий ва $y(1) = 0$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг.

Ечиш. $2x^2$ ва $x^2 + y^2$ функциялар икки ўлчовли бир жинсли бўлгани учун берилган тенглама бир жинсли бўлади. $y = xu$, $y' = xu' + u$ алмаштиришни бажарамиз:

$$2x^2(u+xu')=x^2+(xu)^2,\ \ 2x^2(u+xu')=x^2(1+u^2).$$

$x\neq0$ деб тенгламанинг иккала қисмини x^2 га бўламиз. Сўнгра ўзгарувчиларни ажратамиз:

$$2u + 2x\frac{du}{dx} = 1 + u^2, \;\; 2xdu = (1 - 2u + u^2)dx.$$

$$\frac{du}{(u-1)^2} = \frac{dx}{2x}, \;\; \int\frac{du}{(u-1)^2} = \int\frac{dx}{2x}, \;\; \int\frac{d(u-1)}{(u-1)^2} = \frac{1}{2}\ln|x| + \ln C,$$

$$-\frac{1}{u-1} = \frac{1}{2}\ln|x| + \ln C, \;\; 1 = (1-u)\ln\left(C\sqrt{|x|}\right).$$

Охирги ифодадаги u нинг ўрнига $\frac{y}{x}$ қийматини қўями

$$1 = \left(1 - \frac{y}{x}\right)\ln\left(C\sqrt{|x|}\right), \quad x = (x-y)\ln\left(C\sqrt{|x|}\right).$$

Уни y га нисбатан ечиб, берилган дифференциал тен ламанинг умумий ечимини топамиз:

$$y = x - \frac{x}{\ln\left(C\sqrt{|x|}\right)}.$$

$y(1) = 0$ бошланғич шартдан фойдаланиб, ўзгармас C нинг қийматини аниқлаймиз:

$$0 = 1 - \frac{1}{\ln C}, \quad \ln C = 1, \; C = e.$$

Демак, берилган тенгламанинг хусусий ечими қуйи даги кўринишда бўлади:

$$y = x - \frac{x}{1+\ln\sqrt{|x|}}.$$

Машқлар

338. $y(x,C)$ функция (бунда C — ихтиёрий ўзгармас сон) берилган дифференциал тенгламанинг ечими (интеграли) бўладими:

а) $y = x^2\left(1 + Ce^{\frac{1}{2}}\right), \;\; x^2y' + (1-2x)y = x^2$;

б) $y = Ce^x - e^{-x}, \;\; xy'' + 2y' - xy = 0$;

в) $x^2 + y^4 = Cy^2, \;\; xydy = (x^2 - y^4)dy$;

г) $y = Cx + \frac{1}{C}, \;\; xy' - y + \frac{1}{y} = 0$;

д) $y = \frac{2+Cx}{1+2x}, \;\; 2(1 + x^2y') = y - xy'$;

е) $e^{\frac{y}{x}} = Cy, \;\; xyy' - y^2 = x^2y'$?

339. Қуйида берилган ҳар бир дифференциал тенглама учун изоклина усули ёрдамида йўналишлар майдонини ясанг ва интеграл эгри чизиқларни тақрибий чизинг:

а) $y' = x + y$; б) $2xy' = \frac{y^2}{x}$; в) $xy' = 1 - y$.

340. Қуйидаги дифференциал тенгламаларнинг умумий ечимини топинг:

а) $(1 + e^x)y' = ye^x$;

б) $xy' = y^2 + 1$;

в) $3y' = \frac{y^2}{x^2} + 9\frac{y}{x} + 9$;

г) $xy' = y + \sqrt{x^2 + y^2}$;

д) $ydx + \left(\sqrt{xy} - \sqrt{x}\right)dy = 0$;

е) $4(x^2 y + y)dy + \sqrt{5 + y^2}dx = 0$.

341. Қуйидаги дифференциал тенгламаларнинг берилган бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг:

а) $(x + xy)dy + (y - xy)dx = 0,\ y(1) = 1$;

б) $xy' = x\sin\frac{y}{x} + y,\ y(2) = \pi$;

в) $ydx + \left(\sqrt{xy} - x\right)dy = 0,\ y(1) = 1$;

г) $xy' = y(1 + \ln y - \ln x),\ y(1) = e^2$.

3-§. Биринчи тартибли чизиқли дифференциал тенгламалар. Бернулли тенгламаси

Номаълум y функция ва унинг y' ҳосиласига нисбатан

$$y' + P(x)y = Q(x) \tag{7.14}$$

кўринишдаги тенглама (шунингдек, алгебраик алмаштиришлар ёрдамида (7.14) кўринишга келтириладиган тенглама) *биринчи тартибли чизиқли бир жинслимас дифференциал тенглама* дейилади. $P(x) \neq 0$ ва $Q(x) \neq 0$ функциялар бирор соҳада узлуксиз бўлиши керак. Масалан, $[a, b]$ кесмада Коши теоремасининг шарти бажарилсин. (7.14) тенгламанинг умумий ечимини ҳар доим қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$y = e^{-\int P(x)dx}\left(\int Q(x)\, e^{\int P(x)dx}dx + C\right), \qquad (7.15)$$

бунда C — ихтиёрий ўзгармас. Шундай қилиб, (7.14) тенгламанинг умумий ечими маълум бўлган $P(x)$, $Q(x)$ функцияларнинг интеграллари орқали ифодаланади.

Агар (7.14) тенгламада $Q(x) = 0$ ёки $P(x) = 0$ бўлса, у ҳолда ўзгарувчиларга нисбатан ажраладиган дифференциал тенглама ҳосил қиламиз ва унинг умумий ечимини мос равишда (7.14) тенгламада $Q(x) = 0$ ёки $P(x) = 0$ деб аниқлаймиз. $Q(x) = 0$ бўлган ҳолда (7.14) тенглама чизиқли бир жинсли дифференциал тенгламага айланади.

1 - м и с о л . $(x^2 - x)y' + y = x^2(2x - 1)$ тенгламанинг умумий ечимини ва $y(-2) = 2$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг.

Е ч и ш . Берилган тенгламанинг иккала қисмини $x^2 - x \neq 0$ га бўлиб, уни (7.14) кўринишдаги тенгламага келтирамиз:

$$y' + \frac{y}{x^2 - x} = \frac{x^2(2x-1)}{x^2 - x}.$$

Бунда $P(x) = \frac{1}{x^2 - x} = \frac{1}{x(x-1)}$, $Q(x) = \frac{x^2(2x-1)}{x(x-1)} = \frac{x(2x-1)}{x-1}$.

(7.15) формулага асосан берилган тенгламанинг умумий ечими қуйидаги кўринишда бўлади:

$$y = e^{-\int \frac{dx}{x(x-1)}}\left(\int \frac{x(2x-1)}{x-1} e^{-\int \frac{dx}{x(x-1)}}dx + C\right).$$

Бу ечимдаги интегралларни топамиз:

а) $\int \frac{dx}{x(x-1)} \left| \frac{A}{x} + \frac{B}{x-1} = \frac{1}{x(x-1)},\ A = -1,\ B = 1 \right| =$

$$= \int \left(-\frac{1}{x} + \frac{1}{x-1}\right) dx = -\ln|x| + \ln|x-1| = \ln\left|\frac{x-1}{x}\right|;$$

б) $\int \frac{x(2x-1)}{x-1} e^{\ln \frac{x-1}{x}} dx = \int \frac{x(2x-1)}{x-1} \cdot \left|\frac{x-1}{x}\right| dx =$

$$= \pm\int (2x-1)\, dx = \pm(x^2 - x),$$

бунда (+) ва (−) ишоралар $\left|\frac{x-1}{x}\right| = \pm \frac{x-1}{x}$ тенгликдан ҳосил бўлади. Топилган (а) ва (б) интегралларни умумий ечимга қўямиз:

$$y = e^{-\ln\left|\frac{x-1}{x}\right|}(\pm(x^2 - x) + C) = \left|\frac{x}{x-1}\right| \cdot (\pm(x^2 - x) + C) =$$

$$= \pm \frac{x}{x-1} \cdot (\pm x(x-1) + C) = x^2 + \frac{Cx}{x-1}.$$

Ундан $y(-2) = 2$ шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини ажратиб оламиз:

$$2 = 4 - \frac{2C}{-2-1},\ C = -3,\ y = x^2 - \frac{3x}{x-1}.$$

Айрим ҳолларда дифференциал тенгламалар x га нисбатан чизиқли бўлиб, уларнинг умумий кўриниши қуйидагича бўлади:

$$\frac{dx}{dy} + P(y)x = Q(y). \tag{7.16}$$

(7.16) нинг умумий ечими қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$x = e^{-\int P(y)dy}\left(\int Q(y)e^{\int P(y)dy} dy + C\right). \tag{7.17}$$

2-мисол. $(2x - y^2)y' = 2y$ дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Берилган тенглама $x(y)$ функцияга нисбатан чизиқли бўлгани учун, уни қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз:

$$(2x - y^2)\frac{dy}{dx} = 2y,\ 2x - y^2 = 2y\frac{dx}{dy},\ \frac{dx}{dy} = \frac{x}{y} - \frac{y}{2},$$

$$\frac{dx}{dy} - \frac{1}{y} \cdot x = -\frac{y}{2},\ P(y) = -\frac{1}{y},\ Q(y) = -\frac{y}{2},$$

яъни (7.16) кўринишдаги тенгламага эга бўлдик. (7.17) формулага асосан берилган тенгламанинг умумий ечими қуйидаги кўринишда бўлади:

$$x = e^{\int \frac{dy}{y}} \left(-\int \frac{y}{2} e^{-\int \frac{dy}{y}} dy + C \right) = e^{\ln|y|} \left(-\int \frac{y}{2} e^{-\ln|y|} dy + C \right) =$$

$$= |y| \left(-\frac{1}{2} \int \frac{y}{|y|} dy + C \right) = -\frac{y}{2} \int dy + C = C - \frac{1}{2} y^2.$$

(7.14) чизиқли дифференциал тенгламани Бернулли усули билан ҳам интеграллаш мумкин. Унинг учун иккита: $u(x)$ ва $v(x)$ номаълум функциялар бўлган $y = u(x) \cdot v(x)$ алмаштиришни (Бернулли алмаштиришини) қўллаймиз. У ҳолда $y' = u'v + uv'$ (7.14) тенгламадаги y ва y' ларни ўрнига қуйиб қуйидаги

$$u'v + uv' + P(x)uv = Q(x)$$

тенгламани ҳосил қиламиз. Бундан

$$(v' + P(x) \cdot v)u + u'v = Q(x). \tag{7.18}$$

Номаълум функцияларнинг бирини ихтиёрий танлаб олиш мумкин бўлгани учун, масалан, v ни шундай оламизки, у (7.18) тенгламадаги u нинг олдидаги коэффициентини нолга айлантирувчи тенгламанинг $v = v(x)$ хусусий ечими бўлсин. Бундан кейин (7.18) тенглама $u'v = Q(x)$ кўринишга келади. Бу тенгламанинг умумий ечими $u = u(x, C)$ бўлсин, у ҳолда $y = u(x, C) \cdot v(x)$ (7.14) тенгламанинг умумий ечими бўлади. Шундай қилиб, (7.14) тенгламани интеграллаш иккита ўзгарувчилари ажраладиган тенгламани интеграллашга келтирилади.

3-мисол. $y' + y\text{tg}x = \frac{1}{\cos x}$ тенгламани Бернулли усули билан интегралланг ва унинг $y(\pi) = 1$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг.

Ечиш. $y = uv$, $y' = u'v + uv'$ Бернулли алмаштиришни бажариб, қуйидагига эга бўламиз:

$$u'v + uv' + uv\text{tg}x = \frac{1}{\cos x}, \quad (v' + v\text{tg}x)u + u'v = \frac{1}{\cos x}.$$

$v' + v\text{tg}x = 0$ тенгламанинг хусусий ечимини топамиз:

$$dv + v\text{tg}x dx = 0, \quad \frac{dv}{v} + \text{tg}x dx = 0,$$

$$\int \frac{dv}{v} + \int \text{tg}x dx = 0, \quad \ln|v| - \ln|\cos x| = \ln C_1.$$

$C_1 = 1$ деб тенгламанинг $v = \cos x$ хусусий ечимни оламиз. Сўнгра $u'v = \frac{1}{\cos x}$ (бунда $v = \cos x$) тенгламанинг умумий ечимини излаймиз:

$$u' = \frac{1}{\cos^2 x}, \quad u = \int \frac{dx}{\cos^2 x} + C = \operatorname{tg} x + C.$$

Берилган тенгламанинг умумий ечими:

$$y = uv = (\operatorname{tg} x + C)\cos x.$$

Ундан $y(\pi) = 1$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимни ажратиб оламиз: $1 = (0 + C) \cdot (-1)$, бундан $C = -1$. Бу қийматни умумий ечимга қўйиб, берилган тенгламанинг хусусий ечимини топамиз:

$$y = (\operatorname{tg} x - 1)\cos x = \sin x - \cos x.$$

Ушбу

$$y' + P(x)y = Q(x)y^n \tag{7.19}$$

дифференциал тенглама (бунда $n = \text{const} \in R$, $n \neq 0$, $n \neq 1$), шунингдек, бирор алгебраик алмаштиришлар ёрдамида (7.19) кўринишга келтириладиган исталган тенглама *Бернулли тенгламаси* дейилади.

$z(x)$ янги функцияни $z = y^{n-1}$ формула ёрдамида алмаштирилса, у ҳолда Бернулли тенгламаси шу функцияга нисбатан чизиқли тенгламага келтирилади:

$$z' + (1-n)P(x)z = (1-n)Q(x). \tag{7.20}$$

Юқоридаги усуллардан фойдаланиб, (7.20) тенгламанинг $z = z(x,c)$ ечимини топамиз. Сўнгра $y = z^{\frac{1}{1-n}}$ топилади.

Бернулли тенгламасининг ечимини $y = u(x) \cdot v(x)$ Бернулли алмаштириши ёрдамида ҳам топиш мумкин. Буни мисолда кўрсатамиз.

4-мисол. Ушбу $y' + 2e^x y = 2e^x \sqrt{y}$ Бернулли тенгламасининг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Берилган тенгламада $n = \frac{1}{2}$ бўлгани учун $z = y^{1-n} = \sqrt{y}$ алмаштиришни бажарамиз. (7.20) тенгламага кўра $z' + e^x z = e^x$ тенгламани ҳосил қиламиз, унинг умумий ечими (7.15) формулага асосан қуйидаги кўринишда бўлади:

$$z = e^{-\int e^x dx}\left(\int e^x \cdot e^{\int e^x dx} dx + C\right) = e^{-e^x}\left(\int e^x e^{e^x} dx + C\right) =$$

$$= e^{-e^x}\left(\int e^{e^x} dx e^x + C\right) = e^{-e^x}\left(e^{e^x} + C\right) = 1 + Ce^{-e^x}.$$

Берилган тенгламанинг умумий ечими:

$$y = z^2 = \left(1 + Ce^{-e^x}\right)^2.$$

5-мисол. Ушбу $xy' + y = xy^2 \ln x$ дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Тенгламанинг иккала қисмини $x \neq 0$ га бўламиз. Натижада $n = 2$ бўлган Бернулли тенгламасига эга бўламиз. Уни Бернулли алмаштириши ($y = uv$, $y' = u'v + uv'$) усули билан ечамиз:

$$x(u'v + uv') + uv = x(uv)^2 \ln x.$$

$xv' + v = 0$ тенгламанинг хусусий ечими $v = x^{-1}$ осонгина топилади. Энди $xvu' = xu^2v^2 \ln x$ тенгламанинг умумий ечимини топиш керак.

$v = x^{-1}$ қийматни ўрнига қўйиб, $u' = u^2 \cdot \frac{\ln x}{x}$ тенгламани ҳосил қиламиз.

Охирги тенгламадаги ўзгарувчиларни ажратамиз ва уни интеграллаймиз:

$$\frac{du}{u^2} = \ln x \frac{dx}{x}, \quad \int \frac{du}{u^2} = \int \ln x \frac{dx}{x},$$

$$-\frac{1}{u} = \frac{\ln^2 x}{2} + \frac{C}{2}, \quad u = -\frac{2}{C + \ln^2 x}.$$

Демак, берилган тенгламанинг умумий ечими:

$$y = uv = -\frac{2}{x(C + \ln^2 x)}.$$

Машқлар

342. Қуйидаги дифференциал тенгламаларнинг турини аниқланг ва уларни ечиш йўлларини кўрсатинг:

а) $xy' + 2\sqrt{xy} = y$; б) $y' \cos x = \frac{y}{\ln y}$;

в) $y' = \frac{y}{2x\ln y + y - x}$; г) $(1+e^{2x})y^2dy - e^x dx = 0$;

д) $y' = e^{2x} - e^x y$; е) $xy' + y - y^2 = 0$;

ж) $2x\cos^2 y dx + (2y - x^2 \sin 2y)dy = 0$;

з) $y^2 + x^2 y' = xyy'$.

343. Ушбу дифференциал тенгламаларнинг умумий ечимини топинг:

а) $y' + \frac{y}{x} = 1 + 2\ln x$;

б) $y' + 4xy = 2x^{-x^2} y$;

в) $(2y - x^2 \sin 2y)y' + 2x\cos^2 y = 0$;

г) $(x^2 - xy)y' + y^2 = 0$;

д) $y' - \frac{y}{x-3} = \frac{y}{x-3}$;

е) $xdy = (e^{-x} - y)dx$.

344. Ушбу дифференциал тенгламаларнинг берилган бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг.

а) $2xydx + (y - x^2)dy = 0,\ y(-2) = 4$;

б) $y' = 2y - x + e^x,\ y(0) = -1$;

в) $y' + 3y = e^{2x}y^2,\ y(0) = 1$;

г) $y' + y\mathrm{tg}x = \frac{1}{\cos x},\ y(\pi) = 5$;

д) $y^2 dx = \left(x + ye^{-\frac{1}{y}}\right)dy,\ y(0) = -3$;

е) $y' - 7y = e^{3x}y^2,\ y(0) = 2$.

4-§. Тўлиқ дифференциалли тенглама

Агар D соҳада $P(x,y)$, $Q(x,y)$ функциялар аниқланган ва

$$\frac{dP(x,y)}{dy} = \frac{dQ(x,y)}{dx} \tag{7.21}$$

тенгсизлик бажарилса,

$$P(x,y)dx + Q(x,y)dy = 0 \tag{7.22}$$

тенглама ечими мавжуд бўлади. (7.22) кўринишдаги тенглама *тўлиқ дифференциалли* тенглама дейилади.

(7.22) тенгламанинг умумий интеграли қуйидаги формулаларнинг бири билан аниқланади:

$$\int_{x_0}^{x} P(x, y_0)\, dx + \int_{y_0}^{y} Q(x, y)\, dy = C, \tag{7.23}$$

$$\int_{x_0}^{x} P(x, y)\, dx + \int_{y_0}^{y} Q(x_0, y)\, dy = C, \tag{7.24}$$

бунда $M_0(x_0,y_0)\in D$.

Мисол. $(x^2 + y - 4)dx + (x + y + e^y)dy = 0$ тенгламанинг умумий интегралини топинг.

Ечиш. $P = x^2 + y - 4$, $Q = x + y + e^y$ деб белгилаб оламиз

3. (7.60) характеристик тенгламанинг $\lambda_1,\lambda_2,\ldots,\lambda_n$ илдизлари ичида карралиси мавжуд. Бу ҳолда қуйидагича иш тутамиз. (7.60) характеристик тенгламанинг λ илдизлари ичида k таси каррали бўлсин. У ҳолда (7.59) ечимлар системасини ($a_{ij}(x) = const$, $f_i(x) \equiv 0$, $(i, j = \overline{1,n})$ ҳол учун) қуйидаги кўринишда из лаймиз:

$$
\begin{aligned}
y_1 &= (\alpha_{10} + \alpha_{11}x + \alpha_{12}x^2 + \ldots + \alpha_{1k-1}x^{k-1})e^{\lambda x}\\
y_2 &= (\alpha_{20} + \alpha_{21}x + \alpha_{22}x^2 + \ldots + \alpha_{2k-1}x^{k-1})e^{\lambda x}\\
&\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\\
y_n &= (\alpha_{n0} + \alpha_{n1}x + \alpha_{n2}x^2 + \ldots + \alpha_{nk-1}x^{k-1})e^{\lambda x}
\end{aligned}
\qquad (7.66)
$$

$a_{ij}(i = \overline{1,n},\ \ j = \overline{0,k-1})$ сонларни қуйидагича аниқланади. (7.66) даги y_i функцияларнинг ва унинг y_i' ҳосилаларини (7.59) системага қўйиб, $e^{\lambda x} \neq 0$ га қисқартирамиз, сўнгра ҳосил қилинган тенгликнинг чап ва ўнг қисмидаги x нинг бир хил даражалари олдидаги коэффицентларини тенглаймиз. Бу жараёнларни қуйидаги мисолда кўрсатамиз.

3-мисол. Ушбу

$$
\left.
\begin{aligned}
y_1' &= y_2 + y_3,\\
y_2' &= y_1 + y_2 - y_3,\\
y_3' &= y_2 + y_3
\end{aligned}
\right\}
\qquad (1)
$$

системанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Берилган системанинг характеристик тенгламасини тузамиз:

$$
\begin{vmatrix} -\lambda & 1 & 1 \\ 1 & 1-\lambda & -1 \\ 0 & 1 & 1-\lambda \end{vmatrix} = -(1-\lambda)^2\lambda = 0. \qquad (2)
$$

Бундан $\lambda_1 = \lambda_2 = 1$ каррали ва $\lambda_3 = 0$ илдизга эга бўламиз. (7.66) формулага асосан $\lambda_{1,2} = 1$ илдиз учун

$$
\begin{aligned}
y_1^{(1,2)} &= (\alpha_{10} + \alpha_{11}x)e^x,\\
y_2^{(1,2)} &= (\alpha_{20} + \alpha_{21}x)e^x,\\
y_3^{(1,2)} &= (\alpha_{30} + \alpha_{31}x)e^x
\end{aligned}
\qquad (3)
$$

кўринишдаги ечимларга эга бўламиз. $a_{ij}(i=\overline{1,3},\ j=\overline{0,1})$ коэффициентлар берилган системага $y_1,\ y_2,\ y_3,\ y_1',\ y_2',\ y_3'$ ларни қўйиш ёрдамида ҳосил бўлган қуйидаги системадан аниқланади. $e^x\neq 0$ га қисқартирилгандан сўнг

$$\left.\begin{array}{l}\alpha_{11}+\alpha_{10}+\alpha_{11}x=\alpha_{20}+\alpha_{21}x+\alpha_{30}+\alpha_{31}x,\\ \alpha_{21}+\alpha_{20}+\alpha_{21}x=\alpha_{11}x+\alpha_{10}+\alpha_{20}+\alpha_{21}x-\alpha_{30}-\alpha_{31}x,\\ \alpha_{31}+\alpha_{30}+\alpha_{31}x=\alpha_{20}+\alpha_{21}x+\alpha_{30}+\alpha_{31}x\end{array}\right\}$$

системага эга бўламиз. Бундан чап ва ўнг қисмидаги x нинг бир хил даражалари олдидаги коэффициентларни тенглаб

$$\left.\begin{array}{l}\alpha_{11}+\alpha_{10}=\alpha_{20}+\alpha_{30},\\ \alpha_{11}=\alpha_{21}+\alpha_{31},\\ \alpha_{21}+\alpha_{20}=\alpha_{10}+\alpha_{20}-\alpha_{30},\\ \alpha_{21}=\alpha_{11}+\alpha_{21}-\alpha_{31},\\ \alpha_{31}=\alpha_{21}+\alpha_{31},\\ \alpha_{31}+\alpha_{30}=\alpha_{20}+\alpha_{30}\end{array}\right\}$$

системани ҳосил қиламиз. Бундан $\alpha_{20}=\alpha_{31}=\alpha_{11}$, $\alpha_{30}=\alpha_{10}$, $\alpha_{20}=0$ ни топамиз. α_{10} ва α_{11} сонларни ихтиёрий параметр деб олишимиз мумкин. $\alpha_{10}=C_1$ ва $\alpha_{11}=C_2$ деб белгиласак, (3) ечимни қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$y_1^{(1,2)}=(C_1+C_2x)e^x\,,\ \ y_2^{(1,2)}=C_1e^x\,,\ \ y_3^{(1,2)}=(C_1+C_2x)e^x\,. \quad (4)$$

$\lambda_3=0$ илдиз учун (7.61) формулага асосан

$$y_1^{(3)}=\alpha_1^{(3)}e^{0x}=\alpha_1^{(3)}\,,\ y_2^{(3)}=\alpha_2^{(3)}e^{0x}=\alpha_2^{(3)}\,,\ y_3^{(3)}=\alpha_3^{(3)}e^{0x}=\alpha_3^{(3)} \quad (5)$$

ечимлар мос келади. $\alpha_1^{(3)},\ \alpha_2^{(3)},\ \alpha_3^{(3)}$ сонлари (7.62) системадан аниқланади:

$$\left.\begin{array}{l}\alpha_2^{(3)}+\alpha_3^{(3)}=0,\\ \alpha_1^{(3)}+\alpha_2^{(3)}-\alpha_3^{(3)}=0,\\ \alpha_2^{(3)}+\alpha_3^{(3)}=0.\end{array}\right\}$$

Системанинг ечими: $\alpha_1^{(3)}=2C_3$, $\alpha_2^{(3)}=-C_3$, $\alpha_3^{(3)}=C_3$.

Демак, $\lambda_3=0$ илдиз учун (1) системанинг (5) кўринишдаги ечими қуйидаги кўринишда бўлади:

$$y_1^{(3)} = 2C_3\,,\;\; y_2^{(3)} = -C_3\,,\;\; y_3^{(3)} = C_3\,,$$

бунда C_3 — ихтиёрий ўзгармас сон.

Берилган системанинг умумий ечими

$$\left.\begin{aligned} y_1 &= y_1^{(1,2)} + y_1^{(3)} = (C_1 + C_2 x)e^x + 2C_3, \\ y_2 &= y_2^{(1,2)} + y_2^{(3)} = C_1 e^x - C_3, \\ y_3 &= y_3^{(1,2)} + y_3^{(3)} = (C_1 + C_2 x)e^x + C_3 \end{aligned}\right\}$$

кўринишда бўлади.

Агар система бир жинсли бўлмаса, унга мос бир жинсли системанинг (7.63) кўринишдаги умумий ечимини билган ҳолда бу ечимдаги $C_1, C_2, \ldots, C_n$ ихтиёрий ўзгармасларни вариациялаш усули билан берилган бир жинсли бўлмаган системанинг умумий ечимини топиш мумкин. Бир жинсли бўлмаган системанинг умумий ечимини ҳар доим (7.63) кўринишда ёзиш мумкинлиги исбот қилинган. Бунда (7.63) даги $C_1, C_2, \ldots, C_n$ ихтиёрий ўзгармасларни унга мос $C_1(x), C_2(x), \ldots, C_n(x)$ (ҳар бирига мос $C_1, C_2, \ldots, C_n$ ихтиёрий ўзгармаслар иштирок этувчи) функциялар билан алмаштириш керак. Бу функцияларни берилган бир жинсли бўлмаган система ёрдамида аниқланади. Унинг учун системага $y_1, y_2, \ldots, y_n$, $y_1', y_2', \ldots, y_n'$ ларнинг қийматини қўйиб $C_1'(x), C_2'(x), \ldots, C_n'(x)$ ларга нисбатан n та чизиқли алгебраик тенгламалар системасига эга бўламиз. Бу системанинг ечими ҳар доим мавжуд ва у қуйидаги кўринишда бўлади:

$$C_1'(x) = \varphi_1(x), C_2'(x) = \varphi_2(x), \ldots, C_n'(x) = \varphi_n(x),$$

бунда $\varphi_i(x)$ ($i = \overline{1,n}$) — маълум функциялар. Бу тенгликларни интеграллаб $C_1(x), C_2(x), \ldots, C_n(x)$ функцияларни топамиз:

$$C_i(x) = \int \varphi_i(x)\, dx + C_i,$$

бунда C_i — ихтиёрий ўзгармас. (7.63) ечимдаги $C_i = \mathrm{const}$ нинг ўрнига $C_i(x)$ аниқланган қийматларни қўйиб бир жинсли бўлмаган тенгламалар системасининг умумий ечимини ҳосил қиламиз. Буни қуйидаги мисолда кўрсатамиз.

4-мисол. Ушбу

$$\left.\begin{aligned} y_1' &= 4y_1 - 5y_2 - 4x + 1, \\ y_2' &= y_1 - 2y_2 + x \end{aligned}\right\} \qquad (1)$$

системанинг $y_1(0) = 1$, $y_2(0) = 2$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг.

Ечиш. Дастлаб бир жинсли бўлган системанинг умумий ечимини топамиз:

$$\left.\begin{aligned} y_1' &= 4y_1 - 5y_2, \\ y_2' &= y_1 - 2y_2. \end{aligned}\right\} \qquad (2)$$

(2) нинг характеристик тенгламаси

$\begin{vmatrix} 4-\lambda & -5 \\ 1 & -2-\lambda \end{vmatrix} = \lambda^2 - 2\lambda - 3 = 0$ бўлиб, у $\lambda_1 = -1$, $\lambda_2 = 3$

илдизларга эга. (2) системанинг умумий ечими

$$\begin{aligned} y_1 &= C_1 e^{-x} + 5C_2 e^{3x}, \\ y_2 &= C_2 e^{-x} + C_2 e^{3x} \end{aligned} \qquad (3)$$

кўринишда бўлади. (3) ечимдаги C_1 ва C_2 ўзгармасларни $C_1(x)$ ва $C_2(x)$ ноъмалум функциялар деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, (3) даги y_1 ва y_2 лар (1) системанинг ечими деб оламиз. (3) нинг ҳосиласини топамиз:

$$y_1' = C_1'(x)e^{-x} - C_1(x)e^{-x} + 5C_2'(x)e^{3x} + 15C_2e^{3x}$$

$$y_2' = C_1'(x)e^{-x} - C_1(x)e^{-x} + C_2'(x)e^{3x} + 3C_2e^{3x}.$$

(1) системага y_1, y_2, y_1', y_2' қийматларни қўямиз ва ўхшаш ҳадларни ихчамлангандан сўнг

$$\left.\begin{aligned} C_1'(x)e^{-x} + 5C_2'(x)e^{3x} &= 4x + 1, \\ C_1'(x)e^{-x} + C_2'(x)e^{3x} &= x \end{aligned}\right|$$

системага эга бўламиз. Бу системанинг ечими:

$$C_1'(x) = \frac{1}{4}(x-1)e^{x},\ C_2'(x) = \frac{1}{4}(3x+1)e^{3x}.$$

Охирги тенгликларни интеграллаб, топамиз:

$$C_1(x) = \frac{1}{4}(x-2)e^x + C_1, \; C_2(x) = -\frac{1}{12}(3x+1)e^{3x} + C_2.$$

(3) тенгликдаги C_1 ва C_2 ни ўрнига $C_1(x)$ ва $C_2(x)$ ларни қўйиб, берилган бир жинсли бўлмаган система нинг умумий ечимини ҳосил қиламиз:

$$y_1 = C_1e^{-x} + 5C_2e^{3x} + \frac{1}{4}(x-2) - \frac{5}{12}(3x+2),$$

$$y_2 = C_1e^{-x} + C_2e^{3x} + \frac{1}{4}(x-2) - \frac{1}{12}(3x+2).$$

Бошланғич шартлардан фойдаланиб C_1 ва C_2 ўзгармасларни аниқлаймиз:

$$\left.\begin{aligned} 1 &= C_1 + 5C_2 - \frac{1}{2} - \frac{5}{6}, \\ 2 &= C_1 + C_2 - \frac{1}{2} - \frac{1}{6}, \end{aligned}\right|$$

бундан $C_1 = \frac{11}{4}$, $C_2 = -\frac{1}{12}$.

Шундай қилиб қуйидаги хусусий ечимга эга бўламиз:

$$y_1 = \frac{11}{4}e^{-x} - \frac{5}{12}e^{3x} + \frac{1}{4}(x-2) - \frac{5}{12}(3x+2),$$

$$y_2 = \frac{11}{4}e^{-x} - \frac{1}{12}e^{3x} + \frac{1}{4}(x-2) - \frac{1}{12}(3x+2).$$

2 - у с у л . (7.59) системани интеграллашнинг иккинчи усули (*чиқариш усули*) қуйидагидан иборат. Бирор шартни қаноатлантирган ҳолда y_1 функциядан бошқа ҳамма номаълум функцияларни ҳар доим чиқариш (йўқотиш) мумкин. Натижада $y_1(x)$ учун битта n-тартибли ўзгармас коэффициентли (агар (7.59) системада $a_{ij} = \text{const}$ бўлса) чизиқли бир жинсли бўлмаган дифференциал тенглама ҳосил қиламиз. Уни ечиб, сўнгра ечимини дифференциаллаш ёрдамида қолган ҳамма номаълум $y_2(x), y_3(x), \ldots, y_n(x)$ функцияларни топамиз. Бу ишлар қуйидагича бажарилади. (7.59) системадаги биринчи тенгламанинг иккала қисмини x бўйича дифференциаллаймиз, сўнгра унга системадаги $y_1', y_2', \ldots, y_n'$ қийматларини қўямиз:

$$y_1'' = a_{11}y_1' + a_{12}y_2' + \ldots + a_{1n}y_n' + f_1'(x) =$$
$$= I_2(y_1, y_2, \ldots, y_n) + F_2(x), \qquad (7.67)$$

бунда $I_2(y_1, y_2, \ldots, y_n)$ — ўзгармас коэффициентли $y_1, y_2, \ldots, y_n$ функцияларнинг маълум чизиқли комбинацияси, $F_2(x)$ эса $f_1(x), f_2(x), \ldots, f_n(x)$ ва $f_1'(x)$ функцияларнинг чизиқли комбинациясини билдиради. (7.67) нинг иккала қисмини x бўйича дифференциаллаб

$$y_1''' = I_3(y_1, y_2, \ldots, y_n) + F_3(x)$$

чизиқли бир жинсли бўлмаган тенгламага эга бўламиз. Бу жараённи такрорлаб

$$y_1^{(n)} = I_n(y_1, y_2, \ldots, y_n) + F_n(x)$$

ни топамиз.

Натижада қуйидаги n та тенгламалар системасига эга бўламиз:

$$\left.\begin{array}{l} y_1' = a_{11}y_1 + a_{12}y_2 + \ldots + a_{1n}y_n + f_1(x), \\ y_1'' = I_2(y_1, y_2, \ldots, y_n) + F_2(x), \\ \ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots \\ y_1^{(n-1)} = I_{n-1}(y_1, y_2, \ldots, y_n) + F_{n-1}(x), \\ y_1^{(n)} = I_n(y_1, y_2, \ldots, y_n) + F_n(x). \end{array}\right| \qquad (7.68)$$

(7.68) тенгламалар системасидаги дастлабки n-1 та тенгламалар $y_2, y_3, \ldots, y_n$ функцияларга нисбатан ечиладиган тенгламалардир. Бу функциялар $x, y_1, y_1', y_1'', \ldots, y_1^{(n-1)}$ лар орқали қуйидагича ифодаланилади:

$$\begin{array}{l} y_2 = \varphi_2(x, y_1, y_1', y_1'', \ldots, y_1^{(n-1)}), \\ y_3 = \varphi_3(x, y_1, y_1', y_1'', \ldots, y_1^{(n-1)}), \\ \ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots \\ y_n = \varphi_n(x, y_1, y_1', y_1'', \ldots, y_1^{(n-1)}). \end{array} \qquad (7.69)$$

(7.68) системанинг охирги тенгламасидаги $y_2, y_3, \ldots, y_n$ ларни ўрнига (7.69) системадаги ифодаларни қўйиб, қуйидаги ўзгармас коэффициентли n-тартибли чизиқли бир жинсли бўлмаган дифференциал тенгламага эга бўламиз:

$$y_1^{(n)} = F(x, y_1, y_1', \ldots, y_1^{(n-1)}).$$

Унинг умумий ечими (5-§ ни кўринг) бизга маълум усул ёрдамида аниқланади:

$$y_1 = \phi_1(x, C_1, C_2, \ldots, C_n). \tag{7.70}$$

Охирги ифодани x бўйича n-1 марта дифференциаллаб $y_1{}', y_1{}'', \ldots, y_1^{(n-1)}$ ҳосилаларни топамиз. Бу ҳосилаларни (7.69) системага қўйиб ва (7.70) функция билан биргаликда берилган системанинг умумий ечимини ҳосил қиламиз:

$$\begin{aligned} y_1 &= \phi_1(x, C_1, C_2, \ldots, C_n), \\ y_2 &= \phi_2(x, C_1, C_2, \ldots, C_n), \\ y_3 &= \phi_3(x, C_1, C_2, \ldots, C_n), \\ &\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots \\ y_n &= \phi_n(x, C_1, C_2, \ldots, C_n). \end{aligned} \tag{7.71}$$

Қуйидаги мисолни кўрамиз.

5-мисол. Ушбу

$$\left.\begin{aligned} y_1' &= 3y_1 - y_2 + y_3 + e^x, \\ y_2' &= y_1 + y_2 + y_3 + x, \\ y_3' &= 4y_1 - y_2 + 4y_3 \end{aligned}\right| \tag{1}$$

системанинг чиқариш усули билан умумий ечимини ва

$$y_1(0) = 0,34, \quad y_2(0) = -0,16, \quad y_3(0) = 0,27 \tag{2}$$

бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимни топинг.

Ечиш. (1) системанинг биринчи тенгламасини x бўйича дифференциаллаймиз ва $y_1{}', y_2{}', y_3{}'$ ларнинг ўрнига бу системадаги уларнинг ифодаларини қўямиз.

Натижада

$$y_1{}'' = 3y_1{}' - y_2{}' + y_3{}' + e^x = 3(3y_1 - y_2 + y_3 + e^x) -$$

$$-(y_1 + y_2 + y_3 - x) + 4y_1 - y_2 + 4y_3 + e^x =$$

$$= 12y_1 - 5y_2 + 6y_3 + 4e^x + x$$

ҳосил бўлади. y_1'' ни x бўйича дифференциаллаймиз ва яна y_1', y_2', y_3' ларнинг ўрнига (1) системадаги ифодаларини қўямиз:

$$y_1''' = 12y_1' - 5y_2' + 6y_3' + 4e^x + 1 = 12(3y_1 - y_2 + y_3 + e^x) -$$

$$-5(y_1 + y_2 + y_3 - x) + 6(4y_1 - y_2 + 4y_3) + 4e^x + x =$$

$$= 55y_1 - 23y_2 + 31y_3 + 16e^x + 6x.$$

Демак, бу ҳол учун (7.68) система қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\left.\begin{array}{l} y_1' = 3y_1' - y_2' + y_3' + e^x, \\ y_1'' = 12y_1' - 5y_2' + 6y_3' + 4e^x + x, \\ y_1''' = 55y_1' - 23y_2' + 31y_3' + 16e^x + 6x. \end{array}\right| \qquad (3)$$

Биринчи ва иккинчи тенгламалардан y_2 ва y_3 ларни топамиз:

$$\begin{array}{l} y_2 = y_1'' - 6y_1' + 6y_1 + 2e^x - x, \\ y_3 = y_1'' - 5y_1' + 3y_1 + e^x - x. \end{array} \qquad (4)$$

y_2 ва y_3 нинг қийматларини (3) системадаги учинчи тенгламага қўямиз:

$$y_1''' = 55y_1 - 23(y_1'' - 6y_1' + 2e^x - x) + 31(y_1'' - 5y_1' +$$

$$+3y_1 + e^x - x) + 16e^x + 6x = 8y_1'' - 17y_1' + 10y_1 + e^x - 2x.$$

Бундан

$$y_1''' - 8y_1'' + 17y_1' - 10y_1 = e^x - 2x \qquad (5)$$

кўринишдаги учинчи тартибли ўзгармас коэффициентли чизиқли бир жинсли бўлмаган тенгламага эга бўламиз. Бундай тенгламани ечиш усулини (5-§ га қаранг) биламиз. Тенгламанинг характеристик тенгламасини тузамиз:

$$\lambda^3 - 8\lambda^2 + 17\lambda - 10 = 0. \qquad (6)$$

Унинг илдизлари $\lambda_1 = 1,\ \lambda_2 = 2,\ \lambda_3 = 5$. (5) тенгламанинг мос бир жинсли тенгламасининг умумий ечими y_1 қуйидаги кўринишда бўлади:

$$y_1 = C_1e^x + C_2e^{2x} + C_3e^{5x}.$$

(5) тенгламанинг ўнг қисми (7.49) ва (7.53) кўриниш-даги функциялар йиғиндисидан, яъни $f(x) = f_1(x) + f_2(x)$, $f_1(x) = e^x$, $f_2(x) = 2x$ дан иборат $f_1(x) = e^x$ учун $z = 1$ га тенг, чунки $\lambda_1 = 1$ тўғри келади, шунинг учун $k = 1$. $f_2(x) = -2x$ учун $z = 0$ ва у характеристик тенгламанинг илдизлари ичида йўқ, шунинг учун $k = 0$.

Демак, (5) тенгламанинг хусусий ечими y_1^* ни қуйидаги кўринишда излаймиз:

$$y_1^* = Axe^x + Bx + C,$$

бунда A, B, C номаълум сонлар. Бу сонларни топиш учун $y_1^{*\prime}, y_1^{*\prime\prime}, y^{*\prime\prime\prime}$ ҳосилаларни топиб, уларни y_1^* билан биргаликда (5) тенгламага қўямиз:

$$y_1^{*\prime} = Ae^x + Axe^x + B,\quad y_1^{*\prime\prime} = 2Ae^x + Axe^x,$$

$$y_1^{*\prime\prime\prime} = 3Ae^x + Axe^x,$$

$$3Ae^x + Axe^x - 8(2Ae^x + Axe^x) + 17(Ae^x + Axe^x + B) -$$

$$-10(Axe^x + Bx + C) = e^x - 2x,$$

$$4Ae^x + 17B - 10Bx - 10C = e^x - 2x,$$

$$\left.\begin{aligned} &4A = 1, \\ &-10B = -2, \\ &17B - 10C = 0, \end{aligned}\right|$$

бундан $A = \frac{1}{4}$, $B = \frac{1}{5}$, $C = \frac{17}{50}$.

Шундай қилиб,

$$y_1^* = \frac{1}{4}xe^x + \frac{1}{5}x + \frac{17}{50}.$$

(5) тенгламанинг умумий ечими

$$y_1 = \overline{y}_1 + y_1^* = C_1x + C_2e^{2x} + C_3e^{5x} + \frac{1}{4}xe^x + \frac{1}{5}x + \frac{17}{50}$$

функциядан иборат бўлади.

Системанинг умумий ечимини топиш учун y_1', y_1'' ҳосилаларни топиб, уларни (4) тенгликка қўямиз:

Изланаётган хусусий ечим қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\left.\begin{aligned} y_1 &= \frac{1}{4}xe^x + \frac{1}{5}x + \frac{17}{50}, \\ y_2 &= \frac{1}{4}xe^x - e^x + \frac{6}{5}x + \frac{21}{25}, \\ y_3 &= -\frac{1}{4}xe^x + \frac{1}{4}e^x - \frac{2}{5}x + \frac{1}{50}. \end{aligned}\right\}$$

Машқлар

Қуйидаги дифференциал тенгламалар системасининг умумий ечимини топинг:

360. $\begin{cases} y_1' = -7y_1 + y_2, \\ y_2' = -2y_1 - 5y_2. \end{cases}$ 361. $\begin{cases} y_1' = y_1 - 3y_2, \\ y_2' = 3y_1 + y_2. \end{cases}$

362. $\begin{cases} y_1' = -5y_1 + 2y_2 + e^x, \\ y_2' = y_1 + 6y_2 + e^{-2x}. \end{cases}$ 363. $\begin{cases} y_1' = 3y_1 - 2y_2 + x, \\ y_2' = 3y_1 - 4y_2. \end{cases}$

364. $\begin{cases} y_1' = y_1 - y_2, \\ y_2' = y_1 + y_2 + e^x. \end{cases}$

365. $\begin{cases} y_1' = y_1 + y_2 - \cos x, \\ y_2' = -2y_1 - y_2 + \sin x + \cos x. \end{cases}$

366. $\begin{cases} y_1' = y_1 - y_2 + y_3, \\ y_2' = y_1 + y_2 - y_3, \\ y_3' = 2y_1 - y_2. \end{cases}$ 367. $\begin{cases} y_1' = 5y_1 + 2y_2 - 3y_3, \\ y_2' = 4y_1 + 5y_2 - 4y_3, \\ y_3' = 6y_1 + 4y_2 - 4y_3. \end{cases}$

Қуйидаги дифференциал тенгламалар системаси учун Коши масаласини ечинг:

369. $\begin{cases} y_1' = y_2, \\ y_2' = y_3, \quad y_1(0) = y_2(0) = y_3(0) = 1. \\ y_3' = y_1, \end{cases}$

370. $\begin{cases} y_1' = y_2 + y_3, \\ y_2' = y_1 + y_3, \quad y_1(0) = -1, \; y_2(0) = 1, \; y_3(0) = 0. \\ y_3' = y_1 + y_2, \end{cases}$

8-§. Биринчи мустақил уй иши

Мустақил уй ишининг ҳар бир вариантида бешта мисол бўлиб, уларнинг шарти қуйидагича.

1-, 2-, 3-, 5-мисолларда: берилган дифференциал тенгламанинг умумий ечимини (умумий интегралини) топиш керак.

4-мисолда: дифференциал тенгламанинг берилган бошлангич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини (хусусий интегралини) топиш керак.

Қуйида вариант мисолларини ечиш намунасини келтирамиз.

Дифференциал тенгламанинг умумий ечимини (умумий интегралини) топинг.

1. $(xy^2 + x)dx + (y - x^2y)dy = 0$.

Ечиш. Берилган тенгламани қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз:

$$y(1 - x^2)dy = -x(y^2 + 1)dx .$$

Бу тенглама ўзгарувчилари ажраладиган тенглама. Ўзгарувчиларни ажратамиз:

$$\frac{ydy}{1+y^2} = \frac{-xdx}{1-x^2} .$$

Охирги тенгламанинг иккала қисмини интеграллаймиз:

$$\int \frac{ydy}{1+y^2} = \int \frac{xdx}{1-x^2}, \quad \frac{1}{2}\ln(1 + y^2) = \frac{1}{2}\ln\left|x^2 - 1\right| + \frac{1}{2}\ln C ,$$

$$y^2 + 1 = C\left|x^2 - 1\right|, \quad y^2 = C\left|x^2 - 1\right| - 1 .$$

Демак, берилган тенгламанинг умумий ечими

$$y = \pm\sqrt{C\left|x^2 - 1\right| - 1}$$

функциялардан иборат бўлади.

2. $\sec^2 x\,\mathrm{tg}y dx + \sec^2 y\,\mathrm{tg}x dy = 0$.

Е ч и ш . Берилган тенглама ўзгарувчилари ажраладиган дифференциал тенглама. Ўзгарувчиларни ажратамиз ва уларни интеграллаймиз:

$$\frac{\sec^2 ydy}{\mathrm{tg}y} = -\frac{\sec^2 xdx}{\mathrm{tg}x}, \ \int \frac{\sec^2 ydy}{\mathrm{tg}y} = -\int \frac{\sec^2 xdx}{\mathrm{tg}x}.$$

$$\int \frac{d(\mathrm{tg}y)}{\mathrm{tg}y} = -\int \frac{d(\mathrm{tg}x)}{\mathrm{tg}x}, \ \ln|\mathrm{tg}y| = -\ln|\mathrm{tg}x| + \ln C,$$

$$\mathrm{tg}y = \frac{C}{\mathrm{tg}x}, \ \mathrm{tg}y \cdot \mathrm{tg}x = C,$$

яъни дифференциал тенгламанинг умумий интегралини ҳосил қилдик.

3. $y - x\dfrac{dy}{dx} = x + y\dfrac{dy}{dx}$.

Е ч и ш . Берилган тенгламадан $\dfrac{dy}{dx}$ ни топамиз:

$$\frac{dy}{dx} = \frac{y-x}{x+y}.$$

Бу тенглама биринчи тартибли бир жинсли тенгламадан иборат. Уни $y = x \cdot u(x)$ алмаштириш ёрдамида ечамиз:

$$y' = u'x + u, \ u'x + u = \frac{ux-x}{x+ux}, \ u'x + u = \frac{u-1}{1+u},$$

$$u'x = \frac{u-1}{1+u} - u = \frac{-u^2-1}{u+1}, \ x\frac{du}{dx} = -\frac{u^2+1}{u+1}.$$

Ўзгарувчилари ажраладиган тенглама ҳосил қилдик, уни ечамиз:

$$\frac{u+1}{u^2+1}du = -\frac{dx}{x}, \ \int \frac{u+1}{u^2+1}du = -\int \frac{dx}{x},$$

$$\frac{1}{2}\int \frac{2udu}{u^2+1} + \int \frac{du}{u^2+1} = -\ln|x| + \ln|C|,$$

$$\frac{1}{2}\ln\left|u^2+1\right| + \mathrm{arctg}u = \ln\left|\frac{C}{x}\right|, \ \mathrm{arctg}u = \ln\left|\frac{C}{x\sqrt{u^2+1}}\right|,$$

$$\mathrm{arctg}\frac{y}{x} = \ln\frac{|C|}{\sqrt{x^2+y^2}},$$

яъни берилган тенгламанинг умумий интегралини топдик.

4. Ушбу

$$dy - e^{-x}dx + ydx - xdy = xydx$$

дифференциал тенгламанинг $y(0) = \ln 5$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг.

Ечиш. Тенгламада қуйидаги алмаштиришларни бажариб ҳосилани топамиз:

$$\frac{dy}{dx} = \frac{xy + e^{-y} - y}{1-x}, \quad \frac{dy}{dx} + \frac{1-x}{1-x}y = \frac{e^{-x}}{1-x}.$$

$\frac{dy}{dx} + y = \frac{e^{-x}}{1-x}$ тенглама биринчи тартибли чизиқли тенглама бўлгани учун ечимни $y = u(x) \cdot v(x)$ алмаштириш ёрдамида топамиз:

$$y' = u'v + uv', \quad u'v + uv' + uv = \frac{e^{-x}}{1-x},$$

$$u'v + u\left(\frac{dv}{dx} + v\right) = \frac{e^{-x}}{1-x}. \qquad (1)$$

$\frac{dv}{dx} + v = 0$ шартдан фойдаланиб, $v(x)$ функцияни топамиз:

$$\frac{dv}{dx} = -v, \quad \frac{dv}{v} = -dx, \quad \int \frac{dv}{v} = -\int dx$$

$$\ln|v| = -x, \quad v = e^{-x}.$$

$v(x)$ учун топилган ифодани (1) тенгламага қўямиз:

$$\frac{du}{dx}e^{-x} = \frac{e^{-x}}{1-x}, \quad \frac{du}{dx} = \frac{1}{1-x},$$

$$du = \frac{dx}{1-x}, \quad \int du = \int \frac{dx}{1-x}, \quad u = -\ln|1-x| + \ln C, \quad u = \ln\frac{C}{|1-x|}.$$

У ҳолда

$$y = uv = e^{-x}\ln\frac{C}{|1-x|}$$

функция берилган тенгламанинг умумий ечими бўлади. Бошланғич шартдан фойдаланиб ўзгармас C ни топамиз:

$$y(0) = \ln C = \ln 5, \quad C = 5.$$

Берилган тенгламанинг хусусий ечими

$$y = e^{-x} \ln \frac{5}{|1-x|}$$

функциядан иборат бўлади.

5. Ушбу

$$(1 + x^2)\frac{dy}{dx} = xy + x^2y^2$$

дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Тенгламанинг турини аниқлаш учун алмаштиришлар бажариб,

$$\frac{dy}{dx} - \frac{x}{1+x^2}y = \frac{x^2}{1+x^2}y^2$$

кўринишдаги тенгламага эга бўламиз. Бу тенглама Бернулли тенгламаси бўлгани учун уни $y = u(x) \cdot v(x)$ алмаштириш ёрдамида ечамиз:

$$y' = u'v + uv', \; u'v + uv' - \frac{x}{1+x^2}uv = \frac{x^2}{1+x^2}u^2v^2,$$

$$u'v + u\left(\frac{dv}{dx} - \frac{xv}{1+x^2}\right) = \frac{x^2u^2v^2}{1+x^2}. \qquad (1)$$

$\frac{dv}{dx} - \frac{xv}{1+x^2} = 0$ шартдан фойдаланиб $v(x)$ функцияни топамиз:

$$\frac{dv}{dx} = \frac{xv}{1+x^2}, \; \frac{dv}{v} = \frac{xdx}{1+x^2}, \; \int\frac{dv}{v} = \int\frac{xdx}{1+x^2}$$

$$\ln|v| = \frac{1}{2}\ln(1 + x^2), \; v = \sqrt{1 + x^2}.$$

$v(x)$ учун аниқланган ифодани (1) тенгламага қўямиз:

$$\frac{du}{dx}\sqrt{1 + x^2} = \frac{x^2u^2(1+x^2)}{1+x^2}, \; \frac{du}{u^2} = \frac{x^2dx}{\sqrt{1+x^2}},$$

$$\int\frac{du}{u^2} = \int\frac{x^2dx}{\sqrt{1+x^2}}, \; \int\frac{du}{u^2} = -\frac{1}{u},$$

$$\int\frac{x^2dx}{\sqrt{1+x^2}}\left|\begin{matrix} u_1(x) = x, & du_1 = dx \\ dv_1 = \frac{xdx}{\sqrt{1+x^2}}, & v_1 = \sqrt{1 + x^2} \end{matrix}\right| =$$

$$= x\sqrt{1+x^2} - \int \sqrt{1+x^2}\,dx = x\sqrt{1+x^2} - \int \frac{1+x^2}{\sqrt{1+x^2}}\,dx =$$

$$= x\sqrt{1+x^2} - \int \frac{dx}{\sqrt{1+x^2}} - \int \frac{x^2 dx}{\sqrt{1+x^2}} =$$

$$= x\sqrt{1+x^2} - \ln\left|x + \sqrt{1+x^2}\right| - \int \frac{x^2 dx}{\sqrt{1+x^2}} - 2C\ .$$

Охирги тенгламадан қуйидаги тенгликни ҳосил қиламиз:

$$2\int \frac{x^2 dx}{\sqrt{1+x^2}} = x\sqrt{1+x^2} - \ln\left|x + \sqrt{1+x^2}\right| - 2C\ ,$$

$$\int \frac{x^2 dx}{\sqrt{1+x^2}} = \frac{1}{2}x\sqrt{1+x^2} - \frac{1}{2}\ln\left|x + \sqrt{1+x^2}\right| - C\ .$$

Демак,

$$-\frac{1}{u} = \frac{1}{2}x\sqrt{1+x^2} - \frac{1}{2}\ln\left|x + \sqrt{1+x^2}\right| - C\ ,$$

$$\frac{1}{u} = \frac{1}{2}\ln\left|x + \sqrt{1+x^2}\right| - \frac{1}{2}x\sqrt{1+x^2} + C\ ,$$

$$u = \left(\frac{1}{2}\ln\left|x + \sqrt{1+x^2}\right| - \frac{1}{2}x\sqrt{1+x^2} + C\right)^{-1}.$$

Берилган тенгламанинг умумий ечими

$$y = \frac{\sqrt{1+x^2}}{\frac{1}{2}\ln\left|x+\sqrt{1+x^2}\right| - \frac{1}{2}x\sqrt{1+x^2} + C}$$

формула билан аниқланади.

1-вариант

1. $e^{x+3y}dy = xdx$.
2. $y' + y + y^2 = 0$.
3. $y^2 + x^2 y' = xyy'$.

4. $y' - y = e^x, \quad y(0) = 1$.

5. $xy' 2y + x^5 y^3 e^x = 0$.

2-вариант

1. $\sin y \cos x dy = \cos y \sin x dx$.

2. $y^2 \ln x dx - (y-1) x dy = 0$.

3. $xy' - y = x \mathrm{tg} \frac{y}{x}$.

4. $xy' + y + e^{-x^2} = 0, \quad y(1) = \frac{1}{2e}$.

5. $y' x^3 \sin y = xy' - 2y$.

3-вариант

1. $y' = (2y+1) \mathrm{tg} x$.

2. $(x + y^2) dy + y dx - y^2 dx = 0$.

3. $xy' = y - xe^x$.

4. $\cos y dx = (x + 2\cos y) \sin y dy, \quad y(0) = \frac{\pi}{4}$.

5. $(2x^2 y \ln y - x) y' = y$.

4-вариант

1. $(\sin(x+y) + \sin(x-y)) dx + \frac{dy}{\cos y} = 0$.

2. $y' + 2y - y^2 = 0$.

3. $xy' - y = (x+y) \ln \frac{x+y}{x}$.

4. $x^2 y' + xy + 1 = 0, \quad y(1) = 0$.

5. $2y' - \frac{x}{y} = \frac{xy}{x^2 - 1}$.

5-вариант

1. $(1 + e^x) yy' = e^x$.

2. $(x^2 + x) y dx + (y^2 + 1) dy = 0$.

3. $xy' = y \cos \ln \frac{y}{x}$.

4. $yx' + x = 4y^3 + 3y^2, \ \ y(2) = 1$.

5. $xy' - 2x^2\sqrt{y} = 4y$.

6-вариант

1. $\sin x \operatorname{tg} y dx - \frac{dy}{\sin x} = 0$.

2. $(xy^3 + x)dx + (x^2y^2 - y^2)dy = 0$.

3. $(y + \sqrt{xy})dx = xdy$.

4. $(2xy + y)dy = ydx + 4\ln y dy, \ \ y(0) = 1$.

5. $xy^2y' = x^2 + y^3$.

7-вариант

1. $3e^x \sin y dx + (1 - e^x)\cos y dy = 0$.

2. $(1 + y^2)dx - (y + yx^2)dy = 0$.

3. $xy' = \sqrt{x^2 - y^2} + y$.

4. $y' = \frac{y}{3x^2 - y^2}, \ \ y(0) = 1$.

5. $(x + 1)(y' + y^2) = -y$.

8-вариант

1. $y' = \frac{e^{2x}}{\ln y}$.

2. $y' = 2xy + x$.

3. $y = x(y' - \sqrt[x]{e^y})$.

4. $(1 - 2xy)y' = y(y - 1), \ \ y(0) = 1$.

5. $y'x + y = -xy^2$.

9-вариант

1. $3^{x^2 + y} dy + xdx = 0$.

2. $y - xy' = 3(1 + x^2y')$.

3. $y' = \frac{x}{y} - 1$.

4. $x(y' - y) = e^x, \; y(1) = 0$.

5. $y' - xy = -y^3 e^{-x^2}$.

10-вариант

1. $(\cos(x - 2y) + \cos(x + 2y))y' = \sec x$.

2. $2xyy' = 1 - x^2$.

3. $y'x + x + y = 0$.

4. $y = x(y' - x\cos x), \; y\left(\frac{\pi}{2}\right) = 0$.

5. $xy' - 2\sqrt{x^3} \cdot y = y$.

11-вариант

1. $y' = e^{x^2} x(1 + y^2)$.

2. $(x^2 - 1)y' - xy = 0$.

3. $ydx + (2\sqrt{xy} - x)dy = 0$.

4. $(xy' - 1)\ln x = 2y, \; y(e) = 0$.

5. $y' + xy = x^3 y^3$.

12-вариант

1. $\mathrm{ctg}x \cos^2 ydx + \sin^2 x\mathrm{tg}ydy = 0$.

2. $(y^2 x + y^2)dy + xdx = 0$.

3. $xdy - ydx = \sqrt{x^2 + y^2}dx$.

4. $(2e^y - x)y' = 1, \; y(0) = 0$.

5. $y' = \frac{x}{y}e^{2x} + y$.

13-вариант

1. $y'\sin x = y\cos x + 2\cos x$.

2. $(1 + x^3)y^3 dx - (y^2 - 1)x^3 dy = 0$.

3. $(4x^2 + 3xy + y^2)dx + (4y^2 + 3xy + x^2)dy = 0$.

4. $xy' + (x+1)y = 3x^2e^{-x}, \; y(1) = 0$.

5. $yx' + x = -yx^2$.

14-вариант

1. $1 + (1 + y')e^y = 0$.
2. $xy' - y = y^2$.
3. $(x - y)ydx - x^2dy = 0$.
4. $(x + y^2)dy = ydx, \; y(0) = 1$.
5. $x(x-1)y' + y^3 = xy$.

15-вариант

1. $y'\mathrm{ctg}x + y = 2$.
2. $\sqrt{y^2+1}dx = xydy$.
3. $xy + y^2 = (2x^2 + xy)y'$.
4. $(\sin^2 y + x\mathrm{ctg}y)y' = 1, \; y(0) = \frac{\pi}{2}$.
5. $2x^3yy' + 3x^2y^2 + 1 = 0$.

16-вариант

1. $\frac{e^{-x^2}}{x}dy + \frac{1}{\cos^2 y}dx$.
2. $y' - xy^2 = 2xy$.
3. $xy + y^2 = (2x^2 + xy)y'$.
4. $(x+1)y' + y = x^3 + x^2, \; y(0) = 0$.
5. $\frac{dx}{x} = \left(\frac{1}{y} - 2x\right)dy$.

17-вариант

1. $e^x \sin ydx + \mathrm{tg}ydy = 0$.
2. $2x^2yy' + y^2 = 2$.
3. $(2\sqrt{xy} - y)dx + xdy = 0$.

4. $xy' - 2y + x^2 = 0, \; y(1) = 0$.

5. $y' = x\sqrt[3]{y} = 3y$.

18-вариант

1. $(1 + e^{3y})xdx = e^{3y}dy$.

2. $y' = \frac{1+y^2}{1+x^2}$.

3. $xy' + y\left(\ln\frac{y}{x} - 1\right) = 0$.

4. $xy' + y = \sin x, \; y\left(\frac{\pi}{2}\right) = \frac{2}{\pi}$.

5. $xy' + y = y^2 \ln x$.

19-вариант

1. $(\sin(2x + y) - \sin(2x - y))dx = \frac{dy}{\sin y}$.

2. $y'\sqrt{1 + y^2} = \frac{x^2}{y}$.

3. $(x^2 + y^2)dx + 2xydy = 0$.

4. $(x^2 - 1)y' - xy = x^3 - x, \; y(\sqrt{2}) = 1$.

5. $xdx = \left(\frac{x^2}{y} - y^3\right)dy$.

20-вариант

1. $\cos ydx = 2\sqrt{1 + x^2}dy + \cos y \cdot \sqrt{1 + x^2}dy$.

2. $(y + 1)y' = \frac{y}{\sqrt{1-x^2}} + xy$.

3. $(y^2 - 2xy)dx - x^2dy = 0$.

4. $(1 - x^2)y' + xy = 1, \; y(0) = 1$.

5. $y' + 2xy = 2x^3y^3$.

21-вариант

1. $y'\sqrt{1 - x^2} - \cos^2 y = 0$.

2. $(1 + x^2)y' + y\sqrt{1 + x^2} = xy$.

3. $(x+2y)dx + xdy = 0$.

4. $y'\,\mathrm{ctg}x - y = 2\cos^2 x\,\mathrm{ctg}x, \;\; y(0) = 0$.

5. $y' + y = \dfrac{x}{y^2}$.

22-вариант

1. $e^x \mathrm{tg}y\,dx = (1-e^x)\sec^2 y\,dy$.

2. $xyy' = \dfrac{1+x^2}{1-y^2}$.

3. $(2x-y)dx + (x+y)dy = 0$.

4. $x^2 y' = 2xy + 3, \;\; y(1) = -1$.

5. $y' - y\,\mathrm{tg}x + y^2\cos x = 0$.

23-вариант

1. $y' + \sin(x+y) = \sin(x-y)$.

2. $(xy-x)^2 dy + y(1-x)dx = 0$.

3. $2x^3 y' = y(2x^2 - y^2)$.

4. $y' + 2xy = xe^{-x^2}, \;\; y(0) = 0$.

5. $y' + \dfrac{2y}{x} = \dfrac{2\sqrt{y}}{\cos^2 x}$.

24-вариант

1. $\cos^3 y \cdot y' - \cos(2x+y) = \cos(2x-y)$.

2. $(x^2 - y)y' = x^2 y - y + x^2 - 1$.

3. $y' = \dfrac{x}{y} + \dfrac{y}{x}$.

4. $y' - 3x^2 y - x^2 e^{x^3} = 0, \;\; y(0) = 0$.

5. $y' - y + y^2\cos x = 0$.

25-вариант

1. $3^{y^2 - x^2} = \dfrac{y'y}{x}$.

2. $\sqrt{1-y^2}\,dx + y\sqrt{1-x^2}\,dy = 0$.

3. $x^2y' = y(x+y)$.

4. $xy' + y = \ln x + 1, \ y(1) = 0$.

5. $y' = x\sqrt{y} + \frac{xy}{x^2-1}$.

9-§. Иккинчи мустақил уй иши

Мустақил уй ишининг ҳар бир вариантида бешта мисол бўлиб, уларнинг шарти қуйидагича.

1-мисолда: берилган дифференциал тенгламанинг берилган бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топиш ва ҳосил қилинган $y = \varphi(x)$ функциянинг $x = x_0$ даги қийматини 0,001 гача аниқлик билан ҳисоблаш керак.

2-мисолда: тартибини пасайтириш ёрдамида дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топиш керак.

3-мисолда: тартибини пасайтириш мумкин бўлган дифференциал тенгламанинг берилган бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топиш керак.

4-мисолда: берилган дифференциал тенгламани интеграллаш керак.

5-мисол: шарти вариантда берилган.

Қуйида вариант мисолларини ечиш намунасини келтирамиз.

1. Ушбу

$$y''(x+2)^5 = 1$$

дифференциал тенгламанинг $y(-1) = \frac{1}{12}$, $y'(-1) = -\frac{1}{4}$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг ва топилган ечимнинг $x = -3$ даги қийматини 0,001 гача аниқлик билан ҳисобланг.

Ечиш. Берилган тенгламанинг умумий ечимини топамиз (5-§ даги I тур тенгламага қаранг):

$$y'' = \frac{1}{(x+2)^5}, \quad y' = \int \frac{dx}{(x+2)^5} = -\frac{1}{4(x+2)^4} + C_1,$$

$$y = \int \left(-\frac{1}{4(x+2)^4} + C_1 \right) dx = \frac{1}{12(x+2)^3} + C_1x + C_2.$$

Бошланғич шартдан фойдаланиб, C_1 ва C_2 ларнинг қийматини аниқлаймиз:

$$y(-1)=\frac{1}{12}-C_1+C_2=\frac{1}{12},\ C_2-C_1=0,$$

$$y'(-1)=-\frac{1}{4}+C_1=-\frac{1}{4},\ C_1=0,\ C_2=0.$$

Берилган тенгламанинг бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечими

$$y=\frac{1}{12(x+2)^3}$$

кўринишда бўлади. Энди $y(x)$ функциянинг $x=-3$ даги қийматини ҳисоблаймиз:

$$y(-3)=\frac{1}{12(-3+2)^3}=-\frac{1}{12}=-0,08.$$

2. Ушбу тартибини пасайтириш мумкин бўлган

$$y''(e^x+1)+y'=0$$

дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Берилган тенглама II тур тенгламадан иборат (5-§ ва 2-мисолга қаранг). Шунинг учун $y'=z(x)$ алмаштиришни бажарамиз. У ҳолда $y''=\frac{dz}{dx}$ ва

$$\frac{dz}{dx}(e^x+1)+z=0,\ \frac{dz}{dx}(e^x+1)=-z,$$

$$\frac{dz}{z}=-\frac{dx}{e^x+1},\ \int\frac{dz}{z}=-\int\frac{dx}{e^x+1}.$$

Ўнг қисмдаги интегралда $e^x+1=t$ алмаштириш ёрдамида қуйидагига эга бўламиз:

$$\ln|z|=\ln(e^x+1)-\ln e^x+\ln C_1.$$

Охирги ифодани потенцирлаб

$$z=C_1\frac{e^x+1}{e^x}$$

ни топамиз. $z=y'=\frac{dy}{dx}$ ни эътиборга олиб, берилган тенгламанинг умумий ечимини топамиз:

$$\frac{dy}{dx}=C_1\frac{e^x+1}{e^x},\ y=C_1\int\frac{e^x+1}{e^x}dx=C_1(x-e^{-x})+C_2.$$

3. Ушбу тартибини пасайтириш мумкин бўлган

$$y^3 y'' = -1$$

дифференциал тенгламанинг $y(1) = 1$, $y'(1) = 0$ бошланғич шартларни қаноатлантирувчи ечимини топинг.

Ечиш. Берилган тенглама III турга тегишли (5-§ ва 4-мисолга қаранг). Шунинг учун тенгламанинг тартибини $y' = P(y)$ алмаштириш ёрдамида пасайтирамиз. У ҳолда $y'' = P\frac{dP}{dy}$.

$$y^3 P\frac{dP}{dy} = -1,\ \ PdP = -\frac{dy}{y^3},$$

$$\int PdP = -\int\frac{dy}{y^3},\ \ \frac{P^2}{2} = \frac{1}{2y^2} + C_1,$$

$$P^2 = \frac{1}{y^2} + 2C_1,\ \ P = \pm\sqrt{\frac{1}{y^2} + 2C_1},$$

$$\frac{dy}{dx} = \pm\frac{\sqrt{1+2C_1y^2}}{y},\ \ dx = \pm\frac{ydy}{\sqrt{1+2C_1y^2}},$$

$$x = \pm\int\frac{ydy}{\sqrt{1+2C_1y^2}} + C_2 = \pm\frac{1}{4C_1}\int(1+2C_1y^2)^{-\frac{1}{2}}d(1+2C_1y^2),$$

$$x = \pm\frac{1}{2C_1}\sqrt{1+C_1y^2} + C_2,$$

яъни берилган тенгламанинг умумий ечимига эга бўлдик. Бошланғич шартлардан фойдаланиб, C_1 ва C_2 нинг қийматларини топамиз:

$$1 = \pm\frac{1}{2C_1}\sqrt{1+2C_1} + C_2,$$

$$0 = \pm\sqrt{1+2C_1},$$

булардан $1 + 2C_1 = 0$, $C_1 = -\frac{1}{2}$, $C_2 = 1$.

Демак, изланаётган ечим

$$x = \pm\sqrt{1-y^2} + 1$$

...уринишда булади. Бу ечим $(x-1)^2+y^2=1$ айлананинг ...ярмини (чап ёки ўнг қисмини) ифодалайди.

4. Ушбу

$$\left(\frac{1}{x}-y^3+4\right)dx+\left(-\frac{1}{y}-3xy^2\right)dy=0$$

тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$P(x,y)=\frac{1}{x}-y^3+4,\ Q(x,y)=-\frac{1}{y}-3xy^2$$

((7.22) тенгламага қаранг). У ҳолда

$$\frac{dP}{dy}=-3y^2,\ \frac{dQ}{dx}=-3y^2.$$

$\frac{dP}{dy}=\frac{dQ}{dx}$ бўлгани учун берилган тенглама тўлиқ дифференциалли тенглама бўлади. Унинг умумий интеграли (7.24) формула ёрдамида топилди:

$$\int_{x_0}^{x}\left(\frac{1}{x}-y^3+4\right)dx+\int_{y_0}^{y}\left(-\frac{1}{y}-3x_0y^2\right)dy=C_0,$$

$$\int_{x_0}^{x}\frac{dx}{x}-\int_{x_0}^{x}y^3dx+4\int_{x_0}^{x}dx-\int_{y_0}^{y}\frac{dy}{y}-3x_0\int_{y_0}^{y}y^2dy=C_0,$$

$$\ln|x|\Big|_{x_0}^{x}-y^3x\Big|_{x_0}^{x}+4x\Big|_{x_0}^{x}-\ln|y|\Big|_{y_0}^{y}-3x_0\frac{y^3}{3}\Big|_{y_0}^{y}=C_0,$$

$$\ln|x|-\ln|x_0|-xy^3+x_0y^3+4x-4x_0-$$

$$-\ln|y|+\ln|y_0|-x_0y^3+x_0{y_0}^3=C_0,$$

$$\ln\left|\frac{x}{y}\right|-xy^3+4x=C,$$

бунда $C=C_0+\ln\left|\frac{x_0}{y_0}\right|+4x_0-x_0-x_0{y_0}^3.$

5. Агар эгри чизиқнинг ихтиёрий нуқтаси $M(x;y)$ дан ўтказилган уринма, координата ўқлари ва уриниш нуқтасининг ординатаси билан чегараланган трапецияларнинг

юзи ўзгармас миқдор 3 га тенглиги маълум бўлса (69-чиз ма), $A(2;2)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

Ечиш. Трапециянинг юзи:

$$S_{DMCO} = \frac{|MC|+|DO|}{2} \cdot |OC|,$$

$$|MC| = y,\ |DO| = \pm|DB| + |BO| = \pm|DB| \cdot |MC| = \pm|DB| + y,$$

$$|OC| = x,\ \pm|DB| = -|BM|\operatorname{tg}\alpha = -|BM|\,y' = -xy',$$

бунда, агар $y' = \operatorname{tg}\alpha < 0$ бўлса, $|DB|$ нинг олдидаги ишора « + », агар $y' = \operatorname{tg}\alpha > 0$ бўлса, « − » ишора олинади (69-чизма). Шунинг учун иккала ҳолда ҳам $|DO| = -xy' + y$. Бу қийматларни ўрнига қўйиб, соддалаштирамиз;

$$S_{DMCO} = \frac{y - xy' + y}{2} \cdot x = 3,\ -\frac{1}{2}x^2 y' + xy = 3,$$

$$-x^2 y' + 2xy = 6,\ y' - \frac{2}{x}y = -\frac{6}{x^2},\ (x \neq 0).$$

Натижада биринчи тартибли чизиқли тенгламани ҳосил қилдик. Уни ечамиз:

$$y = uv,\ y' = u'v + uv',\ u'v + uv' - \frac{2uv}{x} = -\frac{6}{x^2},$$

$$u'v + u\left(\frac{dv}{dx} - \frac{2v}{x}\right) = -\frac{6}{x^2}, \qquad (1)$$

$$\frac{dv}{dx} - \frac{2v}{x} = 0,\ \frac{dv}{v} = \frac{2dx}{x},$$

$$\int \frac{dv}{v} = 2\int \frac{dx}{x},\ \ln|v| = 2\ln|x|,\ v = x^2.$$

(1) тенгламага $v = x^2$ ни қўйиб u ни топамиз:

$$u'x^2 = -\frac{6}{x^2},\ u' = -\frac{6}{x^4},\ u = -6\int \frac{dx}{x^4} = \frac{2}{x^3} + C.$$

У ҳолда (1) тенгламанинг умумий ечими

$$y = uv = \left(\frac{2}{x^3} + C\right)x^2 = \frac{2}{x} + Cx^2.$$



69-чизма.

функциядан иборат бўлади. Масала шартидаги эгри чизиқнинг $A(2;2)$ нуқтадан ўтиш шартидан фойдаланиб, C нинг қийматини топамиз:

$$2 = \frac{2}{2} + C \cdot 2^2, \; C = \frac{1}{4} \cdot$$

Изланаётган эгри чизиқ тенгламаси

$$y = \frac{2}{x} + \frac{x^2}{4}, \; \left(0 < x \leq x_0 = \sqrt[3]{16}\right)$$

кўринишда бўлади. У 69-чизмада тасвирланган бўлиб, $x_1 = \sqrt[3]{4}$ да минумум нуқтасига эга бўлади.

I-вариант

1. $y'' = \frac{1}{1+x^2}, \; y(0) = 0, \; y'(0) = 0, \; x_0 = 1$.
2. $xy'' - y' = x^2 e^x$.
3. $2yy'' = y'^2, \; y(0) = 1, \; y'(0) = 1$.
4. $\frac{2x(1-e^y)}{(1+x^2)^2} dx + \frac{e^y}{1+x^2} dy = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг бурчак коэффициенти шу нуқта ординатасининг учлантирилганига тенглиги маълум бўлса, $A(0;2)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

2-вариант

1. $xy''' = 2,\ y(1) = \frac{1}{2},\ y'(1) = y''(1) = 0,\ x_0 = 2$.
2. $y''x\ln x = 2y'$.
3. $yy'' - y'^2 = y^4,\ y(0) = 1,\ y'(0) = 1$.
4. $\frac{2x}{y^3}dx + \frac{y^2 - 3x^2}{y^4}dy = 0$.

5. Эгри чизиқ $\left(2;\frac{1}{2}\right)$ нуқта орқали ўтади. Бу эгри чизиқнинг ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасидан уринма ўтказилган бўлиб, унинг Ox ўқ билан кесишиш нуқтасининг абсциссаси уриниш нуқтасининг абсциссасидан икки марта катта. Эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

3-вариант

1. $y''' = e^{2x},\ y(0) = \frac{9}{8},\ y'(0) = \frac{1}{4},\ y''(0) = -\frac{1}{2},\ x_0 = \frac{1}{2}$.
2. $x^2y'' + xy' = 1$.
3. $y'' = -\frac{1}{2y^3},\ y(0) = \frac{1}{2},\ y'(0) = \sqrt{2}$.
4. $\left(1 - e^{\frac{x}{y}}\right)dx + e^{\frac{x}{y}}\left(1 - \frac{x}{y}\right)dy = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг бурчак коэффициенти уриниш нуқтаси радиус-векторининг бурчак коэффициенти квадратига тенглиги маълум бўлса, $A(2;1)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

4-вариант

1. $y''' = \cos^2 x,\ y(0) = 1,\ y'(0) = -\frac{1}{8},\ y''(0) = 0,\ x = \pi$.
2. $y''x\ln x = y'$.

3. $y'' = 1 - y'^2$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 0$.

4. $x(2x^2 + y^2)dx + y(x^2 + 2y^2)dy = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринмасининг ординаталар ўқидан ажратган кесмаси уриниш нуқтасининг абсциссасига тенглиги маълум бўлса, $A(1;0)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

5-вариант

1. $y'' = \frac{1}{\sqrt{1-x^2}}$, $y(0) = 2$, $y'(0) = 3$, $x_0 = 1$.

2. $xy'' = y'$.

3. $y''^2 = y'$, $y(0) = \frac{2}{3}$, $y'(0) = 1$.

4. $\left(\frac{x}{\sqrt{x^2+y^2}} + \frac{1}{x} + \frac{1}{y}\right)dx + \left(\frac{y}{\sqrt{x^2+y^2}} + \frac{1}{y} - \frac{1}{y^2}\right)dy = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг бурчак коэффициенти шу нуқта ординатасидан етти марта катта эканлиги маълум бўлса, $A(0;5)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

6-вариант

1. $y'' = \frac{1}{\sin^2 2x}$, $y\left(\frac{\pi}{4}\right) = \frac{\pi}{4}$, $y'\left(\frac{\pi}{4}\right) = 1$, $x_0 = \frac{5}{4}\pi$.

2. $y'' = y' + x$.

3. $2yy'' - y'^2 = 1$, $y(0) = 2$, $y'(0) = 1$.

4. $\left(\frac{x}{\sqrt{x^2+y^2}} + \frac{1}{x} + \frac{1}{y}\right)dx + \left(\frac{y}{\sqrt{x^2+y^2}} + \frac{1}{y} - \frac{1}{y^2}\right)dy = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг ординаталар ўқидан ажратган кесмаси уриниш нуқтасидан координаталар бошигача бўлган масофага тенглиги маълум бўлса, $A(0;1)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

7-вариант

1. $y'' = x + \sin x,\ y(0) = -3,\ y'(0) = 0$.

2. $xy'' = y' + x^2$.

3. $y'' = 2 - y,\ y(0) = 2,\ y'(0) = 2$.

4. $\left(3x^2 \mathrm{tg} y - \dfrac{2y^3}{x^3}\right)dx + \left(x^3 \sec^2 y + 4y^3 + \dfrac{3y^2}{x^2}\right)dy = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг ординаталар ўқидан ажратган кесмаси уриниш нуқтаси абсциссасининг квадратига тенглиги маълум бўлса, $A(1;-1)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

8-вариант

1. $y'' = \mathrm{arctg} x,\ y(0) = y'(0) = 0$.

2. $xy'' = y' \ln\left(\dfrac{y'}{x}\right)$.

3. $y'' = \dfrac{1}{y^3},\ y(0) = 1,\ y'(0) = 0$.

4. $\left(2x + \dfrac{x^2+y^2}{x^2+y}\right)dx = \dfrac{x^2+y^2}{xy^2}dy$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг бурчак коэффициенти уриниш нуқтаси радиус-векторининг бурчак коэффициентидан уч марта катталиги маълум бўлса, $A(-8;-2)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

9-вариант

1. $y'' = \mathrm{tg} x \cdot \dfrac{1}{\cos^2 x},\ y(0) = \dfrac{1}{2},\ y'(0) = 0,\ x_0 = \dfrac{\pi}{4}$.

2. $xy'' + y' = \ln x$.

3. $yy'' - 2y'^2 = 0,\ y(0) = 1,\ y'(0) = 2$.

4. $\left(\dfrac{\sin 2x}{y} + x\right)dx + \left(y - \dfrac{\sin^2 x}{y^2}\right)dy = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг ординаталар ўқидан ажратган кесмаси шу нуқтадан координаталар бошигача бўлган масофага тенглиги маълум бўлса, $A(0;-8)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

10-вариант

1. $y''' = e^{\frac{x}{2}} + 1,\ y(0) = 8,\ y'(0) = 5,\ y''(0) = 2,\ x_0 = 2$.
2. $y''\operatorname{tg}x = y' + 1$.
3. $y'' = y' + y'^2,\ y(0) = 0,\ y'(0) = 1$.
4. $(3x^2 - 2x - y)dx + (2y - x + 3y^2)dy = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг бурчак коэффициенти шу нуқта ординатасининг иккиланганига тенглиги маълум бўлса, $A(-1;3)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

11-вариант

1. $y'' = \frac{x}{e^{2x}},\ y(0) = 1,\ y'(0) = -\frac{1}{4},\ x_0 = -\frac{1}{2}$.
2. $y'' + 2xy'^2 = 0$.
3. $y'' + \frac{2}{1-y}y'^2 = 0,\ y(0) = 0,\ y'(0) = 1$.
4. $\frac{xdx + ydy}{\sqrt{x^2 + y^2}} + \frac{xdy - ydx}{x^2} = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг уриниш нуқтасига координаталар бошидан туширилган перпендикулярнинг узунлиги уриниш нуқтасининг абсциссасига тенглиги маълум бўлса, $A(2;3)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

12-вариант

1. $y'' = \sin^2 3x,\ y(0) = -\frac{\pi^2}{16},\ y'(0) = 0,\ x_0 = \frac{\pi}{2}$.
2. $2xy'y'' = y'^2 + 1$.

3. $y''(1+y)=5y'^2,\ \ y(0)=0,\ \ y'(0)=1$.

4. $(3x^2y+y^3)dx+(x^3+3xy^2)dy=0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринмасининг ординаталар ўқидан ажратган кесмаси уриниш нуқтасининг координаталари йиғиндисининг ярмига тенглиги маълум бўлса, $A(4;10)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

13-вариант

1. $y^{III}=x\sin x,\ \ y(0)=0,\ \ y'(0)=0,\ \ y''(0)=0,\ \ x_0=\frac{\pi}{2}$.

2. $y''-\frac{y'}{x-1}=x(x-1)$.

3. $y''(2y+3)-2y'^2=0,\ \ y(0)=0,\ \ y'(0)=3$.

4. $y(x^2+y^2+a^2)dx+x(x^2+y^2-a^2)dx=0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг ординаталар ўқидан ажратган кесмаси уриниш нуқтаси абсциссасининг квадратига тенглиги маълум бўлса, $A(-2;5)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

14-вариант

1. $y^{III}\sin^4x=\sin 2x, y\left(\frac{\pi}{2}\right)=\frac{\pi}{2},\ y'\left(\frac{\pi}{2}\right)=1,\ y''\left(\frac{\pi}{2}\right)=-1,\ x_0=\frac{5\pi}{2}$.

2. $y^{III}+y''\,\mathrm{tg}x=\sec x$.

3. $4y''^2=1+y'^2,\ \ y(0)=1,\ \ y'(0)=0$.

4. $\left(\sin y+y\sin x+\frac{1}{x}\right)dx+\left(x\cos y-\cos x+\frac{1}{y}\right)dy=0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг Ox ўқидан ажратган кесмаси уриниш нуқтасининг абсциссасидан уч марта катта эканлиги маълум бўлса, $A(1;1)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

15-вариант

1. $y''=\cos x+e^{-x},\ \ y(0)=-e^{-\pi},\ \ y'(0)=1,\ \ x_0=\pi$.

2. $y''-2y'\,\mathrm{ctg}x=\sin^3x$.

3. $2y'^2 = (y-1)y''$, $y(0) = 2$, $y'(0) = 2$.

4. $(2x - y + 1)dx + (2y - x - 1)dy = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг бурчак коэффициенти шу нуқта ординатасидан олти марта катта эканлиги маълум бўлса, $A(-2;4)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

16-вариант

1. $y'' = \sin^3 x$, $y\left(\frac{\pi}{2}\right) = -\frac{7}{9}$, $y'\left(\frac{\pi}{2}\right) = 0$, $x_0 = 2,5\pi$.

2. $y'' + 4y' = 2x^2$.

3. $1 + y'^2 = yy'$, $y(0) = 1$, $y'(0) = 0$.

4. $(3x^2 - y\cos xy + y)dx + (x - x\cos xy)dy = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг бурчак коэффициенти уриниш нуқтаси радиус-векторининг бурчак коэффициентидан тўққиз марта катталиги маълум бўлса, $A(-6;4)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

17-вариант

1. $y''' = \sqrt{x} - \sin 2x$, $y(0) = -\frac{1}{8}$, $y'(0) = \frac{1}{8}\cos 2$, $y''(0) = \frac{1}{2}$, $x_0 = 1$.

2. $xy'' - y' = 2x^2e^x$.

3. $y'' + yy'^3 = 0$, $y(0) = 1$, $y'(0) = 2$.

4. $\left(12x^3 - e^{\frac{x}{y}} \cdot \frac{1}{y}\right)dx + \left(16y + \frac{x}{y^2}e^{\frac{x}{y}}\right)dy = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг уриниш нуқтасига координаталар бошидан туширилган перпендикулярнинг узунлиги уриниш нуқтасининг абсциссасига тенглиги маълум бўлса, $A(4;-3)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

18-вариант

1. $y'' = \dfrac{1}{\cos^2 \dfrac{x}{2}}, \ y(0) = 0, \ y'(0) = 1, \ x_0 = 4\pi$.

2. $x(y'' + 1) + y' = 0$.

3. $yy'' - y'^2 = 0, \ y(0) = 1, \ y'(0) = 2$.

4. $\left(\dfrac{y}{2\sqrt{xy}} + 2xy \sin x^2 y + 4 \right) dx + \left(\dfrac{x}{2\sqrt{xy}} + x^2 \sin x^2 y \right) dy = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг ординаталар ўқидан ажратган кесмаси уриниш нуқтаси координаталари йиғиндисининг ярмига тенглиги маълум бўлса, $A(9; -4)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

19-вариант

1. $y'' = 2\sin x \cos^2 x, \ y(0) = -\frac{5}{9}, \ y'(0) = -\frac{2}{3}, \ x_0 = \frac{\pi}{2}$.

2. $y'' + 4y' = \cos 2x$.

3. $yy'' - y'^2 = y^2 \ln y, \ y(0) = 1, \ y'(0) = 1$.

4. $y \cdot 3^{xy} \ln 3 dx + (x \cdot 3^{xy} \ln 3 - 3) dy = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг ординаталар ўқидан ажратган кесмаси уриниш нуқтаси абсциссасининг квадратига тенглиги маълум бўлса, $A(3; -2)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

20-вариант

1. $y'' = 2\sin^2 x \cdot \cos x, \ y(0) = \frac{1}{9}, \ y'(0) = 1, \ x_0 = \pi$.
2. $y'' + y' = \sin x$.

3. $y(1 - \ln y)y'' + (1 + \ln y)y'^2 = 0, \ y(0) = 1, \ y'(0) = 1$.

4. $\left(\dfrac{1}{x-y} + 3x^2 y^7 \right) dx + \left(7x^3 y^6 - \dfrac{1}{x-y} \right) dy = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг бурчак коэффициенти шу нуқта ординатасидан беш марта катта эканлиги маълум бўлса, $A(-2;1)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

21-вариант

1. $y'' = 2\sin x\cos^2 x - \sin^3 x,\ \ y(0) = 0,\ \ y'(0) = 1,\ \ x_0 = \frac{\pi}{2}$.
2. $x^2 y'' = y'^2$.
3. $y''(1 + y) = y'^2 + y',\ \ y(0) = 2,\ \ y'(0) = 2$.
4. $\left(\frac{2y}{x^3} + y\cos xy\right)dx + \left(\frac{1}{x^2} + x\cos xy\right)dy = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг ординаталар ўқидан ажратган кесмаси уриниш нуқтаси координаталари йиғиндисининг тўртдан бирига тенглиги маълум бўлса, $A(16;0)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

22-вариант

1. $y'' = 2\cos x\sin^2 x - \cos^3 x,\ \ y(0) = \frac{2}{3},\ \ y'(0) = 2,\ \ x_0 = \frac{\pi}{2}$.
2. $2xy''y' = y'^2 - 4$.
3. $y'' = \frac{y'}{\sqrt{y}},\ \ y(0) = 1,\ \ y'(0) = 2$.
4. $\left(\frac{y}{\sqrt{1-x^2y^2}} - 2x\right)dx + \frac{xdy}{\sqrt{1-x^2y^2}} = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг ординаталар ўқидан ажратган кесмаси уриниш нуқтаси координаталари йиғиндисининг ярмига тенглиги маълум бўлса, $A(1;-7)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

23-вариант

1. $y'' = x - \ln x,\ \ y(1) = -\frac{5}{12},\ \ y'(1) = \frac{3}{2},\ \ x_0 = 2$.
2. $y^{III} x\ln x = y''$.

3. $yy'' + y'^2 = 0,\ y(0) = 1,\ y'(0) = 1$.

4. $(5x^4y^4 + 28x^6)dx + (4x^5y^3 - 3y^2)dy = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг уриниш нуқтасига координаталар бошидан туширилган перпендикулярнинг узунлиги уриниш нуқтасининг абсциссасига тенглиги маълум бўлса, $A(-4;\ 1)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

24-вариант

1. $y'' = \frac{1}{x^2},\ y(1) = 3,\ y'(1) = 1,\ x_0 = 2$.

2. $y''\operatorname{ctg}x + y' = 2$.

3. $y'' = \frac{1}{\sqrt{y}},\ y(0) = y'(0) = 0$.

4. $\left(2xe^{x^2+y^2} + 2\right)dx + \left(2ye^{x^2+y^2} - 3\right)dy = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг ординаталар ўқидан ажратган кесмаси уриниш нуқтасининг абсциссаси квадратига тенглиги маълум бўлса, $A(2;8)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

25-вариант

1. $y''' = \cos 4x,\ y(0) = 2,\ y'(0) = \frac{15}{16},\ x_0 = \pi$.

2. $(1 + x^2)y'' = 2xy$.

3. $yy'' - 2yy'\ln y = y'^2,\ y(0) = 1,\ y'(0) = 1$.

4. $(3y^3\cos 3x + 7)dx + (3y^2\sin 3x - 2y)dy = 0$.

5. Агар ихтиёрий $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган уринманинг бурчак коэффициенти шу нуқта ординатасидан тўрт марта катта эканлиги маълум бўлса, $A(3;\ -2)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

10-§. Учинчи мустақил уй иши

Бу мустақил уй ишининг ҳар бир вариантида бешта мисол бўлиб, уларнинг шарти қуйидагича.

1-мисолда: ўзгармас коэффициентли чизиқли бир жинсли бўлган дифференциал тенгламаларнинг умумий ечимини топиш керак.

2- ва 3-мисолларда: ўзгармас коэффициентли чизиқли бир жинсли бўлмаган дифференциал тенгламаларнинг умумий ечимини топиш керак.

4-мисолда: дифференциал тенгламанинг берилган бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топиш керак.

5-мисолда: $f(x)$ функциянинг кўринишига қараб берилган чизиқли бир жинсли бўлмаган дифференциал тенгламанинг хусусий ечими y^* нинг кўринишини ёзинг.

Қуйида вариант мисолларини ечиш намунасини келтирамиз.

1. Ушбу

а) $4y'' - 11y' + 6y = 0$; б) $4y'' - 4y' + y = 0$;
в) $y'' - 2y' + 37y = 0$

дифференциал тенгламаларнинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Ҳар бир дифференциал тенглама учун характеристик тенглама тузамиз ва уни ечамиз. Ҳосил қилинган характеристик тенгламанинг илдизларининг кўринишига қараб (7.47 формула ва 6-§ даги 5-мисолга қаранг) дифференциал тенгламанинг умумий ечимини ёзамиз.

а) $4\lambda^2 - 11\lambda + 6 = 0$, илдизлари $\lambda_1 = \frac{3}{4}$, $\lambda_2 = 2$ ҳақиқий ва ҳар хил, шунинг учун тенгламанинг умумий ечими қуйидаги кўринишда бўлади:

$$y = C_1 e^{\frac{3}{4}x} + C_2 e^{2x};$$

б) $4\lambda^2 - 4\lambda + 1 = 0$, илдизлари $\lambda_1 = \lambda_2 = \frac{1}{2}$ ҳақиқий ва бир-бирига тенг, демак тенгламанинг умумий ечими:

$$y = C_1 e^{\frac{x}{2}} + C_2 x e^{\frac{x}{2}} = e^{\frac{x}{2}}(C_1 + C_2 x);$$

в) $\lambda^2 - 2\lambda + 37 = 0$, илдизлари $\lambda_{1,2} = 1 \pm 6i$ — қўшма комплекс сон, шунинг учун тенгламанинг умумий ечими:

$$y = e^x (C_1 \cos 6x + C_2 \sin 6x).$$

2. Ушбу

$$y'' - 3y' - 4y = 6xe^{-x}$$

тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Бир жинсли тенгламанинг характеристик тенгламасини тузамиз:

$$\lambda^2 - 3\lambda - 4 = 0,$$

унинг илдизлари $\lambda_1 = 4$, $\lambda_2 = -1$. Демак, бир жинсли тенгламанинг умумий ечими

$$\bar{y} = C_1 e^{4x} + C_2 e^{-x}$$

формула билан аниқланади.

Берилган тенгламанинг ўнг томонида турган $f(x) = 6xe^{-x}$ функциянинг кўринишига қараб ((7.49) формулага қаранг) унинг хусусий ечимини ёзамиз:

$$y^* = (Ax + B)e^{-x} \cdot x = (Ax^2 + Bx)e^{-x}.$$

Бунда $(Ax^2 + B)e^{-x}$ ифодани $z = a + ib = -1$ характеристик тенгламанинг илдизи бўлгани учун x га кўпайтирилди. Энди A ва B номаълум коэффициентларни аниқлаймиз. Унинг учун:

$$y^{*\,\prime} = (2Ax + B)e^{-x} - (Ax^2 + Bx)e^{-x},$$

$$y^{*\,\prime\prime} = 2Ae^{-x} + (Ax^2 + Bx)e^{-x} - 2(2Ax + B)e^{-x}.$$

y^*, $y^{*\,\prime}$, $y^{*\,\prime\prime}$ ларнинг аниқланган ифодаларини берилган тенгламага қўямиз ва иккала қисмини e^{-x} га бўламиз. Сўнгра x^2, x ва x^0 олдидаги коэффициентларни тенглаймиз. Натижада A ва B ларни аниқлаш мумкин бўлган системага эга бўламиз:

$$2A + Ax^2 + Bx - 4Ax - 2B - 6Ax -$$
$$-3B + 3Ax^2 + 3Bx - 4Ax^2 - 4Bx = 6x,$$

$$\begin{array}{c|c|}
x^2 & A+3A-4A=0, \\
x & B-4A-6A+3B-4B=6, \\
x^0 & 2A-2B-3B=0,
\end{array}$$

бундан $A=-\frac{3}{5}$, $B=-\frac{6}{25}$.

У ҳолда $y^*=-\left(\frac{3}{5}x^2+\frac{6}{25}x\right)e^{-x}$ бўлади ва берилган бир жинсли бўлмаган тенгламанинг умумий ечими қуйидагича бўлади:

$$y=\bar{y}+y^*=C_1e^{4x}+C_2e^{-x}-\left(\frac{3}{5}x^2+\frac{6}{25}x\right)e^{-x}.$$

3. Ушбу

$$y''+y'=5x+\cos 2x$$

тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Бир жинсли тенгламанинг характеристик тенгламасини тузамиз:

$$\lambda^2+\lambda=0,$$

унинг илдизлари $\lambda_1=0$, $\lambda_2=-1$. Демак, унинг умумий ечими

$$\bar{y}=C_1+C_2e^{-x}$$

кўринишда бўлади.

Тенгламанинг ўнг қисмидаги $f(x)=5x+\cos 2x$ функция $f_1(x)=5x$ ва $f_2(x)=\cos 2x$ функцияларнинг йиғиндисидан иборат. Унга мос иккита хусусий ечим мавжуд бўлиб, улар қуйидаги кўринишда изланади:

$$y_1^*=Ax^2+Bx,$$

$$y_2^*=A_1\cos 2x+B_1\sin 2x,$$

яъни $y^*=y_1^*+y_2^*$. Унинг ҳосилаларини топамиз:

$$y^{*\prime}=2Ax+B-2A_1\sin 2x+2B_1\cos 2x,$$

$$y^{*\prime\prime}=2A-4A_1\sin 2x-4B_1\cos 2x.$$

$y^{*\,\prime}$ ва $y^{*\,\prime\prime}$ ифодаларни берилган тенгламага қўямиз ва A, B, A_1, B_1 коэффициентларни аниқлаймиз:

$$2A-4A_1\cos 2x-4B_1\sin 2x+2Ax+B-$$
$$-2A_1\sin 2x+2B_1\cos 2x=5x+\cos 2x,$$

$$\begin{array}{c|l} x & 2A=5, \\ x^0 & 2A+B=0, \end{array}\Bigg\}\quad \begin{array}{c|l} \cos 2x & -4A_1+2B_1=1, \\ \sin 2x & -2A_1-4B_1=0 \end{array}\Bigg\}\quad \begin{array}{l} 10B_1=1, \\ A_1=-2B_1 \end{array}\Bigg\}$$

бундан $A=\frac{5}{2}$, $B=-5$, $A_1=-\frac{1}{5}$, $B_1=-\frac{1}{10}$.

Шундай қилиб, берилган тенгламанинг хусусий ечими:

$$y^*=\frac{5}{2}x^2-5x-\frac{1}{5}\cos 2x+\frac{1}{10}\sin 2x\ ,$$

унинг умумий ечими эса

$$y=\bar{y}+y^*=C_1+C_2e^{-x}+\frac{5}{2}x^2-5x-\frac{1}{5}\cos 2x+\frac{1}{10}\sin 2x$$

кўринишда бўлади.

4.Ушбу

$$y''+16y=(34x+13)e^{-x}$$

дифференциал тенгламанинг $y(0)=-1$, $y'(0)=5$ бошланғич шартларни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг.

Ечиш. Бир жинсли тенгламанинг $\lambda^2+16=0$ характеристик тенгламаси $\lambda_{1,2}=\pm 4i$ мавҳум илдизга эга. Унга мос бир жинсли дифференциал тенгламанинг умумий ечими

$$\bar{y}=C_1\cos 4x+C_2\sin 4x$$

формула билан аниқланади, унинг хусусий ечими

$$y^*=(Ax+B)e^{-x}$$

кўринишда бўлади. $y^{*\,\prime}$ ва $y^{*\,\prime\prime}$ ларни топамиз:

$$y^{*\,\prime}=Ae^{-x}-(Ax+B)e^{-x}\ ,$$
$$y^{*\,\prime\prime}=-2Ae^{-x}+(Ax+B)e^{-x}\ .$$

Берилган тенгламага $y^{*\prime}$ ва $y^{*\prime\prime}$ ифодаларни қўйиб қуйидаги тенгликни ҳосил қиламиз:

$$-2A + Ax + B + 16Ax + 16B = 34x + 13,$$

бундан $A = 2,\ B = 1$. У ҳолда

$$y^* = (2x+1)e^{-x}$$

бўлади ва берилган тенгламанинг умумий ечими

$$y = C_1 \cos 4x + C_2 \sin 4x + (2x+1)e^{-x}$$

кўринишда бўлади. C_1 ва C_2 нинг қийматларини топиш учун $y(0) = -1$, $y'(0) = 5$ бошланғич шартлардан фойдаланиб қуйидаги системани тузамиз:

$$\left.\begin{aligned} y(0) &= -1 = C_1 + 1, \\ y'(0) &= 5 = 4C_2 + 2 - 1, \end{aligned}\right\}$$

бу ердан $C_1 = -2,\ C_2 = 1$. Умумий ечимга C_1 ва C_2 ларнинг қийматини қўйиб, берилган тенгламанинг хусусий ечимини топамиз:

$$y = \sin 4x - 2\cos 4x + (2x+1)e^{-x} \cdot$$

5. Агар а) $f(x) = (5-x)e^{3x}$; б) $f(x) = x\sin 2x$ бўлса, $y'' - 9y = f(x)$ чизиқли бир жинсли бўлмаган дифференциал тенгламанинг хусусий ечими у* ни аниқланг ва кўринишини ёзинг.

Ечиш. Характеристик тенгламанинг илдизларини топамиз:

$$\lambda^2 - 9 = 0,\ \lambda_1 = -3,\ \lambda_2 = 3.$$

а) $f(x) = (5-x)e^{3x}$ бўлгани учун хусусий ечим

$$y^* = (Ax+B)e^{3x} \cdot x = (Ax^2 + Bx)e^{3x}$$

кўринишда бўлади. Бунда $z = a + ib = 3$ ва $k = 1$ бўлгани учун x га кўпайтирилди.

б) $f(x) = \sin 2x$ бўлгани учун

$$y^* = (A_1 x + B_1)\cos 2x + (A_2 x + B_2)\sin 2x$$

кўринишда бўлади.

1-вариант

1. а) $y'' - 4y = 0$; б) $y'' + 2y' + 17y = 0$; в) $y'' - y' - 12y = 0$.
2. $y'' - 6y' + 10y = 51e^{-x}$.
3. $y'' - 2y' = (4x + 4)e^{2x}$.
4. $y'' + 6y = (\cos 4x - 8\sin 4x)e^{x}$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 5$.
5. $3y'' - 10y' + 3y = f(x)$; а) $f(x) = e^{3x}$; б) $f(x) = 2\cos 3x - \sin 3x$.

2-вариант

1. а) $y'' + y' - 6y = 0$; б) $y'' + 9y' = 0$; в) $y'' - 4y' + 20y = 0$.
2. $y'' + y = 2\cos x - (4x + 4)\sin x$.
3. $y'' + 2y' + y = 4x^3 + 24x^2 + 22x - 4$.
4. $y'' - 4y' + 20y = 16xe^{2x}$, $y(0) = 1$, $y'(0) = 2$.
5. $y'' - 3y' + 2y = f(x)$; а) $f(x) = x + 2e^{x}$; б) $f(x) = 3\cos 4x$.

3-вариант

1. а) $y'' - 49y = 0$; б) $y'' - 4y' + 5y = 0$; в) $y'' + 2y - 3y = 0$.
2. $y'' + 6y' + 10y = 74e^{3x}$.
3. $y'' - 4y' = 8 - 16x$.
4. $y'' - 12y' + 36y = 32\cos 2x + 24\sin 2x$, $y(0) = 2$, $y'(0) = 4$.
5. $y'' - 4y' + 4y = f(x)$; а) $f(x) = \sin 2x + 2e^{x}$; б) $f(x) = x^2 - 4$.

4-вариант

1. а) $y'' + 7y' = 0$; б) $y'' - 5y' + 4y = 0$; в) $y'' + 16y = 0$.
2. $y'' - 3y' + 2y = 3\cos x + 19\sin x$.
3. $y'' - 2y' + y = 4e^{x}$.
4. $y'' + y = x^3 - 4x^2 + 7x - 10$, $y(0) = 2$, $y'(0) = 3$.
5. $y'' - y' + y = f(x)$; а) $f(x) = e^{x}\cos x$; б) $f(x) = 7x + 2$.

5-вариант

1. а) $y'' - 6y' + 8y = 0$; б) $y'' + 4y' + 5y = 0$; в) $y'' + 5y' = 0$.
2. $y'' + 6y' + 9y = (48x + 8)e^{x}$.
3. $y'' - 8y' + 20y = 16(\sin 2x - \cos 2x)$.
4. $y'' - y = (14 - 16x)e^{-x}$, $y(0) = 0$, $y'(0) = -1$.
5. $y'' - 3y' = f(x)$; а) $f(x) = 2x^2 - 5x$; б) $f(x) = e^{-x}\sin 2x$.

11-вариант

1. а) $y'' + 6y' = 0$; б) $y'' + 10y' + 29y = 0$; в) $y'' - 8y' + 7y = 0$.
2. $y'' + 36y' = 63 + 66x - 36x^3$.
3. $y'' + 4y' + 20y = 4\cos4x - 52\sin4x$.
4. $y'' - 10y' + 25y = e^{5x}$, $y(0) = 1$, $y'(0) = 0$.
5. $y'' - y' - 6y = f(x)$; а) $f(x) = 2e^{3x}$; б) $f(x) = 9\cos x - \sin x$.

12-вариант

1. а) $y'' + 25y = 0$; б) $y'' + 6y' + 9y = 0$; в) $y'' + 2y' + 2y = 0$.
2. $y'' + y' = -4\cos x - 2\sin x$.
3. $y'' + 4y' + 5y = 5x^2 - 32x + 5$.
4. $y'' + y' - 12y = (16x + 22)e^{4x}$, $y(0) = 3$, $y'(0) = 5$.
5. $y'' - 16y = f(x)$; а) $f(x) = -3e^{4x}$; б) $f(x) = \cos x - 4\sin x$.

13-вариант

1. а) $y'' - 3y' = 0$; б) $y'' - 7y' - 8y = 0$; в) $y'' + 4y' + 13y = 0$.
2. $y'' + 2y' - 24y = 6\cos3x - 33\sin3x$.
3. $y'' + 2y' + y = (12x - 10)\cdot e^{-x}$.
4. $y'' - 2y' + 5y = 5x^2 + 6x - 12$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 2$.
5. $y'' - y' = f(x)$; а) $f(x) = (x - 2)e^{4x}$; б) $f(x) = 3\cos4x$.

14-вариант

1. а) $y'' - 3y' - 4y = 0$; б) $y'' + 6y' + 13y = 0$; в) $y'' + 2y' = 0$.
2. $y'' + 6y' + 13y = -75\sin2x$.
3. $y'' - 4y = (-24x - 10)e^{2x}$.
4. $y'' + 8y' + 16y = 16x^3 + 24x^2 - 10x + 8$, $y(0) = 1$, $y'(0) = 3$.
5. $y'' - 2y' + 2y = f(x)$; а) $f(x) = (2x - 3)e^{4x}$; б) $f(x) = e^x\sin x$.

15-вариант

1. а) $2y'' + 25y' = 0$; б) $y'' - 10y' + 16y = 0$; в) $y'' - 8y' + 16y = 0$.
2. $y'' + 5y' = 39\cos3x - 105\sin3x$.
3. $y'' + 6y' + 9y = 72e^{3x}$.
4. $y'' - 2y' + 37y = 36e^x\cos6x$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 6$.
5. $5y'' - 6y' + y = f(x)$; а) $f(x) = x^2e^x$; б) $f(x) = \cos x - \sin x$.

16-вариант

1. а) $y'' - 3y' - 18y = 0$; б) $y'' - 6y' = 0$; в) $y'' + 2y' + 5y = 0$.
2. $y'' - 4y' + 29y = 104\sin 5x$.
3. $y'' + 16y = 80e^{2x}$.
4. $y'' - 8y' = 16 + 48x^2 - 128x^3$, $y(0) = -1$, $y'(0) = 14$.
5. $5y'' + 9y' - 2y = f(x)$; а) $f(x) = x^3 - 2x$; б) $f(x) = 2\sin 2x - 3\cos 2x$.

17-вариант

1. а) $y'' - 6y' + 13y = 0$; б) $y'' - 2y' - 15y = 0$; в) $y'' - 8y' = 0$.
2. $y'' - 4y' + 5y = (24\sin x + 8\cos x)\cdot e^{-2x}$.
3. $y'' + 4y' = 15e^{x}$.
4. $y'' + 12y' + 36y = 72x^3 - 18$, $y(0) = 1$, $y'(0) = 0$.
5. $y'' - 2y' - 15y = f(x)$; а) $f(x) = 4xe^{3x}$; б) $f(x) = x\sin 5x$.

18-вариант

1. а) $y'' + 2y' + y = 0$; б) $y'' + 6y' + 25y = 0$; в) $y'' - 4y' = 0$.
2. $y'' + 16y' = 8\cos 4x$.
3. $y'' + 2y' + y = (18x + 8)e^{-x}$.
4. $y'' + 3y' = (40x + 58)e^{2x}$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 2$.
5. $y'' - 3y' = f(x)$; а) $f(x) = 2x^3 - 4x$; б) $f(x) = 2e^{3x}\cos x$.

19-вариант

1. а) $y'' + 10y' = 0$; б) $y'' - 6y' + 8y = 0$; в) $4y'' + 4y' + y = 0$.
2. $y'' + 9y = 9x^4 + 12x^2 - 17$.
3. $y'' - 14y' + 49y = 144\sin 7x$.
4. $y'' - 9y' + 18y = 26\cos x - 8\sin x$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 2$.
5. $y'' - 7y' + 12y = f(x)$; а) $f(x) = xe^{3x} + 2e^{x}$; б) $f(x) = 3x\sin 2x$.

20-вариант

1. а) $y'' + 5y = 0$; б) $9y'' - 6y' + y = 0$; в) $y'' + 6y' + 8y = 0$.
2. $y'' - 12y' + 40y = 2e^{6x}$.
3. $y'' + y' - 2y = 9\cos x - 7\sin x$.
4. $y'' + 8y' = 18x + 60x^2 - 32x^3$, $y(0) = 5$, $y'(0) = 2$.
5. $y'' + 9y' = f(x)$; а) $f(x) = x^2 + 4x - 3$; б) $f(x) = xe^{2x}\sin x$.

21-вариант

1. а) $y'' + 6y' + 10y = 0$; б) $y'' - 4y' + 4y = 0$; в) $y'' - 5y' + 4y = 0$.

2. $y'' + 4y' = e^x(24\cos 2x + 2\sin 2x)$.

3. $y'' + 9y = 10e^{3x}$.

4. $y'' - 3y' + 2y = -\sin x - 7\cos x$, $y(0) = 2$, $y'(0) = 7$.

5. $y'' - 4y' + 5y = f(x)$; а) $f(x) = -2xe^x$; б) $f(x) = x\cos 2x - \sin 2x$.

22-вариант

1. а) $y'' - y = 0$; б) $4y'' + 8y' - 5y = 0$; в) $y'' - 6y' + 10y = 0$.

2. $y'' + 2y' + y = 6e^{-x}$.

3. $4y'' - 4y' + y = -25\cos x$.

4. $y'' + 2y' = 6x^2 + 2x + 1$.

5. $y'' + 3y' + 2y = f(x)$; а) $f(x) = (3x - 7)e^{-x}$; б) $f(x) = \cos x - 3\sin x$.

23-вариант

1. а) $y'' + 8y' + 25y = 0$; б) $y'' + 9y' = 0$; в) $9y'' + 3y' - 2y = 0$.

2. $y'' + 2y' + 37y = 37x^2 - 33x + 74$.

3. $3y'' - 5y' - 2y = 6\cos 2x + 38\sin 2x$.

4. $y'' + 16y = 32e^{4x}$.

5. $y'' - 8y' + 16y = f(x)$; а) $f(x) = 2xe^{4x}$; б) $f(x) = \cos 4x + 2\sin 4x$.

24-вариант

1. а) $6y'' + 7y' - 3y = 0$; б) $y'' + 16y = 0$; в) $4y'' - 4y' + y = 0$.

2. $6y'' - y' - y = 3e^{2x}$.

3. $y'' + 4y' + 29y = 26e^{-x}$.

4. $y'' + 5y' + 6y = 52\sin x$, $y(0) = -2$, $y'(0) = -2$.

5. $y'' + y' - 2y = f(x)$; а) $f(x) = (2x - 1)e^{-x}$; б) $f(x) = 3x\cos 2x$.

25-вариант

1. а) $9y'' - 6y' + y = 0$; б) $y'' + 12y' + 37y = 0$; в) $y'' - 2y' = 0$.

2. $2y'' + 7y' + 3y = 222\sin 3x$.

3. $4y'' + 3y' - y = 11\cos x - 7\sin x$.
4. $y'' - 4y' = 8e^{2x}$, $y(0) = 1$, $y'(0) = -8$.
5. $y'' + 3y' - 4y = f(x)$; а) $f(x) = 6xe^{-x}$; б) $f(x) = x^2\sin 2x$.

11-§. Тўртинчи мустақил уй иши

Мустақил уй ишининг ҳар бир вариантида тўртта мисол бўлиб уларнинг шарти қуйидагича:

1-мисолда: берилган чизиқли бир жинсли дифференциал тенгламанинг хусусий ечимини топиш керак.

2-мисолда: берилган дифференциал тенгламалар системасини икки усул билан ечиш керак:

а) юқори тартибли дифференциал тенглама кўринишига келтириб;

б) характеристик тенглама тузиш ёрдамида.

3-мисолда: дифференциал тенгламани ихтиёрий ўзгармасларни вариациялаш усули билан ечиш керак.

4-масала шарти вариантда берилган.

Қуйида вариант мисолларининг ечиш намунасини келтирамиз.

1. Ушбу

$$y^{IV} - y = 0$$

чизиқли бир жинсли бўлган дифференциал тенгламанинг $y(0) = 5$, $y'(0) = 3$, $y''(0) = y^{III}(0) = 0$ бошланғич шартларни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг.

Ечиш. Тенгламанинг характеристик тенгламасини тузамиз ва уни ечамиз:

$$\lambda^4 - 1 = 0,\ (\lambda^2 - 1)(\lambda^2 + 1) = 0,\ \lambda_1 = -1,\ \lambda_2 = 1,\ \lambda_{3,4} = \pm i.$$

Берилган тенгламанинг умумий ечими

$$y = C_1 e^{-x} + C_2 e^x + C_3 \cos x + C_4 \sin x$$

кўринишда бўлади. y', y'', y^{III} ҳосилаларни топамиз:

$$y' = -C_1 e^{-x} + C_2 e^x - C_3 \sin x + C_4 \cos x,$$

$$y'' = C_1 e^{-x} + C_2 e^x - C_3 \cos x - C_4 \sin x,$$

$$y^{III} = -C_1 e^{-x} + C_2 e^x + C_3 \sin x - C_4 \cos x.$$

C_1, C_2, C_3, C_4 ларнинг қийматларини аниқлаш учун бошланғич шартдан фойдаланиб, қуйидаги системани тузамиз ва уни ечамиз:

$$\left.\begin{aligned} C_1 + C_2 + C_3 &= 5, \\ -C_1 + C_2 + C_4 &= 3, \\ C_1 + C_2 - C_3 &= 0, \\ -C_1 + C_2 - C_4 &= 0 \end{aligned}\right| \quad \left.\begin{aligned} 2C_1 + 2C_2 &= 5, \\ -2C_1 + 2C_2 &= 3, \end{aligned}\right\}$$

бундан $C_1 = \frac{1}{2}$, $C_2 = 2$, $C_3 = \frac{5}{2}$, $C_4 = \frac{3}{2}$.

Берилган тенгламанинг хусусий ечими

$$y = \frac{1}{2}e^{-x} + 2e^{x} + \frac{5}{2}\cos x + \frac{3}{2}\sin x$$

кўринишда бўлади.

2. Ушбу

$$\left.\begin{aligned} x' &= -7x + y, \ x = x(t), \ x' = \frac{dx}{dt}, \\ y' &= -2x - 5y, \ y = y(t), \ y' = \frac{dy}{dt} \end{aligned}\right|$$

дифференциал тенгламалар системасини икки усул билан ечинг:

а) юқори тартибли дифференциал тенглама кўринишига келтириб;

б) характеристик тенглама тузиш ёрдамида.

Ечиш. а) Берилган системанинг биринчи тенгламасини x бўйича дифференциаллаймиз:

$$x'' = -7x' + y'.$$

Энди y' ўрнига иккинчи тенгламадаги ифодасини қўямиз:

$$x'' = -7x' - 2x - 5y.$$

Бу тенгламадаги y ўрнига $y = x' + 7x$ ни қўямиз. Натижада $x(t)$ номаълум функцияга нисбатан иккинчи тартибли дифференциал тенгламани ҳосил қиламиз:

$$x'' = -7x' - 2x - 5(x' + 7x), \ x'' + 12x' + 37x = 0.$$

Охирги тенгламани бизга маълум бўлган усул (7-§ га қаранг) билан ечамиз:

$$\lambda^2+12\lambda+37=0,\ \lambda_{1,2}=-6\pm\sqrt{36-37}=-6\pm i,$$

$$x=e^{-6t}(C_1\cos t+C_2\sin t).$$

Бунинг ҳосиласини топамиз:

$$x'=-6e^{-6t}(C_1\cos t+C_2\sin t)+e^{-6t}(-C_1\sin t+C_2\cos t).$$

$y=x'+7x$ тенгламага x ва x' нинг қийматларини қўямиз:

$$y'=-6e^{-6t}(C_1\cos t+C_2\sin t)+6e^{-6t}(-C_1\sin t+C_2\cos t)+$$
$$+7e^{-6t}(C_1\cos t+C_2\sin t).$$

Демак, изланаётган ечим

$$x=e^{-6t}(C_1\cos t+C_2\sin t),$$

$$y=e^{-6t}(C_1(\cos t-\sin t)+C_2(\cos t+\sin t))$$

функциялардан иборат бўлади.

б) Системанинг характеристик тенгламасини тузамиз ва уни ечамиз:

$$\begin{vmatrix}-7-\lambda & 1\\ -2 & -5-\lambda\end{vmatrix}=0,\ (7+\lambda)(5+\lambda)+2=0,$$

$$\lambda^2+12\lambda+37=0,\ \lambda_{1,2}=-6\pm i.$$

$\lambda_1=-6+i$ учун (7-§ даги 2-мисолга қаранг) қуйидаги системани ҳосил қиламиз:

$$\left.\begin{aligned}(-7+6-i)\alpha+\beta=0,\\ -2\alpha+(-5+6-i)\beta=0,\end{aligned}\right\}$$

$$\left.\begin{aligned}-(1+i)\alpha+\beta=0,\\ -2\alpha+(-1-i)\beta=0.\end{aligned}\right\}$$

$\alpha=1$ деб, $\beta=1+i$ ни топамиз. У ҳолда берилган тенгламанинг биринчи хусусий ечими

$$x_1=e^{(-6+i)t},\ y_1=(1+i)e^{(-6+i)t}$$

бўлади.

$\lambda_2 = -6 - i$ учун система

$$\left.\begin{aligned}(-7+6+i)\alpha+\beta=0,\\ -2\alpha+(-5+6-i)\beta=0,\end{aligned}\right\}$$

$$\left.\begin{aligned}(-1+i)\alpha+\beta=0,\\ -2\alpha+(1+i)\beta=0\end{aligned}\right\}$$

кўринишда бўлади. $\alpha = 1$ деб, $\beta = 1 - i$ ни топамиз, натижада берилган тенгламанинг иккинчи хусусий ечими

$$x_2 = e^{(-6-i)t},\ y_2 = (1-i)e^{(-6-i)t}$$

ни топамиз.

Қуйидаги

$$\bar{x}_1 = \frac{x_1+x_2}{2},\ \bar{x}_2 = \frac{x_1-x_2}{2i},$$

$$\bar{y}_1 = \frac{y_1+y_2}{2},\ \bar{y}_2 = \frac{y_1-y_2}{2i}$$

формула ёрдамида $\bar{x}_1$, $\bar{x}_2$, $\bar{y}_1$ ва $\bar{y}_2$ фундаментал ечимлар системасини топамиз. Унинг учун Эйлер формуласи

$$e^{(\alpha\pm\beta)t} = e^{\alpha t}(\cos\beta t \pm \sin\beta t)$$

дан фойдаланиб

$$\bar{x}_1 = e^{-6t}\cos t,\ \bar{x}_2 = e^{-6t}\sin t,$$

$$\bar{y}_1 = e^{-6t}(\cos t - \sin t),\ \bar{y}_2 = e^{-6t}(\cos t + \sin t)$$

ларни топамиз.

Берилган системанинг умумий ечими

$$x = C_1\bar{x}_1 + C_2\bar{x}_2,\ y = C_1\bar{y}_1 + C_2\bar{y}_2$$

кўринишда бўлади, яъни

$$x = e^{-6t}(C_1\cos t + C_2\sin t),$$

$$y = e^{-6t}(C_1(\cos t - \sin t) + C_2(\cos t + \sin t)).$$

3. Ушбу

$$y'' - y = \frac{2e^x}{e^x - 1}$$

дифференциал тенгламани ихтиёрий ўзгармасни вариациялаш усули билан ечинг.

Ечиш. Берилган тенгламага мос бир жинсли тенгламани ечамиз:

$$y''-y=0,\ \lambda^2-1=0,\ \lambda_1=-1,\ \lambda_2=1.$$

Бир жинсли тенгламанинг умумий ечими:

$$y=C_1e^{-x}+C_2e^x.$$

C_1 ва C_2 ларни x га боғлиқ функция деб ҳисоблаймиз, яъни

$$y=C_1(x)e^{-x}+C_2(x)e^x.$$

$C_1(x)$ ва $C_2(x)$ ларни ((7.38) системага қаранг)

$$\left.\begin{aligned} C_1'(x)e^{-x}+C_2'(x)e^x&=0,\\ C_1'(x)y_1'+C_2'(x)y_2'&=f(x)\end{aligned}\right\}$$

системадан аниқлаймиз, берилган тенглама учун:

$$\left.\begin{aligned} C_1'(x)e^{-x}+C_2'(x)e^x&=0,\\ C_1'(x)e^{-x}+C_2'(x)e^x&=\frac{2e^x}{e^x-1}.\end{aligned}\right|$$

Бундан $C_1'(x)$ ва $C_2'(x)$ ни, сўнгра $C_1(x)$, $C_2(x)$ ларни топамиз:

$$2C_2'(x)e^x=\frac{2e^x}{e^x-1},\ C_2'(x)=\frac{1}{e^x-1}$$

$$2C_2(x)=\int\frac{dx}{e^x-1}\left|\begin{matrix} t=e^x, & x=\ln t\\ dx=\frac{dt}{t} & \end{matrix}\right|=\int\frac{dt}{t(t-1)}=\int\frac{dt}{t-1}-\int\frac{dt}{t}=$$

$$=\ln|t-1|-\ln|t|+C_2=\ln\left|\frac{t-1}{t}\right|+C_2=\ln\left|\frac{e^x-1}{e^x}\right|+C_2,$$

$$C_1'(x)=-C_2'(x)e^{2x}=-\frac{e^{2x}}{e^x-1},$$

$$C_1(x)=-\int\frac{e^{2x}}{e^x-1}dx\left|\begin{matrix} t=e^x, & dt=e^xdx\\ x=\ln t & \end{matrix}\right|=$$

$$=-\int\frac{tdt}{t-1}=-\int\frac{t-1+1}{t-1}dt=-t-\ln|t-1|+C_1=-e^x-\ln|e^x-1|+C_1.$$

Демак, (7.37) формулага асосан берилган тенгламанинг умумий ечими қуйидагича бўлади:

$$y = (-e^{-x} - \ln\left|e^{x} - 1\right| + C_1)e^{-x} + \left(\ln\left|\frac{e^{x}-1}{e^{x}}\right| + C_2\right)e^{x} =$$

$$= C_1e^{-x} + C_2e^{x} + e^{x}\ln\left|\frac{e^{x}-1}{e^{x}}\right| - e^{-x}\ln\left|e^{x} - 1\right| - 1\,.$$

4. $P(1;2)$ нуқтадан ўтувчи ва қуйидаги хоссага эга бўлган эгри чизиқ тенгламасини ёзинг: эгри чизиқ ихтиёрий нуқтаси $M(x;y)$ нинг радиус-вектори ва бу нуқтада ўтказилган уринма ҳамда абсциссалар ўқи билан чегараланган учбурчакнинг юзи 2 га тенг (70-чизма).

Ечиш. 70-чизмадан: $|OA| = |OB| + |AB| = x + |AB|$. Учбурчак BMA дан:

$$\frac{|BA|}{y} = \text{ctg}(\pi - \alpha) = -\text{ctg}\alpha\,,\quad |BA| = -y\text{ctg}\alpha\,,$$

$$|BA| = -\frac{y}{\text{tg}\alpha} = -\frac{y}{\frac{dy}{dx}} = -y\frac{dx}{dy}\,,\quad |OA| = |OB| + |BA| = x - y\frac{dx}{dy}\,.$$

Масала шартига кўра:

$$S_{OMA} = 0,5\cdot|OA|\cdot|MB| = 2\,.$$



70-чизма.

Бунга $|OA|$ ва $|MB|$ ларнинг қийматларини қўйсак, қуйидаги

$$\frac{1}{2}\left(x - y\frac{dx}{dy}\right)\cdot y = 2,\ \ xy - y^2\frac{dx}{dy} = 4,\ \ y^2\frac{dx}{dy} = xy - 4,$$

$$\frac{dx}{dy} - \frac{x}{y} = -\frac{4}{y^2}$$

тенгламага, яъни $x = x(y)$ функцияга нисбатан биринчи тартибли чизиқли дифференциал тенгламага эга бўламиз. Уни $x = uv$ алмаштириш ёрдамида ечамиз:

$$u'v + uv' - \frac{uv}{y} = -\frac{4}{y^2},\ \ u'v + u\left(\frac{dv}{dy} - \frac{v}{y}\right) = -\frac{4}{y^2},$$

$$\frac{dv}{dy} - \frac{v}{y} = 0,\ \ \frac{dv}{v} = \frac{dy}{y},\ \ \int\frac{dv}{v} = \int\frac{dy}{y},\ \ \ln|v| = \ln|y|,\ \ v = y,$$

$$\frac{du}{dy}\cdot y = -\frac{4}{y^2},\ \ du = -\frac{4dy}{y^3},\ \ u = \frac{2}{y^2} + C,$$

$$x = \left(\frac{2}{y^2} + C\right)y = Cy + \frac{2}{y}.$$

Изланаётган эгри чизиқ $P(1;2)$ нуқтадан ўтади, шунинг учун $1 = 2C + 1$, $C = 0$. Демак, унинг тенгламаси $x = \frac{2}{y}$ ёки $xy = 2$, яъни бу эгри чизиқ гиперболадир.

1-вариант

1. $y''' - y' = 0,\ y(0) = 0,\ y'(0) = 2,\ y''(0) = 4.$

2. $\begin{cases} x' = -2x + y, \\ y' = -3x + 2y. \end{cases}$

3. $y'' + 2y' + y = xe^x + \frac{1}{xe^x}.$

4. Агар эгри чизиқнинг ихтиёрий нуқтасида ўтказилган уринманинг уриниш нуқтаси билан координаталар боши орасидаги масофа уриниш нуқтасининг абсциссасига тенглиги маълум бўлса, шу эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

2-вариант

1. $y^{IV} + 2y''' - 2y' - y = 0,\ y(0) = 0,\ y'(0) = 0,\ y''(0) = 0,$ $y'''(0) = 8.$

2. $\begin{cases} x' = 6x - y, \\ y' = 3x + 2y. \end{cases}$

3. $y'' + 2y' + 2y = \dfrac{e^{-x}}{\cos x}$.

4. Агар эгри чизиқнинг ихтиёрий нуқтасида ўтказилган уринма, уриниш нуқтасидан абсциссалар ўқига туширилган перпендикуляр ва абсциссалар ўқи билан чегараланган учбурчакнинг катетлари йиғиндиси ўзгармас миқдор *a* га тенглиги маълум бўлса, шу эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

3-вариант

1. $y''' + y'' - 5y' + 3y = 0$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 1$, $y''(0) = -14$.

2. $\begin{cases} x' = 2x + y, \\ y' = -6x - 3y. \end{cases}$

3. $y'' - 2y' + 2y = \dfrac{e^{x}}{\sin^2 x}$.

4. Агар эгри чизиқнинг ихтиёрий нуқтасида ўтказилган уринманинг Ox ўқидан ажратган кесмасининг узунлиги уриниш нуқтасининг абсциссасидан икки марта кичик бўлса, шу эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

4-вариант

1. $y''' + y'' = 0$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 1$, $y''(0) = -1$.

2. $\begin{cases} x' = y, \\ y' = x. \end{cases}$

3. $y'' + 2y' + 2y = e^{-x}\operatorname{ctg}x$.

4. Агар эгри чизиқнинг ихтиёрий нуқтасида ўтказилган уринма ва нормалнинг Ox ўқидан ажратган кесмаси $2l$ га тенглиги маълум бўлса, шу эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

5-вариант

1. $y''' - 5y'' + 8y' - 4y = 0$, $y(0) = 1$, $y'(0) = 1$, $y''(0) = 0$.

2. $\begin{cases} x' = -x - 2y, \\ y' = 3x + 4y. \end{cases}$

3. $y'' - 2y' + 2y = \dfrac{e^x}{\sin x}$.

4. Агар эгри чизиқнинг ихтиёрий нуқтасида ўтказилган уринманинг Ox ўқидан ажратган кесмасининг узунлиги уриниш нуқтаси абсциссасининг $\frac{2}{3}$ қисмига тенглиги маълум бўлса, шу эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

6-вариант

1. $y''' + 3y'' + 2y' = 0$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 0$, $y''(0) = 2$.

2. $\begin{cases} x' = -2y, \\ y' = y. \end{cases}$

3. $y'' - 2y' + y = \dfrac{e^x}{x^2}$.

4. Агар эгри чизиқнинг ихтиёрий нуқтасида ўтказилган уринманинг Ox ўқидан ажратган кесмасининг узунлиги уриниш нуқтаси абсциссасининг кубига тенглиги маълум бўлса, $A(2;4)$ нуқтадан ўтувчи шу эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

7-вариант

1. $y''' + 3y'' + 3y' + y = 0$, $y(0) = -1$, $y'(0) = 0$, $y''(0) = 1$.

2. $\begin{cases} x' = 4x + 2y, \\ y' = 4x + 6y. \end{cases}$

3. $y'' + y = \mathrm{tg}x$.

4. Агар эгри чизиқнинг ихтиёрий нуқтасида ўтказилган уринманинг Oy ўқидан ажратган кесмасининг узунлиги уриниш нуқтасининг абсциссасидан уч марта катталиги маълум бўлса, $A(1;5)$ нуқтадан ўтувчи шу эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

8-вариант

1. $y''' - 2y'' + 9y' - 18y = 0$, $y(0) = -2{,}5$, $y'(0) = 0$, $y''(0) = 0$.

2. $\begin{cases} x' = 8x - 3y, \\ y' = 2x + y. \end{cases}$

3. $y'' + 4y = \mathrm{ctg}2x$.

4. $A(1;2)$ нуқтадан ўтувчи ва қуйидаги хоссага эга бўлган эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг: ихтиёрий нуқтаси ординатасининг шу нуқта абсциссасига нисбати изланаётган эгри чизиқнинг шу нуқтасида ўтказилган уринманинг бурчак коэффициентига пропорционал ва пропорционаллик коэффициенти 3 га тенг.

9-вариант

1. $y^{III} + 9y' = 0,\ y(0) = 0,\ y'(0) = 9,\ y''(0) = -18.$

2. $\begin{cases} x' = 3x + y, \\ y' = x + 3y. \end{cases}$

3. $y'' + y = \mathrm{ctg}x$.

4. Агар эгри чизиқнинг ихтиёрий нуқтасида ўтказилган уринманинг уриниш нуқтасидан Ox ўқи билан кесишган нуқтаси орасидаги масофа уриниш нуқтасидан координаталар бошигача бўлган масофага тенглиги маълум бўлса, шу эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

10-вариант

1. $y^{III} - 13y'' + 12y' = 0,\ y(0) = 0,\ y'(0) = 1,\ y''(0) = 133.$

2. $\begin{cases} x' = 2x + 3y, \\ y' = 5x + 4y. \end{cases}$

3. $y'' - 2y' + y = \dfrac{e^x}{x}$.

4. Агар эгри чизиқнинг ихтиёрий нуқтасида ўтказилган уринма, координата ўқлари ва уриниш нуқтасидан абсциссалар ўқига туширилган перпендикуляр билан чегараланган трапециянинг юзи ўзгармас миқдор $3a^2$ га тенглиги маълум бўлса, шу эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

11-вариант

1. $y^{IV} - 5y'' + 4y = 0,\ y(0) = -2,\ y'(0) = 1,\ y''(0) = 2,$
$y^{III}(0) = 0$.

2. $\begin{cases} x' = x + 2y, \\ y' = 3x + 6y. \end{cases}$

4. $M(x;y)$ нуқтасидан ўтказилган нормал Oy ўқидан узунлиги $\frac{y^2}{x}$ га тенг кесма ажратувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

15-вариант

1. $y''' - y'' + 4y' - 4y = 0$, $y(0) = -1$, $y'(0) = 0$, $y''(0) = -6$.

2. $\begin{cases} x' = 3x - 2y, \\ y' = 2x + 8y. \end{cases}$

3. $y'' + 4y = \mathrm{tg}2x$.

4. Агар эгри чизиқнинг ихтиёрий нуқтасидан координата ўқларига параллел (бу ўқлар билан кесишгунга қадар) тўғри чизиқлар ўтказилса, у ҳолда ҳосил бўлган тўғри тўртбурчакларнинг юзи эгри чизиқ билан икки қисмга бўлинади, қайсики бирини юзи иккинчисиникидан икки марта катта бўлиш хоссасига эга бўлган эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

16-вариант

1. $y^{IV} - 2y''' + y'' = 0$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 0$, $y''(0) = 1$, $y'''(0) = 2$.

2. $\begin{cases} x' = x + 4y, \\ y' = 2x + 3y. \end{cases}$

3. $y'' + 4y' + 4y = \frac{e^{-2x}}{x^3}$.

4. $M(x;y)$ нуқтасида ўтказилган нормал Oy ўқини $\frac{y}{x^2}$ га тенг кесмада кесувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

17-вариант

1. $y^{IV} - y = 0$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 0$, $y''(0) = 0$, $y'''(0) = -4$.

2. $\begin{cases} x' = 7x + 3y, \\ y' = x + 5y. \end{cases}$

3. $y'' - 4y' + 4y = \frac{e^{2x}}{x^3}$.

4. Эгри чизиқнинг ҳар бир нуқтасида ўтказилган уринма абсциссаси уриниш нуқтасининг абсциссасини икки

бараварига тенг бўлган нуқтада $y = 1$ тўғри чизиқ билан кесишади. Шу эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

18-вариант

1. $y^{IV} - 16y = 0,\ y(0) = 0,\ y'(0) = 0,\ y''(0) = 0,\ y'''(0) = -8.$

2. $\begin{cases} x' = 4x - y, \\ y' = -x + 4y. \end{cases}$

3. $y'' + 2y' + y = 3e^{-x}\sqrt{x+1}$.

4. Ҳамма уринмалари координаталар бошидан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

19-вариант

1. $y''' + y'' - 4y' - 4 = 0,\ y(0) = 0,\ y'(0) = 0,\ y''(0) = 12.$

2. $\begin{cases} x' = 2x + 8y, \\ y' = x + 4y. \end{cases}$

3. $y'' + y = -\mathrm{ctg}\,2x$.

4. Эгри чизиққа ўтказилган уринмаларнинг Oy ўқи билан уриниш нуқтаси орасидаги кесманинг узунлиги ўзгармас 2 га тенг бўлган ва $A(2;0)$ нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

20-вариант

1. $y''' + 2y'' + 9y' + 18y = 0,\ y(0) = 1,\ y'(0) = -3,\ y''(0) = -9.$

2. $\begin{cases} x' = 5x + 8y, \\ y' = 3x + 3y. \end{cases}$

3. $y'' - y' = e^{2x} - \cos e^{x}$.

4. Агар Oy ўқи, эгри чизиққа ўтказилган ихтиёрий уринма ва уриниш нуқтасининг радиус-вектори билан чегараланган учбурчак тенг ёнли бўлса, шу эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

21-вариант

1. $y^{V} - y^{IV} + 9y''' = 0,\ y(0) = y'(0) = y''(0) = y'''(0) = 0,$ $y^{IV}(0) = 27.$

2. $\begin{cases} x' = -5x + 2y, \\ y' = x - 6y. \end{cases}$

3. $y'' - y' = e^{2x} \sin e^x$.

4. Эгри чизиқнинг бирор нуқтасида ўтказилган нормалнинг ординаталар ўқи ва эгри чизиқ билан кесишиш нуқтаси орасидаги кесмаси шу нуқта билан кординаталар боши орасидаги кесмага тенглиги маълум бўлса, шу эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

22-вариант

1. $y^{III} + 2y'' + y' = 0,\ y(0) = 0,\ y'(0) = 2,\ y''(0) = -3.$

2. $\begin{cases} x' = 6x + 3y, \\ y' = -8x - 5y. \end{cases}$

3. $y'' + y = \mathrm{tg}^2 x$.

4. Агар эгри чизиққа ўтказилган уринманинг координата ўқлари орасидаги кесмасини уриниш нуқтаси тенг иккига бўлиши маълум бўлса, шу эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

23-вариант

1. $y^{III} - y'' - y' + y = 0,\ y(0) = -1,\ y'(0) = 0,\ y''(0) = 1.$

2. $\begin{cases} x' = 3x + y, \\ y' = 8x + y. \end{cases}$

3. $y'' + y = \dfrac{2}{\sin^2 x}$.

4. Агар координаталар бошидан уринмага туширилган перпендикулярнинг узунлиги уриниш нуқтасининг абсциссасига тенг бўлса, шу эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

24-вариант

1. $y^{IV} + 5y'' + 4y = 0,\ y(0) = 1,\ y'(0) = 4,\ y''(0) = -1,$ $y^{III}(0) = -16.$

2. $\begin{cases} x' = x - 5y, \\ y' = -x - 3y. \end{cases}$

3. $y''+2y'+5y=\frac{e^{-x}}{\sin 2x}$.

4. Агар эгри чизиққа ўтказилган уринманинг бурчак коэффициенти уриниш нуқтаси ординатасининг учланганлигига тенглиги маълум бўлса, $A(0;-2)$ нуқтадан ўтувчи шу эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

25-вариант

1. $y^{IV}+10y''+9y'=0$, $y(0)=1$, $y'(0)=3$, $y''(0)=-9$, $y'''(0)=-27$.

2. $\begin{cases} x'=4x-8y, \\ y'=-8x+4y. \end{cases}$

3. $y''+9y=\frac{1}{\cos 3x}$.

4. Агар эгри чизиқнинг ихтиёрий нуқтасида ўтказилган уринма, уриниш нуқтасидан абсциссалар ўқига туширилган перпендикуляр ва Ox ўқи билан чегараланган учбурчакнинг юзи ўзгармас миқдор b^2 га тенглиги маълум бўлса, шу эгри чизиқнинг тенгламасини ёзинг.

VIII боб

1-§. Олий математика татбиқига дори масалалар

1. Функция ҳақида тушунча. Энг содда функцияларни текшириш

1.1. Радиуси R ва маркази координаталар бошида бўлган айлана бўйича моддий нуқта v тезлик билан соат стрелкаси йўналишга қарама-қарши йўналишда текис ҳаракатланмокда. Бошланғич пайтда бу нуқтанинг абсциссаси a ($|a|\leq R$) га тенг, ординатаси эса мусбат. Бу нуқта абсциссасининг тебраниш тенгламасини тузинг. Бошланғич вақт қандай бўлганида бу абсциссанинг модули энг катта бўлади?

Ечиш. Маълумки, нуқта ҳаракатининг тезлиги қуйидаги формула билан топилади:

$$\omega=\frac{v}{R},$$



71-чизма.

бунда ω — a нуқтанинг бурчак тезлиги, v — унинг илгариланма ҳаракат тезлиги.

Масала шарти ва 71-чизмага кўра:

$$\varphi = \varphi_0 + \omega t = \arccos\frac{a}{R} + \frac{v}{R}t\,.$$

Энди қуйидагиларни топамиз:

а) M нуқтанинг абсциссаси t нинг функцияси ($x(t)$) бўлиб, унинг тебраниш тенгламаси:

$$x(t) = R\cos\varphi(t) = R\cos\left(\frac{v}{R}t + \arccos\frac{a}{R}\right) =$$

$$= R\left[\frac{a}{R}\cos\frac{v}{R}t - \sqrt{1-\frac{a^2}{R^2}}\sin\frac{v}{R}t\right] = a\cos\frac{v}{R}t - \sqrt{R^2-a^2}\sin\frac{v}{R}t\,.$$

б) $\max|x(t)| = R$ шартдан $\varphi(t) = \pi$, яъни $\arccos\frac{a}{R} + \frac{v}{R}t = \pi$ келиб чиқади; бу ердан изланаётган вақт t ни топамиз:

$$t_{\max} = \frac{\pi - \arccos\frac{a}{R}}{\frac{v}{R}} = \frac{R}{v}\arccos\left(-\frac{a}{R}\right).$$

1.2. Кривошип-шатун механизми схемасини қараймиз (72-чизма). Маховикнинг радиуси R, шатун узунлиги a га тенг. Маховик секундига n марта айланиб, соат стрелкаси йўналиши бўйича бир текис ҳаракат қилади (айланади). Шатун ва кривошип $t = 0$ да бир тўғри чизиқни ҳосил қилади (чап “тинч» ҳолатда), A нуқта (крейцкопф ёки ползун) O нуқта (координаталар боши)да бўлади. A нуқта (крей-



72-чизма.

цкопф) x кўчишининг t вақтга боғлиқлигини текширинг. $x(t)$ функциянинг максимуми тўғрисида нима дейиш мумкин? Минимуми тўғрисида-чи? Натижаларни чизмадан яққол кўриниб турадиган хулосалар билан таққосланг.

Ечиш. $x = x_1 + x_2$; $\varphi = \omega \cdot t = 2\pi nt$;

$$x_1 = R - R\cos\varphi = R(1 - \cos 2\pi nt)\ ;$$

$$x_2 = a - a\cos\psi = a - a\sqrt{1 - \sin^2\psi} = a - a\sqrt{1 - \left(\frac{R\sin\varphi}{a}\right)^2}\ ;$$

$$x(t) = R(1 - \cos 2\pi nt) + a - \sqrt{a^2 - R^2\sin^2 2\pi nt}\ .$$

$x(t)$ функция ифодасидаги биринчи ва иккинчи қўшилувчилар бир хил нуқталарда $t_{\max} = \frac{1}{2n}$ максимумга эришадилар;

$x(t_{\max}) = R(1+1) + a - \sqrt{a^2 - O} = 2R$ да эса a нуқта "тинч" ҳолатда бўлади. Ҳудди шундай хулосани $x(t)$ функциянинг минимуми учун ҳам чиқариш мумкин.

1.3. I ток қаршиликлари r_1 ва r_2 бўлган иккита тармоққа қандай тақсимланганда вақт бирлигида ўтказгичнинг қизишига сарф бўлган энергия миқдори ($Q = I^2R$)энг кичик бўлади? Токнинг аслида тақсимланиши билан таққосланг (73-чизма).

Ечиш. r_1 қаршиликдан ўтувчи ток i бўлсин, у ҳолда r_2 дан ўтадиган ток $I-i$ га тенг бўлади. Энергиянинг қизишга сарф бўлган умумий йўқотилиши $Q = i^2r_1 + (I-i)^2r_2$ га тенг.

$Q(i)$ функциянинг максимумини топиш масаласини ечамиз:

$$Q = i^2r_1 + (I-i)^2r_2 \to \min,\ \ i \in (-\infty; +\infty)\ ,$$

$$Q = (r_1 + r_2)i^2 - 2Ir_2i + I^2r_2 = (r_1 + r_2)\left(i^2 - \frac{2Ir_2}{r_1+r_2} + \frac{I^2r_2}{r_1+r_2}\right) =$$



73-чизма.

$$= (r_1 + r_2)\left[\left(i - \frac{Ir_2}{r_1+r_2}\right)^2 - \frac{I^2r_2^2}{(r_1+r_2)^2} + \frac{I^2r_2}{r_1+r_2}\right] =$$

$$= (r_1 + r_2)\left(i - \frac{Ir_2}{r_1+r_2}\right)^2 + \frac{r_1r_2I^2}{r_1+r_2} \to \min.$$

Булардан

$$\left.\begin{aligned} i_1 &= i = \frac{Ir_2}{r_1+r_2}, \\ i_2 &= I - i = \frac{Ir_1}{r_1+r_2} \end{aligned}\right|$$

тенгликка эга бўламиз, яъни $\frac{i_1}{i_2} = \frac{r_2}{r_1}$ — токлар тармоқлар қаршиликларига тескари пропорционал тақсимлангандир.

Токларнинг аслида тақсимланиши эса қуйидагичадир:

$$U = IR,\ \frac{1}{R} = \frac{1}{r_1} + \frac{1}{r_2},\ \text{яъни}\ U = I\,\frac{r_1r_2}{r_1+r_2},$$

бундан эса юқоридаги натижани ҳосил қиламиз:

$$\left.\begin{aligned} i_1 &= \frac{U}{R_1} = \frac{Ir_2}{r_1+r_2}, \\ i_2 &= \frac{U}{R_2} = \frac{Ir_1}{r_1+r_2}. \end{aligned}\right|$$

1.4. Занжирдаги ток бир хил частотали иккита ўзгарувчан ток генераторидан ҳосил қилинади. Улардаги ток миқдорлари $i_1 = A_1\sin(\omega t + \varphi_1)$ ва $i_2 = A_2\sin(\omega t + \varphi_2)$ формулалар билан аниқланади. Бу токлар йиғиндисини топинг.

Мос ҳолда A_1 ва A_2 узунликларга эга бўлган $\bar{A}_1$ ва $\bar{A}_2$ векторларни горизонтал ўққа φ_1 ва φ_2 бурчаклар остида ўтадиган қилиб ясасак, $\bar{A}_1$ ва $\bar{A}_2$ векторларни қўшиб, A узунликдаги ва ўққа φ бурчак остида огган $\bar{A}$ векторни ҳосил қилишимизни кўрсатинг (74-чизма); бунда A ва φ лар

$$A_1\sin(\omega t + \varphi_1) + A_2\sin(\omega t + \varphi_2) = A\sin(\omega t + \varphi)$$

йигиндининг мос ҳолда амплитудаси ва бошланғич фазаси.

Е ч и ш . $\omega t + \varphi_1 = \gamma$ деб белгилаймиз, у ҳолда $\omega t + \varphi_2 = = \gamma - \varphi_1 + \varphi_2 = \varphi_2 - \varphi_1 + \gamma = \alpha + \gamma$, бу ерда $\alpha = \varphi_2 - \varphi_1$ (74-чизмага қаранг).

Қуйидаги тенгликни ҳосил қиламиз:

$$A_1 \sin(\omega t + \varphi_1) + A_2 \sin(\omega t + \varphi_2) = A_1 \sin\gamma + A_2 \sin(\alpha + \gamma) =$$
$$= A_1 \sin\gamma + A_2 \sin\alpha \cos\gamma + A_2 \cos\alpha \sin\gamma =$$
$$= (A_1 + A_2 \cos\alpha) \sin\gamma + A_2 \sin\alpha \cos\gamma.$$

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$A_1 + A_2 \cos\alpha = B, \ \ A_2 \sin\alpha = C .$$

Натижада:

$$B^2 + C^2 = A_1^{\ 2} + 2A_1A_2 \cos\alpha + A_2^{\ 2} \cos^2\alpha + A_2^{\ 2} \sin\alpha =$$
$$= A_1^{\ 2} + A_2^{\ 2} + 2A_1A_2 \cos\alpha = A_1^{\ 2} + A_2^{\ 2} - 2A_1A_2 \cos\beta = A^2.$$

74-чизмага кўра:

$$\frac{A_1 + A_2 \cos\alpha}{A} = \cos\delta, \ \ \frac{A_2 \sin\alpha}{A} = \sin\delta.$$

У ҳолда

$$A_1 \sin(\omega t + \varphi_1) + A_2 \sin(\omega t + \varphi_2) = A(\cos\delta \sin\gamma + \sin\delta \cos\gamma) =$$
$$= A \sin(\gamma + \delta) = A \sin(\omega t + \varphi_1 + \varphi - \varphi_1) = A \sin(\omega t + \varphi) .$$

Векторларнинг хоссалари ва уларнинг проекцияларидан фойдаланиб, бу натижани осонроқ йўл билан ҳосил қилишимиз ҳам мумкин эди.

1.5. Параллел уланган иккита ўзгарувчан ток генератори

$$i_1 = A \sin\left(\frac{2\pi}{T} t + \varphi_1\right), \ \ i_2 = A \sin\left(\frac{2\pi}{T} t + \varphi_2\right)$$



74-чизма.

токлар беради. Шу токларнинг умумий йиғиндисини топинг. Йиғинди токнинг 0 га тенг бўлиши ва энг катта қийматга (абсолют қиймати бўйича) эга бўлиш вақтларини топинг (1.4-масалага қаранг).

Ечиш. Масала шартига кўра $A_1 = A_2 = A$ бўлгани учун $\varphi = \frac{\varphi_1+\varphi_2}{2}$. Йиғинди ток I ни $I = A\sin\left(\frac{2\pi}{T}t + \frac{\varphi_1+\varphi_2}{2}\right)$ деб ёзиш мумкин.

Бу ерда

$$A = \sqrt{2A^2 + 2A^2\cos(\varphi_2 - \varphi_1)} = \sqrt{2}A\sqrt{1 - \cos(\varphi_2 - \varphi_1)}\ .$$

1) Йиғинди ток қуйидаги ҳолларда 0 га тенг бўлади:

$$\frac{2\pi}{T}t + \frac{\varphi_1+\varphi_2}{2} = k\pi\text{, яъни } t = \frac{T}{2\pi}\left(k\pi - \frac{\varphi_1+\varphi_2}{2}\right),$$

$$t = \frac{T}{2}\left(k - \frac{\varphi_1+\varphi_2}{2\pi}\right),\ k \in Z\ .$$

2) Йиғинди ток қуйидаги ҳолда модули бўйича энг катта бўлади:

$$\frac{2\pi}{T}t + \frac{\varphi_1+\varphi_2}{2} = \pi k + \frac{\pi}{2}\text{, яъни } t = \frac{T}{2\pi}\left(k\pi + \frac{\pi}{2} - \frac{\varphi_1+\varphi_2}{2}\right),$$

$$t = \frac{T}{2}\left(k + \frac{1}{2} - \frac{\varphi_1+\varphi_2}{2\pi}\right),\ k \in Z\ .$$

1.6. $y_1 = 4,0\sin(t + 0,64)$ ва $y_2 = 3,0\sin(t - 0,71)$ тўлқинларнинг интерференциясини тавсифланг, яъни йиғинди тебранишларнинг амплитудаси ва бошланғич фазасини топинг (1.4-масалага қаранг).

Ечиш. Амплитуда:

$$A = \sqrt{A_1^{\ 2} + A_2^{\ 2} + 2A_1A_2\cos(\varphi_2 - \varphi_1)} =$$

$$= \sqrt{16 + 9 + 2\cdot 4\cdot 3\cos(0,71 + 0,64)} =$$

$$\sqrt{25 + 24\cos(1,35)} \approx 5,5\ .$$

Бошланғич фаза: $\varphi = \delta + \varphi_1$,

$$\sin\varphi = \sin\delta\cos\varphi_1 + \sin\varphi_1\cos\delta =$$

$$= \frac{1}{A}\left[A_2\sin(\varphi_2 - \varphi_1)\cos\varphi_1 + \sin\varphi_1(A_1 + A_2\cos(\varphi_2 - \varphi_1))\right] =$$

$$= \frac{1}{A}\left[A_1 \sin\varphi_1 + A_2 \sin\varphi_2\right];$$

$$\sin\varphi = \frac{1}{5,5}\left[3\sin(-0,71) + 4\sin 0,64\right] = 0,062;$$

бу ердан $\varphi = 0,06$.

2. Функциялар графигини чизиш

2.1. Импульслар генератори пайдо қиладиган қуйидаги кучланиш осциллограммаларини формула орқали ёзинг (75-чизмага қаранг)

Жавоблар:

а) $u(t) = \frac{A}{h}(t - \tau),\ \tau \le t \le \tau + h$, даври $T = h$;

б) $u(t) = \begin{cases} A, & \tau \le t \le \tau + h, \\ O, & \tau + h \le t \le \tau + 2h, \end{cases} \quad T = 2h$;

в) $u(t) = \frac{A-a}{h}|t - \tau| - a,\ \tau - h \le t \le \tau + h\ \ T = 2h$;

г) $u(t) = \frac{a+b}{2} + \frac{b-a}{2}\sin\frac{2\pi}{T}(x + c)$;

д) $u(t) = \begin{cases} a(1 - e^{-\nu(t-t_0)}), \text{ бу ерда } \nu = \dfrac{\ln\left(1-\frac{\gamma}{a}\right)}{\tau - t_0}, & t \ge t_0,; \\ O, & t \le t_0. \end{cases}$

2.2. Стержен узунлигига σ (бирор бирлик юзга таъсир этувчи куч) куч таъсир этса, у чўзилади ва бу чўзилиш узунлиги Гук қонуни бўйича аниқланади:

$l = l_0\left(1 + \frac{\sigma}{E}\right)$, бу ерда E — Юнг модули.

l ни σ нинг функцияси деб бу функциянинг графигини ясанг. Аргументнинг қандай қийматларида $l = l(\sigma)$ тўғри чизиқ узунликнинг кучланишига бевосита боғлиқлигини акс эттиради?

Жавоб. $0 \le \sigma \le \sigma_{max}$, бу ерда $\sigma = \sigma_{max}$ бўлганда стерженнинг пластик деформацияси (узилиши) бошланади.



75-чизма.

2.3—2.7 масалаларни ечишда қуйидагилар талаб қилинади:

а) текширилаётган катталик (миқдор) нинг ўлчамини текшириш;

б) аргументнинг қандай қийматларида берилган функция аниқ физик боғланишни акс эттиришини кўрсатиш;

в) функциянинг графигини ясаш;

г) графикдан фойдаланиб берилган боғланишни текшириш; қўйилган саволларга жавоб бериш.

2.3. Актив (омик) қаршиликсиз тебраниш контуридаги электр тебранишлари В.Томсон формуласи билан берилади: $T = 2\pi\sqrt{LC}$, бу ерда L — индуктивлик, C — сиғим. T ни C нинг функцияси деб графигини ясанг.

2.4. Иккита параллел актив (омик) қаршиликлардан иборат занжир бўлагининг қаршилиги $R = \frac{r_1 r_2}{r_1 + r_2}$ га тенг. R ни r_2 нинг функцияси деб (яъни r_1 ни ўзгармас деб ҳисоблаб) графигини ясанг. Бу графикнинг горизонтал асимптотаси борлигини физик нуқтаи назардан талқин этинг.

Жавоб. r_2 чексиз ортганда R қаршилик r_1 га яқинлашади, буни r_2 қаршиликдан иборат занжир бўлагининг узилиши каби талқин этиш мумкин.

2.5. Ер сиртидан h баландликдаги массаси m га тенг жисмнинг Ерга тортилиш кучи (яъни жисмнинг оғирлиги) Ньютон қонуни бўйича, шунингдек, массалари M ва m бўлган сферик-симметрик жисмлар, бу жисмлар марказларига жойлашган M ва m нуқтавий массалар каби тортишади, деган теоремага кўра $P = f\frac{Mm}{(R+h)^2}$ га тенг.

Бу ерда M ва R мос ҳолда Ернинг массаси ва радиуси, $f = 6,67 \cdot 10^{-11}\,\text{Н}\,\frac{\text{м}^2}{\text{кг}^2}$ — гравитацион доимий. P ни h нинг функцияси деб графигини ясанг.

2.6. 1 моль (1 грамм молекула) газнинг изотермик жараёнда бажарган иши $A = RT\ln\frac{v_2}{v_1}$ га тенг, бу ерда v_1 — газнинг бошланғич ва v_2 — охирги (натижавий) ҳажмлари.

T — температура (Кельвин бўйича);

R — универсал газ доимийси (R = 2 кал/град моль).

A ни ϑ нинг функцияси деб графигини ясанг.

2.7 Ҳаво босими P нинг баландлик h га боғлиқ ҳолда ўзгариши

$$P = P_0 e^{-\frac{\gamma_0 h}{kT}}$$

барометрик формула билан ифодаланади, бу ерда P_0 ва γ_0 лар $h = 0$ баландликдаги мос ҳолда босим ва солиштирма оғирлик.

T — температура (Кельвин бўйича);

k — Больцман доимийси (k = $1,4 \cdot 10^{-16}$ эрг/град);

T = const бўлганда p ни h нинг функцияси деб графигини ясанг.

Бу функция монотонлигининг физикавий талқини қандай?

T = const шартнинг физикавий талқини қандай?

2.8. $I = I_0 \sin(\omega t + \varphi)$ синусоидал ток:

а) битта ярим даврли $I = \max(0, I_0 \sin(\omega t + \varphi))$ тўғриланишда;

б) иккита ярим даврли $I = |I_0 \sin(\omega t + \varphi)|$ тўғриланишда ўзгарадиган токнинг графигини ясанг.

Бу ҳолларда ўзгарувчан токнинг энг кичик даври қандай?

2.9. Қаршиликка етиб келадиган синусоидал токнинг қуввати ("оний қувват" деб ҳам аталади)

$$W = U_0 I_0 \sin^2(\omega t + \varphi)$$

га тенг. W ни t нинг функцияси деб графигини ясанг. Қувватнинг чўққилари такрорланиш частотаси f қандай?

Жавоб: $f = \frac{\omega}{\pi}$.

2.10. R қаршилик, L индуктивлик ва ЭЮК манбаи кетма-кет уланган занжир туташтирилганда (бошланғич ток йўқ: $I(t_0) = 0$) қуйидаги ток вужудга келади:

$$I = \frac{E}{R}\left[1 - e^{-\frac{R}{L}(t - t_0)}\right], \quad t \ge t_0 .$$

I ни t нинг функцияси деб графигини ясанг. Бу ҳолда горизонтал асимптотанинг мавжудлигига қандай физикавий талқин бериш мумкин? R қаршилик катталиги ўзгарганда график кўриниши қандай ўзгаради? L ўзгарганда-чи? E ўзгарганда-чи?

Жавоб. Асимптотанинг мавжудлиги вақт ортиши билан ток ўзининг барқарорлашган $I_\infty = \frac{E}{R}$ қийматига яқинлаша бориб, деярли доимий (ўзгармас) бўлиб қолиши билан талқин қилинади. Занжирнинг I_∞ эса актив (омик) қаршилигидан аниқланади

2.11. f частотали бирор асбобнинг кўрсатишлари x ва $x + h$ оралиқларида ётади. Кичик h ларда бу частота қуйидагиларга тенг бўлади:

а) $f = \frac{1}{\sigma\sqrt{2\pi}} e^{-\frac{(x-m)^2}{2\sigma^2}} \cdot h$ Гausснинг нормал қонуни (параметрлари m, σ бўлган);

б) $f = \frac{h}{\pi\left[1+(x-m)^2\right]}$ (Коши қонуни).

f ни x нинг функцияси деб графигини ясанг. Бу ҳолларда асбобларнинг энг тез-тез учрайдиган кўрсатишлари қандай? m параметрнинг қийматлари ўзгарганда графикларнинг кўриниши қандай ўзгаради?

2.12. Сўнувчи $I(t) = I_0 e^{-kt}\cos(\omega t + \varphi)$ (ω — частота, φ — бошланғич фаза, k — сўниш декременти) токнинг графигини ясанг. Токнинг сўнишини $|I(t)| \le 0,05 I_0$ ҳолда амалий жиҳатдан рўй берган деб, $k = 1$, $\omega = 2, \varphi = \frac{\pi}{4}$ ҳол учун T нинг қайси қийматидан бошлаб тақрибан сўниш рўй беришини баҳоланг.

Ечиш. $e^{-T} \le 0,05$ дан: $T \ge \ln 20 \approx 3$. Амалий жиҳатдан $T = 3$ деб олиш мумкин.

2.13. Актив қаршилик бўлмаган занжир манбадан қабул қилгичга бериладиган қувват максимуми (вақт бўйича)

$$W = \frac{E^2}{2z_0[1+\cos(\varphi-\varphi_0)]}$$

ифода билан аниқланади, бу ерда $E, z_0, \varphi, \varphi_0$ — занжирнинг турли характеристикалари (E — ЭЮК; z_0 — бу ҳолда манба қаршилиги; φ ва φ_0 — мос ҳолда манба ва нагрузка қаршиликларининг аргументлари).

W ни φ нинг функцияси деб графигини ясанг.

Нагрузка ва манба қаршиликлари аргументлари тенг бўлганда бериладиган қувват максимуми энг кичик бўлишини кўрсатинг. Бу аргументлар орасида қандай муносабат бўлганда бу максимум энг катта бўлади?

Бу натижалар қандай талқин этилади?

Кўрсатма. $W(\varphi_{\max}) = W_{\max} = \infty$, бу ерда $\varphi_{\max} - \varphi_0 = \pi$. Ҳар иккала хулоса ($W_{\min}$ ва $W_{\max}$ га нисбатан) актив (омик) қаршилик йўқ деган фараз орқали тушунтирилади. Масалан, бу ҳолда (манба ва нагрузка қаршиликларининг аргументлари тенглигини ҳисобга олиб) бўлганда (қаршиликлар қарама-қарши фазада бўлганда) занжирнинг умумий қаршилиги 0 га тенг бўлади, берилаётган қувват чексиз бўлади.

2.14. Бирор (Ван-дер-Поль системасида) механик система тебранишларининг амплитудаси ўзгариш қонуни қуйидагича ифодаланади:

$$\rho = \frac{2}{\sqrt{1+Ce^{-\mu t}}},$$

бу ерда C — бошланғич шартларга боғлиқ бўлган ўзгармас; μ — система параметри. ρ ни t нинг функцияси деб графигини ясанг.

2.15. Стержен ўқи билан φ бурчак ташкил этувчи ва r масофада стержен йўналишдаги магнит майдонининг кучланганлиги $H = \frac{ml}{\mu r^3}\sqrt{1+3\cos^2\varphi}$ га тенг, бу ерда

m — магнит массаси;

l — стерженнинг узунлиги ($l< r$);

μ — муҳитнинг магнит сингдирувчанлиги.

H ни φ нинг $\left(-\frac{\pi}{2} \le \varphi \le \frac{\pi}{2}\right)$ функцияси деб графигини ясанг.

2.16. Адиабатик жараёнда газнинг p босими ва T температураси орасидаги боғланиш $\rho T^{\frac{\chi}{1-\chi}} = C(=\text{const})$ тенглик билан берилади, бу ерда $\chi > 1$ — адиабата кўрсаткичи.

ρ ни T нинг функцияси деб графигини ясанг. $\chi > 1$ нинг турли қийматларига мос келувчи графиклар ўзаро қандай жойлашган?

2.17. Ўзгарувчан ток занжиридаги ток ва кучланиш орасидаги фаза сурилиши қуйидаги тенглик билан аниқланади:

$$\mathrm{tg}\varphi = \frac{\omega L - \frac{1}{\omega C}}{R},$$

бу ерда R — занжирнинг актив (омик) қаршилиги; L — индуктивлик; C — сиғим, ω — бурчак частотаси.

φ ни:

а) L нинг функцияси деб;

в) C нинг функцияси деб;

с) ω нинг функцияси деб графигини ясанг.

Учала функциянинг монотонлигини изоҳлаб беринг.

2.18. Синус-кучланиш ўзгартиргичининг (киришдаги кучланиш u бўлганда чиқишда $V = \sin u$ кучланиш ҳосил қилади) киришига 2π даврга эга бўлган даврий кучланиш



76-чизма.

берилган. Бу кучланиш $-\pi \leq t \leq \pi$ да $u(t) = t^2$ га тенг. V ни t нинг функцияси деб графигини ясанг.

2.19. Косинус-кучланиш ўзгартиргичининг ($V = \cos u$) киришига $u = 0{,}5\sin(2t + 1)$ кучланиш берилган. Чиқиш кучланиши $V = V(t)$ нинг графигини ясанг.

2.20. Ўзгартиргич-квадратор ($V = 2u^2$) киришига $u = 2(1 - e^{-t})$ кучланиш берилган. $V(t)$ нинг графигини ясанг.

2.21. Агар $F(u)$ ва $f(t)$ функциялар 76-чизмадаги график-лар билан берилган бўлса, у ҳолда кучланиш ўзгартир-гичнинг ($V = F(u)$) киришига $u = f(t)$ кучланиш берилган-да унинг чиқишдаги кучланиш графигини ясанг.

3. Лимитлар

3.1. 77-чизмадаги учта чизма тасвирланган занжир (r_1, r_2 ва ҳ.к. қаршиликлардан тузилган занжир) нинг умумий қаршилиги R ни топинг.

R нинг қиймати:

а) r_2 қаршилик чексиз кичиклашганда;

б) r_2 қаршилик чексиз катталашганда нимага интили-шини топинг.

